496

ЛИСТОН

№ 2
1967

ЭНБ №6



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

R 496

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети журнали

ГУЛИСТОН

2-6 неш 3

№ 2 — 6 февраль 1967

Эк. № 6

ФЕЛЬЕТОН ● ТУЙҲАТ ● ДОСТОН ● ТУРКУМ ● ЁДНОМА ● ҲИКОЯ ● ГУРУНГ ● МУСОҲАБА ● ЛАВҲА ● РЕПОРТАЖ ● ОЧЕРК ● БОШМАҚОЛА

УШБУ СОН МАЗМУНИ

ОКТЯБРЬ СОЛНОМАСИ

ИНҚИЛОБ ҚЎРХОНАСИДА

ЕТАКЛАНГАН СУВ

СОЯ ВА НУР

1967 ЙИЛ ДАСТУРХОНИ

ОНА ТАБИАТ

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

ШЕЪРИЯТ ШАЙДОЛАРИГА

МАШҲУРА „МАНАС"ДАН

ОКОПДА ЁЗИЛГАН

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

НАВОИЙ ҒАЗАЛИ

СИЁСИЙ ХОТИНБОЗ

НАЖОТ БОРМИ?

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

ШУАРО — Туроб Тўла, Толиб Йўлдош, Саида Зуннунова, Жуманиёз Жабборов, Сайёр

МАВЛОНО — Ҳамид Сулаймон, Собир Абдулла, Қуддус Муҳаммадий, М. Тўйчиев

АДИБ — Иброҳим Раҳим, Азиз Несин, Адҳам Ҳамдам, Алихон Соғуний, Фарҳод Мусажонов.

ҚАЛАМКАШ — Абдулла Мирзаев, Жўрабой Холқосимов, Турғун Пўлат, Саъдулла Норматов

ЗАРВАРАҚЛАРДА

1 бет — Ватан қалқонлари

2 бет — Мавлоно Навоий

1—2 зарварақлардаги расмлар махсус мухбиримиз Геннадий ГРАФКИННИКИ

«Гулистон»нинг бу сонини қисман рассом К. ВОРОБЬЕВ безаган.

КЕЛАСИ СОН

мазмуни

ТУРКУМ — муҳаббат мушоираси

ЭРТАК — бақа билан тақа

ҲИКОЯ — маршалнинг онаси

ДЕВОН — саида ва эркин

ЁЗИШМА — нью-йоркдаги фожиа

ТОПИЛДИҚ — ошпаз одоевский

ТАҚРИЗ — оҳ, қора кўзлар

МУЛОҲАЗА — қиттак савдогар қони

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти босмахонаси

ОКТЯБРЬ СОЛНОМАСИНИ ЯРАТАМИЗ



Буюк сана яқинлашяпти. Тағин уч фасл янгиланса, донгдор Октябрнинг эллик ёшлигини, инсоният тарихида шонли даврни — социализм ва коммунизм тантанаси даврини бошлаб берган оламшумул революциянинг ярим асрлигини самимий қутлаймиз, босиб ўтилган оғир, аммо ёруғ йўлга мамнун назар ташлаймиз, узоқ сафар ва зафарларимизни пухта сарҳисоб қиламиз.

50 йил ҳажман кўп эмас, кишилик тарихи олдида бир уруқ, холос. Лекин у мазмун-эътибори билан ҳамма тарихлардан бой, мукаммал ва азиздир. Эллик йилимиз инсоният тарихининг зарварағи бўлиб, халқларнинг йўлчи юлдузидир. У — халқ оммаси ижодининг қуримас чашмаси, асрлар оша мавж ураверади.

Ана шу қаҳрамон тарихнинг ҳар бир қадами, ҳар бир нафаси, ҳар бир шижоати келгуси асрлар ва насллар учун ардоқлаб сақланмоғи, октябрчиларнинг эсдаликлари, фикрлари, қўшиқлари, шиорлари қоғозларга битилиб қолмоғи лозим. Ахир, 50 йил ичида кўрган-кечирганларимиз озми! РСДРПнинг Тошкент группаси, РСДРП Туркистон ташкилотларининг биринчи конференциясидан тортиб Ўзбекистон партия ташкилоти, Ўзбекистон Коммунистлар партиясининг XVII съездигача, 1906 йили халқни Тошкент шаҳар думасини бойқот қилишга чақирган биринчи исёнкорларимиз Маҳдихўжа Хорунхўжаев билан Султонхўжа Иноғомхўжаев, партиянинг IV бирлаштирувчи съездига Туркистон социал-демократлари номидан биринчи дафъа вакил бўлиб бориб, съездда ўзининг иккинчи марта сўзлаш навбатини В. И. Ленинга берган ва съезд большевиклари мурожаати тагига биринчи бўлиб имзо чеккан М. В. Морозовдан тортиб ҳозирги мўйсафид коммунистларимизгача — бутун бир тарих-ку бу! Уларнинг тарихлари ва тақдирлари ҳаммамиз учун ўрнакли сабоқдир.

Рост, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти, илмий муассасаларимиз, архивларимиз Туркистондаги Октябрь тарихини тўплашда хайрли иш қилмоқда. Ўша оловли йиллар кураш майдонларида жавлон урган дастлабки инқилобчиларимиз, дастлабки фирқа аъзолари оғзидан анча хотиралар ёзиб олинган. Аммо булар ҳали дарёдан бир томчи. Хийла тарихимиз одамлар юрагида қўмилиб кетган. Кўпи кекса авлод қалбида, уларнинг шахсий архивида.

Тўғриси, ҳали ҳам кеч эмас. Шонли тарихимизнинг қолганларини ҳам, халқ оғзида юрганларини ҳам, сандиқларга боғлаб ташланганларини ҳам, у ер-бу ерда чанг босиб ётганларини ҳам саранжом қилмоқ, яъни халқнинг тарихини халқнинг ўзига қайтармоқ зарур.

Мақсадга кўчсак, қўлингиздаги «Гулистон» Октябрь ҳужжатларини, ёдномаларини, суратларини, эски нашрлардан кўчирмаларни ўз саҳифаларида бажонидил чоп этиш ниятидадир. Журналимизни «социалистик революциянинг энг қийин вазифалари» (В. И. Ленин)—ташкилотчилик вазифаларини ўтаган одамларимиз фаолияти ғоят қизиқтиради. Қийин кураш йилларида омма ичига кирган арбобларимиз, биринчи совет заводларини юргизган мастеровойларимиз, колхоз-совхоз қурилиши оғирлигини елкасида кўтарган раисларимиз ва директорларимиз, биринчи эгатларни очган тракторчиларимиз, биринчи беш йиллик яловбардорлари — зарбдорларимиз, симёғоч ва хонадонларда биринчи Ильич чироғларини ёққан нурчиларимиз, халқ ёқтирган биринчи маърифатчиларимиз тарихи ва тақдири ҳамон ҳаяжонланиб ўқилади.

Улуғ Октябрь тарихи ҳеч қачон эскирмасдир. Унинг саҳифалари асло сарғаймасдир.

Келинглар, гулистонхонлар, азиз тарихчилар, ҳормас тадқиқотчилар, инқилоб иштирокчилари, Октябрь солномасини кўплашиб яратайлик, Октябрни ҳаяжонли эсдаликларда, оташин шеърларда, ҳаққоний очеркларда, публицистик асарларда, тарихий ҳикоя ва замонавий қиссаларда мағрур куйлайлик!


Хабарларингизни кутамиз.

Салом билан

«ГУЛИСТОН»

Халқимизнинг йўли улуғ йўлдир. Унинг шижоати улуғдир. У келажак авлодлар учун, озодлик йўлини танлаб олганларнинг ҳаммаси учун абадий ўрнак бўлиб қолажак.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қароридан.



ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ *Рассом В. Слабунов чизган.*

ОТАШ КУРАКДАН ОЛТИН ЮЛДУЗГА

Судраб келтирилган пўлат суворий бу ердан ўз оёғи билан юриб чиқади.

Ажабланманг, бу таъбир ғалат эмас. Корхона аҳлининг қўли енгил — дард билан кирган паровознинг қусурини томир-томиридан чиқариб ташлаш ҳеч гапмас...

Бир маҳаллар мўъжазгина, пастқамгина устахона эди. Лекин кўринишда шунақа-ю, аслида Туркистон инқилобчиларини тобловчи мастеровойлар тер тўкишарди бунда! Илк бор қизил байроқни Тошкент кўчаларига ҳилпиратиб чиққанлар, «Йўқолсин самодержавие!» деб ҳайқирганлар шулар эди. У маҳалларда Тошкент вокзалининг шундоққина биқинидаги темир йўл устахонасида асосан қўли қадақ рус ишчилари меҳнат қилардилар. Ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар кам эди. Улар асосан қора ишчи саналарди.

ТОШКЕНТ ПРОЛЕТАРЛАРИ ҚЎРХОНАСИДАН ЛАВҲА

Рус йўқсуллари сабот-матонат билан маҳаллий ишчиларга сабоқ берарди, ҳунар ўргатарди.

Мана, ўша «мўъжазгина, пастқамгина устахона» қўрғонидаман. Қўрғонни айланиб юриб, ўзингизни росмана бир шаҳарчага келиб қолгандай ҳис қиласиз. У бошидан бу бошига пиёда етиш қийин. Сердарахт асфальт йўллардан ўтганингизда ўнгу сўлингизда гуп-гуп ишлаётган корхона-ю, ресторанга қиёс қилгулик ошхонага, ишчиларнинг юз-юз боласини бағрига олган боғча-яслилар-у, тунги санаторийга, рентгендан тортиб, изотопларгача қуроллланган тиббий муассаса-ю, корхона тарихи музейига... қўйингки, яхшигина шаҳарча ҳуснига, бойлиги-ю кўркига нима муносиб бўлса, шуларнинг ҳаммасига дуч келасиз бу ерда...

Одамлар-чи?!

Ҳа, балли! «Мўъжазгина, пастқамгина устахона»да оташкурак ушлаб, дастгоҳлар атрофидаги чиқитни темир ғалтак аравага солиб, устахонанинг бир бурчагига элтиб тўккан ва шунга яраша ҳақ олган қора ишчилар бугун ким деб ўйлайсиз? Корхона директори, касаба союз раҳбари, цех бошлиғи, инженер!

Бугун бунга ҳеч ким ажабланмайди. Бу нарса ҳаётимиз қонуни бўлиб қолган. Акс ҳолда, неча ўн йиллар муқаддам заводга «қора ишчи» бўлиб кирган, мана энди корхонадагина эмас, бутун ўлкамизда номдор Абдушукур Қодировнинг ҳаёт йўлини эшитган одамлар ҳайрон қолишлари муқаррар эди. У мен айтганча директор ҳам, цех бошлиғи ҳам эмас. Оддий токарь. Инқилобчи оталар изидан бораётган, ўз бахтини меҳнатдан топаётган киши. Абдушукур Қодиров меҳнатни тирикчилик манбаи деб билмайди энди, меҳнат унинг назарида, ижод булоғи. Шунинг учун ҳам у дастгоҳни ўз ҳукмига бўйсундирди. Шунинг учун ҳам у ясайдиган қисмни кўр-кўрона эмас, меҳр-ҳавас билан, заргар қунти, чевар маҳорати билан тайёрлайди. Ишчи соатининг қимматини қадрлайди. Ҳатто пўлат қириндиларининг сочилиб ётишини истамайди — унга алоҳида хампа тайёрлатиб олган. Бундай тежамли, бундай покизаталаб, бундай меҳнаткаш кишининг ён-веридаги шериклари ҳам, шогирдлари ҳам тежамли-бежамли.


Абдушукур Қодировнинг маҳоратига кўплар тан беради. Унинг тезкорлик билан ишлаш тажрибаси мамлакатимиздаги кўпгина темир йўл корхоналарида қўлланилляпти. Бугун уни ҳамма танийди.

У ҳозир дастгоҳи ёнида паровозга қисм ясаяпти. Ана, тайёр детални қўлига олди, уён-буён айлантириб кўрдию, мийиғида кулиб яшикка жойлади. «Буниси келгуси йил ҳисобига» дея кўнглидан ўтказган бўлса керак.

Чиндан ҳам қорасувлик деҳқоннинг ўғли бугун 1968 йил ҳисобига маҳсулот беряпти. Бу ажабланарли ҳол эмас. Унинг зиммасидаги масъулият шуни талаб қилади. Ахир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бундан бошқача ишлаши мумкинми?! Ахир, Туркистонда инқилоб байроғини кўтарган корхона ишчиси беш йиллик илғорларидан ортда қолиши мумкинми?!

«Октябрь революцияси» заводи аҳли улуғ сана айёмида бир вақтлар «Қизил Шарқ» устахонаси» деб довруғ таратган инқилобий ишчилар анъанасини давом эттиришни зўр шараф ва фахр деб биладилар.

Жўрабой ХОЛҚОСИМОВ.



Кампирровот гидроиншооти қурилаётган жой тасвири ҳозирча шунақа.

ЕТАКЛАНГАН

Норин соҳилида катта тантана бўлиб, асов дарёга янги издан оқишга буйруқ берилганига салкам бир йил бўлди. Шундан бери Марказий Фарғона канали қурилишида ишлаётган баҳодирлар нималар қилди?

Шу ҳақда Фарғона сув иншоотлари қурилиши идорасининг бошлиғи Зикриё Ғаниевга мурожаат қилдик.

— Эшитиш бошқа, кўриш бошқа, яхшиси трассага борайлик,— деди у.

Йўлдамиз. Зикриё Ғаниевич йўлйўлакай водий ерларини сувга қондириш тарихидан гап очди:

— Узоқ, жуда узоқ тарих бу,— деди у.— Юзлаб йиллар давомида қўлда ўнлаб ариқлар, анҳорлар қазилган. Аммо бу қурашда одам кўп ўлган, кўп қурбон берилгану оз-моз чиқарилган сув ҳам ариқ қазиганга, жонидан кечиб дарёга сепоя ташлаганларга тегмаган: сув келтирган хор-зору кўза синдирган азиз бўлган у замонларда...

Чинакам кураш, ташналикка қарши умумхалқ юриши бизнинг замонамизда бўлди, Советлар замонида дарёлар жиловланди. Бу ҳам кейин, колхозлар тузилиб, қаддини ростлаб олганда...

Лоғон канали сув учун халқ ҳашари усулини бошлаб берди. Исфайрам суви 17 кунда камсув Шоҳимардон сойига қўшилди. Кейин Катта Фарғона каналини қуриш бошланди. Бир юзу олтмиш минг киши бир йўла ҳашарга чиқди, канал изига бир йўла тизилди. 45 кун ичида 17 миллион кубометр ер ишлари бажарилди — 270 километрлик каналда обиҳаёт оқа бошлади. Шундан бошлаб канал сўзи Узбекистонда исми хос бўлиб қолди. Ўша йилларда 165 километрлик Шимолий Фарғона, 110 километрлик Жанубий Фарғона каналлари битказилди. Халқимиз жон олиб-жон бераётган ўша Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам бу қураш тўхтамади: Косонсой дарёсидан Ғовосой этагига сув ўтказиш учун Чуст канали, Сўх дарёсидан Шоҳимардон сойи этагига сув келтириш учун Сўх — Шоҳимардон канали қазилди.

Зикриё Ғаниевичнинг водийда суғориш тарихи тўғрисидаги шу сўзлари тугагунча биз Норин ёқасига етиб келдик.

Норин чайқалиб, қалқиб, тўлқинлари қирғоққа тўш уриб оқмоқда. Кўприкдан қўлида асо тутган бир чол ўтиб келарди. У тўхтаб, ҳассасига таянди-да дарёга тикилиб қолди. Кейин:

— Тўлқинларинг айғир, бедов, э Нор. Мастлигингда ўкириб, атрофга кўпик сочасан, сув эмас,— деди. Яна жим тикилиб турди. Кейин қаддини ростлаб қўшиб қўйди:— Умримиз, боболаримиз умри ҳам қўл узатсак сувингга етмудек жойдан ўтди. Бироқ томоқни ҳўллашга етмулик сув бермадинг-а, хасис!

— Муҳтожларнинг юрак-бағри қон бўлиб қурган тўғонларини сув олиб кетарди,— деди чол яна.— Шунда бутун-бутун қишлоқлар аза тутарди.

— Норин қонсираяпти, сувини бермайди,— дерди руҳонийлар.

Бева-бечоралар дарё лабига тўпланиб, мол сўйиб худойи қиларди-ю, ўзига бир тишлам гўшт тегмасди.

— Норин жон сўраяпти,— дейишарди яна улар.

Қишлоқларда яна аза. Негаки, бу сафар мол эмас, одам қурбон бўлади. Қамчинидан қон томувчи ҳукмдорлар тил бириктириб, бирор бечорани сувга назр қилиб, дарёга ташларди. Дарёнинг айғир тўлқинлари шунда мўннаб кетарди-да, бошқаларни зор йиғлатиб. йиғитларни қаърига ютарди.

«Қулоғинг кар, дилинг тошдир, эшитмайсан оҳу зоримни»

Бу ашулани эшитмаган одам камдир. Бу ўша оҳу зорлар, илтижолар садоси. Ҳануз эшитилади.

Мазмуни ҳақоратга айланиб кетган оддийгина уч сўз бор. Бу ҳам худди шу Норин бўйида келиб чиққан.

Тафсилоти шундай: бир бечора кампирнинг ёлғиз ўғли бор экан. Зўровонлар уни Норинга назир қилмоқчи, шох-шаббага қўшиб тўғонга тириклай босиб юбормоқчи бўлишибди. Йигит қочибди. Кампир бечора дарё лабига келиб, худога ва Норинга нола қилиб ўтирганида бою ҳокимлар: «Ўғлингни топиб бер!» деб ўдағайлашибди. Кампир айтмагач, уни дарёга туртиб юборишибди.

Тўғон битгандан сўнг қишлоғига келган йигит онасини сўрабди.

— Онангни Учқўрғондан топасан!— дейишибди улар.

Шу-шу кимки тўғонда қурбон бўлишдан бош тортса «Ҳой, онангни Учқўрғондан кўрсатамиз!» деб дўқ уришар экан золимлар.

Отанинг ҳикоясини эшитиб, ўтган йилнинг 8 июнида худди шу кўприк устида кўрганларимиз, Марказий Фарғона канали бошланадиган Ҳаққулобод сув тақсимлагичида бўлган тантаналар эсимизга тушди.

Бу ерга бутун водийнинг вакиллари шошиларди. Машиналарнинг кети узилмасди. Енгил машиналар, оғир машиналар, қизил байроқли, алвон шиорли машиналар, карнай-сурнайли машиналар. Уларда фарғоналиклар, андижонликлар, наманганликлар. Ҳаммаси тантанага, дилда қўшиғи, қалбида қувончи билан ошиқишарди.

Тўғон атрофида саноқсиз одам. Улар улуғ ишнинг бошланишини табриклашга тўпланишган. Байроқлар товланиб ҳилпирайди. Ҳар даврада қўш карнай. (Дарҳақиқат карнай ажойиб нарса. Халқимиз уни бекорга ўйлаб топмаган. Бундай улуғ ишлар шодиёнасига карнайчалар товуши қаёққа етарди? Катта йиғинларга катта карнайлар товуши ярашади).

Канал қурилиши бошланадиган жойда — тўғон устидаги минбардан 80 метрча нарида иккита қудратли экскаватор ва бир баҳайбат бульдозер турибди. Уларда ҳам қўш байроқлар. Бу пўлат тулпарларнинг шунқор йигитлари ҳам ишга шай туришибди.

Булар моҳир экскаваторчилар, трактарчилар. Экскаватор машинисти Юсуф Мамажонов, унинг ёрдамчилари Станислав Целик, бригадир Мамажон Ғозиев, Дмитрий Пашковлар. Уларнинг ҳар бири не-не катта сув иншоотларини қуришда иштирок этишган. Юсуф Мамажонов Тўхтағул ва Норин ГЭСини қурган; Дмитрий Пашков Сталинград ГЭСини, Учқўрғон ГЭСини қуришда иштирок этган; эндигина 20 ёшга кирган Станислав эса бугунги тантанада иш бошлаб бериш бахтига муяссар. Узида 250 от кучини мужассам қилган «ДТ-250» бульдозери томон бордик. Унинг машинисти кабина устида ўтирарди. Шу пайт яқинига бир киши келиб, унга гап қотди.

— Ҳорма, Алексей! Нима қилиб ўтирибсан?

— Буйруқ тузяпман, жўра,— деди Алексей Орликов.

— Қанақа буйруқ?

— Норинга буйруқ бераман!

— Бақириб буйруқ берасанми?

— Ҳа, 250 от кучилик товуш билан.

— Ҳайқир бўлмаса.

— Эшит!

«БУЙРУҚ № 1

Ҳаққулобод тўғони, 8 июнь, 1965 йил.

Эй Норин! Экскаваторчилар, бульдозерчилар номидан сенга буюраман:

Бугундан бошлаб ҳовлиқишни тўхтат! Тўлқинларинг сапчийвермасин, попугини пасайтирсин, таслим бўлишга ҳозирлан.

Ушбу Ҳаққулобод сув тақсимлагичидан бошланган канал 110 километргача 20 метрга кенгайтирилади. Сен шундан оқиб, Марказий Фарғона каналига қуйилишинг керак.

Сенга эндиликда эзгу иш топширилади: Марказий Фарғона чўлининг ичкарисига — 116 километр масофагача кириб борасан. 140 минг гектар ерга оби-ҳаётингни ҳадя этишинг керак. Бу сенга, ташна қўриқлар, бўз ерлар! Сен туфайли боғлар, олтинзорлар бунёдга келади. Дарахтлар, гўзалар сени ва сени етаклаб борган Инсонни барглари шилдираб, чапак чалиб олқишлайди.

1968 йил баҳорида сен Марказий Фарғона каналига — ўша янги манзилларингга оқишинг шарт.

— Асрлар оша тентаклик қилганинг бас! Таслим бўл! Барибир, бундан буён биз кўрсатган йўлдан борасан ва абадий одамларга — бизга, авлодларимизга ва авлодларимиз авлодларига хизмат қиласан.


Буйруққа бўйсуниш муддати бугундан бошланади.

67 экскаватор ва 270 бульдозер командирлари номидан:

А. К. ОРЛИКОВ.

(Давоми 11-бетда)

СУВ



Бу ерда кодир тўғон қурилади. Унинг баландлиги чизиққача кўтарилади ва тўғон икки рўпара тоғни бирлаштиради.

С. Безносов фотоси.


ЭСКИ ТОШКЕНТ

Эллик йил ичида одамларнинг тақдирлари ва лиқам ўзгарди. Буни қўшалоқ саҳифадаги қиёсий расм
Улуғ Октябрдан олдин ва Совет ҳокимиятининг
ҳар эди. Япасқи томлар, пахса деворлар, қоронғи
Бугунги Тошкентнинг жамоли жуда бўлакча. Зил
са ҳам, замонавий иморатлари мағрур қад кўтариб
Ҳа, Тошкентнинг ўтмиши тарих бўлиб қоляпти,



1

Зинаси олдида извош турган бу вокзални ҳозир қидириб тополмайсиз. У бир вақтлар шаҳарнинг кўримли жойи эди. Йиллар ўтиши билан у девқомат иморатлар олдида мунғайиб қолди. Уни бузиб ташлашди.



2

Қадимги Пиёнбозор, Ажабланманг, Театр майдонининг ўрни шунақа ғариб бўлган. Атрофи далон, усти ёпиқ беш-олтита раста. Читфурушлар газмол, товуқбоқарлар бўялган тухум, ҳунармандлар эгар-жабдуқ сотишарди.


•


Бу бино бир вақтлар аёллар гимназияси бўлган, инқилобдан кейин Ўрта Осиё дорилфунунига айланган. Ўрта Осиёдаги биринчи совет дорилфунуни.

4

Ленин кўчасининг собиқ кўриниши. Бор ҳашами бир туп қайрағоч-у оқ тераклар бўлган экан. Эллик йил муқаддам бу ер Тошкентнинг қиёмат жойи бўлган бўлса эҳтимол. Замонасига яраша-да!

3





Она тупроқ неъматлари

ТАБИАТ ҲАНГАМАСИ

«Гулистон»да вақт-вақти билан ўлкамизнинг табиий бойликлари, ноз-неъматлари, уларнинг инсонга таъсири хусусида ҳангама-мусоҳаба қилиб туриладиган бўлди.

Бу сафар шоир Қуддус Муҳаммадий ва табиатшунос олим М. Тўйчиев меҳмонимиз.

Қ. МУҲАММАДИЙ — Одамзодни табиатдаги ҳамма моддадан тузилган дейишади. Биз материядан пайдо бўлганмиз. Шундай экан, биз ўша яралган муҳитимиз билан қанчалик чамбарчас бўлсак — кунниинг иссиғига, совуғига бардош берадиган бўлсак, қонларимиз, томирларимиз занжирдек мустаҳкам бўлади.

Марҳум дадам айтардиларки, ўғлим, ҳар куни кам деганда бир марта елкангдан аччиқ тер чиқариб қўйгин, томирларинг ҳаракатга келсин дерди. Бунинг сабаби нимада десангиз, мана сув бир ерда туриб қолса, айнийди. Агар томирдаги қон, бадандаги сув эркин ҳаракат қилолмаса, одам лоҳасланиб қолади.

Бу гап, албатта янгилик эмас, бўлиб турган нарса. Биз ёшликдан ўзимизни она табиатга қанчалик яқинлаштирсак, доим ўшанинг бағри-қучоғида бўлиб, меҳнат терини чиқариб юрсак, шудрингдаги гулдек яшнаб турамиз.

МУХБИР — Илгариги одамлар қишда ҳам эшикларини очиб ўтиришган дейишади. Ҳозирги ёшларимиз ҳатто шамоллаб қолишдан чўчиб, дераза тирқишларига пахта тиқиб қўйишади.

Қ. МУҲАММАДИЙ — Унақалар «теплица»да ўсган гулни эслатишади. Ахир, теплицада ўсган гул тоғ гулидан фарқ қилади: нимжон бўлади.

Ўз-ўзидан маълум, одам табиатнинг аччиқ-чучук, иссиқ-совуқ ҳаммасида тобланиб, пишиб ўтиши — соғлиғига гаров, соғлиғига тиргакдир.

МУХБИР — Мана Тўйчиев домла ҳеч қачон курортга борган эмаслар. Дам олиш ойларини доимо тоғма-тоғ кезиб ўтказадилар. Шунинг

ЯНГИ ТОШКЕНТ




босларигина эмас, шаҳарларнинг таржимаи ҳоллари ларда ҳам кўриш ва билиш мумкин.
дастлабки йиллари Тошкент кўримсиз, пачоққина шарасталар, чанги ўйнаб ётган кўчалар...
зила унинг шипларига, деворларига ажин солган бўлтурибди.
янгиси эса истиқбол бўлиб ял-ял ясанмоқда.



1

Бу янгиси. Туғилганига кўп бўлган эмас. Унинг олдида энди извош эмас, «Волга»лар турнақатор. Вокзалнинг қаршиси хиёбон. Кўклам кезлари шойигуллар қийғос очилади. Одамлар «Мангу олов» олдига зиёратга келадилар.




2

Пиёнбозорнинг ўрни ҳозир Алишер Навоий номли серҳашам театр. Ажойиб санъатхонамиз. Ўртакай ерида фавворалар шода-шода маржон сочади. Бир ҳуснда минг ҳусн деганлари шу бўлса керак.


Ярақлаб-тарақлаб турғани Марказий универсал магазин. Тошкентликларнинг харид жойи. Ичида анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса бор.

3



Революция хиёбонидаги Тошкент Давлат университети энди ўз турар жойини ўзгартмоқда. Унинг бир қисми Студентлар шаҳарчасидаги янги иморатга кўчиб борди. Кўз кўриб қувонадиган жой!

4



учун бўлса керак, ҳамиша соғ, бардамлар. Шундай эмасми?

Қ. МУҲАММАДИЙ — Ҳа, балли, гапингиз жуда тўғри. Мана, ўзлари гапириб берсинлар. Қани эшитайлик.

М. ТУЙЧИЕВ — Гапларингиз тўғри. Ҳақиқатан ҳам инсон табиатнинг кенжа фарзанди. Она табиатимиздаги қуёш бобо, ер она, ҳавою сувнинг суймли ўғлимиз. Бинобарин, табиатнинг гулимиз.

Инсон буни билиши керак, огоҳ бўлиши керак. Нима учун? Табиат хазиналари — ҳаво, сув, ер, қуёшдан самарали фойдалана билиш керак. Агарки шундан тўғри фойдалансак ҳамиша соғлом, бақувват, бардам бўлиб, иш қобилиятимиз яхши бўлади.

Ҳаво бир неча хил: пок ҳаво, соғлом ҳаво, бадбўй ҳаво, хушбўй ҳаво бор. Биз тоза ҳаводан фойдаланишимиз керак. Чунки ҳаво ўпканинг озиқаси. Қуёш бўлса бадандаги қонни юргизадиган ҳарорат беради. Баъзи ўртоқлар қуёшдан яхши фойдалана олмайдилар... Мен қуёшни севаман. Ёзда сайр-саёҳат қилганимда ҳам, уйимда ёзув-чизув пайтида ҳам фақат офтобда ўтираман. Ушанда чарчамайман ҳам, ўзимни тобора яхши ҳис қиламан.

Энди мен яна бир нарсани айтмоқчи эдим.

Қ. МУҲАММАДИЙ — Ёнғоқни айтмоқчисизда-а?

М. ТУЙЧИЕВ — Ҳа, балли. Мана, Арслонбобда юзга кирган Зокир ота «биз ёнғоқнинг тагида ётамиз, ёнғоқ оралаб юрамиз қишинёзин» дейди. У одамдан қишда совуқ, ёзда иссиқ ўтмас экан. Кўрдингизми?

Қ. МУҲАММАДИЙ — Ёнғоққа офтобнинг қувват синган-да?

М. ТУЙЧИЕВ — Ҳа, балли. Бошимизда беҳисоб асаб ҳужайралари бор. Мана шу асабларни қуёш нури билан тобора жойига келтирамиз. Медицинамизда қуёш ёрдами билан кўп касалликлар даволанаяпти.

Шунингдек, инсонга сув керак. Биз сувни қадрламаймиз. Ариқлардаги сув ифлос. Агар ариқдаги сув тоза бўлса, нима бўлади — ҳаво тоза бўлади.

Биз ҳавони кўп гапирамиз, унинг келажагини ҳам ўйлашимиз керак. Ҳаводаги турли бактерияларни, касал тарқатувчи зарарнунадаларни йўқотадиган ҳаво керак. Бунинг учун бизда яшил паҳлавонлар бўлсин, яшил дўстлар бўлсин.

Бизнинг ўлкамизни серқуёш Ўзбекистон дейдилар. Ҳар бир қаричи олтинга тенг. Агар биз ўлкамизни исми-жисмига мос қилиб безатсак, нима бўлади — мўл-кўлчилик бўлади. Битта ҳавогина эмас, жамики кийим-кечакларимиз, овқатларимиз, бир-биримизга қарашимиз, ҳамма-ҳаммаси... шундан раво бўлади. Бунинг учун бизда жуда катта имкониятлар бор. Мана, Урта Осиёни эмас, Ўзбекистонни олинг.

(Давоми 8—9-бетларда)

ҚОРОНҒИЛИК...

Ҳозиргисининг қадрига етмоқ учун эскисини билмоқ, йилларни ва одамларни бир-бирига солиштириб кўрмоқ керак.

Улуғ Октябрь ўзбек халқини ҳам қоронғиликдан ёруғликка олиб чиқди.



Рўдаподан қутулдик...




...Юзимиз ёпиқ эди

Арава минардик...





..Машина миняпмиз



Чиғирда сув тортардик...

Унда экин экилмай, фойдаланилмай ётган ерлар — 18 миллион гектар. Шулар қанақа жой денг? Жар-жур, чўл, тоғлик жойлари кўп айниқса. Агар шуларга турли кўчатлар экиб ташланса, қани энди!

МУХБИР — Гапингизда жон бор.

М. ТУЙЧИЕВ — Оламдаги ҳеч бир дов-дарахтнинг ҳикмати, зийнати, инсонга фойдаси ёнғоқникичалик эмас. Агар республикамизда 2 миллион гектар ерда ёнғоқ дарахти ўстирсак, бир гектар майдонга 50 тупдан жойлаштирсак, 14—15 йилдан кейин ҳар тупдан 30 килограммдан ёнғоқ олинганда, йилига 3 миллион тоннадан ҳосил олиш мумкин.

Республикамизда сув манбаи — ўрмонлар. Ўлкамизнинг бир этаги чўл бўлса, бир боши Олатоғ. Лекин Тошкент яқинидаги тоғларни ҳам баъзи ўртоқларимиз яхши билишмайди. Қурама, Чатқол, Қоржонтов тоғларининг усти ҳамиша қор, муз билан қопланиб ётади. Йилдан-йилга қор тушиб, муз бойликлари кўпайиб ётади. Шулар гавҳар хазинамиз. Ахир, сувни гавҳар деймиз-да. Булар оқиб келиб, ерларимизни суғориб, бўстон-гулистонларга айлантиради. Бунинг ҳам ўз йўли бор-да. Тоғдан оқиб келадиган сувларни тоғ ўсимликлари асраб, вақтида водийга етказиб беради. Арчазорларимиз, ёнғоқзорларимиз тоғларни емирилиб нетишдан сақлайди, булоқларни қайнатиб, қишда тушган қорларни сақлаб, бирини-бирига қўшиб, ирмоқлар, дарёлар ҳосил қилади.

Қ. МУҲАММАДИЙ — Тоғлардаги ўрмонларнинг томирлари бир-бирларига занжирдай чирмашиб, тоғни мустаҳкам ушлаб турар эканда-а?

М. ТУЙЧИЕВ — Ҳа, балли, мана Чирчиқдан сув ичамиз. У қаердан келади? У мана шу Қоржонтов, Чатқол, Талас олатизмаларининг тепасидан оқиб келади.

МУХБИР — Бор-йўғи 150 километр ердан келади-да.

М. ТУЙЧИЕВ — 150 километр ҳам келмайди, Эриган сув арчазордан ёнғоқзорларга тушади. Ёнғоқзорда тўкилган барглар ҳалиги сувларни ерда яшириб туради, агар яширмаса, буғланиб, яна ҳавога чиқиб кетиб қолади. Энди буларни ерга яшириб бамисоли қувур вазифасини ўтаб туради. Саратонга келиб, чашмалар, булоқлар қайнаб, уларнинг суви водийга шошади.


Афсуски, қадим замонларда, мана, Чингизхон қанча ёнғоқзорларимизни қирворди, араб босқинчилари қанча ёнғоқзорларни қийратди, кейин чор ҳукумати даврида буларни қадрламасдан, кесиб сотиб юборилди. Натижада нима бўлди денг, булоқларимиз қайнаб-тошмасдан, сув анча камайиб кетди. Сув камайиш нима деган сўз — ҳосил камайди, электр чироқлари хира ёнди деган сўз-да.

Мана шу сувларни узлуксиз, равон қилиб оқизиб турадиган нарса — яшил ўрмонларимиз ҳисобланади.


Ўрмонларимизнинг сирлари кўп. Унда ҳамиша ҳаёт қайнайди. Мана ҳозир шу кечакундузда қиш, агар сиз ҳозир ана шу арчазорларга, ёнғоқзорларга борсангиз, ёз дейсиз — олма ейсизми, анор ейсизми, ёнғоқ ейсизми, олча ейсизми — ҳаммаси пишиб-тушиб ётибди. У ердаги айиқлар ҳам ухламайди. Одатда айиқлар қиш ойларида ухлаши керак. Айиқлар қаерда, қай ҳолатда ухлайди? Оч қолса ухлайди. Ёзда тўйиб олади-да, қишда ухлайди. Бу ерда ёзин-қишин овқати бор. Кечки олчалар пишиб ётибди, кечки олмалар пишиб ётибди. Тоққа қишда борсангиз ҳам, баҳорда борсангиз ҳам мева еяверасиз. Чунки қиши илиқ бўлганидан мевалари чириб кетмайди, боягидай тураверади, ери яхламайди, суви музламайди. Қушлар ҳам ўша ерда қишлайдилар. Булбуллардан тортиб, саъва, зағизғон, олатўғоноқ, зарғалдоқ дейсизми, ҳаммаси ўша ерда ҳозир.

Қушлар кўплигининг аҳамияти шундаки, бу


...ЁРУҒЛИК



Замонавий ГРЭСимиз...




...Бурунги электрхона.



Осма каналларимиз бор...

«Эски Тошкент» расмлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг ходими **Анвар Одиловнинг** тўпламидан, бу қўш саҳифадаги тарихий расмлар эса марҳум фоточи **М. Пенсон**нинг шаҳсий архивидан олинди. Янги расмларни «Гулистон»нинг буюртмаси билан **И. Глауберзон** ва **В. Сироткин** тайёрлади.



Тракторимиз ер очмоқда...



...Далага қўш чиқарди

қанотли дўстларимиз дов-дарахтларни тозалаб, доктрлик қилиб юришади. Шу сабабли у ердаги дарахтлар соғлом, серҳосил. Бизда-чи? Шаҳарларда қушларнинг кўпчилигини ҳуркитиб юборганмиз, қушлар камайиб кетган. Шунинг учун шаҳардаги дарахтларнинг кўпи касал.

Қушларнинг ҳам она табиатда нафи катта, бекорга яралган эмас бу қушлар. Қушларни ҳуркитмасдан парвариш қилиб, кўпайтиришимиз керак.

Кўрдингизми? Мана шу арчазор, қарағайзор, ёнғоқзор, пистазор, бодомзор — жамики ўрмонзорларимиз олатоғларимизни безаб, сувни равон оқизиб, йўл-йўриққа солиб беради.

МУХБИР — Одамлар мана шу бойликларни сақлаб, кўпайтириб, ўз саломатликлари йўлида фойдаланишлари керак демоқчисиз-да?...

М. ТУЙЧИЕВ — Ҳа, балли...

Қ. МУҲАММАДИЙ — Мен шундай хулосага келдим. Ёнғоқ мумиёи аслдек одамнинг қон томирларини, аъзои баданини, ҳужайраларини тозалаб, темирдек бақувват қилиб, мияни тўйдириб, қобилиятини ўстириб турадиган хосиятли нарсалигини англадим. Унинг ўзи узоқ яшовчи дарахт, уни ўлим билмас дарахт деса бўларкан.

М. ТУЙЧИЕВ — Бу гапингиз тўғри. Ёнғоқ еган, ундан фойдаланган одам узоқ умр кўради. Қадим замонда Абу Али ибн Сино ёнғоқдан юрак касалини даволашда фойдаланганлар. Юракка магний керак-да, мана ҳозир медицинада ҳам маълум бўлдики, агар магний етишмаса юрак фалаж бўлиб қоларкан. Шуни ёнғоқ ё пистадан олганимиз қулай-да. Нега десангиз, ёнғоқни биз иштаҳа билан еймиз.

Қ. МУҲАММАДИЙ — Қаймоқ маза беради.

М. ТУЙЧИЕВ — Ҳа, шундай ёнғоқлар борки, бир хилини есангиз шоколад таъмини беради, бир хили нон ўрнида, бир хили ош ўрнида ўтади, бирини есангиз оғзингизни ширин қилади (ёнғоқнинг 500 хили бор).

Баъзи ўртоқларимиз «ёнғоғинг менга ёқмайди, бошимни оғритади, тилим чақа бўлади, томоғим оғрийди», дейди. Шундай бўлиши мумкин. Лекин бу — чиниқтириш жараёни. Ёнғоқ қуввати зўрлигидан дастлаб одамни қийнаши мумкин. Бундан чўчиш керак эмас. Олдини олиш керак. Агар ёнғоқ ўткирлик қилиб кетса, устидан анор, узум евериш керак, жуда бўлмаса, кўк чой ё қатиқ ичиб юборилса, жуда беозор ўтади.

Ёнғоқнинг хосиятини санаб тугатиш қийин: у нам сақлаб беради, гармселлар йўлини тўсади, ўзидан петанцит деган модда чиқариб, зарарли ҳашаротларни қириб туради; ёнғоқнинг пўстлоғи — тери касалликларига даво; қаттиқ пўчоғи бор-ку, ҳатто ўша ҳам дори, уни толқонлаб эландан ўтказиб болаларга едирилса, қувуғи маҳкам бўлади, киши суягини мустаҳкамлайди; ёнғоқнинг пўчоғини ёқиб оловида исинсангиз бод касалини тузатади.

Қ. МУҲАММАДИЙ — Турган-битгани фойда экан-да-а?

М. ТУЙЧИЕВ — И. В. Мичурин «ёнғоқ — комбинат дарахт» деганида ҳақ эди. Ёнғоқ — келажакнинг нони дейилади. Биз гектар-гектар зиғир, кунгабоқар экиб юришимиз шарт эмас. Бир туп ёнғоқнинг мойи бир гектар зиғир, кунгабоқарга тенг, ёки бир гектар буғдойга, битта говмиш сигирга баравар келади.

МУХБИР — Бошқа мевали дарахтларга нисбатан ёнғоқни кўпайтириш унча қийин бўлмаса керак?

М. ТУЙЧИЕВ — Бу мўъжизали дарахтни кўпайтириш жуда осон. Унча куч, унча меҳнат талаб қилмайди. Экиб қўйсангиз ўзи кўпайиб, ўзи ерни безаб, ҳосил қилаверади. Агар ҳовлингизга бир туп экиб қўйсангиз, сиздан бадавлат, сиздан саломат одам бўлмайди.

МУХБИР — Суҳбатларингиз учун раҳмат! Ўйлаймизки, сизлар айтган фикрларга журналхонлар ўз муносабатларини изҳор этишади.

1967 ЙИЛДА НИМАЛАР БЎЛАДИ

Равон йўллар

И. В. СТРЕЛЬЦОВ
Автомобиль ва тош йўллар министри

Орол денгизига боришни истаган йўловчи марҳамат қилиб янги йилда янги магистралга чиқсин. Бухоро—Нукус ўртасидаги йўл битади ва «оқ йўл» деб кузатиб, «хуш келибсиз» деб кутиб олади. Пойтахт атрофидаги халқа магистрал ҳам автомобиль ҳаракатини бирмунча яхшилайди.

Автотранспорт 787 миллион йўловчи ташийди, 100 миллион тонна юкимизни енгил қилиб беради. Таксилар-чи? Такси кўпаяди. Ишлаб турган машиналар қаторига яна бир минг шахмат нусха янги «Волга» қўшилади.

Транспортнинг янги тури қоп-қанорсиз пахта ташишни кучайтиради.

Маърифат нури

Тошмамат САРИМСОҚОВ
Олий ва ўрта махсус таълим министри

Кейинги икки йил орасида олтита олий ва ўндан ортиқ ўрта махсус ўқув юрти янгидан ташкил этилди. Бу йил яна бир неча олий ва ўрта махсус ўқув юрти очилади.

Министрлик студент ва ўқувчиларга берилаётган билим ва таълимнинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор беради. Бунинг учун ўқув юртларида тегишли моддий базаларнинг бўлишига эришади.

Тошкентда студентлар шаҳарчаси қурилиши авжида. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети бинолари комплекси асосан қуриб битказилади. Бундан ташқари, Бухоро, Қарши педагогика институтлари учун комплекс бинолар қурилади.

Бу йил умумий аспирантурага 367 киши қабул қилинади. Махсус аспирантурага қабул бултургидан уч ҳисса кўпайиб, 135 киши бўлади. 300 киши докторлик диссертацияси устида илмий иш олиб боради.

Хазинамиз кўп

Ҳамид ТЎЛАГАНОВ
Геология министри

Ўзбекистон геологларининг кейинги йилда очган йирик конлари халқимиз таҳсинига сазовор бўлгани маълум.

Бу йилги вазифаларимиз ҳам чакки эмас. Табиий газ, нефть, олтин ва бошқа хил конларни аниқлаш ва ишга солишда геологларимиз жонбозлик кўрсатишади. Олтин, висмут, симоб, алюминий хом ашёларни қидириш, шунингдек ер остидан чучук сув топиш, қурилишга ишлатиладиган ашёларни аниқлашга анча куч, маблағ сарфлаймиз.

Республиканинг ғарбий районларида ер қатламининг чуқур геологик тузилишини ўрганишда йирик геофизика ишлари олиб бормоқчимиз.

Тошкент атрофи районларининг геологик хусусиятини ўрганишни давом эттирамиз. Бу ишимиз зилзилага чидамли уй-жойлар қуришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Умуман, республикада геология-қидирув ишлари ҳажми бултургидан 10 процент кўпаяди.

Болалик бахти

Анвар ҚЎЧҚОРОВ
Маориф министри

Янги йилда республикамизда ҳаммаси бўлиб 166 368 ўқувчи таълим оладиган янги мактаблар қуриб битказилади. Шунингдек, 16 500 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ишга туширилади.

Бундан ташқари, қардош республикалар Тошкент шаҳрида 16 мактаб ва 34 болалар боғча-ясли лари тиклаб берадилар.

Мактабларнинг ўқув базаларини яхшилашга, кенгайтиришга анча маблағ сарфланади.

Қут-барака

Мадамин ҲАСАНОВ
«Ўзбекбирлашув» правлениеси раиси

Кооперативчилар ҳам харидорларини мамнун қилиш иштиёқида. Аҳолига бултургидан кўра 10 процент кўпроқ турли саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари сотишни кўзлашяпти.

Янгидан 371 магазин очилиб, у ерда 1065 сотувчи харидорга мунтазир туради, 30 та ошхона ресторанда 1882 та ўриндиқ хўрандалар учун тахт

ЕТАКЛАНГАН СУВ

Бульдозер ва экскаваторларнинг қудратли моторлари гувуллаб иш бошлади!

Бошланди! Марказий Фарғона канали қурилишида қудратли пўлат тулпорлар меҳнат пойгасига кирди. Инсон қўли тегмаган ташна тупроқ сурилмоқда, қазилмоқда, қақроқ даштларга об-ҳаёт йўли очилмоқда.

... Канал изи бўйлаб боряпмиз. Фарғона областидаги 110 километрлик изнинг кўпчилик қисмида иш қайнамоқда. Одам пойқадамига муҳтож бутазорлар, қумтепалари эрмакка кўчманчилик қилиб юрган даштлар қўйнида буюк иш боряпти. 40 экскаватор, 50 дан ошиқ бульдозер, 20 дан зиёд скрейпер куни-тун ер суряпти, канал қазяпти.

Зикриё Ғаниевич анжиб икки воқеани қиёслаб гапирди: Катта Фарғона канали қурилишида 160 минг киши ишлаб, 17 миллион кубометр ер қазиган эди. Эндиликда биргина бизнинг ихтиёримиздаги механизмлар бир йилда 30 миллион кубометр ер қазишга қодир. Партиямиз совет кишисини ана шундай қудратли техника билан қуроллантиргани учун ҳам 20 миллион кубометр тупроқ қазиладиган 110 километрли Марказий Фарғона канали 400 кишига ишониб топширилган. Шу тупроқ ишларининг 0,5 процентигина қўл кучи билан бажарилади.

Бу каналда 13 та йирик кўприк, 8 та катта сув тақсимлагич, дюккер ва қувурлар барпо қилинади; 50 минг кубометрдан ошиқ бетон ва темир-бетон ётқизилади. Бундан ташқари қурувчилар учун кўплаб ёрдамчи хўжалик бинолари, Ёзёвонсой, Саржўға, Қизилтепа, Ёзёвон тармоғи яқинларида йирик бетон заводлари, цемент омборлари, қолип тайёрлаш, темир синчлар тайёрлайдиган майдонлар, механика устахоналари, қурилиш материаллари омборхоналари...



«Андижангидрострой» гидроиншоот қурилишининг машҳура пайвандчиси Валентина Котщина. Унинг иш жойида ҳамма вақт кўчма қизил вимпел ярқираб туради.

С. Безносов фотоси.

Етти ой ичида Фарғона сув иншоотлари қурилиши идораси 7 миллион кубометр ер ишларини бажарди. Экскаваторчилар, бульдозерчилар, скрейперчиларнинг ҳар бирини алоҳида мадҳласанг арзийди. Бульдозерчи Набижон Пўлатов, Султон Мавлонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони экскаватор машинисти Машраб Раҳимқулов, Собир Давронов, Талъат Аъзамов ва бошқа ўнлаб лочин йигитлар партиямиз, ҳукуматимиз топшириғини муқаддас билиб, жонбозлик қилмоқдалар.

Муддатга етиш муддати белгили: 1968 йилнинг 8 майидан бошлаб Марказий Фарғона канали ташна даштларга секундига 200 кубометрдан об-ҳаёт бера бошлайди.

— Биласизларми,— деди Зикриё ака қайтаётганимизда,— водийда республикада кейинча бино бўлган каналлар, сув ҳавзаларининг ҳаммаси, менинг назаримда, каналлар сардори Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона каналининг фарзандлари, ундан катта, суви кўп бўлса ҳам... Ҳа, болалари, ўша томирдан таралган.

Бу фикрни эшитиб, ўйлар экканмиз, қулоғимизда бульдозерчининг буйруғи жаранглади:

— Норин! Бўйсун! Пўлат панжаларда сенинг жиловинг!

Ҳа, энди Инсон ижодининг меваси бўлган пўлат панжаларда дарёлар жилови!

Абдулла МИРЗАЕВ,
Адҳам ҲАМДАМ,
Саъдулла НОРМАТОВ.

қилинади. Яна 13 нонвойхонада иссиқ, бўрсилдоқ нонлар ёпиб турилади.

«Ўзбекбирлашув» маҳсулотларни ўзи ишлаб чиқаришни ҳам кенгайтирмоқда. Нукус, Урганч, Денов, Жеттисой, Қарши, Учқўрғон, Ғиждувонда консерва ҳамда пиво заводлари қурилади.

Умуман, капитал қурилишига бу йил 21 миллион сўм маблағ сарфламоқчимиз.

Оромижон бўлади

Сирож ЗИЁМОВ
Коммунал хўжалик министри

Меҳнаткашларнинг маиший ҳаётида қулайликлар яратишга янада кенг аҳамият берилади. Бир кеча-кундузда 70 минг кубометр сув ўтказа оладиган қувурлар янгидан ётқизилади, водопровод тормоқлари 134 километр узайтирилади. Оқава оқизиладиган 35 километр қувур ишга солинади. Газ тармоқлари 530 километр узаяди, шундан 250 километри қишлоқларда қурилади. 130 минг хонадонга, жумладан 105 минг қишлоқ хонадонига «зангори олов» киритилади.

Самарқанд, Андижон, қисман Янгийўл шаҳарларида катта қувватли оқава тармоғи ишга туширилади. Бухоро, Гулистон, Жиззах шаҳарларида бу хил иншоот қуришга киришилади.

Республиканинг 25 дан ортиқ колхоз ва совхозига табиий газ келтирилади.

Об-ҳаёт келади

Солижон МАМАРАСУЛОВ
Мелиорация ва сув хўжалиги министри

Янги йилда сув танқислигига қарши яна бир салмоқли ҳамла қилинади.

Пачкамар сув омбори қурилиши поёнига етказилади. Жанубий Сурхон сув омбори Шеробод водийсидаги 76 минг гектар қўриқ ерларга об-ҳаёт бера бошлайди. Каркидон сув омбори битказилади. Сурхондарё сойида қурилиб турган Занг иншооти тўртта янги совхозни мўл-кўл сув билан таъминлайди.

Қорадарёда Андижон омборининг асосий тўғонини тиклашга киришилади.

1964 йилдан бери давом этаётган Тахиатош сув иншооти қурилиши авж олдирилади. Қурилишга маҳсулотлар етказиб бериб турадиган Жумартов — Тошовуз темир йўл тармоғи битказилади.

Марказий Фарғона канали 1968 йилда водийдаги янги ерларни тўла-тўкис сув билан таъминлаши учун бу йил кўп ишлар қилинади. Айни пайтда ерларнинг захини қочириш учун Аччикўл ташламаси очилади.

Фарғона областининг Киров, Бухоро областининг Коғон районларида ҳамда Мирзачўлда зах қочириш учун тиклама қувур ётқизиш ишлари давом эттирилади.

Иброҳим Раҳим

ҲИКОЯ



ТОПИЛДИ

Тасодиф мўъжизасига ишонмас эдим. Баъзан ишонса бўлар экан.

«Москва» меҳмонхонасидаги баланд айвоннинг биридан «Номаълум солдат»га тикланаётган ҳайкал пойдеворига боқиб турардим. Ёдгорлик ҳалиҳозир битказилмаган бўлса ҳам унинг дев қомати кўз олдимда эди. Номаълум солдат бир эмас, неча минглаб, неча юз минглаб жангчилар, партизанлар, матрослар, учувчилар, танкистлар, саперлар, хуллас — одамлар, жангу жадаллар, қурбонлар, ғалабалар сиймоси — енгилмаслигимиз сиймоси эди. Унга боқиб елкадошларим, жанговар дўстларим, кўз олдимда жон берган яқинларим ёдимга тушди. Ҳаммаси бир-бир ўтаркан, Василий Зотов кўз ўнгимда туриб қолди. Унинг қараши қатъий, исёнкор эди.

Йигирма беш йилдан бери ундан дарак йўқ. Ўликми, тирикми? Бироқ ўлганига ишонмайман. Афсус, тириклигини ҳам билолмайман. Лекин уни ҳамон қидираман.

«Номаълум солдат» ҳайкали пойдеворидан садо эшитгандай бўлдим: аллаким эшикни очди.

Шарт қарадим. Рўпарамда меҳмонхона дастёри турарди. Унинг қўлида кирланган конверт. Индамасдан хатни қўлимга тутқазди-ю, чиқиб кетди.

Кўз югуртдим. «Во-о, бу қандай мўъжиза!»

— Топилди!!!

Шоша-пиша конвертни очдим. Қўлларим қалтирар, кўзларим жимирлар эди...

«Сени йигирма беш йилдан бери қидиряпман, қайларда юрибсан, дўстим!» деб бошланғарди хат. Мен шу йиллар ичида нималарни ўйлаган бўлсам, мактубдан шуни ўқирдим.

Бу хатмиди-хаёлмиди, билолмайман, қўлтиқ таёғимни ҳам унутиб, хотиним ёнига югурдим. У отилиб келди-да қўлтиғимдан суяди.

— Нима қилганингиз бу, ахир оёғингиз майиб-ку!

— Суюнчи беринг, Марҳаматхон! Топилди!

— Нима топилди?

— Мени ўлимдан қутқарган одам топилди!

— Зотовми?

— Ҳа, ўша! Василий Зотов!

Севинчим Марҳаматхон чеҳрасига ҳам таралди. Чунки у Василий Зотов ҳақидаги хотираларимни кўп эшитган. Уни қидиришимда қатнашган. Топилмагач, менга қўшилиб куйинган.

... Зотов билан Ельна бўсағасида оғир дамларда танишгандим. Душман шаҳарни уч бор ишғол қилгач, сўнгги ҳамла билан зарбдор қисмларимизни қуршаб олиб, қириб ташламоқчи бўлди. Уч кечаю-уч кундузлик қаттиқ ҳимоя жангларидан кейин чекинишга мажбур бўлдик. Душман ерда ҳам, ҳавода ҳам ҳоким эди. Йўллар, кўприклар, олдимиздаги шаҳар-қишлоқлар немислар қўлида. Ўрмонларгина бизники эди. Кечалаб йўл юриб, кундузи ўрмонда жон сақлардик.

Ўзимизникиларга ўтиб олиш учун кичик-кичик отрядларга бўлиндик. Бизнинг сапёр ротамиз комиссар Василий Зотов бошчилигида Москвани мўлжаллаб борарди. Вазьмага яқинлашганимизда Зотов ҳар галгидек катта йўлга разведка юборди. Немислар йўл бўйида лагерь бўлиб, уйқуда ётган экан. Уларни ёриб ўтиш керак. «Уйқуда босамиз!» деди Зотов.

Жанговар режа тузилди. Ҳар бир саперга лоф командалар бериш, ҳийла-ҳаракатлар қилиш топширилди.

Лагерининг қоқ биқинида устма-уст танк минаси портлатдик. Бу замбараклар ҳужумини эслатарди. Ҳар қайси сапер гўё рота, взводларига команда бераётгандай қичқирар, милтиқлардан бирваракай ўқ узар эди.

Бу ҳарбий ҳийламиз иш берди. Душман саросимага тушиб, яланғоч қочди. Оқариб кўринган немисларни битталаб «теравердик». Охири қопчиқларимизни ўлжага тўлдириб, кўчанинг нариги юзидаги ўрмонда ғойиб бўлдик.

Василий Зотов бизни душман орқасидан Серпуховга олиб чиқди. Ўзимизникиларга қўшилиб олдик. Кейин душманни Угра дарёси бўйида тўхтатиб, Москва томон бир одим ҳам силжитмай қўйдик.

Ўша қирқ биринчи йил кузининг кети, қишининг бошида пойтахтга ҳамла қилаётган босқинчиларни Москва остонасида ер тишлатмоқда эдик.

Дивизиямиз Серпуховдан сўқмоқлар орқали Юхнов тарафга ўтиш, душманнинг чекиниш йўлини кесиб қўйиш тўғрисида Ғарбий фронт қўмондонлигидан буйруқ олди. Дивизия ўрмон сўқмоқларидан паналаб борарди. У вақтда сапер эдим. Саперлар доим икки ўт орасида туришади. Ҳужум пайтида олдинда, чекинганда эса, энг кейинда юради. Улар ҳужумда қўшинларимизга йўл очиб беради, чекинганда аскарларимизнинг орқа томонида тўсиқлар ясаб, миналар кўмиб, таъқиб қилиб келаётган душманнинг дамини кесади. Бу гал биз олдинда борардик. Душман чекиниши эҳтимол тутилган йўллар-у сўқмоқларгача миналар ўрнатиб, қуршовда қолган немис қисмларига Юхновдан ёрдамга келадиган фашистлар йўлини ғовлаб борардик.

Ўрмондаги кичик қўрғончада мина кўмиб турганимизда немисларнинг разведкачи самолёти бизни кўриб қолди. Устимиздан пастлаб ўтдию, ўрмон орқасига шўнғиди. Немисларнинг дала аэродроми шу яқин ўртада экан. Биз энди тушки овқатга ўтирган ҳам эдик, олтита штурмчи самолёт қўққисдан тепамизга келиб, майда бомбалар ташлай бошлади. Молхонага қочдим. У ерда битта сигир бойлоқ турган экан. Сигир кўзларини бежо олайтириб турарди. Томга чийиллаб бомба тушди. Ўзимни сигир ёнига ташладим. Бомба портлади. Унинг зарбидан

молхонанинг томи қулаб, қучоқ етмас харилари устимга тушди. Кўзим чангтўзонга тўлди. Сигирга нима бўлди, уйда овқатланаётган дўстларимга нима бўлди, билолмадим. Ҳамма ёқ зимистон, қулоқларим карахт... Самолётлар қайтиб кетдими, йўқми,— бехабар эдим. Шу зайлда қанча ётганимни билмайман. Чамаси узоқ ётдим. Қўл-оёқларимни қимирлатишга қўрқаман. Юрагимнинг уришини ҳам сезмайман. Ҳеч жойим оғримагандай.

Бир маҳал тепамда одамлар юришганини сездим. Ким бўлди булар? Фашистлар эмасмикин? Йўғ-ей... Саперларимиздир... Шу чоқ:

— Дўстим!.. Биродарим Иброҳим!..— деган овозни эшитдим.

Бу дўстим Василий Васильевич Зотовнинг овози эди. Мен ҳам ҳаяжондан қичқирдим.

— Василий!

— Тирикмисан?!

— Тирикман!

Василий Зотов бирпасда томни тешиб, мени чиқариб олди. Қаранг, ҳамма ёғим соппа-соғ. Бирон жойим шилингани ҳам йўқ. Ўзимга ўзим ишонмасдим. Бунга дўстларим ҳам ҳайрон. Улар мени олиб кетгани ҳатто замбил ҳам ҳозирлаб қўйишган экан.

Биз елкамизга қўл ташлашиб ўрмонга кетдик. Батальонимиз ўрмон ёқасида истеҳком қурмоқда эди. Орқа томонида совет жангчилари пайдо бўлганидан вас-васага тушган немислар қўрғончани, унинг атрофини туни билан бомбардимон қилдилар. Тонг отгунча қўрғонча неча бор қўлдан-қўлга ўтиб турди. Кечга яқин жанг тинди, қарасак, мени босиб қолган молхона томининг кулигина қолибди. Зотов қидириб топмаганида, мен ҳам кул бўлиб кетарканман...

Кўп ўтмай Ғарбий фронт қўшинлари Юхновни қўлга киритдилар-да, Ока дарёси бўйида тўхтадилар. Сўнг қўмондонлик Зотовни бир ёққа, мени бошқа ёққа жўнатди. Қаердалигимизни бир-биримизга билдириб улгурмасдан тағин жанглар бошланиб кетди. Шундай қилиб, қирқ иккинчи йилнинг баҳоригача мен ундан дарак тополмадим.

Баҳорга келиб, ҳар икки томон ҳам куч тўплаб, ботқоқликнинг қуришини кутди. Ўша кунлари ертўлада қора чироқлар нурида кечалари билан хат ёзиб чиқдик. Дўстимни қидириб, хат юбормаган жойим қолмади. Баъзи хатларим қайтиб келди, кўплари бедарак кетди. Қайтиб келган конвертларда хилма-хил белгиларни ўқидим. Уларнинг ўнги-терсига ҳар хил изоҳатлар битилган эди: «Бу қисмда йўқ», «Бошқа ёққа кетган», «Рўйхатда топилмади».

Қидиришдан тинмадим. Ўзим жўнатган хатлар ичида тумор нусха биттаси менга қизиқтирди. Қўлма-қўл бўлганиданми, ё кимларнингдир чўнтагида узоқ юрганиданми, хат мижғланиб кетган, лекин ёзуви боягидай эди. Ундан бир сўзнигина англадим. Зотов госпиталда экан. Аммо қайси госпиталда? Энди госпиталлардан излашга тушдим. Бироқ бефойда. Ҳеч қаерда йўқ. Бу орада жангга кириб кетдик.

Уни урушдан кейин астойдил қидиришга тушдим. Уй адресини билардим: Оренбург шаҳридаги Трофимовская кўчаси, 7-уй. Мактуб йўлладим. Ҳар гал Москвага бораётганимда, келаётганимда телеграммалар юбордим. Оренбург перронига чиқиб, дуч келган одамга умидвор қарадим. Афсус, Василий Зотовни тополмасдим...

Мана, тасодифан меҳмонхона эшигидан кириб келган хат дўстимни топиб берди. У Оренбургда эмас, Пензада яшар экан. Уч болали бўлибди. Хатида болаларининг номлари, юзи-кўзи, қилиқларигача ёзибди. Ўзи агроном экан.

Мен унга дарҳол телеграмма юбордим.

Эртасига эрталаб соат олтида Пензада кўришдик. Қучоқлашдик. Ўпишдик. Тикилишдик, яна қучоқлашдик.

Василий бир оз кексайган кўринса ҳам қувноқ эди. Суҳбатимиз «Ёдингдами?»дан бошланди. Биз шошар эдик. Вақт зиқ. Паровоз пишиллаб турибди.

— Ёдингдами?— деди Зотов.— Молхонада... Сигир ёнида... том босиб қолгани... Ўшанда соппа-соғ чиққансан-а?! Урушдан омон қайтишингга ўшанда ишонгандим...

Молхона воқеасини эшитиб турган Марҳаматхон хохолаб кулди. Дўстим ҳайрон бўлди:

— Ишонмаяпсизми?

— Энди ишондим,— деди Марҳаматхон,— Тасодифга ҳам, мўъжизага ҳам ишондим.

Уни кутяпман. Яқинда бола-чақалари билан азиз меҳмоним бўлади. Совет Армияси куни бағримиз тўлади.

Январь, 1967 йил.





1917 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ

...НИМАЛАРНИ ЁЗИШГАН

ЯНГИ ҲАРБИЙ ГУБЕРНАТОР

Сирдарё областининг ҳарбий губернатори генерал-лейтенант А. С. Мадритов Еттисув область ҳарбий губернатори қилиб тайинланди, унинг ўрнига ҳарбий министрлик маҳкамаси қонун чиқариш бўлимининг мудири генерал-лейтенант Александр Николаевич Корульский белгиланди.

1 февраль.

БУХОРОДАН ЧОЙ ТАШИЛМАСИН

Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан Бухоро хонлигидан хоҳ темир йўл, хоҳ сув йўли орқали, хоҳ карвон йўли ёинки почта орқали чой олиб кетиш ман қилинади. Бухоро хонлиги фуқароларини таъминлагудек етарли чойни Владивостокдан келтириб бўлингунча бу буйруқ амалда сақланади.

1 февраль.

ГУМОНЛИ УН

6 февралга ўтар кечаси Иванов заводи орқасидаги Эски шаҳарга борадиган йўлда ун юклаган ўнта арава қўлга туширилди. Ғарчи ун эгаси — Эски шаҳарлик сарт — топилса-да, комитет бу унинг қаердан олинганини аниқлашга киришди.

8 февраль.

ИСТИҚОМАТ ТАҚИҚЛАНАДИ

Ерли миллат кишиларини мардикорликка жалб этувчи Тошкент шаҳар комитетининг раиси, Тошкент думасининг аъзоси У. А. Хўжаевга генерал-губернатор А. Н. Куропаткин фармони билан Тошкент ва Андижон шаҳарларида истиқомат қилиш ман этилди.

9 февраль.

МАРТАБАЛИ МЕҲМОН

Эшитишимизга қараганда, 19 январдаёқ Тошкентга келган Хива хони ҳазрати олийлари 15 февралда юртига жўнаб кетадилар. Ҳазрати олийлари шу пайтгача «Националь» меҳмонхонасидаги энг яхши етти хонани банд қилиб турдилар. Ҳазрат олийларига 20 дан ортиқ мулозим ва хизматкор ҳамроҳдир. Мартабали меҳмон Тошкентдалигида ўлка бошлиғи А. Н. Куропаткин неча бор унинг ҳузурида бўлди.

14 февраль.

МИРШАБГА СУИҚАСД

Яқинда Кўкча тарафда миршаб Патираҳмон Муҳаммадбоев уйидан чиқиб келаётганида ноъмалум икки кимса унга ҳужум қилган ва юзига, елкасига пичоқ уриб қочиб бўлган.

23 февраль.

«Туркестанский курьер».

...НИМАЛАРНИ ЁЗИШМАГАН

** Фарғона область ҳарбий губернатори Петроградга телеграмма юборди: «Областда галла тугаб боряпти. Очарчилик бошланиш хавфи туғилмоқда. Айни пайтда Самарага хабар қилиб, 1916 йил декабрида ва 1917 йил январь-февралида жўнатилмаган 373 вагон унни тезликда юборишни сўрайди, «агар ун келмаса очарчилик бошланади, оқибати ёмон бўлади» дейди. Бироқ ун келмайди.*

** Февраль революцияси бўлганлиги хабарини Тошкент ишчилари қувониб кутиб олдилар. Большевик В. Бауманнинг ёзишича, «кўчаларда, хиёбонларда кичик-кичик йиғинлар бўлиб, уларда телеграммалар ўқилган, мазмуни шарҳланиб тушунтирилган».*

** Ҳамма катта шаҳарларда Ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузишга киришилди.*

„ГУЛИСТОН"ДАН

Темурлан ҳақида дурустгина мукаммал асар йўқ ҳисоб. Бироқ унинг тўғрисида халқ орасида кўп ривоятлар юради.

„Гулистон" журнали очилаётганини эшитиб, мўътабар мўйсафид Алихон Соғуний жаҳонгирнинг ўзи ёзган „Темур тузуклари" китобини форсчадан ўзбекчага ағдариб бизга келтирди.

Биз уни шу сондан ёрита бошлаймиз.

Бундан кўзлаган мақсадимиз шулким, журналхонлар аҳли Темурнинг ким бўлганлигини, тахт-салтанат деб қандай олишганлигини, бўлак элларни қанчалар қаттиқ қўллик билан фатҳ этганини унинг ўз оғзидан билиб оладилар, салтанат ва шуҳратга ўчлигига унинг ўз гувоҳлиги билан ишонадилар.

Биз Темурнинг диний талқинларига қўшилмасак ҳам, унинг гапларини аслича қолдиришни лозим кўрдик. Журналхонлар Темурланнинг диний эътиқодлари билан тутган ишлари орасидаги тафовутни ўзлари фаҳмлаб олурлар.

Темур тузуклари

МАМЛАКАТ ОЛИШ, ЖАҲОНГИРЛИК ҚИЛИШ, ҒАНИМ ЛАШКАРИНИ СИНДИРИШ, ДУШМАННИ ТУРГА ТУШИРИШ ЁКИ УЛАРНИНГ КЎНГЛИНИ ОВЛАБ, ДУСТЛИККА АЙЛАНТИРИШ, ДУСТ-ДУШМАН, ЯХШИ-ЁМОН ИЧИНИ ОРАЛАБ, СИРЛАРИНИ БИЛИШ — МАНА ШУ ИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ КЕРАКЛИ КЕНГАШЛАРДИР.

Форсчадан
Алихон Соғуний
таржимаси

Ширим Абу Бакр Тойбодий манга ёзмишдирким, «нусратлик Темур, салтанат ишларида шу уч нарсани ўзингга лозим тут. Биринчи—кенгаш, иккинчи — чидаш, учинчи — соқлиқ-сергаклик билан иш қил. Чунки кенгашсиз бўлган салтанат йўли — янглиш, орти —ўкиниш бўлур. Давлат ишларингни юргузишда ҳеч бир нарсани кенгашсиз қилмағилким, пушаймонлиқ кўрмагайсан. Буни ҳам билишинг керакким, салтанат ишларининг тенг ярми бу йўлда ҳар қандай оғирчиликлар тўғри келар экан, унга чидаб сабр қилишдир. Иккинчи ярми эса, билиб билмасга, кўриб кўрмасга солиш билан бўлур. Қисқаси, ҳар ишда чинлиқ-чидамлиқ кўрсатиб, соф бўлиб баҳодирлик қилсанг, бутун ишларни қўлга келтира олғайсан. Вассалом».

Бундаги ёзилмиш сўзлар эса, салтанат ишларида мен учун энг тўғри йўлбошчи эди. Шунга кўра сиёсат ишларининг тўққиз улушини кенгашга қўйиб, бир улушини қиличга қолдирдим. Утган билгичлар демишдирларким, ўз ўрнида қилинғон бир тадбир билан енгилмас қўшинни, олинмас шаҳарни олгани, енгганн бўлур. Меним тажрибамдан ўтмишдирким, иш кўрган серғак, сезган баҳодир бир киши бундай бўлмаган минг кишидан албатта яхшидир. Мен синаб, кўриб билдим, душман аскарини енгиш ёки ундан енгилиш кўплик — озликдан эмас экандир. Балки бу ишлар тангрининг ёрдами, банданинг тадбири биландир. Бунга мисол: мен икки юз қирқ уч киши билан Қарши қалъаси устига келдим. Қўрғон бекчилари Амир Мусо Малик Баҳодир ўн икки минг отлиқ аскарлари билан уни соқламоқда эдилар. Тангрининг ёрдами етиб, ўзим қилғон тўғри тадбирларим орқалиқ қалъани қўлга келтирдим. Булар эрса мени қалъада бир неча кун қамал қилдилар. Мен тангрининг ёрдамига суяниб, соқлиқ билан тадбир ишлатиб, қалъа тоши — ғаним қаршисига чиқдим. Қобуси билан бир гезда уриб, бир гезда суриб, охири шу икки юз қирқ уч йигитим билан ўн икки минг отлиқ душман аскарини синдирдим. Булар қочди эрсалар, орқаларидан неча тошлиқ ергача қувғин қилдим.

Яна меним тажрибамдан ўтмишдирким, кенгаш кишилари эрса, олис ўйлиқ, тўлиқ ақллиқ, чуқур фикрлиқ сезгир кишилардан бўлишлари лозимдир. Ҳар бир улуғ ишларда шундай кишилар билан ақллашиб, кенгаш ўтказиш зарурдир. Ишнинг қандай чиқиши тақдир пардаси остида яширин бўлса ҳам, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳсалом айтқонича, ҳар ишни кенгаш билан қилдим. Ҳар қачон кенгашчилар йиғилиб, мажлис очилар экан, яхши-ёмондин, фойда-зиёндин, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасдин сўз очиб, алардин сўрар эдим. Буларнинг сўзларини эшитқоч, ҳар ёқлама текшариб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирар эдим. Айниқса бу ишнинг хатарлиқ томонларига кўпроқ кўз солар эдим. Агар икки хатарлик, бир хатарлик икки иш олдимга келар экан, икковидан баробар қутилиш чораси бўлмаса, бир хатарликни олар эдим. Бунга мисол: Дашти Қипчоқ амирлари Чингизхон туруни (набираси) Туғлуқ Темирхонға қарши қўзғолон кўтардилар. Бу тўғрида Туғлуқ Темирхон мендин кенгаш сўради. Агар ўзи борса бир хатар, аскар юборса икки хатар борлиғини билдириб, унга кенгаш кўрсатдим. Меним кенгашим билан қўзғолончилар устига ўзи бориб эди, бутун ишлари мен деганимдек бўлиб бажарилди.

Ишларимнинг барини кенгаш орқалиқ юргизиб, ани битуришга тўғри тадбир қўлланур эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундин қутилиб чиқар йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим. Қайси ишга киришдим эрса, йироқни кўриб, ортини ўйлар эдим. Ҳар ишда чинлиқ, чидамлиқ кўрсатиб, соқлиқ билан уни ўтнарар эдим.

Яна тажрибамдан ўтказдим: кенгаш эгалари бирлиқ, иттифоқлик билан сўзда туримлиқ ишда чидамлиқ бўлишлари албатта шартдир. Қилайли деган ишларини қилмасдан сира қўймасунлар. Агар қилмасқа сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасунлар. Тажрибага етканларимен, кенгаш икки турли бўлур. Бировн — юрандан чиққани, иккинчиси — тил учида айтулғонидир. Буни эшитсам, қулоқ солар эдим, уни эшитганимда кўнглимга жойлар эдим. Агар ғаним устига аскар тортмоқчи бўлсам, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларим кўнгиллари бу икковидан қайси бир томонда эканлигини ахтарур эдим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрар эдим, агар урушга мойил бўлсалар, бунинг ҳаёнини яраш зиёнига тенгшаб қарар эдим. Қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни қилар эдим. Сипоҳлар кўнгилларини иккига бўладургон кенгашлардан бек соқланар эдим. Туримсиз, икки ёқлама сўзлаган кишиларга қулоқ солмас эдим. Қайси киши ақлга сиққан бир ишни эрларча кескинлик билан сўзлар экан, уни суйиб эшитар эдим. Ҳар кимдан сўз олиб кенгаш сўрар эдим. Ленин эркак-урғочисини текшариб, яхши-ёмонини ажратар эдим. Қайсиниси яхшироқ, фойдаликроқ бўлса шуни танлар эдим.

Шундоқки, Чингизхон набираси Туғлуқ Темирхон Мавароуннаҳр (Тўрон) мамлакатини олиш қасдида қўшин тортиб, Хўжанд сўйи (Сирдарё)дин ўтди эрса, Амир Ҳожи барлос, Амир Боязид жалойир билан меним отима ёрлиқ ёзиб чақирмиш эрди. Булар келиб, хон олдига бориш-бормаслиқ тўғрилиқ мендин кенгаш сўрадилар. Анда мен айтдим, хон билан кўришконимизда икки фойда, бир зиён бордир. У билан кўришмай Хуросон томонга ўтиб кетганнинг икки зиёни, бир фойдаси бор дедим. Булар эрса, меним кенгашимга кирмай, эл-юртлари билан кўчиб, Амударёдин ўтиб,

Хуросон томонига кетдилар. Буларни кўргач, мен ҳам икки кўнгилли бўлиб қолдим. Сўнгра пиримдин маслаҳат сўраб, хат ёзгон эдим, жавобида шу мазмунни ёзмиш эдилар: «Тўртинчи халифа ҳазрати Алидин бир киши сўрамиш эдиким, осмонлар — садоқ (ўқ-ёй) бўлса, офатлар — ўқ бўлса, инсонлар — нишон бўлса, отқучи — олло бўлса, эмди одамлар қаёққа қочадилар? Анда ҳазрати Али худоға қочсинлар демишдир. Шу ўхшаш сен ҳам Туғлуқ Темирнинг ўзиға қочғил. Қўлидаги ўқёсини тортиб олурсен».

Бу жавоб келиши билан кўнглим кўтарилиб, юрагим бундан қувват олди. Лекин бир ишни қилмоқчи бўлсам, кенгаш тўқталгондин сўнгра яна қуръондин пол очиб, шунга қараб иш қилур эдим. Туғлуқ Темирхонға бориш олдида қуръондин пол очсам, «Сураи Юсуф» чиқди. Юсуф алайҳсалом эса қул бўлиб сотилгондин сўнгра Миср подшоси бўлмиш эди. Хон билан кўришганимдан кейин мен ҳам бир давлатга эга бўлур эканман деб, бундан яхши пол олдим.

Салтанат олиш учун иш бошлағанимда биринчи қилғон кенгашим

Туғлуқ **Темирхон** билан кўришиш олдида менга хабар келтирдиларким, Туғлуқ Темирхон Чита амирларидан, биринчи — Бенчик Баҳодир, иккинчи — Ҳожибек Эркинт, учинчи — Улуғ Тўқтемир Кирайт. Бу нўён (аскар боши)лар қумондасида Тўрон мамлакатини талон қилиб, бўюн сундиришқа уч дуркин черик юбормишдир. Буларнинг олди Хазирон (ҳозирги Янгибозор — Қаржон) деган жойга келиб тушдилар. Буни эшитгач, хонға бориштан илгари Тўрон элини бу балодан қутқариб, ўлимйитим, талон-торождин соқлаб қолишим лозим бўлди. Бу очиўз кишиларни мол-дунё билан алдаб тузоққа туширмоқчи бўлдим. Кўзлари қизиқорлиқ Тўрон тансуқларини олиб, устларига бордим. Мени кўргач, ҳайбатим аларни бости бўлғайким, кўп ҳурматлар кўрсатиб, ортиқча мени сийладилар. Буларнинг кўзлари ўхшаш кўнгиллари ҳам тор бўлғонликдан соврун йўсунида аларға берган ҳар турлиқ тансуқ моллар кўзларига кўп кўринди. Шу билан еган оғиз уялур деб, халқни талаб-булашдин қўл тортдилар.

Бу ишни босиқтургач, тўғри бориб хон билан кўриштум. Менинг бу келишимдан хон яхшилиққа пол олиб, салтанат ишларида мендин кенгаш сўради. Унга кўрсатган кенгашларимни тўғри топиб, мени олқишлади. Шу орада хонға хабар келтирдиларким, юқорида айтилғон уч амир ерлиқ халқдин совға-совруплар олиб, алар билан келишмишдирлар. Хон буни анғлаши билан ғазаби қўзғалиб, уларни ишдан бўшатди. Уринларига Ҳожи Маҳмуд Шоҳ ясурийни қўйди. Амирлар қўлидан олғон бутун молларни топшириб олишқа киши буюриб, ўзларини орқага қайтишга ёрлиқ қилди. Алар буни анғлағач, кўнгиллари бузилиб, хонга тескари бўлдилар. Ўзларига қарашлиқ кишиларини олиб, юртларига қайтдилар эрса, йўлда келаётган Уғлон Хўжаға йўлиқтилар. Бу киши эрса Амир Кенгочхоннинг девонбегиси эди. Бўлғон воқеани унга тушундиргач, бунидағи кўнгли бузилиб, барчалари Дашти Қипчоқ томонга қараб жўнадилар. Яна шу чоғда Чита амирларининг ҳам бузулғон хабарлари эшитилди.

Бу ишдан хоннинг тинчи кетиб, меним кенгашим билан лашкар олиб, Чита даштига юзланди. Қорачорнўюннинг ўн минг тумани (қишлоқ) билан бутун Мавороуннаҳр (Тўрон) мамлакатларини менга топширди. Бул тўғрилиқ бўлжар (ваъда) бериб, меним отима ёрлиқ чиқарди. Жайҳун (Амуд) дарёсининг бўйидан бошлаб, бутун Тўрон тупроғига мен ҳукмрон бўлдим. Салтанатимнинг бошланишида энг олдинғи қилғон кенгашим шул эди. Меним тажрибамдин ўтди: юз минг аскар қила олмағон бир ишни қобусини келтириб, бир тадбир билан қилғони бўлур экан.

Давлат қуриш олдида қилғон иккинчи кенгашим

Туғлуқ Темирхон ички ишларидан тинчиб олғач, беш юз олтмиш иккинчи ҳижрияда Тўрон мамлакатларини олиш учун яна қўшин тортиб, Мавороуннаҳрга келди. Менга берган бўлжарини бузиб, ҳукуматни мендин олиб, ўғли Илёс Хўжаға топширди. Мени унга вазир ҳам бош қумондон қилиб белгулади. Бу ишдан меним ториққанимни кўргач, меним бобом Қочувли Баҳодир унинг бобоси Қубулхон ўрталарида тузилган аҳдномани кўрсатди. Бу тўхтамнома хонлиқ — Қубул авлодида, қумондонлиқ — Қочувли болаларида бўлсин деб, пўлот тахта устида ёзилмиш эди.

Буни ўқиб кўрганимдан сўнгра улуғлар тўхтами бузилмасин деб, қумондонликни қабул қилдим. Лекин буларнинг жабр-зулмлари кундин-кунга ошқали турди. Шундоқки, пайғамбар авлоди саидзодалардин етмиш кишини асир тутмиш эдилар. Уғли Илёс Хўжа эрса сиёсат ишига ярамсизлиқдан бунинг хонлик ҳайбати бўлмағач, ўз амирларини ёмон ишлардин қайтара олмас эди. Лекин мен эрсам буларга бўш келмай, ҳар ишда устунлик қилиб, золимлар қўлидан мазлумларни қутқазар эдим.

Буларнинг ҳар турлук бузуқ ишларига тўсқинлик қилаверганимдан манғуллар билан орамиз бузилмиш эрди. Шу сабаб бўлиб, Илёс Хўжа бошлиқ бутун амирлари Темурнинг кўнгли бузуқ, сизга бўй сунғиси келмайди, очиқдин-очиқ бизга қаршилиқ қилади деб, хонға хат туширмиш эканлар. Хон ҳам бу ёлғон сўзни чин билиб, мени ўлтуруб йўқотишқа ёрлиқ юбормишдир.

Бахтимизга яраша хоннинг юборғон буйруғи тўғри келиб меним қўлимга тушмиш эди. Ўлим буйруғимни ўзим ўқиб кўргач, бунинг чорасини қилишга киришдим. Шундоқки, барлос улусининг баҳодир йигитларидан ўзимга сирдош, ёқдошлар тўпладим. Энг аввал мен билан қўл олишиб, бўлжар берган, чин кўнгли билан бу ишга киришган киши: биринчи — Эгов Темир, иккинчи — Жоку барлос эди. Бу-лардан бошқа улус баҳодирларидан бир неча-лари менга қўшилиб, қаттиқ ваъда бердилар.

Мавороуннаҳр аҳллари меним бу ишимдан хабар топдилар эрса, тезданоқ манғулларга қарши кўтарилишимни истар эдилар, чунки уларнинг жабр-зулмлари халқни бутунлай бездирган эди. Катта-кичик Тўрон аҳллари мен билан бир иттифоқда бўлдилар. Мамлакатнинг уламо ва машойихлари бу тоифани ҳукумат устидан ҳайдаш тўғрисида фатво ёздилар. Бу ишга улус амирларидан, аскар бошчиларидан ҳам қўшилувчилар бўлди. Бу ҳақда ёзилган аҳднома фатволарининг нусхаси бу эди:

«Мавороуннаҳрдаги бутун аҳли Ислом, уламо-машойих, сипоҳ-раиятлар бўлсун, Амир Темурни салтанат тахтига лойиқ кўруб, унга Қутби салтанат лақабини қўйдилар. Мусулмонларнинг мол-жонларига зулм қўлларини узатқон устимиздаги манғуллардан бизни қутқазсин. Биз у билан иттифоқдош бўлиб, ҳар тўғрида ёрдам беришга аҳд бериб, унга байъат қилдик. Агар шу берган аҳд-паймонимиздан қайтсақ худо ёрдамидан чиқиб, шайтон ёрдамига кирган бўлайлик».

Бу фатвони келтириб қачон менга кўрсатдилар эрса, туюқсиздан бу золимлар устига ҳужум қилмоқчи бўлдим. Лекин бир неча олчоқ ёмон кишилар бу сирни сездириб қўйдилар. Сўнгра ўзимга кенгашиб, агар Самарқанд шаҳри ичида бу тоифага қарши уруш бошласам, бу ернинг аҳллари ярамсизлиқ қилсалар, у чоғда иш улғайиб кетишга тўғри келади. Ондин кўра шаҳардин чиқиб, Самарқанд тоғларидан ўрин олайли, ким менга иттифоқдош бўлар экан, мен билан бирга чиққусидир. Шу ерда туриб, етарли куч тўплаб олғондин сўнгра қайтиб келиб, буларга қарши уруш очғаймиз деб, Самарқанддин отланиб чиқдим. Қарасам, олтмиш отлиқдан бошқа бир киши ҳам менга эргашиб чиқмади. Шунда билдимки, бу тўғрида ўйлағон кенгашим хато бўлмағон экан.

Сўнгра бу жойда яна бир ҳафтача кутиб ётдим, бир киши бўлса ҳам бизга келиб қўшулмади. Энди сиримиз очилди. Ё олим, ё ўлимдин бошқа йўлимиз йўқ эди. Шу учун Бадахшон мамлакатига ўтуб, у ернинг шоҳлари билан иттифоқ тузишни ўйладим. Яна бу тўғрулиқ кенгаш сўраб, тариқат пирларидан Амир Кулол олдиларига кирдим. Кирдим эрса, меним Хоразм боришимга маслаҳат бердилар.

Агар душманларимга зафар топсам, бир йиллиқ Самарқанд ўнимини назирга берай деб, бу зотқа атадим. Бу киши ҳам «Фатҳ нусрат» оятини ўқуб, менга рухсат қилди.

Энди шу ердин чиққонимизча, олтмиш отлиқ киши Хоразмга қараб жўнадик. Илёс Хўжа бу ишдин хабар топиб, Хива ҳокими Текил Баҳодирга мени ўлтуриш учун хат ёзмиш экан. Бу эрса минг отлиқ аскар олиб, меним устимга келди. Шу куни қайн оғам Амир Ҳусайн ҳам менга йўлдин қўшилмиш эди. Олтмиш отлиқ йигитим билан минг отлиқ кишига қарши туриб савашқа киришдим.

Бу урушда шундайин баҳодирлиқ қилиб, чидамлиқ кўрсатдимким, унинг минг кишисидан эллиқ киши қолди. Меним олтмиш отлиқ йигитимдан ўн киши қолди. Шундай бўлсадағи сафар мен томонда бўлиб, аларни қочурдим. Бу урушнинг хабари Илёс Хўжаға, Чита амирларига етиқач, улар ҳайрон қолишиб, Темур ажаб эр киши экан, анинг иқболи келмиш, бахти очилмишдур деб, ўз аро гапиришибтилар.

Мен бу урушдаги зафардан яхши пол олдим. Бундан сўнгра меним ҳайбатим босиб, душман кўзлари қўрқадурғон бўлди.

(Давоми 16-17-бетларда)



Ўз салтанатимни тузатиш ҳақида қилғон учинчи кенгашим

Бу ишдин кейин яна аҳвол ўзгариб, салтанат қуриш ишларим бир қанча тўсқинликқа учради. Шундоқки, менинг эргашган йўлдошларим ўн кишидан ортиқ эмас эди. Яна булардан уч киши пиёда эдилар. Хотиним — Амир Ҳусайн қариндоши, буни ҳам отга миндириб, бирга олиб юрган эдим. Шу ҳол билан Хоразм чўлларида бир неча кун бош айланиб юрдим. Кеч бўлгач бир қудуқ бошиға келиб тушдим. Ичимизда пиёда юрган уч нафар хуросонлиқ бор эди. Бу бевафолар шу кечада уч отимизни миниб қочиб кетдилар.

Энди аҳвол оғирлашиб, етти киши тўрт от билан қолдик. Ишларим ўзгариб, ҳолим кўп оғирлашди. Лекин кўнгил тўқ эди. Бу ишни чакки қилган эканман деб, ҳеч ўкинмас эдим. Бу қудуқ бошидан ҳам жўнадим.

Шу чоқда Алибек Қурбоний кўп аскар билан устимизга етиб келиб, мени ўз жойига элтиб, бургаси кўп бир қоронғу уйга қамади. Бир неча қуроллиқ кишиларни менга соқчи қилиб қўйди. Олтмиш икки кун бунинг қўлида тутқун бўлиб ётдим. Қарасам, иш оғирлашқани турди.

Бундан қутилиш чорасини излаб, ўзимга кенгашдим. Тангри ёрлиқади бўлғайким баҳодирлиғим тутди. Анинг ёрдами еткач, билагим кучи билан соқчилар қўлидан биринниг қилинчини тортиб олиб, аларға ҳужум қилиб эдим, бариси туш-тушга қочиб йўқолдилар.

Қилич кўтарганимча, тўғри Алибек устига кириб бордим. Мени кўргач, ҳуши бошидин кетди. Қилғон ишига ўкунуб, мендан кечирим сўради. Отларимни, яроқ-жабдуқларимни келтуриб, бир қари туя, бир ариқ от менга тортуқ қилган бўлди.

Бунинг оғаси Муҳаммадбек билан орамизда дўстлиқ бор эди. Мен тўғрулиқ иниси Алибекни айблаб хат ёзиб экан. Дағи менга атаб, бирмунча совға-соврун юбормиш экандир. Очкўзлиқ қилиб, у нарсаларни ҳам ўзи олиб қолиб, сўнғра бизга рухсат қилди.

Бундин қутилгач, Хоразм чўлига қараб жўнадим. Бу йўли ўн икки отлиқ киши менга йўлдош бўлдилар. Икки кун юрганимиздан сўнғра манзилга етиб, бир уйга тушдик. Шу орада ерлиқ бир тўп туркманлар пайдо бўлиб, мени кўргач, «ўғри, ўғри!» дейишиб, ҳужум қилмоқчи бўлдилар эрса, хотиним — Амир Ҳусайн қариндошини бир уйга яширибқўйиб, аларға ўзим қарши чиқдим. Шу туркманлар ичида Ҳожи Маҳмуд деган киши мени таниб қолиб, «ҳай тўхтанглар, бу Амир Темур экан!» деб, уларни урушдан қайтарди. Ўзи эса тизза уриб олдимга келди. Мен ҳам унинг кўнглини овлаб, бошиға ёғлуғимни қўйдим. Сўнғра бу киши оға-инилари билан келиб, менга қўшилди.

Бухоро томонларда тарқалиб турингланлар. Мен бориб, Самарқанд атрофидаги эл ичини оралаб, аларни ўзимга иттифоқдош қилайин, етарлик аскар йиғилиб, куч-қувват қўлга келгандин сўнгра, сизларга хабар қилурмен. Баримиз бирликда туриб, туюқсиздан Илёс Хўжа устига чопул қилайли дедим.

Меним бу кенгашимни барилари тўғри топдилар. Шу тўхтамға фотиҳа ўқиб, мен йўлга тушдим.

Шу икки юз кишиларимни атрофга тарқатиб қўйдим. Амир Ҳусайн қариндоши — Туркон оғани яширинча бир ерга ташладим.

Самарқанд кетаётганимда Тамунақўчин йўлиқиб, ўн беш отлиқ менга қўшилди. Сир айтиб кенгашгонимдан сўнгра уни Муборакшоҳ олдига юбордим. Ўзим яширинча эл оралаб, юриб, яқин икки мингча кишини ўзимга иттифоқдош қилдим. Қачон мен қўзғолон кўтарсам, булар ёрдамга етмакчи бўлдилар. Тун қоронғуси тушганда ўзим яширинча эгачим Қутлуғ Туркон уйига кирдим.

Кишига кўринмай, ишнинг олди-ортини текшариб, ўй ўйлаб юриб, қирқ саккиз кун ўтказдим. Охири шаҳар халқидан қайбири мени кўриб қолди. Ишнинг қобуси келмай туриб, сиримиз очиладиган бўлгач, айласиз бўлиб, мен билан бирга кирган эллик отлиқ киши кечалаб Самарқанддин чиқиб, яна Хоразм йўлини тутдик.

Шаҳардин бирга чиққан бир қанча пиёда кишилар ҳам бор эди. Йўл кетаётганимда туркманларнинг ўтлоқда юрган уюр йилқиларидан ушлаб, пиёдаларимни миндириб олдим. Шу юрганимизча, Амуддарё бўйида Очиқ деган ўмби-дўмби бир жойга келиб тушдик. Шу ерга келганимизда Бухорода қолганлар ҳам етишиб келдилар. Булардин бошқа Темирхўжа Уғлон, Баҳром жалойир ўзларига қарашли кишилари билан келиб, менга қўшилдилар. Эргашувчилар кўпайишиб, мингга яқинлашдиқ.

Тўртинчи кенгаш

Хоразм чўлларини гезиб юрганимда ҳар ёқдан келган кишилар қўшилиб ўлтириб, менга эргашганлар яна олтмиш отлиққа етиб қолдилар. Буни кўргач, ўзимга кенгашдим. Агар шу келган жойимда тураверсам, айтиб бўлмайди, бу ерлик кишилар ниятлари бузилиб, душманларимизга хабар бериб қўйсалар, у чоғда биз учун яна қийинчилиқ туғилур. Яхшиси бу ердин кетиб, эл оёғи етмаган ерга бориб ўрин олайли деб, Хуросон томонга қараб юзландим. Йўл кетаётганимда Моҳон ҳокими Муборакшоҳ Санжарий юз отлиқ аскари билан келиб, менга қўшилди. Тортиқ қилиб келтирган яхши отлари ҳам бор эди. Эл ичида юрган саидлардан, шу ерлик кишилардан ҳам келиб қўшилувчилар кўп бўлди. Отлиқ, яёв бўлиб икки юзга яқин киши бу саҳрода менга йўлдош бўлдилар. Шу чоғда Муборакшоҳ, Саид Ҳусайн, Саид Зиёиддин ва бошқалар бўлиб, менга арз қилдиларким, эмди бу ерда кўп тураверишимизнинг фойдаси йўқдир, ўзимиз учун бир вилоятни олиб, ўринлашишимиз керак.

Мен йўлаб ўтириб, кўнглимга бу кенгаш келди: аларға айтдимким, андоғ эрса бошқа ерни қўйиб, Самарқандға борайли. Сизлар

Бешинчи кенгаш

Бу жойдин чиқиб, Қандаҳор, Бахтарзамин тарафига қараб жўнадим. Ҳермин суйининг бўйига тушиб, шу ерга бир юрт ясатдим. Аскарнинг жамалғасини кўриш учун бир неча вақт шу ерда туришга тўғри

ТАРЖИМОНДАН

Ҳозирги тарихдан минг йиллаб илгариёқ маданият оламида кўплаб ҳиссалари қўшилган, бутун инсон наслида фойда етказарлик илмий асарлар қолдирган Форобий, Беруний, Ибн Сино каби улуғ олимлар эрса шу юртимизда туғилмишдирлар. Шунга ўхшаш бутун дунёга отағи чиққан, тарихларда достон бўлган Темур каби жаҳонгир ҳам Ўрта Осиёдан чиқмишдир.

Ўзбекистонимизда ўтган улуғ олимлар, устодлар тарихий тараққиётлар орқали эндигина юзага чиқиб танилаётган бўлсалар ҳам, ҳалигача очилмай, кўмилиб ётқон тарихий шарафларимиз яна ҳам кўпдир. Бунинг бирдан-бир сабаблари эса бутун тарих китобларимиз арабча, форсча тилларда бўлиб, ўз тилимиз ўзбекча ёзилган китобларимизнинг камлигидир. Бундай бўлгач Темур тарихини ва бошқа тарихий ишларимизни билишга қизиққан анчагина ёш Ўзбекистон олимлари ҳозирча Оврупо тилларида ёзилган тарих китобларни ўқишга мажбур бўладилар. Булардаги сўзлар эса қўлдин-қўлга, тилдин-тилга кўчирилиб келганликдан ҳақиқат қоронғулашиб, киши кўнглини қондирғудай илмий қаноат бера олмайди.

Биз кўрган арабча, форсча, туркча китобларда Темур устида ҳар турли сўзни ёздилар. Уларнинг қайси бирлари уни бошга кўтариб мақтасалар, баъзилари уни ерга урадилар. Йигирма етти пойтахтли ерни ўзига бўйсундирган лашкарбоши мазкур китобда ўзининг бутун қилган ишларини қисқача айтиб ўтганидин сўнгра ўз салтанатини сақлаш учун болаларига қўлланма бўлғудек ҳарбий-сиёсий ёсолларини қуриб кўрсатиб, уни «Темур тузуқлари» деб атамишдир. Аслида эса бу китоб Темурнинг ўз қалами билан ўзбекча ёзилган бўлса ҳам, бунга унинг ўз меросхўрлари эга бўла олмаганлар. Эшитишимизча, бу китобнинг асл нусхаси Лондон китобхонасида сақланурмиш.

Тошкент Диния назорати китобхонасида бундан бир нусха борлигини англаб, уни кўришга қаттиқ қизиқдим. Қарасам, у олтин китоб ўз асли ўзбек тилидан форсчага кўчирилгач, ўз маъносини йўқотмаган бўлса ҳам, бунга унинг ўз меросхўрлари эга бўла олмаганлар. Эшитишимизча, бу китобнинг асл нусхаси Лондон китобхонасида сақланурмиш.

Тошкент Диния назорати китобхонасида бундан бир нусха борлигини англаб, уни кўришга қаттиқ қизиқдим. Қарасам, у олтин китоб ўз асли ўзбек тилидан форсчага кўчирилгач, ўз маъносини йўқотмаган бўлса ҳам, бунга унинг ўз меросхўрлари эга бўла олмаганлар. Эшитишимизча, бу китобнинг асл нусхаси Лондон китобхонасида сақланурмиш.

Мен бу сўзнинг тўғрилигини илгаридан бери билган бўлсам ҳам, айниқса бу китобни таржима қилиб чиққанимдан сўнгра кўнглимда ҳеч гумоним қолмади. Чунки бу китобнинг асли нусхасидаги бир неча оғиз ўзбекча сўзларга форсида унинг таржимаси топилмагач, у сўзларни таржимон шул бўйича қолдиришга мажбур бўлмишдир.

келди. Шу орада Гармсер аҳлидин турк-тожик бўлиб, яна мингга яқин киши келиб, менга қўшилди.

Аскар яқин икки мингга етқач, кенгаш қилиб, Сийстонга чопул қилмоқчи бўлдим. Менинг хабарим Сийстон волийсига етқач, элчи орқали тортуқ-тарағайлар юбориб, мендин ёрдам сўрамишдирким «душманларим менга зулм қилиб, қўлимдин етти қалъамни тортиб олдилар. Агар мендин душман қўлини қисқа қилар экан, аскарга олти ойлиқ озиқ-овқат етказур эдим» демиш эди. Бу ишни ўзима кенгаш кўриб, Сийстон томонига қўшун тортиб жўнадим. Айтилмиш етти қалъадан бешовини куч билан ажратиб олдим. Буни кўриб, Сийстон волийсининг кўнглига қўрқинч тушди. Душманлар иттифоққа келишдилар. Ўзаро маслаҳатлашиб агар Амир Темур бу ерларда туриб қолар экан, Сийстон ўлкаси қўлимиздан кетиши аниқдир, дейишиб, сипоҳ, раият барчаси бирлашиб, меним устима келдилар. Сийстон волийси ваъдасидан қайтди. Урушдан бошқа чора топилмагач, иложсиз, йўлларини тўсиб, савашқа киришдим. Шу чоқда бир ўқ келиб, билагимга қадалди. Яна бир ўқ оёғимга тегиб яралади. Шундай бўлса ҳам охири уларни енгиб, қочурдим. Лекин бу мамлакатнинг об-ҳавоси бизнинг мижозимизга тўғри келмади. Шунинг учун у ердан қайтиб, яна Гармсерга келдим. Бу жойда икки ойча туриб қолдим. Унгача қўл-оёғимдаги яралар ҳам соқайди.

Олтинчи кенгаш

Гармсерда туриб яраларим бутуб, ўзим соғлом бўлгач, Балх чегараларига яқин тоғларда туриб, шу жойда етарлик аскар тайёрлаб олиб, сўнгра Тўрон мамлакатларини душмандин тозаламоқчи бўлдим.

Кенгашимиз шунга тўхталгач, бу ердин отланиб чиқдим. Қарасам, шунча кўп кишилар тарқалиб кетиб, қирқ отлиқ киши қолган эканмиз. Лекин буларнинг бариси аслзода, ота ўғли йигитлари эди. Шундайин оғир кунларда нимадандирки мен каби молсиз, озиқ-овқатсиз бир киши кейинига кириб, тоғ-тошларда эргашиб юрадилар. Бунинг сирини сен билурсан деб, тангрига кўп ташаккур айтдим. Оллонинг мен билан қилардиқ улуғ ишлари бўлғайким, булар каби баҳодир, вафодор йигитларни менга бўйсундирмишдир дедим.

Сўнгра бу ердин юриб, Балх тоғларига қараб йўлга тушдим. Кетаётқанимизда Йилдиримҳорачорнўён турунларидин Сидиқ барлос, мени излаб тополмай, боши айланиб юрган экан. Ун беш отлиқ билан келиб менга қўшулди. Буни келганидан ишимиз илгари бўлар деб, яхши пол олдим.

Шу кунларда озиқ-овқатимиз етишмай қолиб, ов этлари билангина кечинмакда эдик. Илгарилаб бораётқанимизда йироқдин кўринган тепа устида бир тўп кишининг қораси кўриниб, борган сайин кўпаймакда эди. Булар ким бўлди экан деб, бир неча қоровуллар юбордим. Қоровуллар бориб, хабар келтирдиларким, Қаранчи Баҳодир — Амирнинг илгариги навкари, Чита лашкаридан юз отлиқ аскар ажраб чиқдиқ. Шундан бери Амирни излаб, бош айланиб юрамиз демиш эдилар. Буни эшитишим билан ерга бош қўйиб тангри шукрини қилдим. Дарҳол Қаранчини келтирмак учун киши буюрдим. У келгач, тиз уриб оёқларимни ўпди. Мендаги унинг кўнглини кўтариб, ёғлиғимни бошига қўйдим.

Бу ердин юрганимизча Дараи Арсуф деган жойга келиб тушдик. Бу даранинг ўрта ерида келишган хушҳаво бир тепа кўринди. Ўвачароқ деб, ўзим шу ерга тушдим. Қолган аскарлар дўнг айланасини қуршаб ётдилар. У кеча жума туни эди, тонг отқунча тилак қилиб ухламай чиқдим. Қачон тонг отди эрса, эрта намозини ўтадим. Сўнгра дуога қўл кўтариб эдим, кўзим ёшланди. Юрагим юмшади. Тангрига ёлвориб, ундин тиладим: мени бу сарсонликдан қутқарармикинсан деб йигладим. Дуони юзимга тортқаним йўқ эдики, йироқдин бир тўп отлиқ кишилар кўринди.

Бизнинг юқоримизда тоғдан ўтмакда эдилар. Буларнинг кимлигини билайин деб, ортидан ета бориб, «баҳодирлар, ким бўласизлар?» дедим. «Темурнинг навкарлари бўламиз. Уни излаб тополмай, айланиб юрибмиз» дейишди. Анда мен айтдим: «Мендаги онинг навкардурман. Юрингиз, мен бошлаб борайин» дедим. Буни анғлаши билан бир отчон киши чопқанича бориб, бошчиларига хабар бермиш экан, мени келтирмакка буюрмишдир. Булар уч бўлук экэнлар. Биринчи бўлук бошлиги — Туғлуқхўжа барлос, иккинчи — Амир Сайфуддин, учинчи — Тубақ Баҳодир эди. Кўзлари менга тушгач, ўзларидин кетаёзиб, отдин ташлашиб, яёв югурдилар. Тиз уриб келиб, узангуларимни, оёқ-қўлларимни ўпишдилар. Мендаги отдин тушиб, ҳар бири билан қучоқлашиб кўришдим. Ёғлиғимни Туғлуқхўжа бошига қўйдим. Олтун зийнатлик камаримни Амир Сайфуддин белига боғладим. Устимдаги чопонимни Тубақ Баҳодирга кийгиздим. Кўнгиллари яшиб йиғлашдилар. Мендаги йигладим. Номозни жамоат билан ўқиб, отланиб қўшимизга келдик. Омонлиқ билан кўришганимизга шу куни ўзаро тўй бердик. Эртаси куни Шер Баҳром келди. Бу эрса ёшлиқ қилиб, мендин ажраб, Ҳиндистон томонига бормоқчи бўлиб кетган эди. Қилган ишларига ўкиниб, мендин кечирим сўради. Мен уни қучоғимга тортиб, узурини қабул қилдим. Яхши сўзим, кўркам қилиғим билан қилғон ишларининг хижолатидан уни чиқардим.

Еттинчи кенгаш

Қарасам, бу йўли йиғилган аскаримизнинг сони уч юз ўн учга етмиш эди. Узимиз ётқудек, яроқ-жабдуқ соқлаб, от-улоғимиз турғудек бир қалъани қўлга келтириш лозим бўлди. Олажўра қалъаси бизга яқин бўлғонлиқдин уни олишга кенгаш тўхтатдик. Илёс Хўжа томонидан қўйилган Менглибуға сулдуз бу қалъанинг бекчиси эди. Бу билан Шер Баҳром ўрталарида илгаридан бери дўстлиқ бўлғонлиқдан ўзим борсам уни эл қилиб келур эдим деб, мендин ўтинғач, унга рухсат қилдим. Шер Баҳром у билан кўришгандин сўнгра менга хабар қилдиким, Илёс Хўжа мени киши деб, бу қалъани топширди, мен кишилигимни жўюб, қалъани сизларга топширолмайман демиш эди. Менглибуғадин бу сўзни эшитгач, ясол тузуб йўлга чиқдим. Бизнинг келаётқан хабаримизни анғлағач, кўнглига қўрқинч тушуб, кишилигини сотиб қочмишдир.

(давоми келаси сонда)

Ўқувчиларга англатиш учун булардан баъзиларини бу ўринда кўрсатиб ўтамиз:

1. Чор-и булчор — урушга тўплаш.
2. Соварий — ҳадя.
3. Суюрғол — маош, ер-мулк.
4. Қобу — пайт.
5. Жолду — инъом.
6. Чопул — ҳужум.
7. Чопқулаш — қиличвозлик.

Бундан бошқа аскар ёсолларида қўлланмиш тубандаги сўзларнинг кўпроғи таржимага сиғмагач, ўзларини қолдирмишдир. Масалан, ғўл (уруш чоғида аскар сафларининг энг ўрталиғи), баронғор (аскар сафларининг ўнг қўли), жаронғор (аскар сафларининг сўл қўли), ҳировул (аскар сафларининг олдидаги баҳодирлар тўпи), шоқовул (уруш майдонида эҳтиёт тўпи), чиндовул (уруш сафларининг орқа қўруқчи тўпи).

Булардан бошқа ҳам таржима бўлмағон сўзлари кўпдир.

Энди мен бу китобни бошдан-оёқ кўриб чиққанимда бунинг асли ўзбекча бўлиб, Темурнинг ўз сўзи эканлигини аниқ билдим. Оз бўлса ҳам халқ учун мендин холис бир хизмат бўлармикин, умрим кесилгандан сўнгра кейингиларга ўзимдан эсдалик бўлиб қолармикин деган умид билан ҳар ким тушунарли қилиб, форси тилидан яна ўзбек тилига таржима қилдим. Ет ерга ўлжа тушиб кетган асаримизни ўз элига кўчириб келтирдим.

Темурнинг ўттиз олти йиллик салтанат даврида ўтказган тарихий воқеаларини қисқача равишда билдириш учун бу китоб етарликдир. Энди буни ўқиб чиққандан сўнгра бу киши ҳақида қандай баҳо беришлари эрса ҳар кимнинг ўз виждони вазифасидир.

Алихон СОҒУНИЙ.



Туроб Тўла

УЧ ҚАЙИН ВА БИР ЭМАН

Қайин

Қизимни соғиниб...

БИР ТУП ҚАЙИН ҲАР КУН ЭРТАЛАБ
ДЕРАЗАМГА КЕЛИБ ҚАРАЙДИ,
ҚАРАБ ТУРИБ, СОЧИН ТАРАЙДИ,
БИР ТУП ҚАЙИН ҲАР КУН ЭРТАЛАБ.

У УРМОНДАН ЧИҚИБ КЕЛАДИ,
СТОЛИМГА ҚАРАЙДИ КУЛИБ,
КУЛГУЛАРИ КУНДАЙ ТУКИЛИБ,
У УРМОНДАН ЧИҚИБ КЕЛАДИ.

У ҚОМАТИ РАСО КЕЛИНЧАК,
ЭСЛАТАДИ БЕХОС ҚИЗИМНИ,
ҚАҚАЖОНИМ —У ЁЛҒИЗИМНИ,
У ҚОМАТИ РАСО КЕЛИНЧАК.

БУСА ОЛАЙ ДЕЯ ЭГИЛИБ,
ДЕРАЗАМГА КЕЛИБ ТУРАДИ,
ҚИЗИМ БЎЛИБ КУЛИБ ТУРАДИ,
БУСА ОЛАЙ ДЕЯ ЭГИЛИБ.

О, ҚОМАТИ РАСО КЕЛИНЧАК,
ДЕРАЗАМНИ ОЧИБ КИР, МАЙЛИ,
ИШЛАРИМНИ СОЧИБ КИР, МАЙЛИ,
О, ҚОМАТИ РАСО КЕЛИНЧАК!

Ўша қайин

Ўғлимни эслаб...

МЕН УРМОНГА ЧИҚАМАН АСТА,
ЎША ҚАЙИН БИРГА ЮРАДИ,
УРТОҚЛАРИ УНГА САФБАСТА,
БИЗНИ УРАБ ГУРУНГ ҚУРАДИ.

ҚУЛОҚ БИТАР-ҚУШЛАР ГУВУРИ,
ҚИЗИЛИШТОН МАШИНКАСИДАН.
АТЛАС ТУҚИР ОФТОБ НУРИ,
ТАНДА ҚЎЙИБ МИСОЛИ БУНДА.


ПИСТА ЧАҚИБ ТУШИБ КЕЛАДИ
ҚИЗИЛ «БУРКА» СОЛИБ ОЛМАХОН.
ҚАЙИН ЭСА, ОЛТИН ЭЛАЙДИ,
УНГА ЭТИБ УМРИНИ ХАЗОН.

СИЛКИТАДИ ЭРКАЛАБ ГОҲИ
МИНГ ҚАВАТЛИ БИНОЛАРИНИ.
ИЛҒАЙ ОЛМАС ИНСОН НИГОҲИ
ТАШРИФ ЭТСА УЛАРНИНГ ИНИ.

ҚАНЧА БОҚСАНГ ШУНЧА, АЖАБО,
ХАЁЛИНГНИ СЕҲРДЕК ТОРТАР.
ОЛАҚАРҒА ЧУЧИТИБ ГОҲО
ЛАТТА ЙИРТАР МИСОЛИ ТАР-ТАР.

БУЗИЛАДИ ХАЁЛИМ БИРДАН,
КИТОБ ЙИРТАР УҒЛИМ КЕЛАДИ.
ТЕТИК ТОРТИБ АЖИБ САЙРДАН,
ХАЁЛИМДА ПЕГАС ЕЛАДИ...

ШУНДА ЯНА УША ЁШ ҚАЙИН
ДЕРАЗАМГА КУЗАТИБ ҚУЯР.
ЯНА ШЕЪРИМ ХАЁЛ УТМАЙИН
ҚАЛАМИМГА ҚОШИНИ БУЯР...



ҚУШИҚ АЙТИБ ЕНАДИ ГУЛХАН,
ҚУШИҒИГА ҚУШИЛАР УРМОН.
ЛОЛА БЎЛИБ ҚИЗАРИБ УНДАН
ЮЗЛАР ПИШАР БАМИСОЛИ НОН.

БАМИСОЛИ ҚАЙИН, ҚАРАҒАЙ
ИСИНГАНИ КЕЛАДИ БОСИБ.
АРЧА КЕЛИБ, АКАНГ ҚАРАҒАЙ,
ШОХЛАРИНИ ҚУРИТАР ОСИБ.

ГУЛХАН ЕНАР ТОБИДА, ШУХ, ШОД.
ТОБЛАНАДИ ҚАЙИНЗОР БИРАМ.
РАҚС ЭТАДИ МИСОЛИ, ҲАЙҲОТ,
БИЗНИНГ «БАҲОР» ҚИЗЛАРИ БУ ДАМ...

БИЗ СЕН БИЛАН, АЗИЗИМ ҚАЙИН,
БИР ЧЕКАДА ҚИЛАМИЗ ҲУЗУР.
ҚАРАҒАЙЛАР УЯНАГАН САЙИН
ГУЛХАН ЕНАР АВВАЛГИДАН ЗУР.

МАНА ШУНДАЙ БИР-БИРИМИЗГА
СУЯНИШИБ ТУРГАНДАЙ ХУШҲОЛ,
ТОНГ ОТКУНЧА ТЕРМУЛИБ ЮЗГА,
ПИЧИРЛАШИБ ШУ ГУЛХАН МИСОЛ —

ТАМАРАНГНИ КУЗАТАР ЭДИМ,
ЭШИГИДА ҚОЛИБ ОШИФТА,
МАНА ШУНДАЙ ОСОЙИШТА, ЖИМ
ҚАЙТАР ЭДИМ УЙГА ОҲИСТА...

УНИ СОЛДИНГ ЯНА ЭСИМГА,
СОҒИНЧИМГА ШИРИН УН ИНДИ.
БИЛИНДИМИ, БУ УТНИ КИМГА
ЕКИ ҚАЙГА ЕҚҚАНИНГ ЭНДИ?..

Энди эман

Дўстим Пимен Панченкога

БУГУН ЖУДА АЖИБ ТУШ КУРДИМ,
МИЖЖА ҚОҚҚАН ЭКАНМАН ПИЧИ.
ДЎСТЛАР БИЗНИ ЙИҒЛАБ КУЗАТАРДИ,
КУЗАТАРДИ КАРАЛИШЧЕВИЧИ.

БУТУН УРМОН ТУРАР ОСУДА...
БУЮК ЭМАН ҚАЙҒУГА ТЎЛИБ,
ҚУЧОҚЛАРДИ ПАНЧЕНКО БЎЛИБ,
(УНГА УХШАР ЭДИ У ЖУДА).

ҚЎЛ УЗАТАР ҚАЙИН, КЎП ЗАРИФ,
КУЗЛАРИДА ТАБАССУМ ВА ЁШ.
БАМИСОЛИ ЮРАГИН БЕРИБ,
ЮРАГИМНИ ОЛАДИ ЁВВОШ.

АРЧА КЕЛАР ҚАТОР САФБА САФ,
ЭТАКЛАРИ СУДРАЛИБ ЕРДА.
ҚИЗБОЛАДЕК ЛАБИНИ ТИШЛАБ,
УКУНГАНДАЙ БУЛАРДИ ҚИРДА.

ЧУЧИБ ТУРДИМ, ЧУВАЛДИ ҲУШИМ,
ЭСИЗ, СОКИН КУЛГА ТЕГДИ ТОШ.
ЗОРА ДАВОМ ЭТСА ДЕБ ТУШИМ,
ЁСТИҒИМГА ҚАЙТА ҚУЙДИМ БОШ...

Каралишчевичи Ўрмони.

Тағин ўша қайин

Тамарани эслаб...

ГУЛХАН ЕНАР УРМОНДА ЛОВ-ЛОВ,
ТУН ҚОЧАДИ БУРИДАЙ ТУС-ТУС.
ЯЛОВ БЎЛИБ УРЛАЙДИ ОЛОВ,
ТАЪРИФИГА ЕТИШМАЙДИ СУЗ.

ШЕЪРИЯТ ШАЙДОЛАРИГА

«Чўмилган хотин» сурати рассом Андрей Францович Беллоли (1820—1881 йиллар) мўйқаламига мансубдир. Асли зоти италиялик бўлган Андрей Беллоли йигирма яшарлигида Россияга келиб, то вафотигача шу ерда яшади. Беллоли рус сарой аслзодаларининг яхши кўрган рассоми эди. У санъат асарлари зодагонлар меҳмонхонасига хос зўр таъсирчан бўлишини хоҳловчи кишиларнинг дидини билиб, уларнинг кўнглини топа оларди. Беллоли олган суратлар XIX аср иккинчи ярмида яшаб, оддий халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттирган халқчил рус рассомлари чизган суратларга батамом зид эди. Беллоли бу илғор санъаткорлик оқимига қўшилмади. Бу оқим В. Перов, П. Крамской, Н. Яротенка, И. Репин, В. Суриковларнинг номларини чиқарди.

Беллоли асарини бадиий Академия кўргазмаларида кўрсатардики, Академия ўша вақтда ҳаётдан узоқлашган, ғоясиз санъат таянчи бўлиб қолган эди.

«Чўмилган хотин» 1871 йилда Академия кўргазмасида биринчи бор кўрсатилди. Бу суратнинг пайдо бўлишини матбуот таъкидлаб ўтмаган бўлса ҳам ўз саройларини кишини танг қолдирадиган суратлар билан ясатишга муҳтож оқсуякларнинг эътиборига сазовор бўлди.

Мазкур мақола муаллифига шу ҳақда у бир неча йил муқаддам сўзлаб берган эди. Инқилобнинг дастлабки йилларида музейни келиб кўрувчи кишилар оз эди. Музей маъмурияти музейни кўпроқ одам келиб кўрсин деган мақсадда шундай афсонани тўқиб, уни маҳаллий газетада бостириб чиқаради. Ҳар хил олди-қочди гапларга ўч, ҳар нарсага осонликча ишониб кетаверадиган кишилар мақолани ўқигач, суратга жуда қизиқиб қоладилар. Музейга одам ёғилиб кетади. Бу афсона ҳозир ҳам оғизбой оғизга ўтиб юради. Ҳозир ҳам айрим томошабинлар музейга атайи сирли тарихи бор суратни кўрамиз деб келишади. Аммо, бундан бўлак афсоналар ҳам йўқ эмас.

Бекорчиликда хаёли ўткир томошабинлар тобора янги-янги гапларни ўйлаб чиқарадилар. Кимдир «Чўмилган хотин»ни бизнинг музейдан Третьяков галлереяси олиб қўймоқчи деган миш-миш тарқатади. Кимдир бу суратга Лувр даъвогарлиги ҳақида афсона тўқиб чиқаради. Тағин кимдир америкаликлар ҳукуматимизга «Чўмилган хотин» учун бир неча юз минг доллар бермоқчи бўлганлиги, лекин Совет Иттифоқи бу ажойиб асардан жудо бўлишни истамаганлигини ишончли манбалардан эшитдим деб онт ичиб гапиради.

севадиган асаридир. «Чўмилган хотин» сурати қандай бадиий фазилатлари билан кишини ўзига мафтун этади?

Сурат кишиларни маҳлиё қилишининг дастлабки асосий сабаби, шубҳасиз, унинг жанридир. Инсоннинг вужуди қип яланғоч ҳолида тасвирланган, бунинг устига суратнинг катталиги одам гавдаси билан теппа тенг. Шунинг ўзиёқ томошабин эътиборини ўзига жалб қилади. Хилқатнинг одатдан ташқари яланғоч кўриниши, мавзу «таъқиқланган бўлиши»нинг таъсири натижасида ҳам суратга бўлган қизиқиш анчагина ортади.

Инсон жасадининг гўзаллиги барча асрлар ва даврларда ўтган рассомлар, ҳайкалтарошларнинг эътиборини тортиб келган. Биз дастлаб қадимий-антик ҳайкалларни эслаймиз. Улар кишида юксак ҳиссиётлар уйғотади. «Уйқудаги Венера»да XVI аср италиялик рассом Жоржоне софлик, иффатнинг ажойиб кўринишини яққол тасвирлайди. Яланғоч хилқатнинг тасвири томошабинда юксак фикр ва ҳиссиётларни уйғотиши, гўзаллик, софлик, уйғунликни олий орзуларни қанотлантиради.

Музейдаги чўмилган аёлнинг талқини юксак завқ уйғотадиган даражада эмас. Бу ерда аёл аъзойи баданининг тузилиши баркамол бўлишига қарамай илоҳий даражадан пастда-

ЧЎМИЛГАН СОҲИБЖАМОЛ

САНЪАТШУНОС СОФЬЯ МИХАЙЛОВНА КРУКОВСКАЯ 1937 ЙИЛДАН ТО 1966 ЙИЛГАЧА БУЛГАН ВАҚТ МОБАЙНИДА УЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА ИЛМИЙ ХОДИМ БУЛИБ ИШЛАДИ. МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРАДИГАН БИР ҚАНЧА ЙУЛ КУРСАТКИЧЛАР ВА УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ САНЪАТ ХАЗИНАСИ ТУҒРИСИДА УЗБЕК ТИЛИДА БОСИЛГАН РИСОЛАЛАР СОФЬЯ МИХАЙЛОВНА ҚАЛАМИГА МАНСУБДИР.

1965 ЙИЛДА С. М. КРУКОВСКАЯНИНГ «ХАЗИНАЛАР ОЛАМИДА» ДЕГАН КИТОБИ ЧОП ҚИЛИНДИ. БУ КИТОБДА УҚУВЧИ МУЗЕЙДА БОР ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАР БИЛАН ТАНИША ОЛАДИ, КИШИНИ ҚИЗИҚТИРАДИГАН КИЧИК-КИЧИК ЛАВҲАЛАР МУЗЕЙДАГИ СУРАТЛАРНИНГ ТАРИХИНИ БАЁН ЭТАДИ.

СОФЬЯ МИХАЙЛОВНА КРУКОВСКАЯ УЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИНИНГ ИЖОДИЕТИ ТУҒРИСИДА ҲАМ БИР ҚАНЧА ОЧЕРКЛАР ЁЗГАН. БУЛАР УНИНГ ТУПЛАМЛАРИДА ВА ЖУРНАЛЛАРДА ҚАЙТА-ҚАЙТА БОСИЛГАН. УЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ, УЗБЕК КИТОБЛАРИНИНГ МАШҲУР БЕЗАКЧИСИ И. ИКРОМОВ ТУҒРИСИДАГИ МОНОГРАФИЯСИ АЛОҲИДА НАШР ҚИЛИНДИ.

БУ МАҚОЛАДА С. М. КРУКОВСКАЯ ЧУМИЛГАН СОҲИБЖАМОЛ СУРАТИГА ДОИР ФИКРЛАРИНИ ИЗҲОР ҚИЛАДИ.

«Чўмилган хотин» суратини буюк князь Константин Николаевич кўргазмадан олади. Бу сурат унинг қўлидан ўғли Николай Константиновичга ўтиб қолади. Николай Константинович ножўя хатти-ҳаракати учун ота-онаси томонидан Тошкентга сургун қилингач, «Чўмилган хотин» унинг Тошкентдаги саройи (ҳозирги Ленин номли пионерлар саройи)ни безаб туради. Сурат 1918 йилга қадар шу саройда сақланди. Князь тўплаган бойликлар давлат қўлига ўтказилгач, сурат Тошкент музейининг мулки бўлиб қолдики, алҳолгача шу ерда сақланаётир. «Чўмилаётган хотин» Тошкентдан нарига сира чиқарилмаган.

«Чўмилган хотин»нинг тарихи жуда оддийлигини ва мураккаб эмаслигини пайқаб турибсиз: дастлаб саройда, кейин музейда асралгандир. Лекин бу суратнинг тақдири тўғрисида кўпгина ранг-баранг афсоналар тўқилганки, бу, шубҳасиз, томошабинлар эътиборини тортиб, «Чўмилган хотин»нинг шуҳратини ошириб юборган.

Суратни князь оиласи яшириб, сарой деворлари орасига чаплаб қўйган экан-у, бир тасодиф туфайлигина топилганмиш, деган афсона айниқса кўп тарқалган. Шуниси таажжубланарлики, бу афсонани музей ходимларининг ўзлари тўқиб чиқаришган. Республикамизда машҳур, яқинда қазо этган профессор В. А. Шишкин йигирманчи йилларда музейда ишлаган эди. Ўша пайтларда у ҳозирги Ленин номли пионерлар саройи)ни безаб туради. Сурат 1918 йилга қадар шу саройда сақланди. Князь тўплаган бойликлар давлат қўлига ўтказилгач, сурат Тошкент музейининг мулки бўлиб қолдики, алҳолгача шу ерда сақланаётир. «Чўмилаётган хотин» Тошкентдан нарига сира чиқарилмаган.

«Чўмилган хотин»нинг тарихи жуда оддийлигини ва мураккаб эмаслигини пайқаб турибсиз: дастлаб саройда, кейин музейда асралгандир. Лекин бу суратнинг тақдири тўғрисида кўпгина ранг-баранг афсоналар тўқилганки, бу, шубҳасиз, томошабинлар эътиборини тортиб, «Чўмилган хотин»нинг шуҳратини ошириб юборган.

Суратни князь оиласи яшириб, сарой деворлари орасига чаплаб қўйган экан-у, бир тасодиф туфайлигина топилганмиш, деган афсона айниқса кўп тарқалган. Шуниси таажжубланарлики, бу афсонани музей ходимларининг ўзлари тўқиб чиқаришган. Республикамизда машҳур, яқинда қазо этган профессор В. А. Шишкин йигирманчи йилларда музейда ишлаган эди. Мазкур мақола муаллифига шу ҳақда у бир неча йил муқаддам сўзлаб берган эди. Инқилобнинг дастлабки йилларида музейни келиб кўрувчи кишилар оз эди. Музей маъмурияти музейни кўпроқ одам келиб кўрсин деган мақсадда шундай афсонани тўқиб, уни маҳаллий газетада бостириб чиқаради. Ҳар хил олди-қочди гапларга ўч, ҳар нарсага осонликча ишониб кетаверадиган кишилар мақолани ўқигач, суратга жуда қизиқиб қоладилар. Музейга одам ёғилиб кетади. Бу афсона ҳозир ҳам оғизбой оғизга ўтиб юради. Ҳозир ҳам айрим томошабинлар музейга атайи сирли тарихи бор суратни кўрамиз деб келишади. Аммо, бундан бўлак афсоналар ҳам йўқ эмас.

Бекорчиликда хаёли ўткир томошабинлар тобора янги-янги гапларни ўйлаб чиқарадилар. Кимдир «Чўмилган хотин»ни бизнинг музейдан Третьяков галлереяси олиб қўймоқчи деган миш-миш тарқатади. Кимдир бу суратга Лувр даъвогарлиги ҳақида афсона тўқиб чиқаради. Тағин кимдир америкаликлар ҳукуматимизга «Чўмилган хотин» учун бир неча юз минг доллар бермоқчи бўлганлиги, лекин Совет Иттифоқи бу ажойиб асардан жудо бўлишни истамаганлигини ишончли манбалардан эшитдим деб онт ичиб гапиради.

Тўқиб чиқарилган шундай афсоналардан ташқари сурат ўғирланганлиги, унинг ўрнига бошқасини алмаштириб қўйилгани ҳақида ҳам миш-мишлар бор.

Тошкентга келгинди кишилардан бири «Чўмилган хотин» тўғрисида муфассал маълумот олиш учун мазкур мақола муаллифини залга таклиф қилди. У суратни девор орасига қўйиб шуваб қўйилганлигини батафсил билмоқчи экан. Бу кишини бундай қилинмаганлигига ишонтиришнинг иложи бўлмади. Ўша одам орадан бир неча ой ўтгач, музейда тағин пайдо бўлиб қолди. Бу гал у сурат ўзига илгаригидек таъсир қилмаганлиги, ҳафсаласи пир бўлганидан гаранглигини айтди. Бизга бундай ҳодисалар тушунарлидир, бунга инсон эҳтиёжининг ўзгариб туриши сабабчидир. Бироқ, томошабин: эҳтиёж ўзгаргани йўқ, сурат ўзгариб қопти, уни, афтидан, алмаштириб қўйишибди деб ўйлаган. Томошабин тағин маслаҳатгўйни чақирибди-да, унинг бу ўша суратнинг ўзгинаси деган гапига сира ишонгиси келмабди. Худди шундай кишилар — санъатнинг шундай сирли тарихини севадиган томошабинлар «Чўмилган хотин» тўғрисида афсоналарни ўйлаб чиқарадилар.

Лекин, бу машҳур суратнинг ана шу афсонавий сирларини унутиб, уни соф бадиий ўлчов билан баҳолаш пайти келди. Бу сурат кўпгина тошкентликларнинг музейимизда энг севадиган асаридир. «Чўмилган хотин» сурати қандай бадиий фазилатлари билан кишини ўзига мафтун этади?

Сурат кишиларни маҳлиё қилишининг дастлабки асосий сабаби, шубҳасиз, унинг жанридир. Инсоннинг вужуди қип яланғоч ҳолида тасвирланган, бунинг устига суратнинг катталиги одам гавдаси билан теппа тенг. Шунинг ўзиёқ томошабин эътиборини ўзига жалб қилади. Хилқатнинг одатдан ташқари яланғоч кўриниши, мавзу «таъқиқланган бўлиши»нинг таъсири натижасида ҳам суратга бўлган қизиқиш анчагина ортади.

Инсон жасадининг гўзаллиги барча асрлар ва даврларда ўтган рассомлар, ҳайкалтарошларнинг эътиборини тортиб келган. Биз дастлаб қадимий-антик ҳайкалларни эслаймиз. Улар кишида юксак ҳиссиётлар уйғотади. «Уйқудаги Венера»да XVI аср италиялик рассом Жоржоне софлик, иффатнинг ажойиб кўринишини яққол тасвирлайди. Яланғоч хилқатнинг тасвири томошабинда юксак фикр ва ҳиссиётларни уйғотиши, гўзаллик, софлик, уйғунликни олий орзуларни қанотлантиради.

Музейдаги чўмилган аёлнинг талқини юксак завқ уйғотадиган даражада эмас. Бу ерда аёл аъзойи баданининг тузилиши баркамол бўлишига қарамай илоҳий даражадан пастда-


Сурат маҳорат билан чизилганлигини инкор қилиб бўлмайди. Беллоли сураткашликнинг ҳамма воситаларини мукаммал эгаллаб олган. Лекин улкан санъат асарлари яратиш учун ташқи қиёфани маҳорат билан тасвирлашнинг биргина ўзи камлик қилиши мутлақо равшандир. Маҳорат суратни «худди тириқдек» чизишнинг ўзи билангина чегараланиб қолмайди. Маҳорат санъаткордан ҳаётий ҳодисаларнинг моҳияти ҳақида чуқур ўйлашни, юксак инсоний орзуларни ифодалашни ҳам талаб қилади. Беллоли тарафидан кўриб ҳузур қилиш учунгина яратилган бадиий сиймо мазмунан тийран эмасдир.

Рассомнинг услубида ҳам баҳсга сазовор жойлар бор.

Давримизда совет кишиларнинг дидини, завқини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Биз кишиларнинг паст ва юксак бадиий диди тўғрисида тез-тез гапирадиган бўлиб қолдик.

Чинакам санъат асарлари ҳаётий ҳақиқатни рўйи-рост акс эттириб, одамда олижаноб ҳиссиётларни уйғотади, кишига чинакам шавқ-завқ бағишлайди.

С. КРУКОВСКАЯ.



ЁЛҒИЗ КЎЗЛИ МАДИ-ХОН

МАНАСЧИ ЧУЕКА «МАНАС»НИ БИР УТИРИШДА ҚИРҚ КЕЧА-КУНДУЗ АЙТГАН ЭКАН. ТАЪРИФИ УШАНДА ҲАМ ОДОҚ БЎЛМАБДИ.

БИР НЕЧА ЙИЛКИМ, ҚИРҒИЗ ЭЛИНИНГ АНА ШУ ШАВКАТЛИ ДОСТОНИ ЎЗБЕКЧАГА АҒДАРИЛИБ, ШИНАВАНДАЛАРГА ПЕШМА-ПЕШ ТАҚДИМ ЭТИЛЯПТИ.

БУ — «МАНАС»НИНГ «ЧЎНГ ҒАЗОТИ»ДАН. БЕЖИН ЯҚИН, ҚИЁМАТ УРУШ БЎЛИБ ЁТГАНИ, ТАРАФ-ТАРАФ БИР-БИРИН ҚУРАГИГА НАЙЗА ОТГАНИ, ҚАНҒАЙНИНГ ЗЎРИ МАДИХОН КЎК БЎҚАДА ҚОТГАНИ, ЭГАРДАН УЧИБ КЕТИБ, ҚОРА ҚОНГА БОТГАНИ ҲАҚИДА.

Тилла кокилли, пўтаси шокиладор Алмамбет ёруғ кунни тун қилиб, иссиқ ёзни қиш қилиб, Қурпулдоқнинг юзини қалингина муз қилиб, аломат бир иш қилиб, қирғиз деган тўпини тонг ҳайрон қолдирибди, бўлмасни бўлдирибди, Манасни кулдирибди.

Алмамбет ҳам талтайиб,
Оғзин йиғиб олгунча,
Шақиллаган дарёдан
Қўшин чиқиб қолгунча,
Мадихоннинг қаҳрига
Ер чидамай, чанг бўлар,
Қирғиз холи танг бўлар.
Уқ ўтмас темир қалқон
Кийиб олган Мадихон.
Бошида тоқ мўғизи,
Мўғизимас, бигизи,
Кўк тоғдай Кўнбуқани
Миниб олган Мадихон.
Тагидаги буқанинг
Елганига ел етмас,
Тошганига сел етмас,
Босганига мол етмас.
Мадихон олишганда
Унга минг бир жон етмас.
У-буни дегунчалик,
Эс-ҳушга келгунчалик,
Мадихон таппа босди-ку,
Музбурчак билан Қўшайни
Найзасига осди-ку,
Бўнбурун билан Кўкчага
Човут солиб тошди-ку,
Қай бирови чалқанча,
Бир думалаб ошди-ку.
Қазилган чуқур ўрни кўр,
Ўнгу-терси йиқилиб,
Қалмоқ билан қирғизнинг
Уликлари йиғилиб,
Сасиб ётган гўрни кўр!
Қўйиб берсанг, Мадихон
Қирғизни қириб кетар деб,
Қалмоқ, тагига етар деб,
Ур-йиқитдан четлашиб,
Манас жиққа солишар.
«Хап санини!» деб қолишар.
Бу — урушмас, қиёмат,
Бўлармишми ғажимай.
Алмамбет, Баҳай, Чубақ,
Сирғақ билан Ажибой,—
Манаснинг қирқ жўраси,
Қирқ берени, тўраси
Мадихонни ўраб олгани.
Дувиллашиб қолгани.
Кўнбуқа билан Оққула
Тўш-тўшидан олишар.
Қамиқмасдан эр Манас,
Намиқмасдан эр Манас
Мадихон билан солишар.
Алмамбет, Сирғақ ботир
Ёндан ўраб турса ҳам,
Зинг-зинг найза урса ҳам,
Совутлари жанғиллаб,
Парво қилмас Мадихон.
Манасдан бошқасини
Кўзга илмас Мадихон.
Бир текис қирқ жўрани
Чўпдай билмас Мадихон.
Олти минг қалмоғининг
Чағ-чуғ олдойи билан,
Сонсиз қолдойи* билан
Довлаб қолар Қўнғирбой.
Озор кўрган Мадини
Ажратиб олар Қўнғирбой.
Шақиллаб қайнашди-ку,
Вақиллаб чайнашди-ку.
Қора қонга беланиб,
Қанғай, қирғиз эланиб,
Бир ёмон айнашди-ку.
Кундузи тўхташмади,
Кечаси ухлашмади.
Кун чиқса ҳам олишиб,
Ой чиқса ҳам солишиб,
Одаминг непак бўлди,
Улиги тепа бўлди.
Қалмоқ билан қирғизинг
Қирилиб хафа бўлди.
Манаснинг қирқ жўраси
Очқашиб, кўз тинишиб,
Каппа-каппа талқон еб,
Яна отга минишиб,
Қирғиз қайнаб борибди,
Томоғин тақиллатиб,
Қанғай бошин ёрибди.
Ер айланиб, чанг бўлиб,
Майдон қирмиз ранг бўлиб,
Темир алп-у Чўян алп
Таппа келиб қолибди,
Бир қиёмат солибди.
Ушаларнинг баридан
Зўрроғи Мади экан.
Қирғизни ўр деганда,
Уроғи Мади экан.
Мадихон довлаб турар,
Манасхон овлаб турар.
Мадихон товлаб турар,
Манас оловлаб турар.
Буқасига бир уриб,
Бир урса ҳам, зир уриб,
Оғзидан ўт бурқираб,
Мадихон қўл чўзса-чи.
Қаршисида гуркираб
Тургани бир тўзса-чи.
Бўз ола чанг бўлишиб,
Қочган номард, юлишиб,
Жони қайда, топишиб,
Ойболта билан чопишиб,
Бир-бирин еб қўйгудек,
Талқон қилиб туйгудек.
«Ажалинг етган бўлса,
Дувилламай ўлгин,— деб,—
Кунинг битмаган бўлса,
Ҳамманг устун бўлгин» деб,—
Ҳар полвони — ҳарисин,
Ёши билан қарисин
Ҳайдаб кирди Қўнғирбой.
Найзавони уриниб,
Йиртадиган қўрининб,
Бир шопирди Қўнғирбой.
Қайнаган қанғай кўп экан,
Ер билан битта чўп экан.

●

Қанғай дегани, ўлди деса — кўпайган, сўнди деса — тутаган, қаттиқ жон, шум эмасми, ўрган билан ўрилмас, тамом бўлгани кўринмас.

Хон Қўнғирбой «ай-ҳай»лаб, Бўрикўз билан Музкиндиқ белини маҳкам бойлаб, Эламадай ялпоғи, Жўлайдай чўнг қалмоғи бир ёприлиб кирди-ку, найзаси сингур, қирди-ку.

●

Сароладай от минган,
Бўз теридан шим кийган,
Найзасида ёли йўқ,
Тиғида чумоли йўқ
Алман кўрсатиб ҳунарни,
Бетлаб борар уларни.
Кўккина йўл-йўл тўн кийган,
Кўколадай от минган

Оқболтанинг Чубаги,
Узунгина таёғи,
Чўзган билан қўл тутмас,
Сиртлоннинг тиши ўтмас,—
Наъра солар тортинмай.
Алп Чубақнинг ортидан
Кўктулпардай от минган,
Кўк силовсин бўрк кийган,
Ёвга ўлигин ортмас,
Ажалдан ҳам тап тортмас,—
Бақай ҳам уруш солар.
Ойқўлнинг Сирғағи ҳам,
Қирғизнинг тирноғи ҳам.
Қалмоқни ёнбошга олар.

●

Беренларинг топилиб, қалмоқ деганинг чопилиб, Манаснинг қирқ жўраси, ҳарбири катта ўраси, теграсига қарамай, уруш — подамас, маърамай, тарсиллатиб солди-ку, жонни суғуриб олди-ку, осмон тутаб қолди-ку. Қалмоқми ё қирғизинг, қайсилиги билинмай, бири найза учида, бошқа бири илинмай, тиғгинлардан олишиб, жиққажиққа солишиб, жағдан ажраб қолишиб, қиемат бўлиб кетди, майдонга қараб бўлмас, ўликка тўлиб кетди.

●

Алмамбет селми — тошиб,
Бедовга қамчи босиб,
Бўринўзга етди-ку.
Кўзига қум тўлгурни
Бир найзалаб ўтди-ку.
Бақайнинг ҳам эгардан
Бирин йиртиб отди-ку.
Ажибой Картқўранда
Қийшаймасдан тураркан,
Қалқиллаган қанғайга
Қанисан деб юраркан,
Унг келганни ўнглатмай,
Қаншарига ураркан,
Қалмоқнинг хони Жўлай
Найза отиб қолибди.
Картқўрандай тулпарин
Эламадай хумпари
Паққос тортиб олибди.
«Бурутни миниб қурит!» — деб,
Қоптолига солибди.
Кимхоб кийиб, Бежинга
Миниб борар мол-ку деб,
Олтин, кумуш баҳоси
Сотиб олар мол-ку деб,
Эсенхонга тортиқли,
Бож баробар мол-ку деб,
Эламаси, тўпида
Қиқиллаб турар экан,
Ажибойнинг суяги
Шиқиллаб турар экан,
Хонзотлари Несқара,
Қоражўй келиб қолар.
Ямламасдан ютгудан,
Қалмоғи елиб қолар.
Чиқаси келган жондан
Қолмовчи Сирғақ кўрса,
Кўзини илинтириб
Олмовчи Сирғақ кўрса,
Ажибойнинг ҳоли танг,
Ажибойнинг ости чанг,
Ойболтани ўйнатиб,
Дув қалмоқни қийнатиб,
Тўс-тўполон солганча,
Савайберди ёпирай
То ажратиб олганча.
Зўр деганда зўр ғалча,
Қўнғирбойдай ялангтўш
Учиб тушар қиядан,
Кўрдими оч бўри гўшт:
«Бурутларнинг Сирғаги
Улди десам — ўлмаган,
Нимта-нимта бўлмаган,
Жони қаттиқ экан-ку.
Бурутлиги бўлмаса,
Ошга қатиқ экан-ку».
Шуни ўйлаб, Қўнғирбой
Зинғиллаб қочган бўлди.
От бошини қайтариб,
Тинғиллаб қочган бўлди.

●

Ироқдаги саробми, сузилиб ётган офтобми, қубба-қубба лахчаси, сариқ жиядай пахсаси Бежиннинг чети эмасми, хитой, қанғай қайнаган ернинг бир бети эмасми, қайдасан деб қопқоғи, динғирларкан ялпоғи, Қўнғирбойнинг ортидан ичи куйган эр чопар, ёнверига қарамас Сирғагингдай шер чопар. Чивин жонин аямай қочар-қочар қўнг ғалча, гўргайди бир балони бошламаса зинғарча. Турган-битгани қувлик, қайси бир чистон кампирнинг хом сути билан боқувлик. Икки кўзи тўрт бўлиб, эгарда бути тўрт бўлиб, этагидан олсам деб, нақ ўнгариб солсам деб. Сирғақ жиққа борганда, Қўнғирбойдай ярамас ўрга яқин қолганда, олисдан қараб турган, бир кунга яраб турган Алмамбет от қўяди, туёғи тақилламаса ҳам, тулпари ер ўяди. Сирғакни қора қилиб, чилвирин қўлга илиб, тўхтатиб айтиб турар, йўлда мунғайтиб турар:

«Думин қисган Қўнғиринг,
Ичи тўла қинғиринг
Атайлаб қочмадими!
Қилтиллаган жонингга
Ўрасин очмадими!
Чоҳга йиқилсанг — тамом,
Чаккангдан бир қўймасми!
Хаш-паш дегунча, ғалча
Чирқиратиб сўймасми!»
От бошини қайтариб,
Чанг ўйнаган ённи кўр,
Билқиллаган қонни кўр,
Чирқираган жонни кўр,
Орти — қалин қалмоғи,
Қумирсқадай аймоғи,
Кўнбуқада чўнқайиб,
Қийшаймасдан тўнқайиб,
Мадихондай даванги
Ерни суриб кетди-ку.
Эломоннинг кенжаси —
Эр тўштукка етди-ку.
Чолқуйруқнинг устидан
Чирпирак қилиб ўтди-ку.
Хачир минган Қуёнбўз
Шамолдай эсай деганда,
Бошин кесай деганда,
Қоплон Манас найзалаб,
Қуёнбўзни титди-ку.
Боёғи Бақай дарров
Бошин кесиб отди-ку.
Қангай деган қирилиб,
Ич-ичидан сирилиб,
Жони ачиб қолса ҳам,
Гурра қочиб қолса ҳам,
Қимир этмас Мадихон,
Нари кетмас Мадихон,
Манас бошлиқ, қанғайни
Топ ўртага олишар.
Қирқ жўраси тўп-тўкис,
Дуппа-дуппа солишар.
Кўзларидан ўт чиқиб,
Бетларидан тук чиқиб,
Жангиллатиб уришар.
Найза билан ёпишиб,
Ойболта-ла чопишиб,
Ҳайрон бўлиб туришар.
Шунда Манас зорланар,
Босмаганига орланар:
«Азал бошдан ўкирик,
Манас деган эр бўлдим.
Бир жонни йиртолмасам,
Мен қанақа шер бўлдим.
Бир қанғайча йўқманми,
Энди қаро ер бўлдим!»
Шуйтиб десанг, эр Манас
Тишини ғирчиллатиб,
Жонини қирчиллатиб,
Оғзидан шамол чиқариб,
Кўзидан олов чиқариб,
От белига бир солиб,
Қўлга сир найза олиб,
Қулаган тошдай шанғиллаб,
Отилган ўқдай ванғиллаб,
Мадихонни чалди-ку,
Бир қувалаб қолди-ку.
Ут деса, сув очмаган,
Ев деса, зир қочмаган
Қанғайнинг Мадихони
Пар-пар ёниб, гуркираб,
Оғзида тутун бурқираб,
Манасга дов қилди-ку,
Бир шошириб қолди-ку.
Булар қоришар экан,
Тикка боришар экан,
Бақайнинг ҳаяллашаб,
От етказиб олди-ку.
Мадихондай полвонни
Қоптолидан солди-ку.
Алмамбет ҳам найзасин
Рос ботириб қолди-ку.
Чилвирдан човути чиқиб,
Узангидан бути чиқиб,
Мади ҳолдан тойди-ку.
Қоплон Манас зирқитиб,
Оққулани ирғитиб,
Мадихонга етади.
Кўнбуқанинг устидан
Қарсиллатиб ўтади.
Эр Сирғақ шарт буқанинг
Бошин кесиб ўтади.
Кўкбуқадан Мадихон
Ағдарилиб тушганда,
Чивин жонин аямай,
Қўнғирбойи ўшанда:
«Қанғайнинг зўри ўлса,
Қай мақтангум қирдим,—
деб,—
Қора хитой юртимга
Қай бет билан кирдим,— деб,—
Ундан кўра, жон қурсин,
Мадихонга етай,— деб,—
Тўс-тўполон бурутдан
Ажратиб олиб кетай»— деб,
«Мўнди, мўнди, мўнди!»лаб,
Урон солиб, «бўлди»лаб,
Етиб қолай деганда,
Унгариб олай деганда,
Оч пўлатин суғириб,
Бақай олдин етади.
Сулайиб ётган Мадининг
Бошин кесиб кетади.

Султон **АКБАРИЙ**
таржимаси.

* қолдой — қалмоқ тўраси.




Буржуа «санъати»нинг намунаси —«Бармоқ». У Париждаги ҳозирги замон музейи виставкасига қўйилган. Қипқизил майнавозлик!

АФП—ТАСС фотоси.

ФОТО АХБОРОТ

Токиодаги Хакук тиббий маркази президенти доктор Тошкуки Харанинг айтишича, кўп касалликларни, жумладан, рак шишларини ҳам юқори қувватли ток билан даволаш мумкин. Беморни сиз кўриб турганингиздай темир сандалга ўтқазиб, унга юқори қувватли ток уланади. Беморнинг бошига, панжаларига темир ангишвана кийдирилади.

ТАСС фотоси.



УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИДАН БИР НЕЧА ОЙ КЕЙИН ШОНЛИ СОВЕТ АРМИЯСИНИНГ ҲАМ ЯРИМ АСРЛИ ҚАҲРАМОНОНА ЙЎЛИНИ КЕНГ НИШОНЛАЙМИЗ. АРМИЯМИЗ ЖАСОРАТИНИ КУРСАТУВЧИ ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАР ИЧИДА ЭНГ УЛУҒИ, ЭНГ УНУТИЛМАСИ 1941—1945 ЙИЛГИ ВАТАН УРУШИ ЖАНГЛАРИДИР. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ СОВЕТ АРМИЯСИ ДЕГАНИМИЗДА ДАРРОВ УША ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР КУЗ ОЛДИМИЗГА КЕЛАДИ.

ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИНАЁТГАН МАНА БУ ХАТЛАР УША ЖАНГУ ЖАДАЛ ХОТИРАЛАРИДИР.

ОКОПДА

«...Ота, 22 июнь куни саҳар пайтида чегарамизнинг бир постида тўрт жангчи турган эдик. Одамхўр фашистлар бирданига гўзал Совет Ватанига ҳужум қилиб қолдилар. Кўзларимиз ғазабла ёнди, қонимиз қайнади. Ниҳоят қисм командирининг командаси билан фашист итларга қарши ўт очдик. Биз тўрт киши улуғ партиямиз номини дилга жо қилиб, гитлерчи галаларни тоза ҳам қирдик. Уларнинг кўплари муқаддас тупроғимизга қадам қўйганлари ҳамоно совет ўқининг зарбасидан ер тишладилар.

Жанг қизиган бир пайтда чап қўлимга ўқ тегиб яраландим... Бироқ мен шундай ҳаққоний уруш майдонини қолдириб, Тошкентга қайтишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ... Ота, амин бўлингки, сизнинг ўғлингиз одамхўр фашистларни ер юзидан батамом қириб ташлагунча мардона курашишга қасамёд қилган...

1941 йил 30 сентябрь.»

(Жангчи Салимжон КАРИМОВнинг отаси Олим Каримовга ёзган хатидан).

●

«...Серқуёш Ўзбекистоннинг барча ёшлари ва меҳнаткашларига қаҳрамон Ленинграднинг ёш ҳимоячиларидан жанговар комсомоллик саломини юборамиз!

Полкимиздаги ёш ўзбек жангчилари сизларга рапорт бериб айтадики, Ўзбекистон комсомол ва ёшлари улуғ Ленин шаҳрини қаҳрамонларча ҳимоя қилмоқдалар. Бизнинг комсомол ташкилотимиз ажойиб мерганларни, аъло пулемётчи, миномётчи, сапёрларни етиштирди. Бизнинг сафимизда ўзбеклар, қозоқлар, удмурдлар, бошқирдлар, татарлар ва бошқа миллат ёшлари бор. Буларнинг ҳаммаси ўзларини фахр билан ленинградлик деб ҳисоблайдилар ва улуғ шаҳарнинг ҳимояси йўлида ботирлик, мардлик ва моҳирлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Душманни қирувчи Тешабой Одиловнинг номи мамлакатимизнинг барча ҳалқларига маълум. Мерган Тешабой Одиловнинг ўзи 114 фашистни қириб ташлади. У 50 га яқин ёш жангчига мерганлик ҳунарини ўргатди. Буларнинг ҳар бири шу вақтгача ўндан ортиқ фашистни ўлдирди.

Ҳукуматимиз ўртоқ Одиловнинг жанговар хизматларини тақдирлаб, уни Ленин ордени билан мукофотлади. Шундай қаҳрамон ўғилни тарбиялаб етиштирган онага чин кўнгилдан ташаккуримизни изҳор қиламиз. Баҳодирларни туғиб ўстирган оналарга узоқ-узоқ умр тилаймиз.

Беш қаҳрамон йигитнинг шуҳрати бутун Ленинград фронтига ёйилди. Беш ўзбек йигити — Худойназаров, Алиев, Саидов, Худойбердиев, Рўзиматовлар ажойиб қаҳрамонлик кўрсатдилар. Улар 4 кечаю-кундуз сира ухламай ўз марраларини мардона мудофаа қилдилар. Фашистлар дўлдек ўқ ёғдирсалар ҳам 5 ботирнинг иродасини синдира олмадилар. Паҳлавонларимиз ўзларига топширилган маррани маҳкам туриб сақлаб қолдилар.

Бизда бундай азамат йигит ва қизлар оз эмас...

Ўзбекистоннинг комсомол ва ёшлари! Сизлар фронтга ёрдамни янада кучайтирингиз. Ҳар бирингиз 2—3 кишининг ишини бажарингиз, ҳарбий ишни ўрганиш — энг муҳим вазифангиздир.

1942 йил 22 октябрь».

(Ленинград фронтидаги «Н» полк комсомол бюросининг Ўзбекистон комсомол ва ёшларига ёзган хатидан).

●

«...Ўртоқ Юсупов!

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди, Ленин комсомолининг аъзоси, Ўзбекистон ССР, Тошкент область Қорасув район Қўйлиқ қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхознинг аъзоси Убай Маҳмудов фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашда ҳалок бўлди.

У, бир жангда ўз танки билан 3 та фашистни мажақлаб ташлади ва душманнинг танкка отадиган икки тўпини йўқ қилди. Бу тўқнашувда ўртоқ Маҳмудов танкининг ёрдамчи икки ғилдираги шикастланди, дишманнинг ўқи танк бронясининг бир неча еридан тешиб ўтди. Танк тўхтаб қолди. Ўртоқ Маҳмудов ўз танкини ташлаб кетмади. У, танкини ремонт қилиш учун душманнинг қаттиқ ўти остидаги жанг майдонидан олиб чиқди. Фашист босқинчиларига бўлган нафрат унинг ғайратига ғайрат қўшди. Бошқа бир танкда жанг майдонига бориш учун қўмондонликдан рухсат сўради. Унга рухсат бердилар.

Ўртоқ Маҳмудов танк ғилдираклари билан душманнинг икки ДЗОТини яксон қилди, кўп гитлерчини ўлдирди. Шундан кейин душманнинг термит снаряди тегиб, танки шикастланди. Ўртоқ Маҳмудов ярадор бўлди. Шонли танкчи огриққа чидаб, ёниб турган танкни жанг майдонидан олиб чиқмоқчи бўлди. Шу вақтда душман тўпининг иккинчи снаряди ўртоқ Маҳмудов танки устига келиб тушиб, уни ҳалок қилди. Ватан олдида қилган жанговар хизматлари учун ҳукуматимиз ўртоқ Маҳмудовни Ватан уруши ордени билан мукофотлади. Фашист аблаҳлар Ўзбекистон қаҳрамонининг қони учун ғоят кўп хун тўладилар. Кўп миллатли совет халқининг фашист ёввойилардан озод қилишга ўз жонини фидо қилган жасур жангчининг қаҳрамонлиги жангчиларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

1943 йил 18 май.»

(«Н» танк қўшилмаси командирининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари Ф. Целуйконинг Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг секретари У. Юсуповга ёзган хатидан).

●

«...Қимматли она! Бу хатни сизга таниш-билиш бўлмаган аёллар — Ворошиловград областидаги, Сокольники қишлоғидан Қизил Армиянинг шонли жангчилари фашист босқинчилардан озод этган оналар ёзади.

Гитлерчилар қишлоқни қўлга киритиб, маҳаллий аҳолини талашдилар ва ҳақорат қилдилар. Улар бошимизга жабр-жафолар келтирди; кўзларимиздан тинимсиз ёшлар оқизди, бизни қуллик меҳнатига ҳайдади. Аммо биз озодлик соатларининг етиб келишига ва озодликнинг тиниқ қуёши яна балқиб чиқишига ва кўп кулфатлар тортган Украин тупроғида бахтли кунларнинг яна қайтиб келишига қаттиқ ишонган эдик. Мана, бахтли соатлар келди. Қишлоққа Қизил Армия жангчилари кириб кел-



— Ўғилжоним келди...

С. Безносов фотоэтюди.

Ё З И Л Г А Н...

дилар. Уларнинг ичида энг биринчи бўлиб сизнинг ўғлингиз Абдулла Бобожонов кириб келди. У мард, дадил ва жасур жангчи. Биз уни ўзимизнинг жонажон ўғлимиз сифатида қабул этдик, қурбимиз етганича меҳмон қилдик.

Кўкрак сути берган, тарбиялаб ўстирган ўз меҳрибон онасининг табаррук номини Абдулла уятга қолдирмади. Сиз ўз ўғлингиз билан фахрланишга ҳақлисиз.

Бизнинг озодлигимиз Ўзбекистон аёллари учун ҳам зўр шодликдир.

1943 йил 10 июль».

(Ворошиловград области, Соколники қишлоғидаги колхозчи аёлларнинг Самарқанд область, Қорадарё районидаги «Қизил Аскар» колхозининг аъзоси Бобожоновага ёзган хатидан).

●

«...Серқуёш ўзбек диёрида яшаётган ҳурматли ота-она, опа-сингил ва ака-укалар!.

...Биз Днепр дарёсидан жанг қилиб ўтиб, ўнг қиргоқда мустаҳкам ўрнашиб олдик. Душман ҳужумини қайтариб, плацдармни кундан-кунга кенгайтирмоқдамиз. Белорус ерларини вайрон қилган фашист босқинчиларни қисмимизнинг шахсий состави аёвсиз қирмоқда.

Бу жангларда Совет Иттифоқининг кўп миллатли қаҳрамон ўғлонлари мислсиз жасорат кўрсатди.

Ўзбекистонлик гвардиячи жангчи Омонов, қозоғистонлик командир Тўрғаев билан бирга пулеметдан ўқ ёғдириб, жангчиларимизнинг Днепрдан муваффақиятли ўтишини таъминлади. Жонажон партия ва ҳукуматимиз уларнинг бу қаҳрамонликларини муносиб тақдирлади. Одесса мудофаасида, Қрим, Сталинград ва Орёл шаҳарлари учун бўлган шиддатли жангларда ҳам. Ўзбек йигитлари социалистик Ватан ва Ленин партиясига чексиз садоқатларини бутун дунёга намойиш қилдилар.

Қадрли ўзбекистонликлар, довюрак, мард баҳодирларни тарбиялаб вояга етказганликларингиз учун сизларга чексиз миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Шахсий составимиз номига юборган совғаларингиз учун катта раҳмат. Республика газеталари саҳифаларида жанговар ишларимизни мунтазам, муфассал ёритиб бораётганлигингиздан беҳад хурсандмиз.

Шахсий составнинг топшириғига биноан қисм командири генерал-майор Кирсанов, сиёсий бўлим бошлиғи гвардиячи полковник Гнилуша.

1943 йил 30 октябрь».

●

«...Қимматли ота-оналаримиз, хотин ва болаларимиз!

Жонажон огайниларимиз, опа-сингилларимиз ва дўстларимиз!

Ўзбекистоннинг гуллаётган боғлари, ҳаётбахш Фарғона ва Тошкент каналлари, Каттақўрғон сув омборида халқимизнинг қони тўкилмаяжак. Озод ўзбеклар ҳеч қачон гитлерчи помешчиклар ва бароннларнинг қули бўлмаяжаклар. Фашист аблаҳлар гўзал юртимизни оёқости қилолмаяжаклар.

Мингларча қишлоқ ва шаҳарларни озод қилган совет жангчилари мамлакатимизнинг ҳаёт манбаи бўлган Совет Украинасини икки оёқли йиртқич ҳайвонлардан тозаламоқдалар. Рустам, Равшанбек, Аваэхон, Алпомиш каби афсонавий баҳодирларнинг қаҳрамонликлари фашист ҳаромиларга қарши олиб борилаётган жангларда бизларни илҳомлантирдилар. Ватан урушининг қаҳрамонлари — Кўчқор Турдиев, Камол Пўлатов, Рўзимат Усмонов, Сирожиддин Валиев, Зебохон Ғаниева ва бошқа ўртоқлар жанг майдонларида бизлар учун намуна ва ибрат бўлдилар.

Ўзбек жангчиси жонажон совет ерининг ҳар бир қаричини чин кўнгилдан қадрлайди. Броня тешувчи жангчиларимиздан Юсупов ва Ўроқов ўртоқлар сабот кўрсатиб, бир тўда гитлерчиларга қарши жуда қаттиқ жанг қилдилар. Улар Украина учун худди ўзларининг уйлари учун курашгандек матонат билан жанг қилдилар, уларнинг отишга ўқлари тугаб қолгандан кейин, фашистлар ҳар томондан улар устига ташландилар. Ана шу вақт Юсупов ва Ўроқов ўртоқлар бир-бирлари билан сўнгги маротаба видолашганларидан кейин, қўлларига Украина тупроғидан бир ҳовуч олиб ўпдилар ва қаҳрамонларча курашиб ҳалок бўлдилар. Бундай мисоллар жуда кўп.

Қимматли қадрдонларимиз!

Сизларнинг саноат, қишлоқ хўжалик ва маданият соҳасида эришган катта муваффақиятларингиз ҳақидаги хабарлар, худди Ўзбекистондан эсган шамолдек бизларга яхши таъсир қилмоқда. Биз мамлакат ичкарисида қолган ўртоқларимизнинг танклар ва аэропланлар қуришга 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўплашлари, Қизил Армия учун пландан ташқари 6 миллион пуд дон беришлари билан фахрланмоқдамиз.

1944 йил 4 май».

(Ғарбий-Жанубий фронтдаги Ўзбек жангчиларининг ўзбек халқига ёзган хатидан).

●

«...Онажон, немисларнинг қилган номаъқулчиликларини ҳеч қачон унутмаймиз. Бир қишлоқда улар бир группа ярадор рус солдатларини отиб ташлабдилар. Люблино шаҳрига яқин жойдаги Майданек лагерини ўз кўзим билан кўрдим, бу ерда гитлерчилар бизнинг кишиларни тириклайин ўтга солиб куйдирганлар, буни сиз ўқиб ҳам билмагансиз — ҳақиқатда ҳам даҳшатли!

Салом билан сизнинг ўғлингиз Вадим.

1944 йил октябрь».

(Оддий солдат Вадим Плешчевнинг ўз онасига ёзган хатидан).

●

«...Ширинтой жажжиларим — Аҳмад ва Нури!

Сизлардан хат олганимга ҳафтадан ошди, лекин мен ўз вақтида жавоб ёзолмадим — жанговар ҳолат имкон бермади. Мана энди биз немисларнинг кетма-кет икки шаҳрини эгалладик. Йўл-йўлакай атрофда душманнинг тўзғиб кетган қисмларини ҳам тор-мор келтирдик. Мен ўртоқларим билан фронтдан бир оз берироқда дам олиб турибман. Шу пайтдан фойдаланиб, мен йиғилиб қолган «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарини кўздан кечирдим ҳамда сизларга ва баъзи ўртоқларимга хат ёза бошладим.

Сизлар ўз хатларингизда мактабда аълочи бўлиб ўқиётганингизни ёзибсиз ва мени ҳам душманга қарши курашда аълочи бўлишимни умид қилибсиз. Мен сизларнинг бу тилакларингизни бажону дил қабул қиламан. Сўнгги томчи қоним қолгунча жонажон Ватанимизни ҳимоя қилиш учун, миллионмиллион совет болаларини озод қилиш учун курашишга ваъда бераман.

Менинг кичкинтойларим! Мендан ташвишланманглар. Менинг танжоним соғ. Кайфим чоғ. Яқин ойлар ичида душман устидан ғалаба қозонажакмиз. Яқин орада дийдор кўришамиз.

Соат уч бўпти. Сизлар ҳозир аввжи ширин уйқуда бўлсаларинг керак... Онда-сонда пулемёт ва тўплар овози эшитилмоқда. Менинг офицер ўртоқларим ертўлаларда тунамоқдалар. Бир оз мижжа қоқиб олиш учун, менга ҳам навбат келди... Ҳозирча хайр!

Салом билан отангиз.

Шарқий Пруссия, Лоттерфельд қишлоғи.

1945 йил 28 февраль».

Гвардиячи лейтенант А. Т. Хўжахоновнинг ўз болаларига ёзган хатидан).

Ҳар хил

▲ Совет Иттифоқи ривожланаётган 31 мамлакат билан (15 таси Осиёда, 16 таси Африкада) иқтисодий ва техника ҳамкорлиги шартномалари тузган. Мустақилликка эришган мамлакатларга 600 тача иншоотни қуришда кўмаклашмоқда.

▲ Марказий Африка Республикасида „Оналик медали" таъсис этилди. Бу олтин, кумуш, бронза медаль билан 7 тадан 13 тагача ва ундан ортиқ болани „Ватанга муносиб киши қилиб тарбиялай олган" оналар тақдирланади. Мамлакатда ҳар йили 6 июнда Оналар куни нишонланадиган бўлди.

▲ Америкалик доктор Гарри Кинг Халқаро кўзлар банкининг раисидир. Банкнинг вазифаси ўз кўзларини бошқаларга сотишни хоҳловчиларни излаб топишдир.

▲ Япониядаги „Сўжи" будда эҳроми минг йилдан бери ўз художўйларини ёнғин офатидан асрагувчи қадимжой бўлиб келарди. Газеталарнинг ёзишича ўша эҳром бултур 21 май куни паққос куйиб кетган.

▲ Филиппин армиясида оддий аскар йўқ деса бўлади. 42 минг ҳарбий хизматчининг бор-йўғи 131 таси оддий аскар, 37 мингтаси сержант ва капраллар, 3,6 мингтаси генерал, полковник, майор, капитан, лейтенантлардир.

▲ Индонезияда антика ўгрилик рўй берди. Автобусда пинакка кетган йўловчи „дод!" деб қолди: унинг оғзидан сунъий жағини ўғирлаб кетишибди, тишлари тилладан экан. Жаҳонда ҳалигача бунақа бесуяк ўгрилик бўлмаган дейишяпти.

▲ Мозамбикликлар ўн саккиз яшар Габриэл Монжан уйнаб туриб йиқилганидан бери кун сайин эмас, соат сайин ўсяпти. Ҳозир унинг бўйи 2 метр 40 сантиметрга етди. Врачлар ўсиш сабабини аниқлай олганлари йўқ.

Жуманиёз Жабборов

Шеърият шайдоларига



ОЙДИН,
ФАРОҒАТЛИ, ОСУДА БИР ТУН
БОҒ УХЛАР,
БУЛБУЛЛАР ТОНГНИ КУТАДИ.
ТЕРАКЛАР — ОСМОНГА БУЛГАНДАЙ УСТУН,
ОЙГА, ЮЛДУЗЛАРГА ЕЛКА ТУТАДИ.
ХУДДИ НОЗЛИ ШАРПА
Е ШИРИН ТУШДАЙ
ОҚ ҲАРИР ЛИБОСДА КЕЛИНЧАК КЕЧА
БОҒ ИЧРА АЙЛАНИБ ЮРАР ОҚ ҚУШДАЙ,
СУВЛАР ЖИВИЛЛАЙДИ,
УЙҚУДА ҒУНЧА.
ШУНДАЙ ТУН ВИСОЛНИНГ НАВБАТИ ЕТИБ,
НЕАЖАБ, ОШИҚЛАР ДИЛДАН СИРЛАШСА.
МАНГУ ЙУЛДОШЛИККА АҲД-ПАЙМОН ЭТИБ,
ЧУҒ-ЧАНҚОҚ ЛАБЛАРИ БИР ДАМ БИРЛАШСА.
УЙҚУНИ БАДАРҒА ЭТИБ, ОЛАМНИНГ
ПИНҲОН СИРЛАРИГА СОЛАМАН ҚУЛОҚ.
СУНГРА ПИЧИРЛАШИН ТИНГЛАБ ҚАЛАМНИНГ,
ТОНГГАЧА ШЕЪР БИЛАН ҚОЛАМАН УЙҒОҚ.

ДЕНГИЗ

ДЕНГИЗ БИЛАН БУ КЕЧ СИРЛАШДИМ
СОҲИЛИДА ТУРИБ ЮЗМА-ЮЗ.
ҲАСРАТЛАШДИМ ВА ФИКРЛАШДИМ,
У СУЗЛАДИ, МЕН ҲАМ ҚОТДИМ СУЗ.

ГУВУЛЛАРДИ
ГУЁ УСТИДА
ОЛТИН ҚОПҚОҚ ЮЛДУЗЛИ САМО.
МАҲОБАТИ, КУРКИ, ҲУСНИДА
БАРҚ УРАРДИ ҚУДРАТ ВА МАЪНО.

ҲАЯЖОНДАН ҚАБАРИБ КЕЛАР,
ЮРАГИДА КУП МУДДАОСИ.
ГОҲ БОЛАДАЙ ЗАВҚЛАНИБ КУЛАР,
ГОҲ ЛОЛ ЭТАР СИРЛИ САДОСИ.

ДИЛГА КУЧДИ ШУНДАЙ ЕНГИЛЛИК,
ТУЛҚИНЛАРГА БЕРДИМ ИХТИЁР.
ҚАЙНА ЮРАК, ХУДДИ ДЕНГИЗДЕК,
ҚАТЛАРИНГДА КУП СИРЛАРИНГ БОР.

БУСАЛАРИНГ МАЙИН САСИДАН
УРМОНЛАРНИНГ ГУВЛАШИГАЧА,
НАВБАҲОРНИНГ ШУҲ НАФАСИДАН
ШЕРНИНГ ЖАЙРОН ҚУВЛАШИГАЧА,

ДИЛ ЭРИТАР СИРЛИ НАВОДАН
ФИҒОН ТОРТГАН БУЛБУЛГА ҚАДАР,
МАЙСАЛАРНИ УПГАН САБОДАН
ҲАЯЖОНЛИ ДОВУЛГА ҚАДАР —

ТАБИАТНИНГ СИМФОНИЯСИ
ЖАРАНГЛАЙДИ ДЕНГИЗ ТИЛИДА.
ҲАР ДАҚИҚА, ҲАР СОНИЯСИ
САДО БЕРИБ ИНСОН ДИЛИДА.

КУНГИЛ, УНДАН ҚАЙНАШНИ УРГАН,
ҚОРА ДЕНГИЗ ДЕЙИЛАР НОМИ.
ШУ ДЕНГИЗДАЙ ҚУВОН ВА УРТАН,
КЕЛГАНИДА ШЕЪР ИЛҲОМИ.

НАСИҲАТ ВА ШЕЪРИЯТ

НАСИҲАТ ШЕЪРЛАРИ ЕҒАР ДУЛ МИСОЛ,
ПАНДУ ҲИКМАТ МАВЖИ КЕЛАР ҲАР ЕНДАН.
ЭНДИ УЗ АҚЛИНГДАН КЕЧИБ БЕМАЛОЛ,
АДАШМАЙ УТИШИНГ МУМКИН ЖАҲОНДАН.

ТУРТЛИГУ РУБОИЙ УҚТИРАР ТИНМАЙ:
УНДОҚ ҚИЛГАН ТУҒРИ, МУНДОҒИ ХАТО.
МЕЪЕРИДА БУЛСИН СЕВГИ, ОВҚАТ, МАЙ,
ҚАНДАЙ КУЛИШНИ ҲАМ УРГАТАР ҲАТТО.

ЙУЛГА ЧИҚАР БУЛСАМ СОДИҚ ЙУЛДОШИМ,
ИШҚИМ ИЗҲОРИДА БУРРО ТИЛИМ У.
ДУОДАЙ ЕД ОЛСАМ, ОҒРИМАС БОШИМ,
ОҒИРИМНИ ЕНГИЛ ҚИЛГАН ИЛМ У.

ЯХШИ НИМА УЗИ, ЁМОНИ НИМА?
БЕҲУДА УЙЛАРДАН ОРТИҚЧА ТОЛМАМ.
БУ СУЗНИ НОУРИН ШАККОКЛИК ДЕМА,
РУБОИЙ ОРҚАЛИ АЁНДИР ОЛАМ.

КЕЧИРСИН ҲИКМАТНИНГ УЛУҒ ПИРЛАРИ,
УЛАРГА ҲУРМАТНИ КЕЛТИРИБ БАЖО,
ТАЪКИД ЭТАЖАКМАН: ОЛАМ СИРЛАРИ
РУБОИЙ АЙТГАНДАН КУРА МУАММО.

ИНСОН ТУЙҒУЛАРИН БУЛУРМИ ЧЕКЛАБ,
ЧЕГАРА БУЛГАЙМИ ИНСОН АҚЛИГА?
БАЪЗАН ШУ ПАНДЛАРНИ УТАМАН ЧЕТЛАБ,
УНЧА ЖИЛОВ БЕРМАЙ ТУРТЛИК НАҚЛИГА.

ШЕЪРИЯТ-ҲАЯЖОН ГУПИРГАН ТУЛҚИН,
ФИКРЛАР УФҚИГА ЧОРЛОВЧИ МАЁҚ.
УНГА КУП ВАЗИФА ЮКЛАМОҚ МУМКИН,
АХЛОҚ МАЖМУАСИ БУЛМАГАЙ БИРОҚ.

СЕВГИНГ ШУЪЛАСИ

ЕРИТГАНДАЙ ЛАҲЗАЛИК ЧАҚИН
ЗУЛМАТ ТУНДА ДАРАЛАР ТАГИН,

СЕНИНГ БИР ШУҲ ҚАРАШИНГДАН, ЕР,
БИР ЗУМ КЕТИБ МЕНДАН ИХТИЁР,

ЮРАГИМГА ОТАШ ТУТАШАР,
БОҚИШИНГДА ЧАҚМОҚМИ ЯШАР?

БУ ШУЪЛАДА БУТУН БОРЛИҒИМ,
ҚАЛБИМ, ФИКРИМ, УМРИМ — БОЙЛИГИМ

ЯЛТ ЭТАДИ МИСОЛИ ЮЛДУЗ,
ТУННИ НОГОҲ ҚУВГАНДАЙ КУНДУЗ.

ОЙНИНГ НУРИ ҚУЁШДАН ДЕРЛАР,
БУ ҲОЛИМ ЭЛ ҚАНДАЙ ТАЪБИРЛАР?

ОШИҚЛИК ДАРДИ

БУМ-БУШ ТРАМВАЙЛАР
ПАРКИГА ЖУНАБ,
ТУН ҲАМ ОҒИБ ҚОЛДИ, МАНА, ЯРМИДАН.
КУЧАЛАР ОСУДА, ЯНГРАМАС ҚУВНАБ,
ЕЛЛАР УПИЧ ОЛАР ГУЛЗОР БАРГИДАН.

ЙУЛКАГА ЗЛАНАР ЧИРОҚЛАРДАН НУР,
ЖИМЖИМА ҚИЛАДИ ТОЛЛАР СОЯСИ.
ШАҲАР ҚУЛОҒИГА ЕТКАЗАР ҲУЗУР
БУЛБУЛНИНГ ИШҚ ТУЛА ШУҲ ҲИКОЯСИ.

ШУНДАЙ СУЛИМ ТУНДА
ҚАДАМ ТОВУШИ
БУҒИН-БУҒИН ШЕЪРДАЙ СИНГАР ЮРАККА,
ОШИҚНИНГ ТУН БИЛАН ҚАНЧАЛИК ИШИ?
ХИЕБОНЛАР БУЙЛАБ КЕЗАДИ ЯККА.

СЕН-ЧИ,
БЕХАБАРСАН ЙИГИТ ҲОЛИДАН,
АНГЛАМАЙСАН КУНГЛИ ДАРДИНИ, ЭСИЗ.
ШИРИН БИР ОРЗУНИНГ ЭҲТИМОЛИДАН
ЗАРРАЧА ОГОҲ ҲАМ ЭМАССАН, ЭЙ ҚИЗ.

ДЕРАЗАНГ ЕНИДАН УТАР ЭКАН ЖИМ,
КУНДУЗГИ ВИСОЛНИ ЭСЛАЙДИ ЯНА.
ГУЁ ОРОМ БИЛМАС УЛУҒ МУНАЖЖИМ,
ЮЛДУЗЛАРДАН СЕНИ ИЗЛАЙДИ ЯНА.

МУМКИНДИР АНГЛАМОҚ ЮЛДУЗЛАР СИРИН,
АЕН КУРСА БУЛАР ЕРНИНГ ҚАЪРИНИ.
АММО ҚИЗ ДИЛИДА НЕЛАР ЯШИРИН,
ОЧИБ, УҚИБ БУЛМАС САРДАФТАРИНИ

ҚИЙНАР БУ МУАММО ЙИГИТНИ ЁМОН,
ҲАР ТОНГ, ҲАР ВИСОЛНИ БЕДОР КУТАДИ.
АММО АНГЛАМАЙСАН СЕН УНИ ҲАМОН,
ҲАМОН ГУЗАРИНГДАН МАЪЮС УТАДИ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети журнали

ГУЛИСТОН

№ 4 апрель 1967

ЭКЗ. 4

УШБУ СОН МАЗМУНИ

Ленин ишончлилар
Инқилоб лочини
Пулисангин
„Гулистон“ қутиси
Аяжонларим
Ўзбек элати
Бухоро зардўзи
Табиат гурунги
Тошкент билан суҳбат
Ҳирот дорўғаси
Темур тузуклари
Марҳабо, футбол

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ

Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Миркарим Осим, Мавлон Ваҳобов, Маннон Тўйчиев, Карим Маҳмудов, Рустам Раҳмон, Ҳайриддин Салоҳ, Турғун Пўлат, Қамар Райс, Алихон Соғуний

Гулчеҳра Нуруллаева, Ҳакима Ашурметова, Муҳиддин Турғунов, Омон Хатамов, Дадахон Нурий, Лазиз Азиз-Зода, Фахрия Жамилова, Рўзи Қодирий

ЖАМИ 60 МУАЛЛИФ ҚАТНАШГАН

Ойлик ижтимоий-сиёсий адабий-бадиий безакли журнал

Журнални К. Воробьев безаган

ЗАРВАРАҚЛАРДА

1-бет — Нурафшон гуллар
4-бет — Ойдин гуллар

Г. Графкин фотоси.

◆

КЕЛАСИ СОН

мазмуни

Ўзбекистон саёҳати

Қарши ҳаволари

Одамлар ва рақамлар

Сут муаммоси

Ризқ-рўзимиз

Тупроқдаги тарих

Аёллар исёни

Шақшақхоним

Зокиий ижодидан

Аралаш-қуралаш

◆

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриёти

ЛЕНИН КЎКСИМИЗДА



Ҳамид НУРИЙ
Исмоил ТЎХТАСИНОВ

Рангли расмлар
В. СВАРИЧЕВСКИЙНИКИ.

Биз Марғилон шаҳридамиз. Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхозга ўтмоқчи эдик. Лекин шу ерга келганда Марғилонни кўрмай, бу ширин шаҳарни, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»да тасвирлаган, бизга ёшлигимизданоқ таниш кўчаларни, камтар, хушфеъл, заҳматкаш одамларни зиёрат қилмай бўладими!

Шаҳар баҳор либосида. Табиатнинг сахий, танти қўлида тўқилган япроқлардан, ранг-баранг гуллардан, сабзадан сарпо кийган. Кўриб ўйга толасиз: балки хассос устакор косиблар атласлар рангини, жилосини шундан олгандир?

Қизиқ, хаёл яна ўша асарнинг ўқилаверіб ёд бўлиб кетган саҳифаларига бошлайди. Отабек мана шу кўчалардан юрганмикан? Мана бу ариқ ўтган ҳовли Мирзакарим қутидорникими? Кумуш бегуноҳ кишиларни жаллод қўлидан қутқариб қолайин деб, шу кўчаларда елиб-югурганмикан?

Бу йўллардан оч-юпун косиблар қатнаган.

Бу йўлдан мавлоно Фурқат юрган.

Бу йўлдан Йўлдош ота Охунбобоев кўп юрган. Бу йўлдан Усмон ака Юсупов кўп ўтган.

Бу йўл гузарларида машҳур Юсуфқизиқ одамларни қулдириб, умрга умр қўшган.

Бу йўллар энди янги, ойдин йўллар. Биз қишлоққа Ильич чироқларидан марварид таққан ойнадек равон йўлдан кириб бордик.

Чойхонада қизиқ гап устидан чиқиб қолдик.

— Бир вақтлар шу депарада ҳамма нарса чаппасига айланарди,— деб ҳикоя қиларди бир қария.— Қишда ёз, ёзда қиш бўлган экан. Қаҳратон қиш чилласида чиллаки чумак урибди. Саратонда туф деган туфук музлаб, совуқдан ҳўкиз ўлган экан. Шу ҳўкизнинг шохига жойланган хат топилганини биламиз, болам...

Бу нуроний қария, уларнинг тенқурлари шу депарадаги ҳамма афсоналарга, миш-мишларга ишонишгану лекин орадан эллик йил, ярим аср ўтгач, меҳнат аҳли бунчалик маъмурчиликда яшашини тасаввур қилишолмаган. Умид чўғлари йилтирагану уни буюк аланга олдирувчи, шамсу қамар одамлар кулбасига, кишилар кўнглига нисор этолмаган зиёни меҳнат аҳлига бахш этадиган бир улуғ чароғбон бўлишини у вақтларда кўз олдиларига келтириша олмаган.

Ҳозир бўлса бу табаррук отахон атрофини қуршаб олган, ўтмишнинг аччиғини татимаган ёшларни тарбиялаш учун қанақа яхши иш қилаётганини ўзи ҳам пайқамасди. Бизга мана шундоқ холис, юракдан гаплашадиган отахонлар керак. Улар ҳаётнинг мағзини, яшаш фалсафаси мураккаблигини, бугунги нурли даврнинг қадр-қимматини яхшилаб, оширмай-тоширмай сўзлаб берадилар. Партиявий иш — ижодий иш деб қаралган жойларда худди шундоқ қилинмоқда: ўт юрак, жасорэтли ёшлар каби ҳурматли отахонлар, онахонлар ташвиқот-тарғибот ишларини қизитмоқдалар. Бу — Улуғ инқилобимизнинг эллик йиллиги арафасида айниқса катта гап.

Фрунзе номли хўжалик—улкан рўзғор. Бу катта онланинг пиллачилари ҳақида яқинда «Заршунослар» деган рисола чоп қилинди. Ростини айтсак, бу камлик қилади. Чунки донгдор колхоздаги ҳар бир қаҳрамон, кўксида Ленин нишони порлаб турган ҳар бир паҳлавон ҳақида алоҳида китоб ёзилса арзийди.

Шунинг учун исми бу хатга тушмай қолган азаматлардан кечирим сўраб, бир-икки кишининг номини зикр қиламиз, холос. Уларнинг ишига қараб қолган ҳамқишлоқлари ҳам қандай матонатли кишилар эканлигини фаҳмласа бўлади.

...Ҳалимахон пиллакашлик маҳалласи — Кунжакдан эди. Туягум қишлоғига келин бўлиб тушди. Ораси бир неча чақирим келадиган бу жойда ипак қуртини боқиш расм бўлмаган эди. Ҳалимахон далага чиқай деса, дин афюни остонадан ҳатлаган йўл бермайди. Ёш келин Эргашбойга — ёш куёвга ёрдамлашай, турмуш аравасини иложи борича бирга тортай деди. Эри деҳқончилигини қилаверди, ўзи уруғ олдириб келиб, қурт боқди.

Уруғни сандалда чиқартириб, тор уйда боқиш, ипак қурти катта даҳага кириши биланоқ дош қозон топиш, шувоқ бурқсиб турган ўчоқ алангасида пилла қайнатиш, чархни айлантириш, одамнинг тинкасини қуритадиган ишга эртадан қора кечгача бардош бериш осонмиди? Эргашбой-чи? Ёғоч омоч билан қўш ҳайдар, тирикчилик ғамида йил-ўн икки ой қимирлагани билан оила тузукроқ ҳузур-ҳаловат кўрмасди.

Улар Ленин айтган йўлдан борамиз, деб колхозга киришди. Чинакам бахт-саодатларини шу ерда топишди. Данғиллама уй қуришди, қора жинчироқдан, йўққичлик, тангчиликдан қутилишди. Пиру бадавлат бўлишди. Ширин ҳаёт ғаштини суришмоқда. Фарзандлари, невараларининг бахтини кўришди. Қишлоқ обод бўлиб, жамоли очилди. Булар бари ҳалол меҳнат, Ленин туҳфа этган озодлик самараси.

Бугун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, қишлоқ пиллачиларининг онахони Ҳалима опа Холматова:

— Ленин кўксимизда!— дейди фахр билан.

— Ленин кўксимизда!— деб жўр бўлади содиқ рафиқасига вафодор, меҳнаткаш пахтакор Эргаш ака Қозоқов. Унинг кўксида ҳам Ленин.

Меҳнат уларни улуғлади. Ҳалимахон Холматова уч қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 109,6 килограммдан, жами 328,8 килограмм пилла топширгани, қанчадан-қанча шогирд чиқаргани учун Қаҳрамон бўлди.

Олдинги саҳифадаги суратлардан Ҳалима опани тополмайсиз. У киши сал нотоброқ экан. Шунинг учун биз опахонни нотинч қилмадик. Бўлмаса, эри Эргаш ака Қозоқовнинг ёнида кўрардингиз. Уйлаймизки, ушбу лавҳа босилган журнал Марғилонга то етиб боргунча Ҳалима опа шифо топиб, заршуносларнинг сардори бўлиб тургай, сиҳат-саломатликда узоқ умр кўргай.

Эргаш ака агроном бўлган участкада бултур 1025 гектардан ортиқроқ майдонда салкам қирқ центнердан пахта хирмони кўтарилди.

Кўксида Ленин ордени, «Урок ва Болға» олтин медали порлаган деҳқонлардан бири етмиш олти ёшли Ошнғбой ота Шариповдир. У киши деҳқондан кўра кўпроқ Марғилон косибларига ўхшаб кетадилар. Бу отахон чинакам меҳнат, ҳаёт ошиғи, Ленин даҳосидан нур эмган заҳматкаш.


Биз кўпроқ қариялар билан таништирдик. Энди механик ёрдамчиси Исмоилжон Арслонбеков билан кўришинг. 1924 йилда шу қишлоқда туғилиб, шу ердаги мактабда ўқиди. 1942 йилда жангга жўнаб, муқаддас тупроғимизни душманлардан халос этишда жонини ҳам, қонини ҳам аямади. «Шуҳрат» ордени, «Жасурлик учун» медалларини тақиб қайтди, ярадор бўлганини онайи меҳрибонига сездирмасликка ҳаракат қилди. 1949 йилдан бери меха-

ЁМҒИРЛИК...

Оқсарой эшигида —
(Инқилоб бешиги-да!)
Ленин тик турар эди, ўраганди оломон.
Емғир ёғарди сим-сим,
Ёғар жим ва бетиним,
Бетиним келар одам эзгу оқ сарой томон.
Тўп кетидан тўп келар,
Келганда ҳам кўп келар,
Олисдан ва яқиндан, дунёнинг юз йўлидан,
Ҳиротдан, Қандаҳордан,
Қаҳратондан, баҳордан,
Арабдан ва Ажамдан, олис Онатўлидан,
Уммонларнинг кетидан,
Дунёнинг у четидан,
Жазира, ороллардан, не дарёлар бўйидан,
Тўп кетидан тўп келар,
Келганда ҳам кўп келар,
Чангалзордан, саҳродан, юқоридан-қуйидан...
Емғир ёғарди сим-сим,
Қўлда шапкаси ғижим,
Ленин бош очиқ турар оқ сарой эшигида,
Бари қолгудай ёдда,
Сабоқдай жўну содда
Қуюқ бир суҳбат қурар инқилоб бешигида.
Ҳовли кўлмак-кўлмак сув, тошганди ариққа ҳам,
Оқар эди пилдираб,
Оқар эди жилдираб,
Ленин тошиб сўйларди шак қўймай тариққа ҳам.
Тинглар эди оломон: ёш борди, қари борди,
Қадоқ қўл ишчи ҳам бор,
Оқсоқол қўшчи ҳам бор,
Меҳнаткаш шу оламнинг, айтайлик, бари борди.
Ўлимлардан соғ қолмиш юзи чандиқ аскар ҳам,
Ленинниинг ўз сафдоши,
Еки чўнг лашкарбоши,
Қизил бўйинбоқ тақмиш Кунтуғмиш ҳам,
Асқар ҳам.
Тинглар эди оломон Лениндан кўз узмайин.
Емғир ёғарди сим-сим,
Ёғарди билмай тиним,
Олам тинглар муҳташам сукунатни бузмайин...
Кўзлар ўнгидан ўтар қалдироқли ўша тонг,
Ўша қиш, ўша аёз,
«Аврора»га жўр овоз,
Оқ сарой саҳнасидан Ленин урган ўша бонг:
«Қўзғолон кечикса гар,
Ўлим билан баробар!»
Қўзғолон кечиккан йўқ, келганди охир фурсат
Қон бериб, қурбон бериб,
Ҳар қадамда жон бериб,
Қишлик сарой ҳам қулда... янграр эди қатмақат:
«Октябрь инқилоби, Октябрь инқилоби,
Дунё тарихининг сен янги давр — янги боби!»
Қалтис пайт, икки дунё бўлган эди бетма-бет,
Юрагининг довлиги,
Танти, беаёвлиги,
Ленин чекарди имзо кетма-кет янги Декрет.
Диктатура — ишчига,
Тупроқ эса — қўшчига!
Янги дунё эгаси — қўли қадоқ меҳнаткаш.
Корхона, жамий бойлик,
Чексиз ер, ўрмон, сойлик
Меҳнаткашлар эркида! Жар солинг: яраш-яраш...
Мана шундоқ бошланди қалдироқли ўша тонг,
Оламга ардоқ ҳозир,
Ўзига-ўзи нозир,
Асрларга кетгуси тумтароқли ўша бонг.
Ленин сўйларди ҳамон шак қўймай тариққа ҳам,
Қўлида шапка ғижим,
Қулоқ солар дунё жим,
Ҳовлида оқар эди жилдираб ариққа ҳам.
Емғир ёғарди сим-сим,
Ёғар эди бетиним,
Оломон ўртасидан оҳиста чиқиб биров,
Ленинга тўғри юрди,
Бир нафас хаёл сурди,
Эгнида ёмғирликни ечганди шу пайт дарров,
Ленин эгнига ташлаб,
Шундоқ деди сўз бошлаб:
«Тумовлайсиз-ку, Ильич, қани, кийиб олинг-чи,
Йўқ демай, пайсалламай, елкангизга солинг-чи!»
Билмадим не келганди оқсоқол хаёлига,
Матросмиди ё аскар,
Деҳқонми ё чиланғар,
Барча кўзлардан ёғар олқиш асрим чолига...
Зиёратчилар секин юрт-юртига йўл олди,
Ўша чол ёмғирлиги Ленин эгнида қолди.
Емғир ёғарди сим-сим,
Ёғар жим ва бетиним...

Ленинград. Смольний.
1966. Июнь.

ЛЕНИН ЭКРАНДА



Михаил Ромм бадиий кино воситалари билан улуғ доҳий Ленининг ўлмас образини биринчи бўлиб экранда акс эттирган эди. Сергей Юткевич «Милтиқли киши», «Ленин ҳақида ҳикоялар» ва ниҳоят «Ленин Польшада» бадиий фильмлари орқали бу порлоқ сиймони экранда намоён этди. Булар киноленинномамизнинг энг ажойиб саҳифаларидан бўлиб қолди. Доҳий образини яратган истеъдодли артист Максим Штраух Ленининг геннал назариётчи ва толмас амалиётчи эканлигини чуқур ва ишонарли ифода етиш йўлида жасорат билан ишлади ва изланди.



Сергей Юткевич кинодраматург Евгений Габрилович билан ҳамкорликда яратган «Ленин Польшада» бадиий фильми учун Ленин мукофоти номзодлари рўйхатига киритилди.

Унинг «Она садоқати» фильми томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Унда Ленин ролида ўйнаган ёш артист Родион Нахапетов доҳийнинг ёшлик йиллари ҳаёти лавҳаларини ишонарли талқин қилади.

Таниқли —артист Иннокентий Смоктуновскийнинг «Бир планетада», «Биринчи меҳмон» номли фильмларда Ленин образида чиқиши томошабинлар учун янгилик бўлди. Бу фильмларда гарчи Ильич образи Б. Шчукин, М. Штраух талқинларидагидек таъсирли, ишончли чиқмаган бўлса-да, ҳар ҳолда талантли актёр улуғ доҳийнинг инсоний фазилатларини акс эттириш учун нафис бўёқлар топа олган.

Маҳмуд ЯҲЁЕВ.

ИЛК ДИЙДОР БИР САЙЁРАДА ОНА МЕҲРИ





низатор. Яқинда Ленин ордени билан мукофотланди. Кечаги тўпчи бугун гвардиячи дарға. Рустамнамо паҳлавон Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Исроил Иброҳимов ҳам танти деҳқонлардан. Дўстлар хотирасини муқаддас тутадиган, аҳдига вафодор бу киши ўттиз икки йилдан бери бригадир, йигит оғаси.

— Бу йил эллик йилликка атаб гектаридан 45 центнердан пахта топширмоқчимиз,— дейди полвон.

Ҳозир у бир муқаддас ташвишда юрибди.— Жанг майдонидан қайтиб келмаган жўраларимиз хотирасига тезроқ ёдгорлик ўрнатсак,— дейди. Одам — азиз, одам — улуғ, хотираси ҳам азиз, улуғдир.

Катта рўзғорнинг отахони Абдулла ака Раҳмонов билан ҳам танишиб қўйинг. Ўттиз йилдан ортди — шу колхозда раис. Ҳозир олтмиш беш ёшда.

Абдулла ака раисликка сайланган йили салкам юз гектар ерга чигит экилиб ўн беш центнер атрофида ҳосил олинганди. Колхоз бултур давлатга 7974 тонна пахта, 114,5 тонна пилла, 155,5 тонна гўшт, 470 тонна сут, қанчадан-қанча бошқа ноз-неъматлар топшириб, 4 миллион сўмдан ортиқроқ даромад қилди. Бултур уруғдан аввалгига нисбатан юз баравар кўп пилла топширилди.

Ленин даҳосидан баҳра олган битта колхознинг пахтаси, пилласи шунча кўп. Энди ҳисоб қилинг: бундан ҳосил бўладиган ипак ва газмол билан қанча одамни кийинтириш мумкин?

Бунчалик қудрат эгаларн яқдил бўлиб:

— Ленин кўксимизда!— дейишади.

Колхозда 147 коммунист бор. 200 кишидан ортиқроқ пахтакор, пиллачи, чорвадор, шоликор СССР орден, медаллари билан мукофотланган, 30 дан ортиқ азаматнинг кўксида Ленин нишони порлайди. 6 киши — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Уларнинг бари: «Ленин кўксимизда!» дейди.

Рақамлар шеъриятини тинглаяпсизми?

Абдулла ака Раҳмоновнинг кўкрагида учта Ленин ордени, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Улуғ Ватан уруши» ордени, қўш-қўш медаллар ярқирайди. У ҳар бир ишда оммага, коммунистларга, колхоз большевикларининг сиёсий раҳбари Набижон Собировга таянади.

Фрунзе номли колхоз аъзоларидан кўпи Улуғ Ватан уруши жангларида қатнашганлиги ёхуд қамалда қолган Ленинград аҳолисига мева-чева, сабзавотни узлуксиз юбориб турганлиги учун СССРнинг жанговар орден ва медаллари билан тақдирланган.

Ленинча ҳаётбахш дўстлик туфайли битта нонни ҳам бўлиб едик, нима топсак ўртада баҳам кўрдик. Ленин шаҳри бизга нурзнё ҳадя қилди. Машина юборди, вақти келганда, буюк имтиҳон дақиқаларида ўзбек халқи ҳам ўзининг саховатини, жасоратини, матонатини кўрсатди. Ленинча дўстлик ҳар бир жабҳада ғалабани таъминлади.

Колхоздан сал нарироқда, қадимги дашт-биёбон ўрнида ипак шаҳри, ипак корхонаси. Заршуносларнинг ипаклари шу ерда атлас бўлади, нафис шоҳи газламага айланади. Бу атласлар жилвасига, заррин арқоқларга ўзбек қалбининг чўғи, ўзбек кўнглининг дарёлиги кўчирилган. Уроқ билан Болғанинг ҳамкорлигини тобора қадрлаётган ноз-неъмат ижодкорлари — деҳқонлар, ишчилар кўксида, қишлоқда маданий инқилоб қилиб, маърифат машъалларини порлатган зиёлилар, улуғ доҳий суратини гулларда тасвирлаган гулчилар, боғбонлар кўксида, бахтлар водийси Фарғона кўксида, қўш-қўш нишонли Ўзбекистоннинг кўксида, камтарин, қаҳрамон халқимиз кўксида, онгимизда, тонгимизда, кўнглимизда, юрагимизда, тилагимизда, байроғимизда, қанотли ўйларимизда, куйларимизда, тўйларимизда, инсоният кўнглида Ленин! Ленин — Инсонга баҳор, бахт тушунчаси. Ленин десак кўнглимиз баҳор нашъаси, бахт нашидаси, озодлик қасидаси билан тўлади. Ҳар тонг унинг нурли йўлига пешвоз чиқиб:

— Ассалом, Владимир Ильич!— деймиз.

Бахт ижодкори Ленинга бўлган муҳаббат— донишманд партияга бўлган ихлос. Партия ва Ленин эгизак. Ленинни англаймиз партия десак, Ленин деганимиз партия.

Ленин буюк боғбон, буюк чароғбондир. Ленин бамисоли офтоб, ҳамма ундан баҳра олади, ҳамма унга интилади.

Озод Шарқнинг улкан шоири Ғафур Ғулом айтганича:

ҲАЁТНИНГ ҲАР ОНИДА ЛЕНИННИ ЁД ЭТАМИЗ,
ҲАР ХОНАДОН ИЧИДА ЛЕНИННИНГ ЧАРОҒИДИР.
ЛЕНИН БЕРГАН ВАТАННИ ЯНА ОБОД ЭТАМИЗ,
КУКСИМИЗДА МАНГУЛИК ЛЕНИННИНГ БАЙРОҒИДИР.


ЁМҒИРЛИК...

Миртемир

Оқсарой эшигида —
(Инқилоб бешиги-да!)
Ленин тик турар эди, ўраганди оломон.
Емғир ёғарди сим-сим,
Ёғар жим ва бетиним,
Бетиним келар одам эзгу оқ сарой томон.
Тўп кетидан тўп келар,
Келганда ҳам кўп келар,
Олисдан ва яқиндан, дунёнинг юз йўлидан,
Ҳиротдан, Қандаҳордан,
Қаҳратондан, баҳордан,
Арабдан ва Ажамдан, олис Онатўлидан,
Уммонларнинг кетидан,
Дунёнинг у четидан,
Жазира, ороллардан, не дарёлар бўйидан,
Тўп кетидан тўп келар,
Келганда ҳам кўп келар,
Чангалзордан, саҳродан, юқоридан-қуйидан...
Емғир ёғарди сим-сим,
Қўлда шапкаси ғижим,
Ленин бош очиқ турар оқ сарой эшигида,
Бари қолгудай ёдда,
Сабоқдай жўну содда
Қуюқ бир суҳбат қурар инқилоб бешигида.
Ҳовли кўлмак-кўлмак сув, тошганди ариқча ҳам,
Оқар эди пилдираб,
Оқар эди жилдираб,
Ленин тошиб сўйларди шак қўймай тариқча ҳам.
Тинглар эди оломон: ёш борди, қари борди,
Қадоқ қўл ишчи ҳам бор,
Оқсоқол қўшчи ҳам бор,
Меҳнаткаш шу оламнинг, айтайлик, бари борди.
Ўлимлардан соғ қолмиш юзи чандиқ аскар ҳам,
Ленинининг ўз сафдоши,
Еки чўнг лашкарбоши,
Қизил бўйинбоғ тақмиш Кунтуғмиш ҳам,
Асқар ҳам.
Тинглар эди оломон Лениндан кўз узмайин.
Емғир ёғарди сим-сим,
Ёғарди билмай тиним,
Олам тинглар муҳташам сукунатни бузмайин...
Кўзлар ўнгидан ўтар қалдироқли ўша тонг,
Ўша қиш, ўша аёз,
«Аврора»га жўр овоз,
Оқ сарой саҳнасидан Ленин урган ўша бонг:
«Қўзғолон кечикса гар,
Ўлим билан баробар!»
Қўзғолон кечиккан йўқ, келганди охир фурсат
Қон бериб, қурбон бериб,
Ҳар қадамда жон бериб,
Қишлик сарой ҳам қулда... янграр эди қатмақат:
«Октябрь инқилоби, Октябрь инқилоби,
Дунё тарихининг сен янги давр — янги боби!»
Қалтис пайт, икки дунё бўлган эди бетма-бет,
Юрагининг довлиги,
Танти, беаёвлиги,
Ленин чекарди имзо кетма-кет янги Декрет.
Диктатура — ишчига,
Тупроқ эса — қўшчига!
Янги дунё эгаси — қўли қадоқ меҳнаткаш.
Корхона, жамий бойлик,
Чексиз ер, ўрмон, сойлик
Меҳнаткашлар эркида! Жар солинг: яраш-яраш...
Мана шундоқ бошланди қалдироқли ўша тонг,
Оламга ардоқ ҳозир,
Ўзига-ўзи нозир,
Асрларга кетгуси тумтароқли ўша бонг.
Ленин сўйларди ҳамон шак қўймай тариқча ҳам,
Қўлида шапка ғижим,
Қўлоқ солар дунё жим,
Ҳовлида оқар эди жилдираб ариқча ҳам.
Емғир ёғарди сим-сим,
Ёғар эди бетиним,
Оломон ўртасидан оҳиста чиқиб биров,
Ленинга тўғри юрди,
Бир нафас хаёл сурди,
Эгнида ёмғирликни ечганди шу пайт дарров,
Ленин эгнига ташлаб,
Шундоқ деди сўз бошлаб:
«Тумовлайсиз-ку, Ильич, қани, кийиб олинг-чи,
Йўқ демай, пайсалламай, елкангизга солинг-чи!»
Билмадим не келганди оқсоқол хаёлига,
Матросмиди ё аскар,
Деҳқонми ё чилангар,
Барча кўзлардан ёғар олқиш асрим чолига...
Зиёратчилар секин юрт-юртига йўл олди,
Ўша чол ёмғирлиги Ленин эгнида қолди.
Емғир ёғарди сим-сим,
Ёғар жим ва бетиним...

Ленинград. Смольний.
1966. Июнь.

ЛЕНИН ЭКРАНДА



Михаил Ромм бадиий кино воситалари билан улуғ доҳий Ленининг ўлмас образини биринчи бўлиб экранда акс эттирган эди. Сергей Юткевич «Милтиқли киши», «Ленин ҳақида ҳикоялар» ва ниҳоят «Ленин Польшада» бадиий фильмлари орқали бу порлоқ сиймони экранда намоён этди. Булар киноленинномамизнинг энг ажойиб саҳифаларидан бўлиб қолди. Доҳий образини яратган истеъдодли артист Максим Штраух Ленининг геннал назариётчи ва толмас амалиётчи эканлигини чуқур ва ишонарли ифода етиш йўлида жасорат билан ишлади ва изланди.



Сергей Юткевич кинодраматург Евгений Габрилович билан ҳамкорликда яратган «Ленин Польшада» бадиий фильми учун Ленин мукофоти номзодлари рўйхатига киритилди.


Унинг «Она садоқати» фильми томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди. Унда Ленин ролида ўйнаган ёш артист Родион Нахапетов доҳийнинг ёшлик йиллари ҳаёти лавҳаларини ишонарли талқин қилади.


Таниқли —артист Иннокентий Смоктуновскийнинг «Бир планетада», «Биринчи меҳмон» номли фильмларда Ленин образида чиқиши томошабинлар учун янгилик бўлди. Бу фильмларда гарчи Ильич образи Б. Шчукин, М. Штраух талқинларидагидек таъсирли, ишончли чиқмаган бўлса-да, ҳар ҳолда талантли актёр улуғ доҳийнинг инсоний фазилатларини акс эттириш учун нафис бўёқлар топа олган.

Маҳмуд ЯҲЁЕВ.


ИЛК ДИЙДОР БИР САЙЁРАДА ОНА МЕҲРИ







ОЙ ПОШ ША



Октябрь қуёши нурларини кўзига суртган ўзбек хотин-қизларининг пешқадамларидан бири Ойпошша Мажидхоновадир.

Мажидхоновалар оиласи Тошкентнинг Миробод маҳалласида яшаб, руслар билан ҳамиша мулоқатда бўлиб турганлиги сабабли рус тилидан бирмунча хабардор эди. Ойпошша опаси Пошшахондан хат таниб, бошланғич маълумот олди. Пошшахон Акмал Икромовнийг онаси Раҳима отинда ўқиб, инқилобгача саводини чиқарган, 1920 йилда Шайхантаҳурдаги Валиҳожи уйида очилган ўзбек хотин-қизлари билим юртини биринчи бўлиб битирган. У 1916 йили Тошкент Колизей (Свердлов) театрида Озарбайжоннинг машҳур артисти Сидқий Руҳилло «Лайли ва Мажнун» асарини қўйганида томошага паранжисиз чиққан биринчи ўзбек қизи эди. 1914 йилги «Садойи Туркистон» газетасида бир турнум шеърлари босилган (у Пошшахон Жалилова бўлиб танилган. 1918 йилдан 1937 йилгача муаллималик қилган. 1952 йилда вафот этган).

Бу оиладаги тўрт опа-сингил Октябрдан кейин биринчи бўлиб мураббия ва муаллима бўлганлар. Улардан энг кўп хизмат кўрсатгани мен ҳикоя қиладиган Ойпошша.

Ҳозир олтмиш баҳорни кўраётган Ойпошша опа Тошкент большевикларининг Сапёрная кўчасидаги қаҳрамонона жангларини тиниқ эслайди. Ўша дамлар большевиклар йўл бўйидаги теракларни кесиб, кўчага ғов солган эдилар. Уларнинг бир қисми Мажидхоновларнинг ташқари ҳовлисида ётган ва Ойпошша уларга сув бериб турган.

1918 йил. Ойпошша Военное собрание (ҳозирги ОДО) биносида очилган мактабгача тарбия курсида ўқийди. У ўз фаолиятини 1918 йил апрель ойида Каллахона маҳалласида 2-болалар боғчасини очиш ва унга мудираликқилишдан бошлайди. Айни пайтда бу боғчада Ойпошшанинг Мунаввара ва Муаззама деган икки синглиси ҳам мураббия бўлиб ишларди. Ойпошша маҳалладаги мактабда муаллималик ҳам қилди.

Опа-сингиллар ишга Эски шаҳар маориф шўъбаси берган соябон аравада, баъзан дилижонда ёки икки ғилдиракли извошда келишарди. У маҳаллар ўзбек хотин-қизларининг Эски шаҳарда ишлаши жуда нозик эди. Руҳонийлар ва уларнинг сўқир кўмакчилари юзини очган аёлларни бадном қилишдан ҳам тоймасдилар. Опа-сингил Урдагача паранжисиз келсалар ҳам, ундан нарёгига паранжи ёпиниб олардилар. Уларнинг дадаси темир йўлда руслар билан кўп ишлаган, бирмунча вақт танобчи бўлганидан рус тилини дуруст билган. Шунинг учун мутаассиблар бу мураббияларни «Мажид ўрус қизлари», «Юзи очиқ кофирлар» деб очиқдан-очиқ таҳқир қилишар, орқаларидан тош отар эдилар. Бир куни Каллахона маҳалласига етганларида Муаззамага тош тегиб, боши ёрилган, можарога милиция аралашган.

Мураббиялар боғчага киришлари биланоқ дарвозани қулфлаб қўядилар. Гарчи дарвоза олдида навбатчи қоровуллар туришса-да, бирон чора кўришдан ожиз қолардилар. Ёт унсурларнинг боғчага келишиб, мураббияларга қайроқтош, гаврон ўқталиб қўрқитганларини ўша вақтда камина ҳам яхши билардилар.

Ойпошша 1919 йили паранжи ташлаганида онаси у билан бир кеча гаплашмай юрди. Отаси қизининг тарафини олавергач, оиланинг бузилишига сал қолган.

2-болалар боғчасини йўлга қўйиб бергач, Ойпошшани Бешёғочнинг Камолон маҳалласидаги 5-болалар боғчасига мудира қилиб юборишади. Сингиллари Каллахона маҳалласидаги боғчада ишлаб турадилар.

1924 йил бошлари. Туркистон ўлка Марказий Комитетига ишга олинади. У вақтлар Ойпошша сингари зеҳнли, русчадан хабардор бўлган маҳаллий хотин-қиз кадрлар бармоқ билан санарли эди. Шу важдан Ойпошша ва унинг сафдошларини бирор юмушни эплагач, янги бир соҳага юборишга мажбур бўлинарди. Ўша кезлар Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг хотин-қизлар бўлимида 103 киши ишларди. Булардан 33 киши маҳаллий хотин-қизлар эди. Рус тилини сал-пал биладиган туркман, қозоқ, ўзбек аёллари бор-йўғи 15 киши эди. Ойпошша Мажидхонова, Бухоро область хотин-қизлар бўлимининг мудираси Азизова, қирғизлардан Боқиза Бахтиева, Сирдарё область ижроия комитетининг аъзоси Жаҳон Обидова, Узоқбоева... Буларга Туркистон ўлка комитети хотин-қизлар бўлимининг мудираси Любимова раҳбарлик қиларди.

1924 йил 8 март. Ойпошша Мажидхонова Колизей театрида бўлган Туркистон хотин-қизларининг умумий йиғилишида мажлис ҳайъатига сайланади ва унда хотин-қизлар озодлиги тўғрисида маърузага чиқади.

Эски шаҳар хотинлари орасида паранжига ўт очган ким? Ойпошша! Туркистон Марказқўмида ишлаган чоғида область Қўшчилар союзи хотин-қизлар бўлимининг мудиралигини ҳам, Тошкент уезд ижроия комитети ҳузуридаги хотин-қизлар турмушини яхшилаш комиссиясининг секретарлигини адо этган ким? Ойпошша!

1930 йил баҳори. Урта Осиё бюроси Мажидхоновани Қўқонга пахта ва пилла тайёрлаш ишлари билан юборади. Ойпошша хотин-қизлар бўлимининг мудираси Аксентович билан Қўқоннинг Учкўприк қишлоғида анча вақт ишлайди.

Партия ташкилоти Ойпошшани қийин участкаларга юборар, у ҳамма ерда ҳам ишни қойил қилар эди. 1930 йилда Тошкент округи алоқа бўлимининг мудири, Тошкент округи партия комитетининг Урта Чирчиқ районида, Тошкент областида инструктор бўлиб ишлади. Сўнгра Тошкент область Қўшчилар союзининг хотин-қизлар бўлими мудираси бўлди. Чиноздаер ислоҳоти ўтказишда қатнашди. Колхоз тузишда ғайрат кўрсатди.

Ойпошша Мажидхонова қийин, аммо гўзал ёшлик чоғларини ишчи-деҳқонлар синфи хизматига бағишлагани билан фахрланади. Энди у етти қават кўрпачада. 1952 йилдан бери пенсионер.

— Бир неча ойлардан кейин ҳаммамиз Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини нишонлаймиз,— дейди нуроний Ойпошша опа.— Бу шонли санани кўзим тўрт бўлиб кутяпман. Улуғ аёмга етишсам ўзимни энг бахтли ҳисоблардим.

Лазиз АЗИЗ-ЗОДА

Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходими.

50

☆

Замон ва инсон

☆

МОСКВАДА ЛЕНИН ҲАЙКАЛИ

Москвадаги Владимир Ильич Ленин номли завод бизнинг мамлакатдагина эмас, чет элларда ҳам машҳурдир. Ҳозир у завод қайта қурилмоқда. Унинг чегарасидаги эски иморатлар бузилиб, янгилари бино бўлмоқда. Яқин орада завод қаршисидаги майдонда доҳий Ленин ҳайкали қад кўтаради — бу Москвада Владимир Ильичнинг биринчи улкан ҳайкалидир. Унинг бўйи беш метр, ўзи Ленинградда бронзадан қуйиляпти.

Ҳайкал ижодкорлари — архитектор А. Власов ва В. Топуридзелар. Буларнинг лойиҳаси пойтахтда ўтказилган ёпиқ конкурсда ғолиб чиқди (Конкурсда жами бўлиб 140 лойиҳа муҳокамага қўйилган эди). Муаллифлар ҳайкалда Владимир Ильич Ленининг буюк мутафаккирлиги, ноёб сиёсатдонлиги билан бирга, унинг оддий инсон эканини ҳам акс эттирганлар.

Ҳайкал Октябрь инқилобининг 50 йиллиги кунларида очилади.

Г. БАКШЕЕВА

Яна бир сарвқад

Даврон РАҲМОНОВ
бинокор-инженер

Сиз томоша қилиб турган мана бу муҳташам бино яқин йилларда Тошкентнинг Навоий театри ёнбошида қад кўтаради. Унда Тошкент область ва шаҳар партия, комсомол комитетлари ҳамда сиёсий маориф уйи жойлашади.

Бу улкан, замонавий бино учун Ўзбекистон, Железняк, Апанасенко кўчалари оралиғидаги майдон ажратиб берилди. Маъмурий бино ва унинг саҳни икки гектар жой эгаллайди. Бинонинг атрофи кўкаламзорлаштирилади, йўлкалар очилади, ҳовузлар қурилади, енгил машиналар турадиган алоҳида саҳн бўлади.

Етти қаватли асосий бино Ўзбекистон кўчасидан эллик метр ичкарироқда тикланади. Бунинг олти қавати идоралар, мажлисхоналарга белгиланган, еттинчи қавати техникавий асбоб-ускуналар учун ажратилади.

Бинонинг ташқи томони мармар тахталар ҳамда мармар увоқлари билан пардозланади. Шунингдек, қурилишда сирланган сопол тахтачалар, ганчга ўйилган кунгурали безаклар ишлатилади. Иншоотнинг олд девори бор бўйи ойнаванд қилинади. Ёзда салқин, қишда илиқ ҳаво етказиб бериладиган техникавий ускуналар ўрнатилади.

Тошкентдаги республика давлат лойиҳалаш институти аҳли тайёрлаган лойиҳанинг сўнгги чизмалари тугалланаяпти.

ВАҚТ

Муҳаррир минбари

Вақт эътибори билан киши умри гўё кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Ўтган вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Фурсатнинг, ғаниматдамларнинг баридан-этагидан тутиб: «Шошилмай тур!» деёлмайсиз. Шу жиҳатдан инсон учун энг қимматли нарса вақтдир. Чунки, ҳамма нарсани топиб бўлади, лекин бекорга кетган вақтни топиб бўлмайди.

Инсон умри ўтган вақт билангина ўлчанмайди. Вақт нисбий тушунчадир. Умр, вақт қилинган эзгу ишлар, ўтқазилган гул, кўкартирилган ниҳол, қурилган бино, ўқилган китоб, ёзилган девон, вояга етказилган шогирд, одамларга бахшида этилган жамики яхшилик, кўрсатилган меҳр-мурувват, хайр-саховат, бахт-саодат йўлида тўкилган тер, тортилган азият билан ҳам ўлчанади.

Инсоният йил ҳисобини иккига бўлиб, милодий, ҳижрий деб юритади-ю, аслини олганда, большевиклар, ленинчилар, шарофатли меҳнат аҳли чинакам янги давр тарихи 1917 йилнинг 7 ноябридан, Улуғ тонг отган кундан бошланган деб ҳисоблайдилар.

То Улуғ Октябрь инқилобига қадар камбағаллар, меҳнат аҳли ҳақсиз-ҳуқуқсиз, ҳор-зор эди. Инсон ўзи қадр топмаган мудҳиш замонда унинг вақти ҳам қадрланмасди. Ишчилар, деҳқонлар сабаби тирикчилик деб ишлашга мажбур эдилар. Зах, ифлос, киши ҳаёти учун хавфли корхоналарда, конларда кунига 13—14 соатлаб, ҳатто ундан ҳам ортиқ ишлаган кишилар, барибир, қорни тўйиб нон емас, эгни кийимга ёлчимас эди.

Улуғ Ленин даҳоси туфайли меҳнат аҳли озодликка чиқди, ёруғликка чиқди, эркин нафас ола бошлади. Меҳнат аҳли ер-сувнинг, корхоналарнинг, ўзи ижод қилган жамики бойликларнинг чинакам хўжайини бўлиб қолди. Оғир, кишининг тинкасини қуритадиган меҳнат чиндан шон-шараф, қаҳрамонлик ишига айланди.


Асрлар мазмунини энди лаҳзаларда ҳал этадиган бўлиб қолдик. Эндиликда нурлар қадамила чопаётган дақиқанинг мазмуни, вақтнинг моҳияти ўзгарди. Халқимиз фазоларга кенг йўл очиб, тафаккур оламида мисли кўрилмаган жасорат кўрсатди. Бугун Улуғ Октябрь инқилобининг 50 йиллиги арафасида бу ҳақда ўйлаш, бу ҳақда фикр юритиш айниқса мароқлидир.

Март ойининг ўрталарида Партия, Ҳукуматимизнинг халқ бахт-саодати, халқ фароғати, халқ камолоти тўғрисидаги буюк меҳрибонлигини, ажойиб ғамхўрлигини тағин бир марта ўзида мужассамлантирган яна бир тарихий ҳужжат эълон қилинди. Совет кишилари имконни бор жойларда бу йилдан бошлаб ҳафтада беш кун меҳнат қилиб, икки кун дам оладилар.

Партия, ҳукуматимиз халқимиз тўғрисида нақадар буюк ғамхўрлик қилганлигини тўлароқ ҳис этиш учун аввало бир дақиқанинг мағзини чақиб кўриш керак. Мамлакатимизда бир дақиқада 190 тоннадан зиёд темир, 265 тонна нефть қазиб олинади, минг-минглаб мураккаб машиналар тайёрланади, минг-минглаб кишилар янги уйларга кўчиб кирадилар. Демак, вақт ниҳоят ғанимат, ниҳоят қадрли. Ленин Партия, Ҳукуматимиз совет кишилари тобора камол топсин, ўқиб ижод қилсин, яхши дам олиб, баракали меҳнат қилсин деб шундай муҳим ҳаётий тадбирни амалга оширмоқдалар.

Бир йил — ўн икки ой. Бир кеча-кундуз — йигирма тўрт соат, бир минг тўрт юз қирқ дақиқа. Яшаш соати олға чопаётган шу шарофатли дамларда ҳар бир дақиқанинг ўз ўрни, ўз қадр-қиммати бор. Ғанимат дамларни улуғ Коммунизм иши учун сарфлайлик, Коммунизм деб ижод қилайлик, улуғ давримизга муносиб кишилар бўлиш учун ҳар бир лаҳзадан унумли фойдаланайлик.

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шох сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.



НОМ ҲАМ — ҲУСН

Номлар комиссиясидан репортаж

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Сайёра Раҳматхўжаева хонасида мўътабар кишилар ўтирибди. Улар орасида олимлар, адиблар, жамоат ташкилотларининг вакиллари бор. Булар — номлар комиссиясининг аъзолари.

Тошкентда янги кўчалар очиляпти, уй-жой кўпайяпти. Масалан, «Партия XXI съезди» совхози ҳамда «Октябрь» колхози ерларида қанча кўча ва ён кўчалар очилди.

Номлар комиссияси шу кўчаларга бамаслаҳат ном қўймоқда. Маслаҳат йиғини охирлаган. Комиссия раиси С. Раҳматхўжаева шаҳар ижроия комитети тасдиқига қўйиладиган лойиҳани ўқийди.

«Партия XXI съезди» совхози ерларидаги кўчаларга Ҳаваскор, Донишманд, Бастакор, Толариқ, Ленинчи, Қалдирғоч, Инқилоб, Сабзазор, Кўклам номлари танланди. Айни пайтда комиссия аъзолари жамоат ташкилотларининг таклифларини ҳам қараб чиқдилар.

Куйбишев район ҳарбий комиссариати Тошкентнинг бир кўчасини Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Т. Айриев номи билан аташни сўрабди. Гидротехника иншоотлари бўлимининг собиқ раҳбари Замарин, ўзбеклардан чиққан биринчи дивизия командири Миршаропов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кимё институтининг собиқ директори, кимё фанлари доктори Я. Алиев, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони машҳур чўпон Жабай Балимонов номини абадийлаштириш юзасидан таклифлар тушган эди. Комиссия бу таклифларнинг ҳаммасини маъқуллади.


Комиссия Тошкент шаҳрида қурилаётган кафе ва ресторанлар, магазин ва гастрономларга ҳам ном танлади, айрим лойиҳалаш ва савдо идоралари ходимларининг ном танлашга эътиборсиз қараётганларини ҳам кўрсатиб ўтди. Бунга мисол тариқасида шаҳарнинг турли жойларида «Райҳон» деган бир нечта ошхона, кафе борлиги айтилди.

Бундан кейин савдо ва маданий-маиший муассасаларга Тошкент шаҳар ижроия комитети қошида бир йилдан буён ишлаб келаётган номлар комиссиясининг маслаҳати билан ном қўйилиши яна бир бор таъкидланди.

Р. РАҲМОН.

«ГУЛИСТОН»дан:

«Ном ҳам — ҳусн» сарлавҳали тавсияномамиз ёритилганидан буён журналхонлардан кўплаб хат-хабарлар оляпмиз. Бу хатларда санаб ўтилган чиройли номларни тартибга келтиряпмиз. Журналнинг кейинги сонларида улар билан ҳам таништириш ниятимиз бор.



ҚИТТАК САВДОГАР ҚОНИ

Муҳокама Мунозара Улоқаза

Бир куни менга Асқаржон инженернинг юрагида қиттак савдогарнинг қони ҳам бўлиши керак экан, деб қолди. Қизиқ, инженер ким-у, савдогар ким?! Кейин билсам, тагида гап бор экан.

— Бир вақтлар комбинатимизга манман деган бир афғон савдогари келди. Техникага унча қизиқсинмас, нуқул фойдаю даромаддан гапирарди. «Ишхонангиз бир йилда қанча фойда кўради?», «Тўқув фабрикангиз бир кунда кўрадиган фойдани пулга чақиб айтсангиз?» Хуллас, меҳмон саволларни қалаштириб ташлади. Дуруст, иқтисодчиларимиз ҳам ортидан чиққанини ёқасига ёпиштириб туришди. Шу куни мен, Алдар Кўсанинг-ку алдайдиган халтаси бўларди, биз инженерларнинг эса иқтисодий билим «тўрвамиз» бормикин деб ўйладим. Синовни ўзимдан бошлаб, «тўрва»га қўл солиб кўрсам, олий ўқув юртида эшитилган лекцияларимдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Ахир, дунёда конкрет иқтисодиёт, корхона иқтисодиёти, деган гаплар бор-ку!? «Тўрва»ни тўлатиш керак бўлиб қолди. Тўқимачилик саноати иқтисодиётининг «алифбе»сидан тушдим.

— Асқаржон, комбинатда ишлаётганингизга, мана, ўн йил бўлибди. Ўқувни алифбедан бошлаган эдим, деяпсиз. Энди экономиканинг алжабрига ҳам ўтгандирсиз.

— Нимасини айтасиз, иқтисодиёт ҳам қизиқ фан экан. Гапнинг сирасини айтадиган бўлсам, иқтисодий мавзудаги мақолаларни ширин ҳикоядек берилиб ўқийдиган бўлиб қолдим. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, экономика — турмуш, ҳаёт, тирикчилик сарҳисобику. Бошингизни сарак-сарак қилиб, катта кетвордингиз демоқчимисиз?! Иқтисодий тежамни пешлайдиган бир мисол келтирай бўлмаса. Республикамизда иккита йирик тўқимачилик комбинати бор. Шулардан бири Тошкентдагиси. Йўлдош ота табаррук қўллари билан унинг пойдеворига ғишт қўйганлар. Комбинатдаги урчуқлар сони Эрондаги жами фабрикалардагидан кўп дейишади. Шундай бўлса ҳам ажаб эмас. Бир йиллик газламамиз ер шарига салкам бешта «белбоғ» бўлади-ку, ахир.

Лекин Тошкентдаги, Фарғонадаги тўқимачилик ишхоналаримиз нақадар катта бўлмасин, шунақаларидан яна беш-ўнтасини қуриш керак бўлиб қолди. Қурганда ҳам худди Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда қуриш керак. Нега деб сўрарсиз. Экономиканинг алифбесида бир қоида бор: янги корхоналарни хом ашё, электр қуввати ва ишчи кучи бор ерда қургин деган. Хом ашё — пахта ҳам, тола ҳам юртимизда тўлиб-тошиб ётибди. Танг қоладиган ери шундаки, тўқимачилик корхоналарида республикамизда олинаётган пахта толасининг нари борса беш фоизи газламага айлантириляпти. Рост гап: агар биз толани тоғу тош, чўлу адир босиб мамлакатнинг марказий районларига шунча кўп миқдорда, яъни 95 фоизини ташиб кетмасдан, янги тўқимачи-



1917 ЙИЛ АПРЕЛЬ ВОҚЕАЛАРИ

Туркистон Ишчи ва солдат депутатлари Советининг бирлашган мажлисида собиқ генерал-губернатор, Вақтли ҳукумат комиссари Куропаткиннинг аксилинқилобий фаолияти муҳокама қилинди. Совет Куропаткинни ўз мансабидан маҳрум этиб қамоққа олди. 4 апрелда Совет аъзолари ҳамроҳлигида Куропаткин Петроградга жўнатилди.

* * *

Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида, жумладан, Тошкентда мусулмон меҳнаткашларининг касаба союзлари ва Советлари ташкил топди. Уларнинг вакиллари Ишчи ва солдат депутатлари Совети сафига киритилди. Эски шаҳар дурадгорлари бирлашиб, «Иморатчи усталар жамияти»ни туздилар. Тез орада унга 700 киши аъзо бўлди.

лик корхоналарини Ўзбекистонда бунёд этсак, фойданинг тагида қоламиз. Рақамларни келтириб, бошингизни айлантириб ўтирмай. Ҳисоб-китоблар бор. Уларни қизиққан ўртоқлар топиб ўқиса бўлади. Хуллас, етмишинчи йилларда Ўрта Осиёда тўқимачилик саноатининг янги маркази қад кўтарса, бундан фақат ютамиз. Бундан ташқари аҳолини ишга тўла жалб этиш масаласи ҳам бор. Оғир саноатимиз-ку йил сайин равнақ топяпти. Унда кўпроқ эркаклар банд. Аёллар ҳам «зерикиб» қолишмасин. Уларни тўқимачиликка тортсак ёмон бўлмайди.

Қалай, фикрим маъқулми?

— Э, балли-ей, Асқаржон! Экономика осмонида парвозингиз баланд. Энди бир парда пастга тушсангиз (Ҳазилимга хафа бўлмайсиз, узр!). Мен ҳам афғон савдогарига ўхшаб, сўраб қўяй: ўтган йили қанча фойда кўрдинглар?


— Хомчўт ҳисобларга қараганда 1966 йилдаги фойдамиз 4,5 миллион сўмга боради. Лекин корхонамиз «устун»ларининг бундан кўнгли тўлмай турибди. Наинки фақат «устун»ларининг ҳатто оддий ишчиларининг ҳам кўнгли тўқ эмас. Чунки бундан буён комбинат кўпроқ фойда олишидан катта-ю кичик ҳамма бирдай манфаатдор-да. Хўш, кўнгил тўлмасликнинг боиси нимада? Бунинг сабаби шундаки, йилдан-йилга фойдамиз камайиб боряпти. Бу биринчидан, бизга боғлиқ бўлса, иккинчидан, коллективга, меҳнат аҳлига боғлиқ бўлмаган сабаблар ҳам бор. Мисол учун, 1965 йилни олиб кўрайлик, газламамиз атласдек товланиб турсин, кўрган кишининг кўзи қувнасин деб аъло сифатли хом ашё сотиб олдик. Албатта, бу хом ашёнинг нархи баланд бўлди. Шунинг учун ҳам биз пахта заводларига 700 минг сўм тўладик, бўёқ сотиб олишга ҳам ҳазилакам маблағ сарфланмади. Чўнтагимиздан 200 минг сўм санаб бердик. Буларнинг ҳаммаси, дўстим, кирим эмас, чиқим. Буларнинг ҳаммасини газламамизнинг сифати яхшилансин, деб қилдик.

Давид Эрлих деган баобрў иқтисодчимиз бор. Домла билан бамаслаҳат иш тутамиз. Домламиз агар келажакда қоқилиб қолмай десаларингиз, техникани янгиланг деяптилар. Ҳақиқатан ҳам машиналарни янгилаб турмасак бўлмайди. Машинасозлик ҳам бир ерда тургани йўқ, ахир. Янги унумдор машиналар чиқяпти. Лекин уларнинг нархи баландроқ. Янги ускуналарнинг унумдорлиги эски ускуналарнинг унумдорлигига қараганда 15—20 процент юқори бўлса ҳам лекин нархи 1,5—2 баравар қиммат. Бу ҳам комбинат иқтисодига «юк» бўлиб тушади, даромадни қирқади, фойданинг илдизига болта уради. Ўйлаймизки, республика Нарх комитети, қолаверса, Иттифоқ юқори органлари буни кўриб чиқадилар.

Шу кичик мақолада анча-мунча рақам келтирганим учун узр, журналхон. Экономика ўзи шунақа экан-да. Лекин Тошкент тўқимачилик комбинатининг инженери Асқар Ризаев бу рақамларни худди шеър ўқигандек тўлиб-тошиб, завқ билан айтди.

Шунда меч қани энди, ҳамма инженерларда ҳам қиттак савдогар қони бўлса, деб орзу қилдим. Кўп эмас — қиттакгина.

А. АБДУҚОДИРОВ



Қўш бойчечак

оппоқ қор каби!

Қор тимдалаб чиқди:

— Ассалом!

Ерга тегди баҳорнинг лаби,

Оппоқ

баҳор бўлиб яшнади олам!

* * *

Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Советининг «Наша газета»си чиқа бошлади.

* * *

7—15 апрелда Тошкентда Ишчи ва солдат депутатларининг биринчи Ўлка съезди бўлиб ўтди.

* * *

19 апрелда Андижонда «Ака-ука Шлосберглар» савдо уйининг ишчилари иш ҳақини оширишни талаб қилдилар. Бироқ ҳўжайинлар бу талабни қондиришдан бош тортдилар.

* * *

Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети 23 апрелда большевиклардан А. Першин ва В. Ляпин ўртоқлар ҳисоботини эшитиб, Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети раиси Шчепкинга ишончсизлик билдирди ва эски реакцион хизматчиларни ишдан ҳайдашни талаб қилди.



Эсперанто — доно тил

Ер юзи халқлари бир-бирлари билан қулайроқ тилда гаплашишга қадим замонлардан бери эҳтиёж сезиб келадилар. Бу мушкулни осон қилиш устида не-не тилшунослар бош қотирмаган. Турли-туман лойиҳалар тақдим этилган. Шулар ичида 1887 йилда польшалик олим Людвиг Лазарь Заменгоф тавсия этган «Докторо эсперанто» лойиҳаси ўз ифодасининг равонлиги, имлосининг соддалиги билан диққатни жалб этди. Тезда бу тил халқаро тилга бир босқич деб қабул қилинди ва бутун дунёга ёйилди. Бу тилдаги жами сўзлар 3000 та, ҳаммаси интернационал сўзлар илдизига қурилган, ҳарфи 28 та. Сўзларда отларнинг охирига «о», сифатларда «а», феълларда «и» қўйилади. Бу тилда биттагина тушум келишиги бор.

Жаҳон эсперанточиларининг биринчи конгресси 1905 йилда Булонда бўлиб ўтган эди. Унда 2000 га яқин ҳар хил миллат вакиллари қатнашди. Биринчи Бутун Россия эсперанточилари йиғини эса 1919 йилда В. И. Ленинниинг таклифи билан Ленинградда ўтди. 1921 йилда Совет республикалари эсперанточилар Союзи (СЭСР) ташкил топди. Бир неча йилки Ўзбекистонимизда ҳам эсперанточилар комиссияси ишлаётир. Олимлар уйида эсперанточилар тўгараги бор.

Эсперанто комиссияси ўтган йили бу тилда «Совето Узбекистано» деган китобчани чоп қилди. Унда ўзбек халқининг маданияти-санъати ва миллий анъаналари ҳақида сўз боради. Ҳозир бир гуруҳ эсперанточилар Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасини таржима қилиш билан банд.

1966 йили август ойида Будапештда дунё эсперанточиларининг 51-конгресси бўлиб ўтди. Совет делегацияси сафида Ўзбекистонимиздан ҳам икки киши бор эди: филология фанлари доктори К. С. Коблов ва инженер П. В. Полишчук. Булар «Совето Узбекистано» китобчасини ўзлари билан олиб бордилар.

— Бизни илиқ кутиб олишди,— дейди Петр Владимирович Полишчук.— Ҳаммалари Тошкент зилзиласи, одамлар жасорати ҳақида сўрадилар.

— Бизга таржимонлар керак эмас эди,— деб кулади К. С. Коблов.— Инглиз ҳам, немис ҳам, француз ҳам бир тилда гаплашади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ёдгор Насриддиновага венгриялик кенса коммунист Сэрэми Тот хат ёзиб, у кишининг ҳам конгрессга қатнашишини сўраган экан. Ёдгор Насриддиновнинг раҳматномасини ўқиб бериб, у киши юборган совға — зар дўппини Сэрэми Тотга тақдим этдик.


Эсперанто — дўстлик ва тинчлик тили, ҳамкорлик ва мангулик тили.


Эсперанто саксонга тўляпти. Тил учун тарихан жуда оз ёш. Аммо эсперантонинг ақли ёш билан ўлчанмайди...

Шаҳобиддин ЗАЙНИДДИНОВ,
Тошкент Давлат университети роман-герман факультети студенти.

ПУЛИ САНГИН ҚЎШИҚ ЛАРИ

Жалолиддин ТОШМАТОВ.





1. Буни садақайрағоч деб ўйламанг, йўқ, бу портлатишда кўтарилган дуд-тўзон.

2. Энди асов Вахш янги изда.

А. Ражабов фотоси.

Қўш қаноти бахмал тоғ,
Пулисангин,
Билдим бугун вақтинг чоғ,
Пулисангин,
Чўққингда булут қаймоқ,
Пулисангин,
Энди сен мудом уйғоқ,
Пулисангин...

Бу сатрлар қатида яширинган ҳисни, меҳнат қаҳ-қаҳасини, ижод булоғининг жўшишини кўрмоқчи, янгроқ садосини тингламоқчи бўлсангиз, Пулисангинга келинг. Бир вақтлар қонхўр босмачиларга қароргоҳ бўлган бу дара, ҳозир ҳаёт наққошларига макон. Ҳуснилатофати ўзгача, жозибаси ўзгача. Ҳа, даранинг кўзи олам кўрди, донғи кетди. Ўрта Осиёнинг нур булоғига айланяпти. Йиллар оша мунгли наво куйлаб оққан асов Вахш бугун ювош, фарҳодлар измида. Асрлар узра булутларга ёстиқ бўлган юксак қоялар бугун уйғоқ. Юзларида инсон юзининг нақши-жилоси. Ўркач чўққилар гўё тепадан ўз бағрини тилка-пора қилиб, ҳаёт тароналарини янгратаётган баҳодирлар ишини кузатиб, унсиз боқиб тургандай серган. Оҳ, қоялар! Сийнангизда не сир бор!

Каска

Азим тоннель ичи... Баландлиги беш қаватли бинога тенг. Арилар қамалган хумдай турли хил товушлар зарбидан заранғлайди: машиналар ғувуллайди. Харсанг сийнасига қадалган парма қариллайди, инжу ёлқинлари чарсиллаб сачрайди, компрессор қувури бир зайлда вағиллайди... Тоннелнинг икки чеккасига тортилган маржон лампочкалар чарақлаб турибди. Тоннель гўё меҳнат қозонидай бақирлайди.

... Йўғонлиги ўнлоқдек келадиган синч симларидан ясалган тўр устига тўкилган бетон қоришмасини вибратор билан суюлтириб, ерга ётқизаётган Турсунбой терга пишиб кетди. У, ҳансираганича қоматини ростлаб ёнида вибратор шлангини у ёқ-бу ёққа суриб, кўмак бериб турган касбдоши, ноқаклик дўсти Ёрмаматга ўгирилди. Қарашнинг маъносини англаган Ёрмамат темир симлар устидан ҳаккалаб келди-да, вибраторни қўлига олиб, бетон ётқизаверди. Турсунбой эса нафас ростламоқчи бўлиб, бир чекага чиқди. Харсангга суянганича ўтирди. Қоришма юққан қўллари билан бошидан

ШАУМЯН ДАСТХАТИ

В. И. Ленининг яқин сафдошларидан бири, Кавказ ишлари бўйича фавқулодда комиссар С. Г. Шаумяннинг 1918 йил 4 июнда Туркистон халқ комиссарлари совети раиси Ф. Колесов номига йўллаган хати қимматли ёдгорлик сифатида сақланмоқда.

Хат ёзилган пайтда Ватанимиз оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди. Советлар Россияси ички ва ташқи душманлар ҳалқасида қолган эди. Ҳамма ерда — Волганинг ўрта оқимида ҳам, Сибирда ҳам, Қозоғистон ғарби, Туркистон ва Закавказьеда ҳам оқгвардиячилар уя қуриб олган эдилар.

Оқгвардиячиларга, чет эл босқинчиларига қарши курашмоқ учун Ўрта Осиё ҳамда Закавказьеда ички фронтлар — Закаспий, Оренбург, Етисув, Фарғона фронтлари тузилган эди.

Туркистон Оренбург тарафдан тўсилиб, жуда оғир аҳволда қолганди. Чет эл босқинчилари Кавказни қўлга киритиш йўли билан Советлар Россиясига ҳужумни кучайтиришга интилмоқда эдилар. Бокуга Туркиядан герман-турк қўшинлари, Эрондан инглиз-франг босқинчилари ҳамла қилардилар. Бу курашда эсерлар, меньшевиклар, дашноқлар, мусаватчилар ичдан туриб душманларга мадад беришаётган эди.

Ана шу оғир дамларда С. Г. Шаумян Туркистонга ёрдам сўраб мурожаат қилди:

каснасини оҳиста олиб, тиззасига қўйди. Чекка терларини енгги билан артаркан, каскани елпиғич қилиб елпина бошлади. Каска «елпиғич» оз бўлса-да унга ҳузур бағишлади, чуқур энтикди. Ихтиёрсиз бригадир Василийнинг гаплари эсига тушди...

Турсунбой Турғунов асли Фарғонанинг Бешариғидан. У бундан уч йил илгари Исфара шаҳридаги профессионал-техника билим юртини тугатиб, Норак ГЭСи қурилишига келди. Бетончи бўлиб иш бошлади. У янги биноларга пойдевор қўйишда чиниқиб, бетончиликни пухта ўрганиб олди. Йигитликнинг қайсар орзу-истаклари кўп бўларкан. Бу янги навқирон шаҳарда қўллаб учрайдиган солдатларни эслатувчи каскали йигитлар уни ўзига маҳлиё этди. Турсунбой ишга-кўйдами, автобусдами, каскали йигитларга дуч келса, беихтиёр уларга тикилиб қоларди. Ўзига хос форма кийиб юрадиган тоннелчилар Турсунбой назарида қандайдир мўъжизакордай туюларверди. Ҳавас уни етаклади.

Турсунбой «Гидроспецстрой» бошқармасига борди. У ерда Турсунбойга иккинчи тоннелда ишлаётган Василий Ломакин бошлиқ бетончилар бригадасига боришни тайинлашди.

Турсунбой «тоннель» сўзини ҳар куни юз бор эшитса-да, унинг ичига ҳеч кирмаганди, бу ишни ҳар кунги ишидек деб тасаввур қиларди. Қувонганича йўлга тушди. Пулисангинга чиқди. Суриштириб Ломакинни топди. Мақсадини айтди. Барваста қомат, мовий кўз, оқ-сариқдан келган Ломакин Турсунбойнинг бўлиқ гавдасига зимдан назар ташлар экан, сўради:

— Разрядинг борми?

— Бор, тўртинчи разрядли бетончиман!

Бригадир ўйланиб қолди. У «юр» дегандай тахта ҳужра томон бошлади.

— Ука, тоннелда ишлаш оғирлик қилмасмикин сенга?— деб қўйди Ломакин Турсунбойга йўл-йўланаб.

— Нега, ҳаммаси бир иш эмасми?— деди Турсунбой соддалик билан. Ломакин унга кескин тикилди. Турсунбойнинг гапидан тутоққан бўлса-да, бошини саракасарак қилиб, истеҳзоли кулди:

— Сенингча — бари бир. Бизнингча — бошқа-бошқа. У ерда, очиқ ҳавода, яйраб ишлагансан. Бу ерда тоғ ичида, хавфли жойда ишлайсан. Бундан бир ҳафта илгари сенга ўхшаганлардан иккитаси келганди, уч кундаёқ дош беролмай, ишни ташлаб кетди. Сен ҳам бугун ишга кириб, икки кун ишламай кетаверадиган бўлсанг, ҳозирданоқ, бошқа ишнинг пайидан бўл. Тоннелчининг каскасини кийиш осон эмас, уна. Каска — кишидан ҳушёрлик, билим ва кучни талаб қилади. Ана шу талабларга жавоб бера олсанггина уни киясан. Гапнинг ўғил боласи шу,— Ломакин жиддий тусда Турсунбойга қаради. Турсунбойнинг кайфияти бўшашиб ўйга чўмди. «Нима қилай? Энди қаерга бораман? Наҳот, мен шунча одам қилган ишни қилолмасам? Ёки бу одам мени жўрттага чўчитяптими? Йўғе, нима мен ёш бола эмасман-ку? Шу одамнинг гапи учун ишга кираман!.. Бўлди, кирганим бўлсин!..»

— Ҳа, ўйланиб қолдинг, юрагинг така-пука бўляптими дейман-а?— Василий қулимсираб қарашисида тиқ турганича оёғи билан ер чизаётган Турсунбойга боқди. У ҳушёр тортиб, Ломакинга тикилди. Кўзлар тўқнашди.

— Нима бўлса ҳам ишлайман!— деди Турсунбой. Василий жилмайди:

— Чидасанг майли,— деб қўйди у Турсунбойдаги қатъийликни сезиб...

Бешариқлик ўғлон Ломакин бошлиқ тоғтешарлар ва бетончилар сафига қўшилди. Фарғонача тўрт гулли зангор дўпписини темир каскага алмашди, тоғ бағрига кирди.

Дастлаб тоннелга кирганида мўъжизали ишлар, каскали «солдат»лар матонати ақлини шоширди. Тепасига қараб баҳима босди. Назарида тепа қилт этса, қулаб тушадигандай. Нарироқда тоғ жинсларини машинага ортаётган экскаватор шотиси тоннель деворига даранглаб текканда Турсунбойнинг юраги шув этиб кетди. Василийнинг гапини эслади: «Каскани кийиш ҳар кимнинг иши эмас...»

Тоннель ичидаги шовқин қулоқларини битирди, аччиқ тутун томоғини ачитди.

Турсунбой икки-уч кун чўчиб, иккиланиб юрди. Йўқ, бора-бора кўникди. «Тоқатли бўлсанг тоғлар эгар бошини», дейдилар. У дош берди! Мана, ҳозир у иккинчи тоннелнинг учинчи участкасида ҳарсанглар оғушида тер тўкяпти.

— Эй, жўра, келсанг-чи?!— Ермаматнинг бу хитоби Турсунбойнинг хаёл риштасини узди. У ҳушини йиғиб, даст ўрнидан турди. каскасини авайлаб кийди-да, вибраторни дўсти қўлидан олди...

Садо

«Кимнинг юрагида ўти бўлса, чиниқаман, синовдан ўтаман деса, Норакка келсин! Норак тоннеллари инженер учун иккинчи мактаб экан...»

1962 йил Норакка келган тоғ инженери Виталий Кривоногов она шаҳри Тула тоғ интитути қурилиш факультетига ёзган мактубини ана шу сатрлар билан тугатганди. Мутахассисларнинг танқислиги, оғир тоғ шароитида ишлаш уни мўътабар даргоҳи — бешинчи институтига шу хатни ёзишга ундаганди. Қисқа, мазмунли мактуб сатрларидан янграган садо институт ўқитувчиларини ҳаяжонга солди. Улар гўзал Тожикистоннинг бўлажак нур манбаи — Норакдан собиқ аълочи студент Виталийнинг қалб ҳарорати билан битган мактубини ўша йили институтни тугатиш арафасида турган студентлар муҳокамасига қўйдилар. Виталийнинг даъватномаси яқин кунларда етуклик дипломи соҳиби бўлиб, жўшқин ҳаёт бағрига кирадиган студентлар қалбига чўғ ташлади. Ўн бир студент Норакка отланишди. Бироқ буларнинг биронтаси ўша сатрлар орасига қанчадан-қанча қийинчилиқ, қаяжон, синов беркинганини ўйлаб кўрмаганди.

Уларни Виталийнинг ўзи Норакда қучоқ очиб кутиб олди. Улар данғиллама биноларнинг қуёш ёғдусида ярақлаб турувчи хоналарига эмас, шундоққина йўл ёқасига, омонат қурилган чодирларга жойлашишди. Виталийнинг қувончи Вахш сувидай кўпирди. Гўё мактабдош дўстларининг нафасидан дилраб юрти — Туланинг илиқ ҳавосини ҳидлагандай, уларнинг чақноқ, мовий кўзларида Туланинг бахмал хиёбонларини кўргандай бўлди.

Ҳа, улуғ иш, эзгу ният Тула ўғлонларини бир ерга олиб келганди. Ишга қизғин киришдилар. Метин кунгира тоғ сийнасига паншха солдилар. Завқли, жўшқин кунлар бир-бирини қувиб ўтаверди. Дўстлар кечқурунлари чодирга тўпланишиб чақчақлашар, институт қучоғидаги унутилмас дамларни эслашиб кўнгил ёзардилар. Ана шундай суҳбатлардан бирида, йигитларнинг кенжаси йигирма уч ёшли Виктор Нефёдов хўрсиниб:

— Акалар, қийинлик қиляпти. Назаримда ҳеч нарсани билмайман. Узим бу ерда-ю, хаёлим Тулада,— деб қўйди-ю, балога қолди.

— Дўстлар,— деди шўх Аркадий,— Викторга қийин, у бу ерга юраксиз келган. Шунинг учун «қийналяпти!» Нимага десангларчи? Бечора болагинанинг юраксиз Тулада — Иринадаси қўлида қолган.

Дўстлар қаҳ-қаҳ отиб кулишди.

— Муҳаббат ҳазилакам зўровон эмас. Эҳтиёт бўл, дўстгинам, ҳар қанақа ман-ман деганни ҳам гангитиб ташлайди.

Яна кулги кўтарилди.

Гап ипини Валентин Бутузкин илиб кетди:

— Парво қилма, Ириаданг сени хўп соғинсин, қадринг ошади.

Уялганидан шолғомдек қизариб кетган Викторнинг ёнидаги Борис Ивлиев ҳазилга қўшилди. У Викторнинг кифтига қўлини қўйди:

— Викторнинг муҳаббати зўрда! Ҳали қараб турингларки бунинг ишқида куйиб-ёниб юрган Ириадаси келади. Икковини қўлтиқлаштириб, йўлларини тоннелга тўғрилаб қўямиз!

Завқли кулги янгради. Дўстларининг ҳазилига мулойим кулиб, зимдан Викторни кузатиб турган Виталий ҳам тили учида турган гапини айтди:

— Дўстлар, ҳазил-ҳазилну-я, лекин Аркадий айтганидек ҳаммаларингга ҳам оғирлигини биламан. Иш зўрталаб, бунинг устига яшашимиз ҳам дуруст эмас. Мен ҳам дастлаб шунақа сезардим ўзимни. Яширмайман, Викторга ўхшаб қайтиб кетишни ўйлагандим. Лекин юзим чидамаган. Бора-бора кўникиб кетганман...

Виталийнинг «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилида айтган бу гапи ўн бир йигит қалбига далда бўлди. Шундан бошлаб ҳеч кимдан бунақанги умидсизлик нидоси чиқмади.

Сабр таги олтин, дейдилар. Пулисангин тоғлари қайроқ бўлди, йигитларни қайради. Улар ҳақиқий тоғтешар баҳодирларга айландилар.

Тоннель ишга тушди.

Душанба.

«Ҳурматли ўртоқлар,— деб ёзди Шаумян,— Бокунинг аҳволи жуда оғир. Яқин кунларда Елисаветполь тарафда жиддий жанглар бўлиши эҳтимоли бор.

Закавказьенинг юраги бўлган Тифлисга бостириб келаётган турклар Бокуга ҳужум қилмоқчи. Татар ва гуржи қўшинлари Кура дарёси бўйларида жангга ҳозирланяпти. Уларнинг олдинги қисми Ужара ва Курдамирда турибди. Шундай пайтда биз дўстлар кўмагига муҳтожмиз. Тўпларимиз жуда ҳам кам.

Бизга маълум қилишларича, сизларда Тошкентда еттита батарея бор экан. Шунинг биттасини сизлардан тилаймиз. Ўртоқ Хутулашвили сизларга газета олиб боряпти. Унда бизнинг аҳволимиз батафсил баён қилинган.

Ердамларингизни аямассизлар.

Москвадан Астрахань орқали радио олдик, унда Туркистон ҳақида маълумот беришимизни сўрашган. Сизлар уларнинг сўровига жавоб бермаётган эмишсизлар. Сизлар ҳақингизда маълум бўлган хабарларни уларга айтдик. Эҳтимол, бундан кейин сизлар бизга ўз аҳволингизни радио орқали билдириб турарсизлар, биз ҳам сизларнинг ишларингиздан хабардор бўламиз, айни пайтда Москвага айтиб турамиз.

Қаттиқ ўтиниб сўрайманки, Хутулашвилини илтимосимизни қондирган ҳамоно кечиктирмай қайтариб юборинглар.

Ўртоқлик саломи билан


С. ШАУМЯН»

Хатнинг чеккасига «Аэроплан олиб келгани ўртоқларни юборганмиз. Уларни ҳам зориқиб кутяпмиз. С. Шаумян» деб ёзиб қўйилган.

1918 йилнинг июлида Туркистон халқ комиссарлари совети меҳнаткашлар номидан В. И. Ленинга телеграмма юборди. Унда «Революция неъматларини ҳимоя қилишга ўзингизда жасорат етарли эканлигини ҳис қилмоқдамиз. Сизнинг сўзингизни эшитгач, кучимизга куч қўшилди... Боку билан дарҳол боғланишга бутун кучимизни сарф этамиз», дейилган.

А. АКОПОВА,

Ўзбекистон Марказий давлат архивининг илмий ходими.



АРАЛАШ-ҚУРАЛАШ

Энг бадавлат

Жаҳонда энг давлатманд одам деб довруқ чиқарган Ҳайдаробод ҳокимлигининг низоми тумов бўлиб, саксон бир ёшида оламдан ўтди.

Низом Ҳиндистон мустамлакалигида еринг кенглиги жиҳатидан Италияга тенг келадиган Ҳайдаробод ҳокимлигининг олий ҳукмдори эди. Ўша кезларда унинг шахсий даромади икки ярим миллион фунт-стерлинг эди. Мустақил Ҳиндистон барқарор бўлгач, низомнинг ҳокими мутлақлиги ва беқиёс даромадига путур етди. Гарчи у умрининг охиригача Ҳиндистон ҳукуматидан йилига беш миллион рупия нафақа олса-да, бойлиги хусусида кўп миш-миш юрарди.

Низомнинг Ҳайдарободдаги саройига яширган бойликлари орасида 150 меҳмонга етгулик соф тилладан ясалган сервиз, 150 қирот брилиант, ҳад-ҳисобсиз бошқа қимматбаҳо буюмлар бор дейишади. Буларнинг бир қисми Бомбай банкининг пўлат сандиқларида сақланаяпти. Бироқ эски удумли ҳоким банкларга ҳам ишонмасди. Одамларнинг айтишича, у ўз бойлигини кўпинча занглаган тунука қутиларда, ҳатто эски кавуш ва тўшаклар орасида сақлар экан.

Низомнинг ҳарами хусусида ҳам унинг бойлигидан кўпроқ гап-сўз юрибди. Бу соҳада, ҳар қалай маълум рақамларни келтирса бўлади: Низомнинг тобути ёнида уч хотини, қирқ канизаги, 200 фарзанди кўз ёши тўкди.

ГУЛИСТОН ҚУТИСИ

истаклар

„Гулистон" ўзи пайдо бўлган куни, биринчи сонида мухлисларига: „Мана, „Гулистон"нинг тўнғич сонини ҳам ўқиб бўлдингиз. Биринчисининг нималари сизга манзур бўлди? Журнал варақларида нималарни ўқиш ва кўришиштиёқидасиз? Тилакларингиз бош устига!" деб мурожаат қилган эди.

„Гулистон"нинг илтимоси ерда қолмади. Редакциямизга мактублар ёғилиб кетди. Паҳлавондек қад ростлаётган Тошкент шаҳридан тортиб яйдоқ Томди чўлларигача, соҳибжамол Фарғонадан тортиб сунбулли Сийна этакларигача, кокилларини зарга ботирган Зарафшон дарёсидан тортиб саҳрога олтин тасма бўлган Аму соҳилларигача, писта-бодомлар битган Конибодомдан тортиб меҳмондўст Ўш остоналаригача — ҳамма ёқдан саломлар ила каломлар, қутловлар ила сўровлар, хатлар ила маслаҳатлар келдиким, „Гулистон" бундан бағоят миннатдор. Яхши тилакдошларнинг ҳаммаларига алоҳида-алоҳида раҳматнома йўллашнинг иложи йўқ. Шу важдан „Гулистон" уларга ўз ташаккурини шу сатрлар муҳрланган саҳифасида изҳор қилади ва истакларнинг айримларини босади, талабларнинг ҳозирча бир қисмини ўтайди.

Гулистонхонларга яна бир марта катта раҳмат!

Йўқолган қуш яна гул шохида булбул бўлиб сайрай бошлади. Биз «Гулистон»дан шодланиб айтамизки, у ҳамма вақт юртимизнинг тараннумчиси бўла берсин, ҳаётимизнинг ҳамма гўзалликларини тиниқ акс эттираверсин.

Абдулазиз МЕЛИҚУЗИЕВ
Фарғона область, Ўзбекистон райони, Ғаниобод қишлоқ совети.

«Гулистон»нинг биринчиси менга жуда ёнди. Энди унга ўзимнинг бир истагимни айтсам: Ўзбекистон табиатининг хилма-хиллиги, гўзаллиги қадимдан машҳур бўлиб келган ва бундан кейин ҳам ҳаммани ўзига жазб этади. Шундай экан, табиий бойликларимиз, шифобахш ўсимликларимиз, ажойиб жониворларимиз олами билан таништирувчи «Табиатшунос бурчаги» журналнинг бир чеккасида очилса, деган умидим бор.

Савридин БАҚОЕВ
Самарқанд давлат университетининг аспиранти.

«Гулистон»нинг зарварақларидан хурсанд бўлдим. Бу Ўзбекистонимизда ноширлик ишининг, матбаа санъатининг гуркираб бораётганидан дарак бериб турибди. Истардимки, «Гулистон»нинг ҳар бир сонида шунақа зарварақлар бўлсин.

Муҳаммадумар СОДИҚОВ
Андижон область, Ленин шаҳри.


Бир шоирнинг айтган доно сўзлари эсимга тушди, шуни «Гулистон» орқали журналхонларга баён қилсангизлар. У деган экан: «Агар сен бундан кейинги ҳаётим ҳам покиза ўтсин десанг, ҳафтада ёки ҳар ойда, ақалли йилига бир марта орқангга назар ташлагин-да, умрингни қандай ўтказибсан, ўзингга ўзинг ҳисоб бер!» Уйлайманки, мен бир маҳбуснинг илтимосини ерда қолдирмассизлар.

Собир БУРҲОНОВ

«Гулистон» адабиёт ва санъат асарларидан кўпроқ берса, мусиқа шинавандаларини хурсанд қилса, айни муддао бўлур эди.

Рашид КУЧАРОВ
Тошкент область, Ғазалкент шаҳри.

Бир илтимосимизни қондири-



Ердан қор кетди-ку,
Болалар
Сирғанмачоқ ўйнайди ҳамон.
Майсалар гуркирар...
Майсалар...
Майсалардек мусаффо осмон!
Ўйнанг, ўйнанг,
таралсин ҳанда
Эркаланинг ерга уриб тўш.
Майсаларга макон гулшанда
Болалик — эркин қуш!

В. Сваричевский фотоэтюди.

шингизни ўтинамиз: бизларни Олмахон Ҳайитованинг ижодий фаолияти билан таништирсаларингиз.

К. ҚУРБОНОВ,
А. МИРЗАЕВ,
С. АҲМЕДОВ
Марғилон ишчилари.

«Исириқ»ка ўхшаш таниш ва нотаниш доривор ўсимликлар ҳақида янада кўпроқ ёзилсаю, уларнинг суратлари ҳам берилса. Шоҳ-мот топишмоғини ҳам ўйлаб кўрилса. Охирги сўровим: Қамария йили ҳақида маълумот берсаларингиз.

Х. НУРМАТОВ
Фарғона область, Охунбобоев райони, Тошлоқ қишлоқ совети.

Биз журнал саҳифаларида Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги тарихий ёдгорликларнинг рангли расмлари берилишини истардик. Ҳажвий ҳикоялар, фельетонлар «Гулистон» саҳифасидан сира тушиб қолмасин. Саргузаштли ҳикояларга ҳам рағбатимиз зўр.

Вафоқул ЭШОНҚУЛОВ,
Аҳмад ҚОРАЕВ
Тошкентдаги Орттехстрой трестн инженерлари.

Бошқа гулистонхонлар қатори менинг ҳам истагим бор: журнал саҳифаларида ахлоқ, одоб масалалари алоҳида унвон билан бериб борилса, коммунистик тарбия қоидалари кенг талқин этилса эди.

Шокиржон АВЛАЗИЗОВ
Андижон область, Балиқчи райони.

«Гулистон»да кроссвордлар ҳам босиш иложи бормикин?

Суннатилла ОРИПОВ
Жиззах шаҳри.

Менинг тилагим шуки, журналда «Ёш ижодкорлар» саҳифаси очилса, шу саҳифада ҳаваскорлар ижодидан намуналар бериб турилса ёмон бўлмасди.

Санобар ПУЛАТОВА
Фарғона Давлат педагогика институтининг талабаси.

Менинг бирдан-бир истагим: журналда ахлоқ, одоб, тарбия мавзуларида мақолалар чоп этилса. Врач маслаҳатлари билан таништирилса, ҳажвий асарлар мунтазам ёритиб турилса.

Иброҳимжон ЖЎРАЕВ
Андижон область Избоскан райони, Уйғур қишлоқ совети.

Ҳурматли «Гулистон»! Саҳифаларингда мунажжим Улуғбек, мўйқалам соҳиби Беҳзод, улуғ ҳаким Ибн Сино каби олам фани ва санъатининг кўрклари тўғрисида ажойиб-ғаройиб нарсалар ўқисак, уларнинг ижодларидан шингиллар билан танишсак.

Расулжон ХОЛБОЕВ
Фарғона область, Киров райони.

Архивларда тахланиб ётган ноёб китоблар орасидаги XIV-XV асрларда яшаб ижод этган 15 дан ортиқ аёлларимизнинг номлари ва тақдирлари журнал саҳифасида кўрилса беҳад хурсанд бўлардик. Энг оддий бир мисол: инқилобдан олдин Қозон шаҳрида «Турк хотунлари» деб номланган китоб чиққан ва унда мингдан ортиқ аёлнинг ҳаётдан, ким бўлганлиги ҳамда шеърлари берилган. Кошки эди, ўшалардан баъзиларини сизда ўқисам, ўтмишдошларимизнинг қисматлари билан танишсам.

Маҳсуда КАМОЛХУЖАЕВА
Бекободдаги 5-мактаб-интернат муаллимаси.

Болалар тарбияси кўпларимизни гоҳо-гоҳо қийнаб турибди. Шунга оид мақолалар берилса, ҳаммамиз наф кўрган бўлар эдик.

Анвар ШЕРАЛИЕВ
Фарғона область, Водил қишлоғи.

Оғир ва машаққатли, аммо шарафли ишингизда муваффақиятлар тилайман сизларга, азиз гулистончилар! Ана шу журналнинг бир муштарисн ва мухлиси сифатида мен унга ирригация ва мелиорацияга оид, дарё сувларининг кўпайиш ва озайиш масалаларига тааллуқли қизиқ-қизиқ мақолалар билан қатнашиб туришим мумкин.

Абдухалил РАЗЗОҚОВ
Журин номидаги Ўрта Осиё илмий-тадқиқот ирригация институтининг илмий ходими.

Сизлардан илтимос қиламизки, «Гулистон»нинг келгуси сонларида Ўзбекистон гулларининг ва рангдор кийимларнинг тасвирларини босиб чиқарсангизлар, уларни кўриб ором олган бўлардик.

Зулфия РАҲМОНОВА, Каромат ОЧИЛОВА, Ҳидоят ЭРБУТАЕВА, Эсиргап ҲАСАНОВ, Шоҳисаддин АББОСОВ, Арзимурод ХУДОЙБЕРДИЕВ, Саодат ФАРМОНОВА, Абдалим АБДУАЗИЗОВ, Зоҳида НАСИБОВА, Оля ЖАЛИЛОВА, Малоҳат ҚАҲҲОРОВА.
Самарқанд область, Чўянчи қишлоқ советидаги «Ленин йўли» колхози.

«Гулистон» тилимизнинг мусаффолигинн сақлаш йўлида хайрли иш бошлабди. Сир эмас: ўзбек тилида кўп ёқимли сўзларимиз йўқолиб кетяпти. Ана шу сўзларни тиклаш зарур. Ахир, бу тилда Навоий ва Бобир, ал-Хоразмий ва Бируний, Фурқат ва Муқимий гаплашганлар-ку! Тилга эътибор—элга эътибор, деганлар. Мен ана шунинг доим инобатга олинишини истардим.

ГУЛИСТОНХОН.

«Гулистон»нинг «Ном ҳам—ҳусн» деган бизга жуда ёқди. Иложи бўлса, бизга болаларимизга қўйиш учун чиройли отлар ҳам топиб берсангизлар. Энди ёруғ дунёга келаётган фарзандини ҳамма ҳам ёқимли ном билан атагиси келади.

Коллектив номидан
Узоқбой БУВАЖОНОВ ёзиб олди.
Андижон шаҳри.

Бизнинг кўпларимиз яйраб дам олишни билмаймиз. Шу сабабли «Гулистон» саҳифаларида жамоат жам бўлиб дам олиш ҳақида, қизиқ саёҳатлар, овлар, табиат манзаралари ҳақида мақолалар берилса бўлмасмикин? Кўпчиликнинг ҳожати чиққан бўлурди.

Раҳим МАНАШЕВ
Андижон область, Чортоқ қишлоғи.

Шифокорларнинг халқ саломатлигини сақлашга оид маслаҳатлари «Гулистон»дан канда бўлмасин. Қандай янги дори-дармонлар чиқди? Булар ҳаммани қизиқтиради. Иккиламчи, санъат усталарининг ҳаёт ва ижодига доир мақолалар бериб турилса. Шу илтимос қондирилса, камина «Гулистон»дан илтифот кўрган бўларди.

Абдуназар РУЗИМАТОВ
Фарғона область, Охунбоев райони, Уқчи қишлоқ совети, Киров номли колхоз.

Мен Тошкент Олий партия мактабининг тингловчисиман. Фалсафага ғоят қизиқаман. Бироқ, фалсафа дарсликларидан қадимий Шарқ файласуфлари ўрин олмаганлиги мени ўйлантириб турибди. Ҳолбуки улуғ олим Абу Али ибн Сино «Мен файласуфман, демак, мен ҳаётман» деган эди. Муддаога кўчсам, журнал саҳифаларида Хоразмий ва Форобий, Бируний ва Ибн Синонинг фалсафий қарашларига оид фикрлар баён қилинса. Қани энди «Қадимий Шарқ олимларининг фалсафий қарашлари» деган бир мукаммал китоб чиқарилса.

Омонилло ҚАМБАРОВ
Тошкент шаҳри.

Яқинлашиб келаётган қутлуғ сача — Улуғ Октябрь 50 йиллиги шарофати билан тарихий ҳужжатлардан кўчирма нусхалар, инқилобчиларнинг фаолиятлари, кенса коммунистларнинг шонли ишлари, ўзбек хотин-қизларининг инқилобий жасоратлари ёритилган мақолаларни жон деб ўқир эдим. Яна бир илтимос: «Гулистон»да Обид Содиқов, Қориниёзий, Ҳамдам Усмонов, Юнус Ражабий каби мавлонолар ўз илмий тафаккурлари билан қатнашиб турсинлар.

Баҳриддин РУСТАМОВ
Самарқанд область, Нурота райони.

ЮЗИМ ТИНИҚ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Менинг битта саволимга «Гулистон»нинг жавоб беришини истардим: одамда ҳуснбузар нимадан пайдо бўлади? Унинг уч хил номи бор эмиш — шўр, доғ, ҳуснбузар. Қариялар буни бўжама, тошма деб ҳам аташади. Ҳуснбузарни қандай қилиб йўқотиш мумкин?

Бир туркум қизлар номидан
Равшаной ҒАЙБУЛЛАЕВА,
Жамила СОТИБОЛДИЕВА,
Андижон область, Қумқўрғон қишлоқ совети.

Ҳар ким ҳам юзининг тиниқ, мусаффо бўлишини истайди. Бу табиий. Юзга доғ тушиши, шўрлаш ёки ҳуснбузар тошиши одамни анчагина ўйлатиб қўяди. Бу нарсалар киши руҳига ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Медицина ҳозир шу қадар тараққий этганки, буларнинг олдини олса бўлади. Юз терисини чиройли тутиш ҳар кимнинг ўз қўлида.

Ҳуснбузар асли қиз-йигитлар волга ета бошлаганда пайдо бўлади. Ҳатто ўн-ўн икки яшар ўсмирларнинг пешана ва бурунлари устида ҳам ҳуснбузар тошганини кўриш мумкин. Ҳуснбузар кўпинча ички секреция безларининг иши бузилганида, ич қотганида, шунингдек камқонликдан келиб чиқади.

Унинг сабабини аниқлаш учун врачга мурожаат этиш керак. Даволаниш билан бирга, одам ўзини парвариш ҳам қилиши шарт: вақтида овқатланиб, вақтида ҳордиқ чиқариши, ухлаши лозим. Овқатни яхши чайнаб, шошилмай ейишнинг ҳосияти кўп. Ёғли гўштни, тухумни, унли овқатларни, ширалкини, нордон таомларни ҳадеб еявериш ҳам ҳуснбузар тошишига сабаб бўлиши мумкин.

Юзингизда ҳуснбузар тоша бошласа, ёғсизроқ гўшт, қатиқ-сут, сабзавот, ҳўл мева, А ва В витаминларига бой таомлардан кўпроқ истеъмол қилганингиз маъқул. Шунингдек, физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланиш тавсия этилади. Очиқ ҳавода сайр қилиш ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Доғлар баъзида эркаклар ва кўпинча аёллар юзида пайдо бўлади. Доғ жигар касаллиги, асабийлик, С витамини етишмаганида ёки узоқ муддатли касалликнинг қолдиғи туфайли пайдо бўлиши мумкин.

Доғларни йўқотишда ҳам олдин врачга мурожаат этиш керак.

Юз териси ортиқча қуруқ бўлса у шўрлашга мойил бўлади. Юз терисининг қуруқлиги теридаги ёғ безларининг суст ёки яхши ишлашига боғлиқ. Ёғ безларининг ишлаши эса, одамнинг ёши ўтиши, турмуш шароити, меҳнат фаолиятига, овқатланишга, асабига, ички секреция безлари ишлашига қараб ўзгариб туради. Бунда ҳам албатта мутахассис врачларга мурожаат қилиш керак.

Одамнинг соғлиғи яхши бўлса, организмни унча безовта қилмаса, қуруқ терини озиқлантириш учун ҳар хил витаминли мойлар ҳам суркаш мумкин.

Аввало бунақа юз камроқ ювилгани маъқул. Юзни «Ланолиновий», «Бархатний» суюқликлари билан артиш кифоя. Кечқурун ётиш олдидан юз тозалаб артилгач, терини юмшатиб, майинлик берадиган «Спермацетовий», «Ланолиновий», «Янтарь» сингари кремларни бармоқ учида эҳтиётлик билан аста суртиш тавсия этилади.

Умуман юз териси ажинсиз, тоза, тиниқ бўлсин деган ҳар бир одам пардозхоналарга кириб, мутахассис врачлар, тажрибали методистлардан маслаҳат олиб турниши лозим.

Фахрия ЖАМИЛОВА,
Тошкентдаги 5-сартарошхонанинг пардозчиси.

Севимли адибимиз Абдулла Қаҳҳор бу йил олтмиш ёшга тўлади. Республика адабий жамоатчилиги шу кунни нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда.

Хассос адиб яқинда „Аяжонларим" номли янги комедия битказди. Бунда қизига пиёла ювишни ҳам раво кўрмайдиган, келиним бўлса фақат менга хизмат қилсин дейдиган оналардан кулади, ўқиган, ақлий югурик ёш авлод фазилатларини улуғлайди.

Биз шу комедиянинг учинчи кўринишини эълон қиламиз.

Учинчи кўриниш

Бўстонбуви ясанган, кўкрагида медаль, сўрида етти қават кўрпача устида ўтирибди; зерикқан бўлса керак, ётади, туради, ёнбошлайди, яна туради; ойнага қараб лунжидаги ажинларни ёзишга уринади; сўридан тушиб, оёқ остида ётган бекорчи қогозларни олиб ташламоқчи бўладию лекин яна жойига қўяди; шафтоли қоқиб ейди, унинг данак ва пўчоқларини жўртага ҳар томонга ташлайди, яна сўрига чиқиб ўтиради.

Каримжон — (Ишдан чарчаб келади). Салом, ая! Қачон кўчамиз, бинокорларнинг оёғи остида ўралашиб қолдик-ку...

Бўстон — Мен ҳеч қаёққа кўчмайман, устимдан трактор юргизвор! (Бирдан) Дадангнинг ўлиги чиққан ҳовлидан кўчиб қаёққа бораман? Қора хатни мана шу ерда туриб ўқиганман!

Каримжон. — Қаерда?

Бўстон — Худди мана шу ерда! Йўқ, ана у ерда!

Қаримжон — (ўша ерни белгилайди). Хўп... Чарчамасдан ўтирасизми!

Бўстон — (йиғламсираб). Бутун рўзғор ташвиши менинг бошимда! Ана унинг қачон ишдан келадию қачон ҳовлини супурадию! Хотин бор ҳовлига ўхшамайди бу қуриб кетгур! Қўни-қўшнидан номусларга ўлади киши! Ишдан бир пас эртароқ келса нима қилади! Болалар касал бўлмай юриб-юриб шунинг доктор бўлишига қараб турган экан-да!

Каримжон — Аяжон, ўзингиз ҳам ишлаб кўргансиз-ку, ўзингиз эрта келармидингиз?

Бўстон — Мен ишлаган бўлсам сени боқаман деб ишлаганман, бу кимни боқади, сени боқадими? Шунча ўқиб ўзингни ўзинг эплолмайсанми? Мени боқмай қўя қол, пенсиям етади! (Каримжон ҳовлини супурмоқчи бўлиб қўлига супурги олади.) Эркак бошинг билан қўлингга супурги ушлама, хосияти йўқ!

Каримжон — Э, ётоқда супурги нима экан, қозон-товоқ қилганман!

Бўстон — А!.. Ҳозирги мактаблар хотинининг ҳузури-жони экан-да! Бу ёққа ўтир! Ёнингда пулинг борми?

Каримжон — Бор, бир оз бор...

Бўстон — Бу ёққа бер! (Кармонни олиб ёстиғининг тагига қўяди.) Ҳали келин бўлмай туриб чўнтагингга қўл солади!

Каримжон — Ая, нега унақа дейсиз, келин бўлиб хизматингизни қилиб юрипти-ку. Етти қават кўрпачада ўтирибсиз... Тўғри, эрталаб саломга чиқолмаяпти. Умидахон жуда эрталаб туради, сиз кеч турасиз, кириб салом билан уйғатай деса истиҳола қилади; сиз тургунча эшикнинг тагида ўтирай деса ишга кеч қолади...

Бўстон — Энди, шунақа қилиб бўйнимга қўймоқчимисан? Саломи ҳам керак эмас, ўзи ҳам керак эмас! Туғсину кетсин! Туғсину кетсин!.. Менга маҳси олиб бер!

Каримжон — Маҳсингиз янги-ку, ая!

Бўстон — Маҳсим иккита бўлса нима қипти, битта бигизпошна туфлининг пулига учта маҳси беради! Тўртта туфлини қаторлаштириб қўйипти.

Каримжон — Умидахон ёш, бундан ташқари мана бу ясли масаласини қўтариб бутун қишлоқнинг кўз ўнгида бўлиб қолди, яхши туфли, яхши кийим кийса ўзингизнинг обрўйингиз!

(Елкасида фотоаппарат, оғир пакет кўтариб Умида киради.)

Бўстон — Вой, нега оғир юк кўтарасиз, қанақа хотинсиз! (Каримжонга). Қўлидан олсанг-чи, ҳўшшайиб турмай!

(Каримжон суюниб пакетни Умиданинг қўлидан олади, келтириб Бўстоннинг олдига қўяди.)

Умида — Салом, аяжон!.. Гузарда ун сотаётган экан...


Бўстон — (унни кўриб). Тузук! (Умидага зеҳн солиб). Бу қилган ишингиз яхши, лекин... (бошқа гап тополмай.) лабингизга қизил суркаманг!

Каримжон — Ёш-яланг суркайди-да, ая!

Бўстон — Суркайдиган бўлса уйда суркасин, ўзинг кўргин!

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР.

АЯЖОНЛАРИМ



Каримжон — Хўп! Умидахон, қулоғингизда бўлсин!

Жамол — (ҳовлиқиб киради). Ҳой, сен икковинг қанақа одамсан! Прорабга нима дедиларинг?

Каримжон — Келинг, отахон, марҳамат!

Умида — (кулгисини яшириб). Нима дебмиз?

(Елиб-югуриб дастурхон ёзади, Бўстон бунга эътибор қилади ва жилмайиб қўяди.)

Жамол — (Бўстонга арз қилиб). Буларни уруш-талаш билан колхозда олиб қолсам, икковининг қилган ишини қара! Бу менга ёрдам берганларингми?

Каримжон — Бошқа ниятимиз йўқ, отахон! Прорабингиз ўзимиз қатори одамга ўхшайди... Солаётган иморатингиз касалхонага ярамайди!

Жамол — Нимаси ярамайди?

Каримжон — Аввало касалхонанинг планини сиз чизиб берганингиз чакки, мутахассис эмассиз-ку! Сиз қизил чойхонанинг планини чизиб беринг, отхонанинг планини чизиб беринг...

Жамол — Биламан, мен мутахассис эмасман, лекин мутахассис деганинг бир миллионнинг дарагини айтди-да! Янги пул билан бир миллион-а! Мен бир миллионлик касалхона солдираманми! Колхозчи пахтанинг килограммини тийинга сотади! Пул деган жониворнинг эгизаги бўлмас экан! (Махфий.) Меҳнат кунини семиртириш учун ўзимдан орттириб барг сотаман, район бозорида винофурушлик қиламан!

Умида — Қишлоққа касалхонани район солиб бериши керак!

Жамол — Район? Бунақа масалада район қулоғида пахта тиқиб олган! Пахта! Пахтани биласанми?

Каримжон — Тўғри, лекин қўплашсак қулоғидан пахтани олиб ташлаймиз! Сизнинг фурсатингиз йўқ, бунинг кетидан мана мен югураман! Агар иш чиқаролсак касалхонани боққа қурамиз, боғдаги тепалик жуда барҳаво жой!

Бўстон — Каримжон тўғри айтади, касалхонани ундан ҳам нарига солиш керак!

Жамол — Майли, сизлар ёрдам берамиз десаларинг «қуллуқ» дейишдан бошқа сўзим йўқ, лекин бу ҳам битаверсин, от топилгунча эшак миниб турамиз!

Умида — Йўқ, Жамол ота, биратўла от минайлик! Лекин бу ҳам битаверсин, у ёқбу ёғи тузатилса ясли бўлиши мумкин! «Ҳар толнинг тагида тўртта беланчак» деганингиздан кейин колхоздаги ҳамма ясларни кўриб чиқдим, ҳаммасининг суратини олдим (Суратларини бирма-бир унинг олдига ташлайди). Шу ҳам яслими! Шу ҳам яслими!.. Мана буни қаранг, кампир ухлаб ётипти, болалар ўрмалаб ариққа тушиб кетмасин деб белига арқон боғлаб қўйипти! Шу яслими?

Жамол — (ранги ўчиб). Ие, сен нимага бунақа нарсаларнинг суратини оласан, шпионмисан ўзинг? Сурат оладиган бўлсанг идорангнинг суратини олгин, радио узелнинг суратини олгин, ҳаммом солиб қўйибмиз... Камчиликларимизни қидириб юриб суратини оласанми!

Умида — Мен мухбир эмасман, докторман! Мухбир бўлсам радиоузел билан ҳаммомнинг суратини олар эдим. Ўзингиз хотинларга «ишла» дейсизу ишлай деса боласини ётгига кишан қиласиз: буларнинг боласидан қўнгли тинч эмас-ку!

Жамол — (бирдан тутоқиб). Вақтинча камчилик қайси колхозда йўқ!

Каримжон — (кулиб). Жамол ота, колхоз тузилганига неча йил бўлди? «Вақтинча» деган гапнинг чеги-чегараси борми?

Жамол — (мот бўлиб). Майли, район касалхона солиб берадиган бўлса буни ясли-га берамиз. Масалани правлениега қўйиш керак. Правлениега ўзингни чақираман. Лекин суратларни менга бер!

Умида — Сизга бермайман. Правлениеда ўртага ташлайман!

Жамол — (тортиб олади). Менга бер дейман, биров кўриб қолади! Қарор чиқариб берсак бўлдими! (Суратларни қўйнига тиқади) Хўп, мен кетдим! Ҳа, айтгандай, тўй қачон!

Каримжон — Аям биладилар...

Жамол — Тўйнинг бошида ўзим тураман! (*Бўстонга.*) Баҳоси йўқ келин!

Бўстон — (*Жамолга*). Шундақ-ку, лекин менинг хизматимни қиладиганга ўхшамайди...

Жамол — Ие, нега сенинг хизматингни қилади, нима, сен колхозмисан! (*Чиқади.*)

Бўстон — Нима овқат қиласиз?

Умида — (*ранги ўчиб*). Ихтиёрингиз...

Бўстон — (*ўйлаб туриб бирдан*). Чўзма лағмон қилинг!

Умида — Хўп.

Бўстон. — Мен бир айланиб келай, торс ёрилиб кетдим! (*Чиқади.*)

Умида — Энди нима қиламан?

Каримжон — Ҳайронман... Мен кўп овқатларни биламану лекин умримда чўзма лағмон қилган эмасман! Еганим ҳам унча эсимда йўқ (*ўйлайди*). Ҳар қалай қиймалик бўлар эди шекилли. (*бирдан.*) Сиз қийма чопинг, мен хамир қиламан!

(*Умида мунғаяди.*)

Ҳа, қийма чопишни ҳам билмайсизми?

Умида — Ўрганаман...

Каримжон — Ҳеч кўрмаганмисиз? Аянгиз қиймани сиздан яшириққа қилармидилар? Гўштни мана шу хонтахтага қўйиб личоқ билан ураверсангиз қийма бўлади.

(*Каримжон тоғорачага ун солиб хамир қорийди. Умида гўшт келтириб қийма қилишга киришади.*)

Хайри — (*тешикдан*). Кечирасизлар.

Каримжон — Э-э, келинг, Хайрихон!

Умида — Келинг...

Хайри — Неча кундан бери сизлар билан ҳоли гаплашгани пайт пойлайман, ҳеч ўнг келмайди. Бўстонбуви холам гузар томонга кетаётганларини кўриб, беадабчилик бўлса ҳам, кира қолдим. Мен сизлардан узр сўрагани кирдим...

Каримжон — Ҳозир узрдан ҳам зарурроқ иш чиқиб турибди: чўзма лағмон қилишни биласизми?

Хайри — Биламан...

Каримжон — Билсангиз Умидахонга ўргатинг!

Хайри — Жоним билан! (*Ишга киришади.*) Биз Каримжон акангиз билан бир кўчада ака-сингилдай ўсганмиз. Катта бўлганимизда бу кишининг кўнглида ё менинг кўнглимда зиғирдай бир гап бўлса... (*қасам мақомида*) Мана, орамизда хамир турипти! Шундоқ эмасми, Каримжон ака?

Каримжон — Тўппа-тўғри!

Хайри — Беш-олти ой бўлади. Бўстонбуви холам гапираверди, аям йиғлайверди... безор бўлдим! Ахир бир куни шуларнинг кўнглига қараб: «Қўйинглар, бир гап бўлар» дедим. Шундоқ демасам бўлар экан, булар шу гапни маҳкам ушлаб олишипти. (*Ерга қарабб.*) Менинг ҳам кўзларганим бор, аҳд-паймон қилганмиз... Бир йилдан ошди... Турмуш қилсак мен ҳам ўқийман...

Каримжон — Бу гапни аянгизга айтганингиз йўқми?

Хайри — Йўқ-да! Кўнгли кетиб йиқилади деб қўрқаман! Аям холамдан қолишадиган хотин эмас!.. Мана, сизлар ҳам холамни аста-секин эгаётибсизлар-ку, хабарим бор. Сизлар икки киши, мен ёлғизман... (*Йиғлайди.*)

Каримжон — Хафа бўлманг, Хайрихон сиз ҳам ёлғиз эмассиз, мана биз бор! Сизнинг аянгизни ҳам эгишиб берамиз. Суйганингизга тегасиз, ўқийсиз! У йигит ким ўзи, нима иш қилади?

Умида — Ие, Азимжон-да!

Каримжон — Ие! Ие, ўзимизнинг Азимжонми, ўқитувчи? Бу можаролардан хабари борми?

Хайри — Айтдим! Кулаверди қотиб қолдилар! Хордиқ куни сизларни кўргани келмоқчилар.

Каримжон — Жуда яхши!

Хайри — Энди мен чиқа қолай, холам келиб қоладилар. Буёғи осон, ўзларинг қиларсизлар.

Каримжон — Раҳмат, Хайрихон!

Умида — (*очилиб*). Лағмон еб кетинг...

Хайри — Тўйларингда ейман! (*Чиқади.*)

(*Чироқ ўчиб ёнади. Саҳнанинг олди. Тўтинисо билан Бўстон киради.*)

Тўтинисо — (*йиғлайди*). Мени шармандаю шармисор қилдингиз! Ўғлингизга кучингиз етмас экан, нима деб шанғиллаб юрибсиз!

Бўстон — Сиз бесабр бўлманг, қуда! Ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ!

Тўтинисо — (*йиғлайди*). Қорнида боласи бор эмиш-ку, бу ҳеч гап бўлмаганми! Қишлоқда қизим қандоқ бош кўтариб юради! Ўзим нима деган одам бўлдим!

Бўстон — Йиғламанг, хосияти йўқ! Шу иш шундоқ бўлиб кетса қишлоқда менинг ҳам обрўйим қолмайди! Ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ! Аввалбоши Умиданинг икки қатлигига гумоним бор, ухлаб ётганида нафас олишига секин қулоқ солдим, йўқ, қуда, иккиқат хотиннинг нафас олиши бунақа бўлмайди! Каримжон шу гапни менинг дармонимни қуритиш учун айтмадимикин?

Тўтинисо — (*сувониб*). Илоҳим шундоқ бўлсин!

Бўстон — Бола у ёқда турсин мен буларнинг ЗАГСдан ўтганига ҳам гумонсираб қолдим. ЗАГСдан ўтган бунақа бўлмайди!

Тўтинисо — (*қувониб*). Бирга ётмайдими?

Бўстон — Ие, сизга нима бўлди, мен кўярмидим! Каримжон пастда, Умида айвонда, менинг ёнимда ётади!

Тўтинисо — Билиб ўтирибсизми...

Бўстон — Кечалари пойлаб чиқаман, иккови ҳам «қилт» этмайди!

Тўтинисо — Шундоқ экан, нега кеткизиб юбормайсиз! Кетсин районига.

Бўстон — Э, қуда, бор ақлингиз шуми! Умидани районга жўнатиб Каримжоннинг оёнига қишан солиб қўяманми! Ишга киргунидан кейин «колхознинг меҳмонхонасида тураман» деди, унамадим! Меҳмонхонада турса, албатта, алоҳида ҳужра олади, кечалари Каримжон ингичка бўлиб кириб борсинми! Кўз олдимда тургани яхши! Лекин ўзи ёмон бўлса ҳам номуслик қиз экан!

Тўтинисо — Ана, ўзингизнинг ҳам кўнглингиз мойил! Билиб юрибман!

Бўстон — Ундоқ деманг, қуда! Аксинча. Каримжоннинг кўнглини кундан-кун совутаётибман! Лекин бу ишни аста-секин қилиш керак, қизиб турган кўнгилга бирдан совуқ сув сепсам чатнайди! (*Махфий*) Ҳозир чўзма лағмон буюриб чиқдим, жўртага буюрдим, албатта қилолмайди, қилолмай кўрсинчи? Каримжоннинг олдида бирам ясай, шунақа ҳам ясайки... Сиз бирпасдан кейин тешикнинг олдига келиб туринг, «вой, қўлинг синсин!» дейишим билан тикка кириб келаверинг! Кўрасиз!

(*Чироқ ўчиб ёнади. Ўша саҳна.*)

Бўстон—(*киради*) Қани, ҳой, чўзма лағмон қани!

Каримжон —(*киради*). Келдингизми, аяжон... лағмон тайёр! Аммо лекин келинингиз ҳунарини кўрсатадиган бўлди! Хамир овқатга дунёда хитойдан устаси йўқ. Келинингизнинг бир хитой дугонаси бор эди, шундан хитойча чўзма лағмонни ўрганиб олган экан денг... аломат!

Бўстон —(*дўқ қилиб*). Хитой қурбақа ейди дейишар эди-ку!

Каримжон —(*шошиб*). Йўқ, бу хотин асли уйгур экан!.. Лекин, овқатдан олдин ювуниб чиқасизми, совуқ сув одамнинг тафтини кўтаради.

Бўстон — Лағмонни олиб келсин!

Каримжон —(*ташқарига*). Умидахон, олиб кела қолинг, оғизлар сув очиб кетди!

Умида —(*товуши*). Ҳозир...

(*Бўстон ютинади. Ранги учган Умида овқатни келтириб хонтахтага қўяди ва қўлга сув олади.*)

Ая, қўлингизни ювасизми?

Бўстон — (*қўл ювар экан, овқатга шубҳаланиб қарайди*). Ҳимм....

Каримжон —(*татиб кўради*). Оҳ-оҳ-оҳ!.. Қиймага нима солган эдингиз, Умидахон?

Умида —(*хитойча талаффуз билан*). Че-ре-па-ха шим-пан-зе!

Бўстон — Ҳалол нарсами?

Каримжон — Черепаха-шимпанзени қийкининг шохидан қилади! Қийикни ўзингиз биласиз, подшолар овлаган!

Бўстон —(*овқатни бармоғи билан титади*). Шимпонзеси бўлмаса ўзимизнинг чўзма лағмонга ўхшар экани?..

Каримжон — Таъми бошқа-да, ая, таъми бошқа!

Бўстон — (*еб таъмини олади.*) Бу шимпанзе ўлгур... (*иштаҳа билан ейди.*) Шимпонзе-гина ўлсин!..

(*Тўтинисо пардадан бошини чиқариб қарайди. Умида хурсанд бўлиб ўтирганини кўриб ҳайрон бўлиб қолади*). (*уни кўради.*) Келинг, Тўтинисо, келаверинг!

(*Тўтинисо киради, ёшларнинг саломига алик ҳам олмасдан, келиб ўтиради.*)

Бўстон — Чой!

(*Умида чиқади.*)

Каримжон — Олинг, хола уйгурча чўзма лағмонни умрингизда емаган бўлсангиз керак...

(*Тўтинисо иштаҳа билан овқат еяётган Бўстонга еб қўйгудай бўлиб қарайди*).

Бўстон —(*Тўтинисога*). Бу сафар бўлмади, эртага бошқа овқат буюраман! Ўшанда кўрасиз!

(*Умида чой келтириб Бўстонга қуйиб беради.*)

(*Бирдан устма-уст чой хўплайди.*) Ҳимм... вой тишим! Вой!..

Умида — Аяжон, ҳозир дори қуяман! Юринг!

Бўстон — Вой... Каримжон, мени докторга олиб бор! Суғурсин, битта қўймай суғурсин!

Умида — Тиш оғриб турганда доктор суғурмайди, ая, юринг!

Тўтинисо — Доктор суғурмаса сартарошга бориш керак! Кепак қиздириб бераман! (*Ўрнидан туради*).

(*Умида Бўстонни уйга олиб киради.*)

Каримжон — Ўтиринг, хола, сартарошга кейин ўзингиз олиб борасиз, бошини ушлаб турасиз...

Тўтинисо — Мен нега олиб борар экан! Олиб борадиганлар олиб борсин!

Каримжон — Энди, хола, хафа бўлмайсиз, сизлар унақа деб юрган экансизлар, буёғи бунақа бўлиб қолди...

Тўтинисо —(*йиғлайди*). Қизим тегаман деса оладиган йигит сон мингта... Ҳамма иллат аянгизда! Аянгиз ҳадеб гапиравергандан кейин мен ҳам «қизим чала ўқиган, сизга тушса яна ўқирмикин» дебман.

Каримжон — Аям Хайрихонни келин қилсалар ўқитиш эмас, ҳозирги ишидан ҳам чиқариб олмоқчи эканлар-ку! Хайрихон уйда ўтириб аямнинг хизматларини қилар эмиш!

Тўтинисо —(*ҳанг-манг*). А!.. Мунча яхши!.. Менинг қизим ердан чиққан етимчами, «ишингдан чиқ» деса чиқиб аянгизнинг хизматини қилади!

Каримжон — Ўзларидан дурустроқ сўранг!

Тўтинисо — Ҳамма ишлаганда менинг қизим нега уйда ўтирар экан! Ўзим ўқимасдан, ишламасдан нима бўлдим! Вақтида ишласам бирон ҳунар орттирар эдим, ишлаб қизимнамни дурустроқ ўқитар эдим! (*Йиғлайди.*) Дадаси раҳматлик мени ўқитмасдан, ишлатмасдан на менга қилди,

(охири 20-бетда).

ЎЗБЕК

Иккинчи мақола

XIX аср охири, XX аср бошларида ўзбек элати таркибига кирган гуруҳлар илмда шартли равишда туркий тилда сўзлашувчи сартлар, Мовароуннаҳр туркlари ва кўчманчи ўзбеклар номи билан аталадилар. Бу даврда уларнинг хўжалик ва маданий ҳаётида анча катта тафовутлар бор эди.

Деҳқончилик ва косибчилик сартларнинг асосий касб-кори бўлиб, уларни маълум даражада муқим ўтроқлаштирди. Сартлар ўрта Осиё аҳолиси орасида энг ўтроқ гуруҳ эдилар. Суғориш шохобчалари далаларни сувга сероб, муттасил ҳосилни таъмин этгани туфайли кўчиб яшашга бутунлай эҳтиёж қолмади. Сартлар шаҳар ва қишлоқларда яшардилар. Уларнинг айрим шаҳар ва катта қишлоқлари қадим замонлардан бор эди. Ҳатто баъзи бирлари феодал урушлари ёки ташқи ҳужумлар пайтида вайрон бўлиб, одамлари қирилиб кетса ҳам яна ўша жойда эски ном билан янгилари пайдо бўларди. Сартлар яшаган жойлар ободлиги, кўкаламзорлиги, ўз даврига нисбатан йирик бозорлари, боғ-роғлари, серунум далалари билан ажралиб турарди. Уларнинг ҳаётида чорвачилик асосий ўрин тутмасди. Уй ҳайвонлари ё деҳқончиликда ишчи кучи сифатида, ёки рўзғор учун сақланарди.

Сартлар жойлашган районларда асосан ғўза, қайроқи буғдой, беда, жувари, маккажўхори, мош, шоли, полиз экилган. Шимолий районлардан бошқа деярли ҳамма жойда сартлар ипак қурти ҳам парвариш қилганлар. Айниқса боғдорчилик, токчилик кенг тарқалган.

Косибчилик асосан ҳамма ерда бир хил эди: кўнчилик, совун ва шам пиширш, чит ва шоҳи газлама тўқиш, махси-кавуш, этик тикиш, мис ва сопол идишлар ясаш, чўян қозон қуйиш, ёғоч қошиқ йўниш, сандал, чарх, бешик, омоч тайёрлаш, темир кетмон, белкурак, ўроқ ва деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик асбоблари ясаш билан шуғулланиларди.

Ўрта Осиёнинг суғориладиган ўлкалари азалдан бир қанча кичик иқтисодий районларга бўлинган эди, бундай районлар ё айрим шаҳарлар атрофида, ёки бозори бўлган катта-катта қишлоқлар атрофида ташкил топган. Яқин атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси ўзи етиштирган маҳсулотларни шу бозорларда сотган ва ўзига зарур бўлган нарсаларни сотиб олган. XX асрнинг бошларида Фарғона водийсининг ўзидагина 78 та шунақа бозор бор эди.

Сартларнинг иш фаолиятидаги ўзига хос шароит уларнинг маданий қиёфаси, ижтимоий ва рўзғор турмушига таъсир этди. Сартлар шаҳар ва қишлоқларда муқим яшардилар. Шаҳарлик деҳқонларнинг кўплари ҳунарманд ҳам эдилар: қишда унча мураккаб бўлмаган ҳунармандлик билан, масалан, бўз тўқиш билан шуғулланардилар. Бироқ ҳунармандларнинг асосий қисми деҳқончилик қилмаганлари ҳолда бирмунча мураккаб касб-кор билан машғул бўлардилар. Шаҳарлик деҳқонлар ёз мавсумида ўз ерлари бошига кўчиб кетсалар, ҳунармандлар бутун йил давомида шаҳарда истиқомат қилардилар.

Шаҳарларнинг аҳолиси кўп эди, энг йириклари даҳаларга бўлинганди. Аҳоли маҳалла-маҳалла бўлиб яшарди. Маҳалла территориал-қўшничилик жамоасидан иборат эди. Ҳар бир маҳалла бир мачит атрофига уюшган кишилардан ташкил бўларди. Кўп ҳолларда маҳаллалар косибчиликнинг муайян бир турига ихтисослашар эдилар, шу сабабли маҳаллалар ўша жойда яшовчи косибларнинг ҳунари номи билан, масалан, махсидўзлар, дурадгорлар, чилангарлар маҳалласи деб аталарди.

Қишлоқлар эса шаҳарларга қараганда кам нуфус ҳамда қалъа-қўрғонлар билан ўралмаган эди. Қишлоқ марказларини одатда хонадонлар эгаллар эди, пахса деворлар билан ўралган хона жойларда саҳн, боғ, токзор бўларди. Қишлоқ маркази четларидан далалар бошланарди. Ҳар қишлоқнинг биттадан ё бир нечтадан мачити бўларди. Каттароқ қишлоқларда бозорлар бўлиб, кичик иқтисодий районнинг маркази хизматини ўтарди. Кичик қишлоқларда бозор йўқ эди, у жойларнинг аҳолиси шаҳар ёки бозори бор яқин қишлоқларга қатнарди.

Сартлар суғориш шохобчалари ва йирик каналлар қуриб, алоҳида маҳорат, тажриба орттирдилар, бу эса хилма-хил ишлаб чиқариш қуроллари ва асбоблари яратиш заруратини келтириб чиқарди. Қадимда сартлар очган ариқлардан, улар қурган тўғон ва дамбалардан ҳозир ҳам пахта далаларини, боғ-роғларни суғоришда фойдаланиляпти. Ўтмишда вайрон бўлиб кетган иншоотларнинг қолдиқлари ўз ҳайбати ва мураккаб тузилиши билан одамларни ҳайратга солади. Масалан, Сурхондарё областининг ҳозирги Шўрчи районида қолдиғи сақланиб келган нов шунақа иншоотлардандир. Уни маҳаллий аҳоли «Искандар (Зулқарнайн) кўприги» дейди ва ундан кўприк сифатида фойдаланади.

Сартлар металл идишларга гул ўйиш, заргарлик, деворга, сопол идишларга гул битишда моҳир санъаткор эдилар. Сарт усталар зардўзлик, атлас тўқиш, читгарлик санъатида ҳам машҳур эдилар. Чевар хотин-қизлар эса ажойиб сўзана, белбоғлар, хилмахил дўппи ва ҳоказолар тикишда юксак маҳоратга эришганлар. Буларнинг ҳаммаси ўзбек миллатининг миллий-моддий тараққиётида асосий етакчи йўл тутди.

Рўзғор ва оила тутишда сартлар ўрта Осиё кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлари ҳамда ўзбекларнинг бошқа гуруҳларидан кескин фарқ қилишини алоҳида таъкидлаш керак. Ўтроқлик ҳолати уларда хонажойга ва ҳовлига алоҳида меҳр билан қараш ҳиссини туғдирган. Уй ичи ҳам, ҳовли саҳни ҳам топ-тоза сақланган. Хоналар, ҳовли саҳнинигина эмас, ҳатто кўча дарвозасининг олдиларини ҳам доим супуриб, сув сепиб туриш фарз ҳисобланган.

Сартларнинг оилавий ҳаётида эрлар билан аёллар ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти, ота-оналар билан болаларнинг анъанавий муносабати вужудга келган.

Деҳқончилик, боғбончилик, косибчиликнинг асосий турлари жисмоний кучни талаб қилганликдан бу ишлар билан кўпинча эркаклар шуғулланган. Овқат пишириш, кийим-кечак тикишдан тортиб, уй ҳайвонларига қараш, болаларга ғамхўрлик қилиш сингари уй ишлари хотинлар зиммасига тушган.

Ўтроқ ҳаёт кечириш натижасида сартлар ўртасида жамоа одамларининг ўзига хос муносабатлари вужудга келган. Сартлар ўзлари истиқомат қилган жойларига жуда боғланиб қолган эдилар, ҳатто номларига яшаб турган шаҳар ё кишлоғи номини тиркаб айтиш одат бўлиб қолган (Мунис Хоразмий, Юсуф Андижоний ва ҳоказо). Сартларда ўзаро ҳамкорлик яқин қариндош-уруғлар орасидагина эмас, ҳатто ҳаммаҳаллалар орасида ҳам кенг ривожланган. Ҳамқишлоқлар, ҳаммачитларнинг ўғри-қароқчиларга қарши ҳамжиҳат бўлиб курашиши, ёнғин чиққанда биргаликда ўчириши, тўй ва азада қўни-қўшниларнинг албатта тўпланиши ва бошқа қўшничилик одатлари асрлар давомида шаклланган.

Туркий тилда сўзлашувчи сартларнинг XX асргача меҳнат фаолияти, моддий ва маънавий маданияти, турмуши шундай эди.

Бу даврда ўзбек элатининг яна бир гуруҳи — Мовароуннаҳр туркларининг деярли ҳаммаси турли даражада ўтроқ ҳаётга ўтди. Бироқ, туркларнинг тўла ўтроқлашишига ўрганиб қолган кўчманчилик ва чорвадорлик ҳаётининг таъсиригина эмас, балки улар ўрнашган ерларнинг деҳқончилик учун ноқулай шарт-шароитлари ҳалақит берарди. Туркlар тоғлик, тоғ этакларида, баъзан эса чўл минтақаларида ўрнашиб қолган эдилар, натижада улар ерларни суғориш имкониятига ёки чорвачиликни ҳар тарафлама ривожлантириш учун катта яйловларга эга бўлмаганлар. Улар асосан қўйчилик, шароит бўлган жойларда лалмикор деҳқончилик билан шуғулланганлар. Олис яйловларга эмас, яқин-атрофдаги тоғли ва тоғ этакларидаги яйловларгагина кўчиб яшаганлар, Улар орасида, айниқса камбағаллар орасида ўтроқликка мойиллик кучли эди.

БОБИЛ МИНОРАСИ

Багдодда, баландлиги 360 метр келадиган янги бобил минораси қурилмоқчи. Афсоналарга кўра, бундан неча минг йиллар аввал қурилган, кейинча нураган, бир маҳаллар оламдаги етти мўъжизанинг бири ҳисобланган бобил мезанасининг бўйи ҳам шунча эди.

Янги минора чет эл сайёҳларини жуда қизиқтириши ажабланарли эмас. Унинг қат-қат қаватларида радио ва телевизион ускуналар ўрнатилади. Миноранинг энг тепадаги икки қавати ҳар бири 250 ўринли айланиб турадиган ресторан ва кафе қилинади. У ерда ўтириб, Багдод панорамасини томоша қилса бўлади.

ЯПОН «ПАНАМА» КАНАЛИ

1967 йил баҳорида Японияниинг Тинч океан билан Япон денгизи оралигидаги Хонсю оролида 115 километр узунликда канал қазила бошлайди. Мамлакатнинг энг катта асосий оролини кесиб ўтадиган бу янги канал Панама каналидан 30 километр узунроқ. Каналдан 30 минг тоннагача юк кўтарадиган кемалар сузиб ўта олади.

ШИШАДАН КАРНАЙ

Одатда мисдан қуйиладиган музика асбоблари ҳозир Америка Қўшма Штатларида шиша пластиклардан ясалмоқда. Булар мис асбобларга қараганда ҳам икки баравар енгил, ҳам ёш музикачиларни унча чарчатмайди.

ЕРНИНГ ЕШИ

Нобель мукофотининг лауреати доктор Кальвин бошчилигидаги халқаро олимлар группаси Ерда 2,7 миллиард йил аввал яшаган жонзот изини топди. Бу кашфиётдан кейин Ер ҳозиргача тахмин қилинган 4,5 миллиард ёшдан ҳам каттароқ деган хулоса келиб чиқади.

ЭЛАТИ

М. ВАҲОБОВ,
тарих фанлари доктори

Бир қадар бой оилалар ҳали ҳам кўчиб яшардилар, хўжаликда қўй ва эчки туёқлари асрардилар. От, туя ва қорамоллар фақат хўжалик эҳтиёжига яраша сақланарди. Қорамол, туя подаларини, шунингдек йилқи уюрини сақлаш учун шароит йўқ эди.

Моваройуннаҳр туркларининг ярим кўчманчилик ва ярим ўтроқ ҳаёти уларнинг моддий ва маънавий маданияти характерига таъсир этди. Уруғ-аймоқлар биргаликда жамоа бўлиб яшардилар. Қиш ойларида қишловга (қишлайдиган жойга — «қишлоқ» сўзи ҳам шундан келиб чиққан), ёзда эса қўй-қўзиларини билан яйловга (ёзлайдиган жойга) кўчардилар. Қишлоқларда ертўлага ўхшатиб, пахса уйлар қурганлар, бу уйларнинг одатда эшиги, деворнинг энг тепа қисмида кичкина тешиги, томнинг ўртасида туйнуги (мўриси) бўлган. Сартларнинг уйларига нисбатан туркларнинг уй ичи тартиби анча содда бўлган: уй деворлари наридан-бери сувалган, шиплари пардозланмаган, уй ичи коронғи, ис босган. Шунақа уйлар ҳам аввалига мусобозорлардагина, кейинча бошқа қабилаларда қурилган. Масалан, қарлуқларнинг жанубда яшовчи гуруҳлари XX аср бошларидагина пахса уйлар қура бошлаганлар. Уларнинг ҳаммаси ёзда қора уйларда яшаганлар, айрим қашшоқ оилалар эса бордондан чайлалар қуриб, ўртага олов ёқиб исинганлар.

Бу хилда яшаган ва рўзғор тутган туркларнинг уй ашёлари ҳам шунга мослашган. Ашёлар жун, тери, ёғочдан тайёрланган, жуда оз қисми тунукадан иборат бўлган. Кийимлари (бош кийимдан ташқари) бичим жиҳатидан сартларникига ўхшарди.

Моваройуннаҳр туркларининг маънавий қиёфаси ва маданий савияси шундай эдики, уларда ҳали чорвадорлик ҳаётида ҳамда патриархаль алоқалар қолдиқларининг анъаналари анча-мунча сақланган эди. Ҳар жамоа қавм-қариндошлардан ташкил топган эди, бинобарин шаклан уруғ-аймоқ жамоалари эди. Бироқ улар социал жиҳатдан бой-бадавлат феодал-чорвадорлар билан уларга тоби бўлган камбағал деҳқон ва чўпонлар синфидан ташкил топган эди. Шунингдек, йирик патриархаль оила формаси ҳам сақланган эди. Оила бошида катта ота турган ҳолда барча ўғил, невара, ҳатто чевараларнинг ҳам бир хўжалик бўлиб, бир қозондан овқатланар эдилар.

Ўзбек элатининг иккинчи тоифаси бўлган Моваройуннаҳр туркларининг ўзларига хос белгилари шундай эди.

Ўзбек элатининг яна бир тоифаси — кўчманчи ўзбеклардан ташкил топган қисмининг ҳам турмуши, маданияти, маънавий қиёфасида ўзига хос хусусиятлар бор эди.

XIX асрга келиб кўчманчи ўзбеклар Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Ҳисор водийларида, Тошкент, Хива воҳаларида ўрнашганлар. Улар жойлашган районларда унумдор ерлар, серўт яйловлар кўп эди.

Қизиғи шундаки, кўчманчи ўзбеклар туркларга қараганда хўжалик жиҳатдан сартларга анча яқинлашганлар. Уларнинг кўп қисми ўтроқ деҳқон бўлиб қолганлар. Айримлари ўтроқ ҳаёт кечира бошлаганлар, чорвачилик энди улар ҳаётида асосий соҳа эмас эди. Фақат бир қисми қабилалардагина чорва моллари сақланган, шунга қарамай уларда деҳқончилик муҳим роль ўйнаган.

Уларнинг турмуши ва хулқи, шунингдек маданий савияси ҳақида гапириладиган бўлса, бу соҳада кўчманчи ўзбекларнинг ўз удумлари бўлган. Аҳолининг асосий қисми ярим кўчманчилик ҳолатида яшаган, фақат камбағаллар табақасигина тўла-тўкис ўтроқ бўлиб олган. Катта чорваси йўқлигидан олис яйловларга кўчиб юришга эҳтиёж қолмаган. Чорвачилик уларнинг тирикчилигини таъмин этолмай қолган, шунинг учун шу камбағаллар табақаси чорвадорликни ташламагани ҳолда деҳқончилик билан шуғулланган, бора-бора тамомила ўтроқлашиб қолган.

Кўчманчи ўзбеклар ёзда қора уйларда яшаганлар. Уларнинг қора уйлари ҳажми ва шакли жиҳатидан Моваройуннаҳр туркларининг қора уйларидан фарқ қилган.

Кўчманчи ўзбекларнинг қишлик уйлари ҳам туркларники сингари пахса ва гуваладан ясалган пастқам уйлар бўлган. Қора уйлар ҳам, пахса девор уйлар ҳам хоналарнинг ўртасига ёқиладиган гулхан билан иситилган. Овқат, чой шу ўчоқларда тайёрланган.

Фарғона водийсидаги деҳқончилик районларида майда бўлак бўлиб яшаганлардан ташқари кўчманчи ўзбеклар ҳамма жойда (улар яйловга кўчса-кўчмаса) ёз ойларида қора уйларда истиқомат қилганлар. Бу нарса улардаги кўчманчилик ҳаёти қолдиқлари ҳали кучли эканидан дарак берарди.

Кўчманчи ўзбекларнинг маданий савияси жуда паст бўлган, улар орасида саводхонлар деярли йўқ эди. Фақат озгина адабиёт кенг тарқалган, қаҳрамонлик достонлари айтилиб келинган. Уй-рўзғор ашёлари тахминан Моваройуннаҳр туркларинники сингари бўлган.

Уларнинг оила ва турмушлари кўп жиҳатдан туркларникига ўхшаган. Кўчманчи ўзбекларда бегона уруғларга қиз бермаслик ва қиз олмаслик одатлари ҳам аста-секин йўқолиб бораётган эди. Кўчманчи ўзбекларнинг лақабларга ва қўнғиротлардан бошқа ҳамма уруғлари ён-веридаги бегона уруғ ва қабилалар билан қайинқудалашганлар.

Шундай қилиб туркlар, кўчманчи ўзбеклар ва туркий тилда сўзлашувчи сартлар орасида катта тафовутлар мавжуд эди. Бироқ бу тафовутлар қанчалик кучли бўлишидан қатъи назар, туркlар билан ўзбекларнинг ривожланиши сартларнинг тараққиёт йўлидан борар эди. Улар хўжаликни ўтроқ деҳқончилик ва шаҳар ҳунармандчилиги, ҳусусан, суғориладиган деҳқончилик йўлидан олиб борардилар. Уй-рўзғор ҳаётида ҳам улар аста-секин сартларга яқинлаша борардилар. Кўчма қора уйларни тарк этиб, доимий пахса девор уйларда (томларда) яшаш натижасида уй-рўзғор тутиш асослари ҳам ўзгарди. Маданият, тил соҳасида ҳам гарчи (секинлик билан бўлса-да) сартларга яқинлашиш давом этарди. Моваройуннаҳр туркlари ва кўчманчи ўзбеклар тарихан ўтроқлик томон муттасил ва объектив ривожланаверди ҳамда кейинчалик ўзбек миллатининг ажралмас қисмига айланди. Айни пайтда уларнинг хўжалик-маданий ҳолати, айниқса турмуш ва ахлоқи ўзбек миллатининг шаклланиш жараёнига анчагина таъсир кўрсатди.

Ўзбек халқининг этник хилма-хиллиги ўзбек тилининг кўп шевалигида ҳам яққол намоён бўлди. Ҳамма ўзбек шевалари уларнинг территориал жойлашиши ва этник хислатлари жиҳатидан бир қанча гуруҳларга бўлинган: ўрта ўзбек шеваси, «жўқчилар» шеваси, ўрта хоразм шеваси ҳамда алоҳида ўзбек лаҳчалари.

Бу шеваларнинг ҳар қайсиси ўз навбатида айрим кичик шеваларга: ўрта ўзбек шеваси Тошкент, Фарғона, Чимкент, Сайрам, Мерки, Жамбул ва Жанубий Қозоғистоннинг бошқа районларига тарқалган шимолий ўзбек лаҳчаларига бўлинган. «Жўқчилар» шеваси асосан кўчманчи ўзбеклар ўрнашган районларга: Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Ҳисор водийларига ҳамда Шимолий Хоразмга тарқалган. Бу гуруҳдаги шевалар XVI асрда Моваройуннаҳрга (кўчманчи ўзбеклар кириб келганларида пайдо бўлган. Кўчманчи ўзбекларнинг (баъзиларидан ташқари) аксарият уруғ ва қабиласи «жўқчи» ўзбеклар гуруҳига кирганлар. Бу жиҳатдан «жўқчилар» шеваси қозоқ ва қирғиз тилларига ўхшайди. Жанубий Хоразм шеваси Навоийгача бўлган даврда юзага келган. Навоий уни хоразмлик туркlар шеваси деб ҳам атаган. Бу шева Хива, Урганч, Хонқа, Янгиариқ, Ҳазорасп, Шовот районларида тарқалган. Бу шева, афтидан, қадимий хоразмликларни туркlаштириш жараёнида ташкил топган. Уларнинг тилини туркlаштиришда ўғуз тилининг таъсири бўлган. Бу шевада ўғуз тилининг таъсири кучли. Жанубий Хоразм шевасининг туркман тилининг баъзи шеваларига ўхшашлиги бор. Ўғуз тили таъсирида шаклланган Иқан, Қорабулоқ, Манкет сингари алоҳида гуруҳлар тили ҳам ўзбек лаҳчасига кирган. Уларда айрим ҳолларда хусусан «а» товушининг талаффуз этилишида жанубий Хоразм лаҳчасига ўхшашлик учрайди. Алоҳида лаҳчаларнинг бошқа хили Наманган ва унинг атрофларига тарқалган. Бу гуруҳ айрим унли ҳарфларни юмшатиб айтиш билан ажралади. Афтидан, бу лаҳча қадимий Эрон тилида сўзловчи аҳолини туркlаштириш даврида қадимий уйғур қабилалари тили таъсирида юзага келган.


Октябрь социалистик революцияси арафасида ўзбек элатининг этник қиёфаси, маданий-иқтисодий даражаси, турмуши ва тили шундай эди.

Гарчи ўзбек элати мустамлакачилик даврида ишлаб чиқариш кучларининг бирмунча ривожланиши: шаҳарларда саноат корхоналарининг пайдо бўлиши, қишлоқларда пахтакорлик заминида аҳча-товар муносабатларининг кенгайиши, шаҳар ва қишлоқ ўртасида меҳнат тақсимотининг кучайиши натижасида миллий шаклланиш йўлига қадам қўйган бўлса-да, аммо унинг айрим таркибий қисмлари ўртасидаги этник тафовутлар ҳали кучли эди. Шунинг учун ўзбеклар бу даврда бир бутун миллат бўлиб уюша олмадилар. Улар ҳаётида капиталистик ишлаб чиқариш усули заминида бошланган миллий шаклланиш Октябрь социалистик революциясигача тугалланмай қолди.

Революциядан кейин бу процесс социалистик муносабатлар асосида ривожланиб, ўзбеклар буржуа миллати типини четлаб ўтиб, бевосита социалистик миллат бўлиб уюшдилар.



ИХТИРОЛАР КАШФИЁТЛАР ТАХМИНЛАР



Ер қимирлаб турибди...
В. Сваричевский фотоси.

СУНГГИ ПОЧТАДАН.

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

«Гулистон»нинг иккинчи сонида Р. Мясковнинг «Дўстлик йўллари» сарлавҳали лавҳаси босилган эди. Уқиб чиққан бўлсангиз керак: унда ивановалик донгдор тўқувчи Социалистин Меҳнат Қаҳрамони Зоя Пухова билан Андижон областидаги «КПСС XX съезди» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Манноп Жалоловнинг ўзаро социалистик мусобақаси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари бўлган бу ҳар икки азамат Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига янги юксак мажбуриятлар олганлиги кўрсатилган эди.

Иваново область партия комитетининг бюроси икки қардош халқ фарзандининг Улуғ Октябрь инқилоби эллик йиллик шарафига мусобақа байрогини баланд кўтариш борасидаги ташаббусини маъқуллади.

«Кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон билан Иваново областининг меҳнаткашлари,— дейилади область партия комитетининг бюроси қарорида,— бир-бирлари билан анъанавий дўстлик алоқаларини давом эттирмоқдалар. Гражданлар уруши йилларида туғилган бу дўстлик йилдан-йилга камол топмоқда».

Улуғ Октябрь солномасида олтин саҳифалар очаётган азаматларга баракалло!

Гулистон
Луч Сохабаев

Микроблар — микроблар кушандаси

Борди-ю, қўққисдан сизни бирон бир газанда чақди, заҳрининг баданингизга таралиш хавфи туғилди. Ёки жажжи фарзандингизни чечак, қизамиққа қарши эмлатмоқчи бўлдингиз. Шунда дарров врачга чопасиз. У найзали шприцига аллақандай сирли дори тўлдириб, баданингизга юборади. Халоскор дори таъсирига ишонган ҳолда уйингизга хотиржам қайтасиз.

Ҳурматли «Гулистон»хон, шу шифобахш дориларни кимлар, қаерда, қай хилда яратишларини биласизми? Ҳозир шу хусусда фикр юритамиз.

Мухбиримиз СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Тошкент вакцина ва эмлаш илмий-текшириш институтида бўлиб, бу илмий муассаса директори, медицина фанлари доктори профессор Абдураҳим Обидовга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

Мухбир — Институтингиз нималар билан шуғулланади?

Директор — Биз асосан эмлаш дорилари, ҳайвонлар қонидан зардоб (сиворотка), беморнинг касалини аниқлашда ишлатиладиган дорилар тайёрлаймиз. Бу дорилар аксар қўзи, бузоқ, отлардан олинади. Институтимиз ихтиёрида 300 га яқин от, 200 тача қўзи, 50 тача бузоқ бор.

Мухбир — Эмлаш ва зардоб дорилари қай хилда тайёрланишини муфассалроқ сўзлаб берсангиз.

Директор — Биз олти ойликдан бир ёшгача бўлган қўзиларни, уч яшардан олти яшаргача соғлом, ишлатилмаган отларни, ёш бузоқларни асраймиз. Масалан, қўзиларнинг миясига қутиртирадиган вирус юқтирилади, тўрт кунда қўзи қутириб, фалаж бўлади. Шундан сўнг қўзини сўйиб, мияси олинадида, қайта дориланади ва шу йўл билан қутириш касалини даволайдиган вакцина тайёрланади.

Бу хил вакцинани биринчи марта 1885 йилда француз олими Луи Пастер ихтиро қилган эди. Ў ўша маҳалда вакцинани қуён миясидан тайёрларди. Қуён мияси атиги 7—20 грамм бўлгани учун вакцинани мўмайроқ ҳозирлаш мақсадида қўзидан олина бошлади (қўзи мияси 90—120 грамм).

Бузоқ териларидан эса чечак вируси олинади. Аввал бузоқнинг юнглари устарада қириб туширилади. Сўнг териси ишгарда қон чиқмайдиган даражада эҳтиётлик билан тилинади. ўша кесик жойларга чечак вируси суртилади. Беш кундан кейин тилинган жойларда пуфакчалар ҳосил бўлиб, ичига чечак вируси тўпланади. Улар махсус қошиқчалар билан идишларга олиниб, лабораторияда қайта ишланиб қуритилади — чечак вакцинаси шу усулда тайёрланади.

Хўш, отлардан нималар олинади? Отлардан қоқшол, бўғма касалликлари, илон заҳарини эмлайдиган зардоблар олинади.

Илон заҳарини кимёвий моддалар аралашмаси билан неча қайта от танасига юборилади. У қонга қўшилгач илон заҳарини енгадиган «антитела» моддаси ҳосил бўлади. Сўнг отнинг қонини идишларда тиндирилади, қон тингач, устига зардоб йиғилади. Ана шу зардоб билан заҳарли илон, қорақурт чаққан одам ё ҳайвон укол қилинса, улар омон қоладилар.

Бўғма, кўк йўтал, сил касалликларини даволайдиган зардоблар ҳам шу усулда тайёрланади.

Мухбир — Бу ерда турли касалликларни даволайдиган яна қандай дорилар тайёрланмоқда?

Директор — Қизамиқ, тумов ҳолсизланиш, сариқ касалликларга ажойиб шифо бўладиган «гаммаглобулин» деган дори ҳам бизда тайёрланади.

Умуман, Совет Иттифоқида эмлашда қўлланиладиган дорилар тайёрлаш кенг тараққий қилган. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз бу соҳада ҳеч қайси давлатни ўз олдига туширгани йўқ.

Мухбир — Сизларда тайёрланаётган дориларга талаб каттами?

Директор — Одамларни, айниқса болаларни турли касалликлардан муҳофаза этиш учун бу хил дориларга ҳамиша талаб катта. Илгари биз дориларни суюқ ҳолида жўнатардик. Бироқ бунинг бир қадар ноқулайликлари бор эди — совуқ шимолга юборилган вакциналар йўлда яхлаб, сифати бузиларди. Энди дориларни қуруқ ҳолда (талқон ёки донадор шаклда) тайёрлаш мўлжалланяпти.

Мухбир — Бу дорилар чет элларга ҳам чиқарилса керак?

Директор — Ҳа. Биз Непал, Гана, Мўғулистон, Вьетнам ва бошқа кўпгина мамлакатлардан буюртмалар оламиз. Шунинг учун доимо уларга вакцина ва зардоблар юбориб турамиз.

Мухбир — Институт илмий аҳли ҳақида нималар дейсиз?

Директор — Институтда анчагина илмий ходим ишлайди. Улар ўз соҳаларини пухта билган, илм йўлига ҳаётини тиккан ажойиб ёшлардир. Маҳмуджон Мирисмоилов, Нозим Зокиров, Фарида Ризаева, Шавкат Зиёев, Файзулла Тошмуҳаммедов, Анна Енгаличева, Н. Алимуҳамедов сингари фан кандидатлари, ёш олимлар билан ҳақли суратда фахрланамиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАДҲИЯСИ



ОРОЛ ОҚШОМИ.



НУКУС. ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ.

Мен сурункаси икки йил қўлда блокнот, қалам билан Қорақалпоғистон қумлари ва яйловларини, соҳиллари ва тошлоқларини, тўқайлари ва пахтазорларини кезиб чиқдим. Уч ёқдан антиқа саҳро — Қорақум, Қизилқум, Устюрт билан ўраб олинган ана шу жасур одамлар диёри совет ҳокимияти йилларида беқиёс ўзгариб кетибди. Бугунги Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси гул ва булбул, пахта ва шоли, узум ва анжир маскани десак, бунинг ҳеч қандай муболағаси йўқ. Саҳронинг абадий қўшиқчилари олдида ўжар қумлар чекинмоқда, қурғоқчилик таслим бўлмоқда. Қизкетканда обиҳаёт шарқираб оқаяпти. Юзлаб насослар ташна ерларга Амудан сув қўтариб бераётир.

Қорақалпоғистоннинг Тахиатошини қурилишлар шаҳри дейишлари бежиз эмас. У гўё саҳронинг қоқ ўртасида турган гулбоғга, катта кубиклардан ясалган ҳашаматли саройга ўхшайди. Амударёнинг ўрта белидан Бухоро — Урал газ қувурлари ўтган — бамисоли дарёга боғланган олтин тасма.


Нукусда бўлганмисиз — автоном республиканинг пойтахт шаҳрида? Унда беш-олти йил бурун бўлган одам уни бугун бориб кўрса, ҳусни-жамолини таний олмайди. Шаҳарнинг ўртакайида ойнавон универмаг, данғиллама меҳмонхона. Меҳмонхонанинг қоқ рўпарасида «Қирққиз» деб аталадиган ёшлар кафэси қад кўтармоқда.

Орол — Қорақалпоғистоннинг зилол ойнаси. Бу кўзгуда Бердоқ ва Ажиниёз, Кунхўжа ва Аяпберган авлодларининг тиниқ юзи кўринади.

Гапни кўп чўзмай, хуллас, Қорақалпоғистоннинг турган-битгани илҳом, қаҳрамонлик, саргузашт, қўшиқ, муҳаббат. Жировлари уни ярқираб чиққан кунга, тўлишиб турган ойга ўхшатар эканлар, тамомила ҳақлар.

Бу диёр менга ҳам бир дунё завқу шавқ бағишлади. Унинг ял-ял бўёқлари кўзларимни қамаштирди. Шоир бўлмаганимга ачиндим. Яхшиям мўйқалам бор экан, унинг ўзимни маҳлиё қилганларини суратга туширдим ва улардан айримларини «Гулистон»га тақдим этдим. Бу асарлар менинг Қорақалпоғистонга ошиқлигимнинг бир гулдастасидир, холос.

Николай КОРНИЛОВ, рассом.



ЯЙЛОВДА.

ЎЗБЕК











ЧИННИСИ

Лаъли ОЛИМОВА

Уйга меҳмон келганида мезбон чойга ундайди. Балғами пиёлани қўлга оларкансиз, кўзингиз беихтиёр унинг нафис гулларига тушади. Дилингиз хуш тортиб кетади.

Биз ўзбек чиннисига сайқал бераётган Тошкент чинни заводидамиз.

— Бу чинниларни,— деди завод директори Абдурауф Иброҳимов, жовон токчаларига териб қўйилган чинниларни кўрсатиб,— турли мамлакатларнинг кўргазмаларидан совриндорлик олиб қайтган. Куни кеча яна иккита жаҳон кўргазмасига намуналар жўнатдик. Монреалга юборган маҳсулотимизни намойиш қилибгина қолмай, сотамиз ҳам.

— Монреал кўргазмасига қанча чинни юбордингиз?

— Жами 25 минг сўмлик.

— Чиннисозлар ҳозир нима устида ишлашяпти?

— Қўли гул ишчиларимиз, хассос рассомларимиз Алишер Навоийнинг 525 йиллик тўйи ва Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги кунига атаб ранг-баранг сервизлар тайёрламоқдалар.

Тўёна маҳсулотларнинг намуналарини томоша қилдик. «Атлас», «Ўзбекистон», «Тўй» деб аталганлари исми-жисмига ярашади. Беихтиёр унинг ижодкорлари бўлган қолипкаш уста-ю, моҳир пардозловчига, чаққон сирчи-ю, уста суратқашга таҳсин ўқийсиз.

Завод лабораториясининг бош мудираси Саноат Абдукаримова бизни чинни тайёрлаш санъати билан таништирди.

Маҳсулот тайёр бўлгунча бир неча цехдан ўтади. Махсус қорилма лой цехига келиб тушиши биланоқ, механизмлар ундан катта-кичик зувала тайёрлаб, қолиплаш бўлимига узатади. Бу ердаги дастгоҳлар коса, пиёла, лаган каби турли тахсимчаларнинг хонаки нусхасини тайёрлайди. Махсус цехда пардоз олган хом ашё 700 даражали иссиқ печларга ўтказилади. Сўнгра идишларга сир берилади. Энди навбат гулчиларга келади. Мўйқалам соҳибаларининг диди-маҳорати билан маҳсулотга жило берилади ва қайтадан 1320 даражали иссиқ хумдонларга киритилади. Ундан чинни идишлар ял-ял ёниб чиқади. Марҳамат!

Ҳикмат Ҳолтожиев, Моҳира Раҳимова, Лутфи Ортиқова, Анна Добрелова, Раима Раҳимова... Булар шу бежирим, жонон чинниларнинг ижодкорлари. Заводда бундай бир кафт тупроқдан гўзаллик яратувчилар кўп.

...Завод хиёбонида гуллар лабида ханда. Дарахтлар кўм-кўк...

Унумли меҳнатдан сўнг уйга қайтаётган ва навбатдаги сменага келаётган ишчилар юзини баҳор шамоли силайди. Баҳор!..

Ўзбек чиннисн баҳор сингари ёқимли таассурот қолдиради.

СУРАТДА: Чинни заводининг маҳсуллари.

Г. Графкин фотоси.



ТОҒ ДАРЕСИ Ўрол Таҳинқбоев.



ИПАК ЛАРИ ТИЛ ЛОДАН

Раҳима санъат музейига борганида кўзлари ўз фабрикаси маҳсулотига тушди. Музейда Бухоро зардўзлик фабрикаси ўз чеварлари ишини намойиш қилганди. «Садбар», «Товус», «Заминдўзи», «Бешбарг», «Лола», «Башорат», «Гулдаста» каби ўттизга яқин нусхада тикилган дўппилар, ранг-баранг сўзаналар, нимчалар, сумкалар, туфлилар... Ипаклари тиллодан. Ял-ял ёнади.

— Буни қаранг, мунча чиройли тикибди-я, қўлинг дард кўрмагур,— дейди томошабинлардан бири ҳамроҳига, «Заминдўзи» дўпписига суқланиб боқаркан.— Тикилишига ақлим етмайди!

Раҳима тўлқинланиб кетди. Нотаниш томошабинга шу дўппини ўзининг дугоналари тикканини, зардўзлик касбининг машаққати, завқ-шавқини сўзлаб бергиси келди-ю, тағин ўзини босди. Фабрика зардўзларининг залга қўйилган суратлари қатори ўзиники ҳам бор эди, булар таниб қолишмасин тағин деб ўнғайсизланди.

Раҳима қайсидир шоирдан шундай гапни ўқиган: ўринли мақтовлар ақлли одам учун яхши руҳ демак. У пешанангга тушган ажинларни силаб-силлиқлайди, нохушликларни эритади, янги парвозларга чорлайди.

— Тошкентда санъат музейига албатта киринг,— деган эди дугоналари. Энди улар бу ерда ўз шаъниларига айтилган мақтовларни Раҳимадан эшитишади ва «янги нусха дўппиларимиз тўғрисида нима гаплар эшитдингиз? Навоий номли театрдаги зар тикилган бахмал пардамизни кўрдингизми? Хўп ярашгандир-а?» деб сўрашади. Раҳима дугоналарида ўз касблари мевасидан ғурур, янги изланишларни, янгича илҳом, иштиёқни кўради.

Узи-чи? Узи ҳам. Уз касбидан лаззатланмаса, уни жон-дилидан севмаса, фабрикани аллақачон тарк этмасмиди? Лекин Раҳима ўн тўрт йилдирки шу даргоҳда. Мустақил ҳаётга қадам қўймасданоқ зардўзлик касбини танлаган. Чевар холаси Муборакхон тикkан кашталарнинг тилло ипаклари уни ҳали жажжи қизалоқ эканидаёқ сеҳрлаб қўйганди. Холаси тикарди, нафис санъатга у маҳлиё бўлиб ўтирарди.

Холасининг кўрсатуви, рухсати билан ўзи ҳам унча-мунча тикадиган бўлди. Кичкинагина гулни битказиш учун соатлаб қатим тортарди. Холаси унинг шу тўзимига хурсанд эди.

— Энди фабрикага олиб бораман сени,— деди Муборак опа. Раҳима қўлидан иш келадиган бўлганда.

Раҳима севиниб кетди. Фабрикага қанот боғлаб борди. Лекин уни зардўзликка эмас, бошқа цехга олишди.

Кўнгил севмаган ишдан ҳеч нима чиқмайди. Бу ерга у шунчаки ҳавасга келмаган, уни бу ерга болаликдан юрагига жо бўлиб қолган ишқ етаклаганди. Йўқ, бўлмади: Раҳима ўзини зардўзликда кўраверди. Сменаси тамом бўлди дегунча у зардўзлик цехига югурарди, Муборак холасининг ёнига келиб ўтириб оларди. Раҳбарлар кўришдики, Раҳиманинг кўнгли бу ёнда. Уни дили суйган ишга — зардўзлик цехига ўтказишга мажбур бўлишди.

— Икки-уч ой шогирдлик қиласиз,— дейишди Раҳимага.

Лекин у илк тикkан «20 қубба» номли зардўппи комиссия кўригида жуда яхши баҳо олди. Шундай қилиб Раҳима шогирдликни ўтамади, мустақил ишлай бошлади. Зеҳн қўйиб, дид билан тикарди у. Ҳар бир зар ипак жилваланиб, гўё тилга кирар, ўз гўзаллигидан, чеварининг уқувидан, маҳоратидан сўзларди, «Чоки тоза» дейдиган бўлишди фабрикадагилар Раҳиманинг ҳунарини таърифлаб.

Аввалига Раҳима дамба-дам ёнидаги нусхага қараб тинса, энди бу қарашлар камайди, беҳудага кетадиган вақт қисқарди. Нусхалар Раҳиманинг ҳам тикаётган ишига, ҳам ёдига кўча берди. Лекин бу ютуқлар чевар қизни қаноатлантирмасди. Чевар зардўз Маҳсума Аҳмедова каби йирик-йирик паннолар, зебо қизлар ҳуснига ҳусн қўшадиган нимчалар, сумкалар, туфлилар тикишни истарди.

Дўппи тикдим тиллодан,

Ипаклари эмас, зари тиллодан,—

дея ҳиргойи қилиб тикади у. Ахир зардўппи, зар либосларсиз Бухорода биронта тўй ўтмайди-да. Тикаётган шу нимчаси эрта-индин қайсидир келинчакнинг ниноҳ либоси бўлади, ҳуснини очади, қиз кўнглини кўтаради, қанча-қанча кўзларни қувонтиради.

Раҳима ҳали Ўзбекистон чегарасидан ташқарига чиққанча йўқ. Лекин Москва, Нью-Йорк, Пловдив, Дамашқ, Кобул, Уланбатор каби ўндан ортиқ шаҳарларда бўлгандай ҳис қилади ўзини. Тўгриғоғи, унинг тикkан дўппилари, сўзаналари, сумка-туфлилари бўлган бу шаҳарларда. Улар халқаро виставкаларда неча бор тақдирланган, қанча-қанча одамлар диққатини ўзига тортган.

«Бухоро. Зардўзлик фабрикасига» сўзлари билан бошланувчи хат-хабарлар, талабномалар, буюртмаларнинг йил сайин ошиб бораётгани бежиз эмас. Гўзалликнинг элга манзурлиги бу, Раҳима каби зардўзлар меҳнатининг қадри бу.

Ўтган йилнинг ўзида фабрикага 16 минг киши ташриф буюрди. Келишади, цехларни айланишади, зардўзлар билан суҳбатлашишади, ишларини кузатишади, сўраб-суриштиришади.

— Шу Ленин портретини ростдан сиз тикканмисиз?— ишонқирамай сўради муҳожир туристлардан бири Раҳимадан.

— Ҳа, мен.

— Мана бу дўппининг оти нима?

— Садбар.

— Шунинг учун ҳам дугонамиз Ленин ордени билан мукофотланди,— сўзга аралашди Раҳиманинг ҳамкасби Маҳфиратхон.

Раҳима — нишондор чевар, Раҳима — цехда агитатор, Раҳима «Меҳнат» деворий газетасининг актив мухбири, Раҳима — қатор-қатор шогирдлар устози...

Раҳима ижодкор ҳам. У тез ва соз тикишнигина эмас, нусхаларни ўзи ижод этишни ҳам истайди. Шоиртабиат қиз у. Агар шоир кўзи тушган ҳар бир нарсадан янги фикр изласа, Раҳима янги нусха излайди. Дала кезади у. Лўппи пахталар бодраб ётибди. Ана, теримчи қизлардан бири барака очилган пахтани чаноғи билан чеккасига тақиб олибди. Шу пахта бошда, дўппида бўлса-чи? Раҳима бу фикридан ўзи қувониб кетади. Уйга келиб пахта нусхасини дўппи тепасига, қизагига мослаб чиза бошлайди. Неча бор ўчириб, неча бор чизади. Нусхани юпқа қоғозга кўчиради. Қалам изи устидан бирма-бир игна уриб чиқади. Шу игна қолдирган тешинчалар орқали кўмир кукуни ёрдамида картонга яна андоза кўчиради. Уни қирқади. Ниҳоят нусха тайёр бўлади. Кейин уни зар билан тикади. Номи — «Пахта».

Раҳима ижод қилган «Ой ва юлдузлар», «Кабутар» каби нусхали дўппилар ҳам олтин иплар билан тикилган ҳаёт лавҳалардир.

Зардўз Раҳима қалбида бундай лавҳалардан яна қанча-қанчалари бор. Моҳира уларни яратишдан, қатим-қатим зарлар билан тикишдан чарчамайди. Бу зарларда санъаткор қизнинг ҳусни ва бахти ярқирайди.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА.

ШАҲАН ШОҲ ШОИР

Доктор ҚАМАР РАЙС.

Деҳли университетининг профессори, таниқли ҳинд адабиётшуноси доктор Қамар Райс Ўзбекистонимизда бир қанча вақт бўлиб, тилимиз, адабиёт ва санъатимиз билан яқиндан танишди. Ёзувчи Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» достонини ва марҳум шоир Ғафур Ғуломнинг бир қанча шеърларини ҳинд тилига таржима қилди, айни вақтда ўзбек классик шоири Муҳаммад Заҳириддин Бобирнинг адабий меросини ўрганди. Қамар Райс ўз ватанига қайтиб бориб Бобир ҳақида илмий асар ёзмоқда.

Ҳиндистонда чиқадиган «Хума» журнали муаллифнинг «Шаҳаншоҳ, шоир» сарлавҳали биринчи мақоласини босиб чиқарди.

«Мен,— дейди ўзининг журнал ноширларига йўллаган мактубида Қамар Райс,— халқимиз буюк ўзбек саркардаси Бобирни фақат шаҳаншоҳ деб эмас, гениал шоир деб ҳам билишини хоҳлардим. Афсуски, ҳозир Ҳиндистонда Бобир буюк шоир эканлигидан бехабар кишилар ҳам кўп. Мен шу мақсадда ҳали халқимиз орасида маълум бўлмаган, Бобир қаламига мансуб кўпгина назмларни бевосита қадимги ўзбек тилидан ҳиндустони тилига таржима қилишга киришдим. Бобирнинг шоирлик истеъдоди хусусидаги бўлажак шарҳларимизга шу кичик мақола муқаддима ўрнида хизмат қилади деган умиддаман».

Тошкенту Самарқанд, Бухорою Хива, Фарғонаю Андижон, хуллас, Совет Ўзбекистонининг қайси бир шаҳрига борманг, у ердаги уйлар, чойхоналар ва маданий муассасалар деворларида хушрўй одамнинг рамкадаги суратига кўзингиз тушади.

Бу расмдаги сиймо Чингиз ва Темурнинг вориси эмас. Жаҳонгир шоҳ эмас. Самарқанд, Ҳирот, Қобил ва Панипат фотиҳи эмас. Ҳиндистонда Бобирийлар салтанатига асос солган киши ҳам эмас! Бу — ўзбек халқининг севимли шоири Муҳаммад Заҳириддин Бобирдир.

Бу — овозида чин ошиқлар фарёди жаранглаган, ҳусн маликасининг майин товушидан дили беҳузур, табиат гўзалликларининг шайдоси, ситамгар маҳбубасининг фироқидан дили шикастланган, ёр васлига муштоқ, гўзал водийларда маъсум кезувчи ҳаёлий паринн излаган шоир Бобирдир.

Миртоқи Мир Ҳиндистонда шоир сифатида нақадар машҳур ва севимли бўлса, Ўзбекистонда Заҳириддин Бобир худди шундай машҳур ва севимлидир.

«Бобирнома»ни ва Бобирнинг бошқа асарларини мутолаа қилган ҳар бир киши, уни фақат давлат арбоби, улуғ саркарда деб эмас, балки машҳур шоир ҳам деб тан олади...

Бобир ҳарбий таълимга оид асарларгина эмас, музика ва шеърият санъати хусусида ҳам никита машҳур китоб ёзганлиги қадимий таржимаи ҳол асарларида қайд этилган. Афсуски улуғ мутафаккир олмос истеъдодининг бу томонлари ҳам кўпгина кишиларга маълум эмас.

Бобир асарларининг нодирлиги шуки, улар халқ тушунадиган оддий тилда ёзилган. Бобир шеърларини ўқисангиз кўз олдингизда гўзал табиат, боғ-роғлар, чаманзорлар, зилол сувли сойлар, сабзазор далалар, хуллас табиат бунёд этган барча гўзал латофат дунёси намоён бўлади; улар нафис, теран фикрлар билан шеърий назмга солинган. Мана шунинг учун ҳам Бобир асарлари қарийб тўрт асрдан буён ўзбек халқининг қалб тўридан жой олиб келмоқда.

Шоир форс ва турний шеърият санъатига, уларнинг қонуниятларига объектив ёндашди. Шеърият соҳасида замондошлари ва ҳатто ўзбек халқининг буюк даҳоси Алишер Навоий асарларига ҳам танқидий қарадн.

Ўзбекистонда Бобирни шеърият осмонига кўтарган нарса унинг форс тилида ёзган шеърлари эмас, ўз она тилида — ўзбек (чиғатой) тилида ёзган асарларидир.

Унинг кўпдан-кўп ғазаллари асрлар оша тилдан-тилга, наслдан-наслга ўтиб куйланиб келинди. Яқинда Париж нутубхоналаридан бирида Бобир шеърлар тўпламининг тўла нусхаси топилди. Буни эшитиб ўзбек халқи гўё узоқ вақт йўқотган хазинасини топгандек қувонди.

Бобирнинг халқ орасида бу даражада машҳур бўлишининг сабаби шеърларининг ҳаққонийлигидадир. У ўз назмларида шахсий ҳаёти ва ҳаёт тажрибаларини софдиллик билан куйлади. Шунинг учун ҳам унинг барча ғазаллари шоир ҳаётининг кўзгусидир. Ўзбекистон ва Афгонистоннинг гўзал водийларида ҳозирги кунда Бобирнинг лирик ғазаллари халқ достонларидек машҳурдир.

У ўз рафиқаси Ойшанинг ҳушнжамолига, нозик иффатига юзлаб мисралар бағишлаб, шоҳона таҳсинлар ўқиса, фақир либосини кийиб, маҳбубаси Муборакни қидиради, унинг ситамгарлигидан шикоят қилади, ўзининг нажотсиз оддий бир киши эканлигидан нолинади.

Бобир ғазаллари равон ва тушунарлидир. Шу сабабдан ҳам унинг назмлари ҳар бир шеърият мухлисининг дилига ором беради.

Бобир шеъриятни ниҳоятда қадрловчи, маърифатпарвар киши эди. «Шеър ва ғазални тушунмоқ учун, ўқувчининг ҳис-туйғулари тўла, етук бўлмоғи керак» дейди у шеърият хусусида. Узининг бир насрида у шеърхонликни ман қилмоқчи бўлган шайхни мазах қилиб: «Шайх менга шеърхонликни тарк эттирмоққи бўлди. Ахир, шеъриятнинг «ш» ҳарфидан бебаҳра бу киши, ғазал гаштини қайдан билсин» дейди.

У ўзининг жуда кўп шеърларида ёр-биродарларини, она-Ватанини соғиниб, ўксиниб эсга олади. Ўз Ватанининг сўлим гўзал водийларини ташналик билан қўмсайди ва шундай деб ёзади: «Мен ғариб бегона юртда чўғ-олов устида ухлаб ётибман» дейди. Яна бир шеърида ўзини Ҳиндистонга ташлаб, Қобилга кетиб қолган дўстларидан гина қилиб: «Эй дўстлар, Қобилнинг сўлим оби ҳавосида айши-ишрат билан бўлиб, бу дўзахда ситам-алам тортаётган ватандошингизни унутманг» дейди.

Хуллас, Бобир шеъриятн унинг жонли ҳиссиётлари, жўшқин қалбининг чақириғидир. Унинг бутун халқ оммаси орасида натта ҳурматга сазовор бўлишининг сири ҳам шундадир. У шаҳаншоҳ фотих сифатида тарих саҳифаларида сақланиб келди ва сақланажак. Лекин қалб қўри билан ёзилган шеърияти олдида унинг шаҳаншоҳлиги гадолик қилади десак хато қилмаймиз.

Ҳиндий тилидан **Омон ҲАТАМОВ,**
Дадахон НУРИЙ таржимаси.

на боламга қилди... Ҳозир жияк сотиб топганим нима бўлар эди! Жияк тўқиб сотаман! Бу жияк ўлгурга ҳам ҳозир ҳеч ким қарамай қўйди — хотинлар жияксиз иштон киядиган бўлиб кетди! (Йиғлайди).

Каримжон — Қизингиз ердан чиққан етимча эмас, холажон, ўқишга ҳаваси бўлса ўқийди!

Тўтинисо — Ҳавас ҳам гапми, ишдан келса бошини китобдан кўтармайди! Уйимизни китоб тутиб кетган.

Каримжон — Ўқийди дедим ўқийди!.. Мен сизга бир нарсани айтиб қўяй: қизингизнинг суйган йигити бор!

Тўтинисо — Вой!.. Ким айтди?

Каримжон — Ўзи айтди! Мен у йигитни яхши танийман!

Тўтинисо — (эзилиб). Ана у гапларни эшитганмикин?..

Каримжон — Икови бу гаплардан олдин бир-бирига сўз беришган экан. Бир йилдан ошибди!

Тўтинисо — Менгина ўлай! Вой ўлганим яхши!.. Ким қанақа йигит экан?

Каримжон — Хордиқ куни бизни кўргани келади, ўшанда мен сизни чақираман, кўрасиз!

Тўтинисо — Вой, қандоқ бўларкин... (Туради).

(Умида киради.)

Каримжон — Ўтиринг, хола, ҳали гап тамом бўлгани йўқ! Куёвингиз ўқитувчи, олим йигит! Шундай олим куёвнинг қайнанаси район бозорида жияк сотиб юриши тўғримн?

Тўтинисо — Албатта нотўғри! Албатта хато! Бундан кейин жияк сотмайман!

Каримжон — Нима иш қиласиз?

Тўтинисо — Куёвимнинг хизматини қиламан!

Каримжон — Куёвингиз қайнанасини хизматкор қилиб қўядиган йигитлардан эмас! Ишга кирасизми?

Тўтинисо — (хижолат). Колхозга ариза берганн юзим чидамайди-да.

Умида — Ишлайман десангиз мен иш топиб бераман.

Тўтинисо — Жон кошки эди! Худоё умрингиздан барака топинг...

Умида — Лекин бир оз ўқишингиз керак бўлади.

Тўтинисо — Ўқийман, ҳар қанча десангиз ўқийман!

Бўстон — (киради). Вой жоним-е!.. Кўзим очилди! (Умидага.) Қўлингиз енгил экан...

(Тўтинисо унга еб қўйгудай бўлиб қарайди ва айтадиган сўзини айтгани пайт пойлайди.)

Каримжон — Энди, ая, бизга, жавоб берасиз, районга бориб келамиз.

Бўстон — Нима қиласизлар районда?

Каримжон — Умидахонинг аяларини кўриб келайлик, айб бўлиб кетди!

Бўстон — Иковларинг бирга борасизларми? (Тўтинисога кўз қирини ташлаб.) Битта-битта бориб келинглар, мен ёлғизман!

Каримжон — Ие, шу ҳам гапми! Кинопино кўрамиз, театрга борамиз...

Бўстон — Унақа бўлса мен ҳам бораман!

Каримжон — Бўпти! Кийининглар!

(Умида дастурхонни йиғиштириб чиқади. Каримжон кийингани уйга киради.)

Тўтинисо — (Бўстонга яқин келиб).—Ху имонсиз!.. (Тешикка томон йўналади).

Бўстон — (кетидан). Вой, Тўтинисо, қандоқ бесабр хотинсиз, «эртага бошқа овқат буюраман» дедим-ку!

Парда



табиат оламида



Ёнғоқ — энг кекса дарахтлардан бири. Уни гарчи юнон ёнғоғи десалар ҳам, у бизнинг ўлкада кенг тарқалган. Масалан, Қирғизистоннинг Арслонбоб тоғларида минг-минг гектарлаб ўсиб ётган ёввойи ёнғоқзорлар бор.

Ёнғоқнинг сеҳрли, шифобахш мақтовини „Гулистон"нинг иккинчи сонида ўқигансиз. Буни бизга ҳурматли олим Маннон Тўйчиев айтиб берган эди. У ёнғоқнинг хосиятлари тўғрисида узоқ йиллар илмий-кузатув ишлари олиб борди. Натижада „Ўрта Осиё ёнғоқзорлари" деган мавзуда шу йил 6 февраль куни докторлик диссертациясини ёқлади.

❋

Шоҳтут — кўп ажойиб хосиятли дарахт. Уни халқимиз дармон дарахти ҳам дейишади. Абу Али ибн Сино шоҳтут шарбати билан томоқ, оғиз, тиш касалликларини даволаган. Меваси ангина, оғиз яраларини, ичбуруқни тузатади, пешобни ҳайдайди, қонни тозалайди. Бугина эмас: иситма, қон босими, ошқозон, бош оғриғи ҳамда шиш касалликларини даф қилади. Илдиз, пўстлоқларини қайнатиб ичилса, ичак, ошқозон яраси тузалади. Мевасини соғлом кишилар истеъмол қилса, соғлиғи янада яхшиланади, иш қобилияти ортади.

Шоҳтут серҳосил, сермева дарахтлардан, у вояга етганда бир тупидан бир гектар ердаги қулупнайга тенг ҳосил олиш мумкин.

Шоҳтут соғлиққа фойдалилигидан ташқари, ундан энг тоза бўёқ олинади: шоҳтут айнимайдиган ранг беради. Чиқиндиларидан сирка, кислота, спирт, ўғит олиш мумкин.

Ёғочининг мустаҳкамлилигини айтмайсизми! Металл билан бир қаторда туради. У дурадгорликда, тўқув, йигирув корхоналарида муҳим ашёдир.

Афсуски, бу шифокор дарахт камайиб кетяпти. Шоҳтутни кўпайтиришга ғамхўрлик қилинмаётир. Бу дарахтни кўз қорачиғидай сақлаб, парвариш қилишимиз зарур.

Шоҳтутни кўпайтириш учун олдин ҳўноқ тут экилади. Унинг ниҳолига шоҳтут пайванд қилинади. Тез-тез суғориб, парвариш қилиб турилса, 3—4 йилда ҳосил бера бошлайди. 10—12 йилда серҳосил бўлади.

❋❋

Эрта баҳордан бошлаб дала-тузларда, ариқ ёқаларида бирин-кетин қоқи, ялпиз, отқулоқ, беда, жағ-жағ каби гиёҳлар ўсиб чиқади. Халқимиз уларни териб, сомса, манти, чучвара, ҳасиб, қатлама тайёрлайди. Чамаси апрель ойида булар қаторига исмалоқ, шашир, туяпайпоқ, семиз ўт, чайир, ровоч, ток барглари қўшилади. Буларни хомлигича ёки овқат билан ейилади, ёки шўрва ва бошқа овқатларга солинади. Май ойларида ожут, олғи, ширач кабилар етилади, улар овқатга қўшилади. Июнда райҳон, кашнич, арпабодён, тоғрайҳон, кийик ўт, олхар, ёввойи пиёз, саримсоқлар тайёр бўлади. Бу кўкатларнинг ҳаммаси дармондори (витамин), кислота, ифори мой ва маъдан тузларга бой.

Бу гиёҳ ва кўкатларнинг ҳикмати улуғ. Халқимизнинг баҳор кезларида буларни истеъмол қилишлари бежиз эмас. Бу кўкатлардан Абу Али ибн Сино замонидан бери дори-дармон тариқасида фойдаланиб келинади. Улар соғлиқни яхшилаб, кишига қувват беради, ҳатто унча-мунча дардларга даво бўлиши мумкин. Масалан, ични тозалаб, юрак фаолиятини яхшилайди.

Кўклам кўкатлари ўлкамизда кўплаб ўсади. Уларни териб, истеъмол қилиш олдидан икки-уч марта тоза сувда ювиб олиш керак.

❋❋❋

Пес ҳеч жойни оғритмаса ҳам кўнгилни ғаш қилади. Уни даволаш учун қанча дори-дармонлар қидирилди, биронтаси фойда бермади. Бу дарднинг давосини оққурай деган ўсимликдан қидириш керак.

Оққурай ўсимлиги дуккаклилар оиласига кириб, лотин тилида псоралса дурпасса дейилади. Поясида 8 процентдан зиёд тола ҳосил қилади. Толасидан қаноп, арқон, қопқанор каби буюмлар тайёрланади, ундан қурилишда ҳам фойдаланса бўлади. Оққурай оппоқ гуллайди, асаларичларга севимли озуқадир. Қуриганда ҳайвонлар ейди. Уруғи 15 процентга қадар мой ҳосил қилади. Барг ва поясида маълум даражада эфир мойи, қанд ва мум бор.

Халқ тиббиётида баргидан тери, сўгал, уруғи ва илдизидан эса пес касалликларини даволашда фойдаланилади. Оққурайдан

БОҒНИ БОҚСАНГ БОЙ БЎЛАСАН

Ўзбекистон — боғлар диёри. Қадим-қадимдан шириншакар анжири, лаъли анори, ҳусайни узуми билан жаҳонга машҳур. Шарқдан ғарбга, шимолдан жанубга бетиним қатнаган карвонларнинг кажаваларида Ўрта Осиё қуёшида етилган ноз-неъматлар эллардан-элларга дўстлик туҳфаларидек элтилган. Замонлар бўлган, бир дона ўзбек қовунининг уруғи юртлардан-юртларга ўтган; замонлар бўлган, мевали дарахтнинг бир дона данаги юртимизда ўрин топгунча қанчадан-қанча саргузаштларни бошидан кечирган; замонлар бўлган, ўтмишнинг бемаъни урушлари, феодал ҳукмдорларнинг ўзаро қирғинлари касофатига минг-минг боғ харобазорга айланган.

Улуғ Октябрдан кейин боғдорчилик ҳам кенг майдонларга қулоч ёйди. Эл азми билан бунёдга келтирилган каналлар, қўш кокил Сирдарё ва Амунинг жиловланган сувлари неча минг гектар боғ-роғлар жамолини очди. Эндиликда Ўзбекистон мева етиштиришда илғор республикалар қаторига кўтарилди. Бугун республикамиз Совет Иттифоқида етиштириладиган майзнинг 70 процентини, қуритилган мева ва туршакнинг 80 процентини бермоқда. Ўзбекистон узум ва бошқа мевали дарахтларнинг ватани дейилиши бежиз эмас. 1924 йилда республикада 13 минг гектар боғ, 21 минг гектар узумзор бўлса, ҳозир боғлар 142 минг гектарга, токзорлар 51 минг гектарга етди. Ўрта Осиёдаги боғ ва токзорларнинг 60 проценти Ўзбекистонда жойлашган.

Боғдорчилик ва токчилик қишлоқ хўжалигининг энг сердаромад тармоғидир. У қаерда ривожланган бўлса ўша жойдаги хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлади, колхозчиларнинг даромади ортади. Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз кўп йиллардан буён ялпи даромаднинг 65—70 процентдан кўпроғини шу тармоқдан олаётгани далил бўлади.

Мева, узум инсон ҳаётини таъмин этувчи қимматли неъмат эканлиги кўпдан маълум. СССР Фанлар академияси озиқ-овқат медицинаси институтининг маълумотларига қараганда, бир киши бир йилда ўртача 100 килограмм мева-узум истеъмол қилиши керак. Ҳозир Молдавияда жон бошига 267, Грузияда 140, Қрим областида 179, Одесса областида 164 килограммдан ҳўл мева тўғри келади. Совет Иттифоқида бир йилда жон бошига ўртача 25—30 килограммдан узум-мева етиштирилмоқда.

Шунисн ачинарлики, республикамизнинг тупроқ, иқлим шароити нақадар қулай бўлишига қарамай, жон бошига мева-узум етиштиришда анчагина орқада қолиб келмоқдамиз. Сўнгги етти йил мобайнида етиштирилган ҳўл мева, узумнинг 70—75 фоизини чет шаҳарларга чиқарилган ва қуритишга топширилган деб ҳисобласак, жон бошига ўртача 10—12 килограммдан ҳўл мева ва узум қолади

Маълумки, серқуёш ўлкамизнинг унумдор ерларида олма ва нок, ўрик ва шафтоли, гилос ва олча, ёнғоқ ва жийда, анор ва анжир каби инсон саломатлигини сақлашга қодир бўлган қанд, углевод, глюкоза, дармондори (витамин)лар тайёрлаб берадиган мевали дарахтлар, ток яхши ўсади ва юқори сифатли ҳосил беради. Шунинг учун ҳам бизда етиштирилган ноз-неъматлар ҳамма ерда мақталади. Бизнинг узум ва меваларимиз таркибидаги қанд моддаси жаҳоннинг бошқа мамлакатлари меваларидагидан бир ярим баробар кўпроқдир. Бундан келиб чиқадиган муддао шуки, республикамизда боғ-роғларни кўпайтиришимиз, унинг ҳосилдорлигини оширишимиз керак. Бунинг учун ер майдонларидан оқилона фойдаланишимиз, ички имкониятларни қидириб топишимиз шарт.

Бу жиҳатдан «Гулистон» журналининг ажойиб таш-

❋ ШОҲТУТ
❋❋ КЎКЛАМ ГИЁҲЛАРИ
❋❋❋ ПЕСНИНГ ДАВОСИ — ОҚҚУРАЙ
❋❋❋❋ ЧОВЛИ
❋❋❋❋❋ ҚОН БОСИМИНИНГ ЧОРАСИ

„Гулистон"хонлар Маннон Тўйчиев домлани биология фанлари доктори деган илмий даражага мушарраф бўлгани билан самимий қутлайдилар ва унга узоқ умр, самарали ижод тилайдилар.

„ГУЛИСТОН"

«псорален» деган дори тайёрланади. Бу дори песни даволашда яхши натижа беряпти.

Оққурай республиканинг тоғ бағирларида, адирларда кўплаб ўсади. Йирик оққурайзорлар Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё областларида учрайди. У 135 минг гектардан кўпроқ жойни эгаллаган. Бу жойлардан ҳар йили камида 500 минг тоннага яқин пичан йиғиб олиш мумкин.

Оққурай кўп йиллик ўсимликлардан бўлиб, бўйи 1—2 метрга етади, май ойидан бошлаб гуллайди, уруғи июль-сентябрь ойларида етилади.

❋❋❋❋

Човли манзарали фойдали ўсимликдир. У Фарғона, Чотқол тоғларида ўсади. Бу ўсимликнинг сертана, эгилувчан новдаларидан човли тўқилади. Човли қурғоқчиликка чидамли нарса, у гоҳо алоҳида тўп-тўп, гоҳо олма, ёнғоқ, қайин каби дов-дарахтлар билан бирга ўсади. Човли хўжаликда, саноатда, тиббиётда ишлатилади. Хўжаликда сават, човли, замбил ва бошқа турли асбоб-ускуналар тайёрланади, четан девор қилинади. Пўстлоғи, гули, илдизидан қора-қўнғир бўёқ олинади. Гули асаларичиларга озуқадир. Саноат учун ошлов моддалар, дармондорилар олинади. Халқ тиббиётида илдизини қайнатиб сариқ, ичбуруқ касалликларини даволаб, яраларни тузатганлар.

Човли офатга чидамли, тез авж оладиган беор ўсимликдир. Уруғидан кўпайиб, яхши ривожланади. Унинг новдалари қирқиб олинганда ҳам яна тез ўсиб чиқади. Човли ерларни бузилиш, жарланиш, сел, шамол каби табиий офатлардан ҳимоя қилади.

Бундан ташқари, човлидан пайвантак ўрнида ҳам фойдаланиш мумкин.

❋❋❋❋❋

Шу кунларда қон босими касали билан оғриганлар тез-тез учрайди. Хўш, нима қилса қон босими жойига келади? Маслаҳат шу: ҳар куни эрталаб тўрт донадан ёғлиқ ёнғоқни нонга қўшиб ейиш керак. Кейин қизил зирхни қайнатиб, шакар қўшиб, кунига ярим литрдан ичиб туриш керак. Бу — кишини енгил, бардам, бақувват айлаб, яхши ухлатади.

Буни ҳар ким ҳам қилиши мумкин. Енғоқ, зирк, қанд кишига асло зиён келтирмайди. Шифобахш хосиятли ёнғоқ, зирк ҳар тарафлама фойдалидир.

М. ТЎЙЧИЕВ,
биология фанлари доктори.

килотчилик ташаббусини табриклаш керак. Чиндан ҳам Ўзбекистоннинг неча юз минг километрли йўллари ёқаларини дарахтзор қилиш пайти келган. Ҳисобимизча, республикадаги катта-кичик йўл ёқаларига мевали дарахт экилса, улардан ҳосилга кирганида йилига тахминан 260 минг тонна мева йиғиштириб олиш мумкин. Буни давлат харид нархи билан ҳисобласак 82 миллион 850 минг сўм бўлади. Шу меванинг ўзинигина республикамиз аҳолисига тақсимласак жон бошига 34 килограммдан тўғри келади. Яна соддароқ ҳисоб-китоб қилайлик-а: мавжуд йўл ёқаларидан 50 фоизини яроқсиз ёки мевасиз дарахтлар, ёки тут дарахти экилган дейлик. Қолганига экилганда ҳам улардан вақти келиб тахминан 130 минг тонна мева йиғиштириб олиш мумкин, буни пулга чақсак давлат нархида 41 миллион 427 минг сўм бўлади ва ҳоказо.

Республикамизнинг олтин унар тупроғида истаган мевали дарахт ўсиб, ҳосил бераверади. Гилос, олча жуда беор ўсимлик — йўл ёқалари, ариқ бўйларида ўсаверади. Айниқса ёнғоқ ва жийдалар баҳорда хушбўй ҳиди, кузда эса минг бир дардга даво меваси билан кишиларга ҳузур, шифо бахш этади. Юртимиз ҳуснига ҳусн, чиройига чирой қўшади.

Ушбу мақолада узум ва мева етиштириш соҳасидаги ютуқ-камчиликлар, муаммоларга батафсил тўхталиш имконияти бўлмади. Ўзбекистонда боғ-роғларни кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, боғзорларни механизациялашга доир фикрларни ўртага қўядиган фурсат ҳам келди деб ўйлаймиз.

Муҳиддин ТУРҒУНОВ,
Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

ЯХШИ ТАШАББУС

«Гулистон» журналининг иккинчи сонида эълон қилинган олим Маннон Тўйчиев, шоир Қуддус Муҳаммадий ва журнал мухбирларининг она табиат ҳақидаги мароқли гурунглари бизнинг «Ёш турист» номли мактаб ўлкашунослари да катта қизиқиш туғдирди.

Қирққа яқин оташ юракли ўғилқиз бирлашган тўгарагимиз Парнент, Чотқол, Пском тоғлари орасига бир неча кун саёҳатга чиқди. Бироқ журнал эълон қилган суҳбат бизни тоғ табиатининг кўз илгамас сирларини янада чуқурроқ ўрганишга ундади. Шунинг учун «Гулистон» редакциясида ўтказилган баҳсни тўгарагимиз аъзолари орасида давом эттириш мақсадида биология фанлари доктори ҳурматли Маннон Тўйчиевни ҳузуримизга таклиф этдик.

«Гулистон» бошлаб берган она табиат мунозараси бизнинг 144-махсус ҳиндий тили мактабида ҳам қизиқарли ўтди.

Ўйлаймизки, «Гулистон» келаси сонларида ҳам табиат ҳақида қизиқарли нарсалар босиб, биз каби ёш мухлисларни хурсанд этади.

Мактаб ўқувчиси
Ҳакима АШУРМЕТОВА.
Тошкент шаҳри.

Рамз БОБОЖОН

Лирик шеърлар

* * *

Кул, севгилим, яйраб-ўйнаб кул,
Қувнаб-қувнаб кул,
Чиройингга қўшилсин чирой!
Кулги — қалбга сиғмас тошқин сой...
Ҳаммага ҳам ярашар кулги,
Ярашади, айниқса, сенга.
Ҳар кулгингда бир дунё севги
Тортиқ этган бўласан менга.
Кул, азизим, офтоб бўлиб кул,
Эртандаги моҳтоб бўлиб кул!
Чарақлаган юлдуз бўлиб кул,
Кундуз бўлиб кул!

Ўн етти ёшингда

Бугун ўн еттига тўласан, қизим,
Сенга гул тутади ўн етти баҳор.
На сендан, на мендан сўрамай изм,
Шамол деразангни чертади наҳор.

Тура қол, жигарим, тонг сенга маҳтал,
Кўйлак тўкиб келган қуёш нуридан.
Олтин нуз уфириб бўйи муаттар,
Сенга жой кўрсатар богнинг тўридан.

Боққа чиқ, рангро ранг барглар поёндоз,
Сочингдан тортқилаб қуйлайди еллар.
Қушлар муборакбод қилар хуш овоз,
Ўзига чорлайди, ёрқин соҳиллар.

Сени табриклашга чиққан ўроқ ой
Исирга бўлай дер қулоқларингга...
Ёшлик юрак сирин очса, ҳойнаҳой,
Ҳарорат тепади ёноқларингга.

Ҳали сен билмайсан, дард-алам нима?
Билмасанг-билмабсан, қалбингда ғурур!
Лекин машаққатни машаққат дема,
Паст-баландсиз йўл йўқ, ташвишсиз умр...

Тура қол, Қорасоч, тарк эт уйқуни,
Бўйингга марварид бўлсин юлдузлар!
Қалбингга йиғиб ол олам кулгуни,
Шодлигинг кўролмай куйсин оч кўзлар!

Сен ҳамон ухлайсан, гўдандай бегам,
Жилмайиб қўясан ширин туш кўриб,
Тушдаги бир дунё бахт сен учун кам,
Унгингда дарёдай оқсин мавж уриб...

Бугун ўн еттига тўласан, қизим,
Ақлу ҳуснинг яна топади камол.
Ун етти ёшингда оталик сўзим:
— Чеҳрангда ҳамиша кўрай навбаҳор!

Ўзинг танла!..

Денгиз соҳилида турардик икков,
Сен бир тош устида, мен бошқасида...
Тонг сувдан кўтариб чиққандай ялоз,
Офтоб жилоланди тоғ қошқасида.
Юр десам, юрмадинг, сен қолдинг танҳо,
Мен мавжлар қўйнида чўмилдим, суздим.
Тўлқинлар даф қилса, толиқдим гоҳо,
Гоҳо чап бердиму, тўлқиндан ўздим.
Барибир, узоққа кетолмадим ҳеч,
Оҳанрабо тортган темир парчадай.,
Наздимда тонг эмас, сочин ёйди кеч,
Сенсиз ўтган фурсат худди анчадай...
Сен сари интилдим, чиқдим қирғоққа,
Севгингни сир тутиб, турардинг ҳамон.
Зумрад тошни ўйнаб отдинг йироққа,
Бир қичин заррадан денгизда тўфон...
Ажабо! Талай вақт англай олмадим,
Денгиздами ёки қалбимда бу ҳол.
Сенга қайси манзур, танлай олмадим,
Қайси бири ёқар, ўзинг танлаб ол!

Баъзан...

Хислатинг мураккаб! Билмас эканман,
Табиат қўйнида пайқадим, нетай...
Кечир, балки, парво қилмас эканман,
Денгизнинг ўзисан, садаганг нетай!
Баъзан ғазабланиб отасан тўлқин,
Баъзан бир гўдаксан йўргакдагидай.
Баъзан ўйга чўмиб қоласан сокин,
Сирли кўринасан эртакдагидай.
Баъзан рашкинг кўзғаб шамол ўйнаса,
Тошларга бош уриб қиласан туғён.
Баъзан севги сени тилсиз қийнаса,
Дардингни айтолмай, бўласан пинҳон.



Хайриддин САЛОҲ

Тошкент билан суҳбат

Достон

I.

Ер қаттиқ силкинди, лекин юраклар
Теракнинг баргидай титрагани йўқ.
Ер қаттиқ силкинди, лекин тилаклар
Симоб қатрасидай титрагани йўқ.

Ер қаттиқ силкинди ва қилди зарда,
Лек ўлим ўқини ўқталгани йўқ.
Ер қаттиқ силкинди, лекин шаҳарда
Қурилиш бир нафас тўхтагани йўқ.

* * *

Бинокорлар иши этарди давом,
Қўли гул меъморлар нақш ўярди.
Ким тунука қоқиб ёпар эди том,
Пойдевор устига ким ғишт қўярди.

Шаҳарни тиклашга бел боғлади эл,
Четда қололмадим сафлардан мен ҳам.
Керагинг бормиди, сўзлагин эй, дил,
Юртинг бир дардига бўлмасанг малҳам.

Лой қордим, сув сепдим, ташдим шағал,
Сувадим уйларнинг синиқ дарзини.
Камайгандек бўлди назаримда сал
Шаҳрим одамларин манглай ажини.

Ишладик, ишладик тўкиб маржон тер,
Қўллар қабарчиди ва бўлди қадоқ.
Қўллар қабарчиса... қилма ҳавотир,
Меҳнат билан кетар юракдаги доғ.

Йўлда машиналар учар бетўхтов,
Ҳаракат тезлиги ўхшайди нурга.
Одамлар юришар,
Ўрнида қатнов,
Кўрдиму келдим шу қатъий фикрга.

Тошкентда ҳордиқ ҳам,
Иш ҳам етарли.
Тошкентда шодлик ҳам,
Ишқ ҳам етарли.
Тошкентда севинч ҳам,
Гул ҳам етарли.
Шаҳарни тиклашга
Қўл ҳам етарли.

Йўқ! Тошкент ҳаёти
Эмас хатарли.
Бардоши, саботи,
Бари етарли!

«Тошкент ер остида қолди», деганлар
Марҳабо! Ҳозироқ кўрмакка келсин.
Тошкентни жонидан ортиқ севганлар
Ёлғиз меҳри билан кўмакка келсин!

Шаҳрим, аввал-охир севганим сенсан,
Бўлмасанг қўшиғим қоларди унсиз.
Сен-ку мен бўлмасам яшайверасан,
Аммо мен, аммо мен яшолмам сенсиз!

II.

Шаҳрим, тонготарнинг мақтаб, улуғлаб,
Ғафур ота ёзди шаънингга шеърлар.
О, Тошкент, эсга ол, эсга ол, йўқлаб,
Халқда уни Ота шонрим, дерлар.

Кексалар оғзида бир гап юради:
«Норидан айрилган йиғлар етти кун».
Юракда меҳрдан қуёш туради,
Ўтнафас шеъримиз арслони учун.



Зилзиланг кунлари сенга фидодай
Кўз юмди... абадий уйқуга кетди.
Барча шогирдлари етим бўтадай —
Бўзлади... дўстлари зўр мотам тутди.


Йиғлади, йиғлади она ўлкаси,
Тош эриб мум бўлди, тўкди Олмос ёш.
Тобути устида тўлиб ўпкаси,
Собит Муқон турар эгганича бош.

Ахир, куни кеча Олмаотада
Кезишган эди-ку ҳаётга шайдо.
Наҳот туролмади дўсти ваъдада,
Наҳот бугун учар лабдан «Алвидо»!

Чинакам нор эди,
Даҳрий эди у,
Шак келтирган дину бисмиллоларга.
Ночор дафн этдик, қўшни бўлди у
Чиғатойда Уйғур, Отеллоларга...

Гарчи зилзиладан кўксингда яра,
Гарчи бир «оҳ!» ётар мажруҳ қалбингда.
О, шаҳрим, аммо сен олдингга қара,
Ёруғ, бахтли кунлар ҳали олдинда.

Тошкентим, кундан-кун яшнайверасан
Ҳуснда етилиб баркамол, тенгсиз...
Сен-ку мен бўлмасам яшайверасан,
Аммо мен, аммо мен яшолмам сенсиз!



III.

Дўстни икки ҳолда сина, дейдилар,
Бир ёруғ кунда-ю, бир оғир кунда.
Унинг чин дўстлиги шунда билинар,
Доғули бўлса ҳам билинар шунда.

Эшелонлар кирди оқиб Тошкентга,
Ёзувин ўқидим чиқиб бир четга:
— Москва — Тошкентга!
— Боку — Тошкентга!

— Ереван — Тошкентга!
— Киев — Тошкентга!

* * *

Югур-югур билан тугади кун ҳам,
Кеч кирди, юлдузлар тангаранг, кумуш.
Бошимда ғувиллаб фикрлар мубҳам,
Аста уйқу элтди. Кўрибман бир туш:

...Ажаб, тақдир-азал улоқтирганмиш
Она-Ватанимдан ўзга соҳилга.
Қаршимда серҳашам дунё турганмиш,
Лекин у сиғмасмиш сира кўнгилга.

Шундай бир дунёки, кўки ложувард,
Қўйнида ресторан, қаҳвахоналар.
Юзида сохта завқ, кўнгли тўла дард,
Қийқириб рақс этар маст жононалар.

Улар қўшиқ айтар:— Кел, Парижга кел!
Улар зорланарди:— Соррентога қайт!
Улар куйлашарди:— Мексика соз эл!
Мен сенга қайтмоққа шай эдим у пайт.

Мен сенга қайтмоққа шай эдим, шаҳрим,
Шонли мамлакатим юрак парчаси.
Қайтмоққа шай эдим, шай эдим у зум,
Навоий кўчаси — севги гўшаси.

Шаҳрим қизларининг тонгдай ишқини
Алишгим келмас минг раққосасига.
Алишгим келмасди ёт эл кўшкини
Тошкентим Самарқанд дарвозасига.

Юракда ёнарди соғинч, аланга,
Қумсардим Хадрани, Дарҳон, Кўкчамни...
На Париж, на Румо ва на Миланга
Алишгим келмасди энг тор кўчамни.

Парча нур ўйнади пешанам узра,
Кўз очдим уйқудан, қолдим буткул лол.
Шаҳримдаги ҳар уй, ҳар хона узра
Тонг отиб келарди тоза ва зилол.

Тошкент, тушимда ҳам мангу биргасан,
Кўнглим ўксик қолар сендай маскансиз.
Сен-ку мен бўлмасам яшайверасан,
Аммо мен, аммо мен яшолмам сенсиз!



IV.

Лабзакда ҳовузлик она маҳаллам,
(Одамлари асли Ҳофиз Кўйкидан)
Чортоқ кўчирилди сағал шаҳардан,
Лекин олис эмас Тошкент кўкидан.

Менинг кичик акам бир оз сержаҳл,
Қора ишчи, аммо фалсафаси бор:
— Мен она ҳовлимдан саккиз балл тугул,
Ўн икки балда ҳам жилмайман зинҳор!

Кимсасиз қўшнимиз Вера холанинг
Зилзила пайтида учди мўрқони.
Ишга шошар эди... вақти зиқ унинг,
Мўрқонин тиклашга йўқди имкони.

Акам шитоб билан чиқиб томига,
Уни тиклаб қўйди, бўртиб юз-кўзи.
На бир олқиш оқди акам номига,
Олқишнинг вақти ҳам эмасди ўзи.

Уруш ёлғизидан айирган кампир,
Шаҳодатхон она — мунис волида,
Уйига киришга қилиб хавотир,
Жунжикиб турарди танҳо ҳовлида.

Дўстларни чорладим. Уч-тўрт ёш-яланг
Унга ясаб бердик шинам бир чайла.
Чайла битгунича қилди хўп гаранг:
— Энди бўлмасмикин болам, зилзила?..

Зилзила... юракка солдию қўрқув,
Ўғирлай олмади инсон ақлини.
Элни тарқатмади, йўқ, аксинча у
Дўстлигин оширди шаҳар аҳлининг.

Тошкентим, бир қадам силжимам сендан,
Сенсиз бу ҳаётим қолар мазмунсиз.
Сен-ку мен бўлмасам яшайверасан,
Аммо мен, аммо мен яшолмам сенсиз!



V.

Тупроқ ўйнар эдим болалигимда
Кўча ўртасида ясаб ҳаммомпиш.
Гўё у даводай оловлигимга,
Мени чалғитарди айни вақти туш.

Гоҳ ўтиб қоларди қўқон арава,
Ортидан чопардим усти-бошим чанг.
Койиниб қўярди онам бечора:
— Ҳой, ўғлим демайман, тупроқ ўйнасанг!

Нима ҳам бўлди-ю, бир дард ёпишди,
Ҳаракатсиз қолди оёғим, ҳайҳот!
Отам-онам даво излаб чопишди,
Табиблар дебдики:— Бод бўлибди, бод!

Ўтказиб юборманг дарднинг вақтини,
Уғлингиз тезликда тушсин тупроққа.
Тупроққа тушдиму (кўринг бахтимни)
Икки ой ўтмасдан турдим оёққа.

Қатор йиллар ўтди... Йигитча бўлдим,
Олис бир сафарга чорлади ўлкам.
Хайрлашмоқ учун яқин дўстларим
Ҳовлимиз саҳнида бўлди жамулжам.

Йўлга чиқар чоғим манглайим ўпиб,
Олам дуо қилиб оқ йўл тилади.
Ва кичик халтада бўз тупроқ тутиб,
Дедики:— Йўлингда ҳамроҳ бўлади!

Жуда олис кетдим,
Ошдим тоғ, довон,
Ортиқ соғинтирди дўстлар дийдори.
Ортиқ соғинтирдинг шаҳрим, онажон,
Қадрдон бўсағам қилди ҳумори.

Мен ўша халтача оғзини очдим,
Искадим, искадим бир кафт тупроқни.
Сафардош дўстларим мен сари шошди:
— Чекайлик, тамаки сенда кўпроқми?

Кўришса, халтада тамаки эмас,
Бўз тупроқ... аския учди кетма-кет.
— Тупроқ олиб юриш... Шу ҳам бир ҳавас...
Мен дедим:
— Оғайни, Тошкент бу, Тошкент!

Кўзларим ўнгида жонланди бирдан
Салор бўйлари-ю Чирчиқ соҳили.
Зилол сув сатҳида акс этиб турган
Шаҳрим сулувларин қирқ бир кокили.

Тошкент, хаёлингсиз юрган эмасман,
Хаёлинг ўзи ҳам мавжли бир денгиз.
Сен-ку мен бўлмасам яшайверасан,
Аммо мен, аммо мен яшолмам сенсиз!



VI.

Қайта қурмоқ учун отландик сени,
Меҳнат фронтида от сурамиз, от!
Қардошлик шаҳрини, мардлик шаҳрини,
Муҳаббат шаҳрини этамиз бунёд!

Ҳали юксаласан барваста, ўктам,
Ҳали юксалади қаддинг самбитдай:
Оғушинг бўлғуси кўркамдан-кўркам,
Чеҳрангда гард, ғубор қолмайди қитдай.

Янги хиёбону янги боғларинг
Тағин маскан бўлар севгилиларга.
Сайр этиб чиқишар кўз қароғларинг
Улкан йўлдош шаҳар Сергелиларга.

Шунда сен дўстларни кутиб оласан,
Ҳа, меҳмоннавозлик эски таомил.
Тошкент, юксаласан,
Сен юксаласан,
Юксалмоғинг учун ишончим комил!

Ўзинг-ку юксаксан,
Тик юксаласан,
Бардоши тош-метин — она-Тошкентим.
Жаҳон-жаҳонларга довруғ соласан,
Бу орзу, бу ишонч фарзандлик онтим.

Менинг қўлим бўлар сўлмас гулингда,
Заранг биноларинг ўчмас нақшида.
Арзийди умримни тиксам йўлингга,
Арзийди жонимни этсам бахшийда.

Сен билан эй, шаҳрим гул ҳаётим шан,
Сен борки, умрим ҳам бўлмагай эссиз.
Сен-ку мен бўлмасам яшайверасан,
Аммо мен, аммо мен яшолмам сенсиз!

1966 йил.

Мирқарим ОСИМ

ҲИРОТ ДОРУҒАСИ

Ҳикоя

Шоир қўлини орқасига қилиб бошяланг, ҳовлисидаги «бинафшазор» атрофида айланиб юрарди. Ғир-ғир эсган шаббода ўз қанотида шаҳарнинг шимол томонидаги пистазор тоғлардан ажойиб хушбўй ҳидларни олиб келарди. Ҳаво илиқ, осмон беғубор, капалаклар бинафшалар устида учиб юрарди.

Шоирнинг тарам-тарам қизил юзи майин табассум билан ёришиб, хиёл қийиқ кўзлари қулимсирар эди. Навоийнинг содиқ мулозими Беҳлул унинг ҳаёлини бўлиб қувончига ҳалал бермаслик учун ўзини унинг назаридан олиб қочди.

Орадан кўп ўтмай кўча томондан: «Мени қўйиб йборинг, Мир ҳазратларига арзим бор» деган овозни эшитиб, шоир тўхтади. Аллаким йиғламсираб гапирар, Беҳлул босиқ овоз билан юпатишга тиришар, ора-сира унинг «Андак сабр қилсинлар, истироҳатлари бузилмасин» дегани қулоққа чалинарди.

— Маҳдум, ким ул? Нега ичкари қўймайсиз?— деб сўради шоир қошини чимириб.

Элликларга бориб қолган бўлса-да, ҳали тетиккина Беҳлул шоирнинг олдига шипиллаб юриб келди:

— Бир одам арз-дод билан келибдур, озроқ сабр қилиб туринг десам унамайдур.

— Айтинг, ичкари кирсин,— деди Навоий меҳмонхона томон йўл олиб. У тўрдаги тўрт қават кўрпачага ўтирди. Юмолоқ болишга тирсагини қўйиб, сабр билан меҳмонни кутди. Икки-уч дақиқадан сўнг гавдаси бир оз букчайган, бўз чопон кийган ўрта ёшли кириб таъзим қилди ва кавш ечадиган жойга ўтирди:

— Хўш, хизмат?— деди шоир, келган кишининг қизарган кўзларига қараб, мулойим овоз билан.

— Фақир-фуқаронинг шаҳарда сиздан ўзга пушти-паноҳи йўқ. Бошимга оғир иш тушиб, қошингизга келдим. Ёрдам илкини узатинг,— шуни деб у белбоғининг учи билан кўз ёшларини артди.

— Айта беринг, бошингизга нима иш тушди?

— Муҳаммад Чинор қизимни олиб кетиб, уйида сохлаб ўтирадур. Маҳкамасига бориб, қизимни бер, десам илкимни орқамга боғлаб, таёқ билан урди: «Сен ўз маҳаллангдаги Пирназар ўғрини тутиб бермасанг, узингни зиндонга солиб, уйингни бузамен, аннинг била ошнолиғинг бордир» деди. Дедим: «Пирназар била ҳаммаҳалла бўлсам-доғи, ошнолиғим йўқ турур. Умримда ул нобакор билан бир мартаба ҳам саломлашганим йўқ. Қизимни бер, номусға ўлтирдингг!» деб йиғласам, таёқ била урди. Доруға қоронғу тушгунча мени маҳкамасида тутиб туриб, кейин қўйиб йиборди.

Навоий пешанасин ушлаганича: «Мирза хизматида бўлғон кишига номуносиб иш» деб ўйлади. Овоз чиқариб, У бошқа одамлардан ҳам шаҳар доруғасининг шу қабилдаги қабиҳ ишлар қилаётганини эшитган эди.

— Муҳаммад Чинорнинг навкарлари бир ҳафта аввал қўшнимизнинг ўн олти ёшли ўғлонини олиб кетибдурлар,— деди меҳмон гапида давом этиб.— Порсохон кўчада кетаётган эркан, бир ясовул ани тўхтатиб: «Сан фалон ибн фалон эрмасмусен, сени уч кундан бери излайдурмен, юр мен била доруға олдига» деб Муҳаммад Чинорнинг ҳовлисига бошлаб олиб борибдур. Фосиқ амалдор учун ўғри баҳона бўлиб қолди. Эл қизи, ўғлонини кўчада ёлғиз чиқаргани қўрқадур.

— Саройға дод деб бормадингизму?

— Борғани қўрқадурман. Саройда додхоҳ иши Муҳаммад Валибек илкидадур. Ўғли устидан атосиға шикоят қилиб борсам, мени омон қўймас.

Муҳаммад Чинор Валибекнинг асранди ўғли эди, шунинг учун у султоннинг энг яқин ва ишончли улуғ бекларидан бўлган отасини орқа қилиб, ҳеч гап тормай, кўнглига келганини қилар эди.

«Агар Муҳаммад Валибекнинг арзандаси ундоғ қилаётир, бундоғ қилаётир, деб Мирзага айтсам, Навоий улуғ беғимга ва унинг ўғлига қарши ғўво қилаётир, деган хаёлга бориши мумкин подшоҳ,— деб ўйлади Навоий,— йўқ бу ишга ўзим бош қўшмай, бу гапни бошқа одам воситаси-да қулоғига етказишим керак».

— Ёшингиз узун бўлсин, додимизга етиб, яқомизни золимнинг илкидан халос этинг, ўла-ўлгунимизча дуойи жонингизни қилурмиз,— деди келган киши, Навоийнинг ўйга толганини кўриб.

— Сизнинг кўз ёшингизни оқизиб қўймасмиз, бир иложини қилармиз,— деди Навоий қисқа қилиб.

Меҳмон раҳмат айтиб, ўрнидан турди ва орқаси билан чиқиб кетди. Навоий ёлғиз қолгач, пешанасини ушлаб кўзини юмди. Чорак соат илгари кўзига ёруғ кўринган жаҳон энди зимистонга айланган, кўнгли ғам, алам билан тўлган эди. Бадани увишиб, икки чакаси сиқиб боши оғрий бошлади.

«Султон шаҳарни Муҳаммад Чинор сингари ифлос одам ихтиёрига бериб қўйган, қўлида май косаси, қулоғига хушомадгўйларнинг ширин сўзи ёқади, эски содиқ дўстларидан хиёнат қилиш менинг хаёлимга келса, шошма,— Навоийнинг юзи мушкул бир масалани ечиш йўлини топгандек ёришди.— Бу гапни шу дарвиш воситаси-да шоҳнинг қулоғига етказаман!»

Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин, шоир ўз муҳлислари билан суҳбатлашиб ўтирганида, Беҳлул бир одамнинг кириш учун рухсат сўраётганини билдирди. Навоийнинг ижозатидан сўнг эшикдан ўрта бўйли, миқтидан, қўнғир соқол, чақир кўзли бир киши кириб таъзим қилди ва қўлидаги тугунни Беҳлулга бериб, пастроқдан жой олди. Фотиҳадан сўнг шоир нима хизмат билан келганини сўради.

— Сиздек улуғ зотнинг хизматларига кирмоқ орзусида келдим. Мендек одамни навкар қилиб олсалар, жонлари ҳузур қилур эди. От минмоқ, ўқ отмоқни билурмен, пазандалик ҳам илкимдан келадур, етмиш хил таом таёрламоқ сирридин воқифмен.

Шоир унинг важоҳатига қараб, қўшинда ўн боши ёки юзбоши бўлиб хизмат қилган бўлса ажаб эмас, ички урушлар тўхтагач, ҳар бир кўчага кириб чиққан бўлса керак, деб ўйлади.

— Кўриб турибмен, ҳар иш илкингиздан келадур, аммо менга на навкар керак ва на ошпаз. Хизматимда бўлғон мулозимлар етиб ортадур.

— Ҳай аттанг! Не умидлар била келган эдим, толеим паст экан, майли Мир жанобларидан, ҳеч бўлмаса келтирган совғамни олиб қолсинлар.

Навоий бош иргитгандан кейин Беҳлул тугунни ечди, ичидан бир калла қанд, ҳал билан ёзилган қуръон ва бир камон чиқди.

Негадир бу кишининг узи ҳам, совғаси ҳам Навоийга ёқмаган эди. Билинар-билинмас пешанаси буришиб кетди.

— Исм-шарифлари недур?

— Аҳмад.

— Падар бузрукворларининг отлари Тожиддин эрмасму?

— Йўқ номлари Абдулвосе эрди.

— Мен адашибмен, бошқа одам эркансиз. Хўш... боя мен сизга айтдим, бизга навкар керак эрмас деб. Бизнинг эшикда ғарибир йилиға уч юз тангадин ортиқ олмайсиз. Агар мақсадингиз ермоқ топмоқ бўлса, сизга мундоғ маслиҳат.— Мен келтирган бу нимарсаларни сотиб, ўн тангага арабий тугмадор (камзул), қирқ тангага зарбафт камар, ўн тангага ханжар, йигирма тангага жингдамўй бўрк харид этиб устингизни ростланг, илкингизга арғувоний таёқ олиб. ўзингизни ясовул қиёфасиға солинг, бозор бошида туринг. Қаршингиздин хуш суврат бир йигитча келаётганин кўрсангиз, ани тўхтатиб: «Хой йигит, сени тонгдин бери излаб юрибмен, яхшики ўзинг кўринибқолдинг, сени шаҳар доруғаси истаган эрдилар, юр мен била» деб илкидин ушланг. Ул йигит ялиниб-ёлвориб, сизни бир гўшага чорлар ва киссасидин ўн беш-йигирма танга чиқариб ўзин халос айлар. Ани қўйиб йибориб, яна жойингизга бориб туринг. Олдингиздин бир соҳибжамол қиз ўтса, ани тўхтатиб, йигитга айтган сўзларингизни анга ҳам айтинг. Шояд қизнинг отаси сизга олтмиш-етмиш танга бериб, қизни номусдан қутқариб олса... Шу янглиг йилиға беш-олти минг танга даромад қилса бўлур.

Дастурхон устида ўтирганлар шаҳар доруғасининг ишлари яхши билар ва Навоийнинг пайтдан фойдаланиб, дардларини айтаётганини фаҳмлабдилар. Меҳмон эса, Навоийнинг кайфлари ёмон вақтда келиб қолибмен, бировнинг аламини мендан олаётирлар, деб ўйлаб ўрнидан турди. Беҳлул бўлса, қизим сенга айтаман, келинним сен эшит, қабилида сўз қилдилар, деб шоирга қойил қолди.

Султон Ҳусайн ҳужраи хосида зарбафт тўшак устида ўнг тирсагини юмолоқ ёстиққа тираб ҳаёл суради. Қовоқлари салқиган қийиқ кўзларида ўт чақнайди, гўштдор юзида ғазаб аломати, титраб турган қўлида найча қилиб ўралган қоғоз.

Бутун шаҳарда Муҳаммад Чинор тўғрисида дув-дув гап юрсаю, подшоҳ бундан бехабар бўлса! Бу алам қилмайдими! Бекларидан бири олдинроқ келиб уни огоҳ қилса, подшога иснод келтирган фосиқ амалдорнинг чорасини кўрган бўлур эди. Валибекнинг ўғлини эсли-ҳушли йигит деб адашган, қўйларни бўрига топширганини билмаи қолган экан.

Султон Ҳусайн ғазабига чидолмай Чинорни чақиртириб келиб жаллод қўлига топширмоқчи бўлди. Бироқ, ўзини босиб олиб, бу гапларнинг қанчалик тўғрилигини суриштириб билмоққа қарор берди. Шаҳар доруғасининг уйидаги даракчиси унинг бузуқлиги тўғрисида шу маҳалгача лом-мим демаган эди. Бунга қисман ўзи ҳам айбдор: у арбобларнинг ҳаёт нечириш тарзи, маишати билан қизиқмаган, улардан хиёнат содир бўлмасмикан, деб қўрққан.

Шуларни ўйлаб даракчилар воситаси-ла шаҳар доруғасининг ма-



ишати ҳақида маълумот тўплашга жазм қилди. Орадан икки кун ўтгандан кейин улар Навоийнинг гапларини тасдиқловчи хабарлар келтирдилар. У дарҳол Муҳаммад Валибекни чақириб шундай деди:

— Асранди ўғлингиз ҳаддин ўтиб, номуносиб ишлар қилиб юрибдур. Сиз жиловидин тортиб, ани жиноят йўлидин қайтармоғингиз ва бизни бу ишлардин огоҳ қилмоғингиз лозим эрди. Ул нобакор диёнат ипини узиб, фисқ-фасод водийсида ўйнаб юрибдур. Агар зулм елининг олдин олмасак, фуқаронинг ёндурган чироғин сўндирур...

Валибек Султоннинг оғзидан асранди ўғлининг кирдикорларини эшитгач, ҳайрон бўлгандек кўзини катта очиб қотиб қолди. Кейин эртадан кечгача уйда бўлмагани учун бу гаплардан бехабар қолганини, лекин бепарво бўлгани учун ўзи ҳам жавобгар эканини айтиб узр сўради, жиноятқор ўғли ҳам, унинг жиноятларини пайқамай қолгани учун узи ҳам жазога мустаҳиқ эканини изҳор қилди.

— Амримиз шул:— деди султон Ҳусайн жиддият билан.— Муҳаммад Чинорни ялангоч баданига эллик таёқ уриб, Ҳирот вилоятидин чиқариб юборилсин ва подшолиқ хизматига кирмоқ ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум этилсин.

Бир чеккада қордана қурган, ўнг тиззасига қоғоз қўйиб, ўнг қўлида қалам ушлаб турган мунший фармони олинни дарж этди.

Муҳаммад Чинор новчадан келган, куч-қувватга тўлган довюрак йигит эди. Меҳнат билан топилмаган ҳаром овқатни ео гушна бўлиб ўсган, отасига ишониб, кўнглига келган номаъқул ишни қилар, оғзига келган гапни қайтармас эди. Бировнинг куп ёши таъсир этмас, одамларга азоб бериш унга роҳат бағишларди. Қўлга тушган ўғриларни минг уқубат билан ўлдирар: тириклаинн бошларига арра қўйдирар, баданларига мих қоқар, баъзан эрмак учун ичларига темирчининг босқони билан дам бериб, қоринлари ёрилиб кетгунча қийнар эди.

У ичкариги хонада бир одамга азоб бериб сўроқ қилаётганида ясовули олдига келиб, саройдан икки киши келиб уни кутиб турганини билдирди. У қўлини ювиб, қабулхонасида ўтирган Дўлана билан Бўданани кўрди-ю, юзи девордек оқариб кетди. Иккови бир хил енгсиз тугмадор қийган, бир хил ханжар тақкан бу икки одам Султоннинг жаллодлари эди.

— Юринг биз била саройга!— деди ғўлабирдан келган Дўлана, турган жойида қотиб қолган шаҳар доруғасига.

— Янги тугмадоримни қийиб олай,— деди у этигига қон сачраган эски камзулига қараб.

— Йўқ сизни кутиб ўтирмоққа вақтимиз йўқ, юринг.

Муҳаммад Чинор ноилож жаллодлар олдига тушишга мажбур бўлди. Кўчада уларни соябон кутиб турарди.

Сарой дарвозаси олдида арава тўхтагач, икки жаллод уни кираверишдаги ясовулхонага олиб кириб ечинтирди. Муҳаммад Чинор индамай тирсакларини ерга тираб, кўкрагини ерга бериб ётиб олди. Бўдана оёгидан ушлаб турди, Дўлана эса унинг иуғон бўйнига бутун оғирлигини солиб миниб олди-да, ўнг қўлининг тирсагини бақнигига маҳкам тираб, бекн таёги билан яланғоч баданига эллинг мартаба санаб урди.

Қадимги ҳинд ҳикмати

СССР «Фан» нашриётида чиққан «Қадимий ҳинд ҳикматлари»ни ўқиганмисиз? Бу асарда маданий мероси бой ва тарихий ҳинд халқининг ақл-идроки, ҳаётий тажрибаси, нозик заковати барқ уриб турибди.

Китоб ахлоқий ва тарбиявий жиҳатдан қимматли. У ёшларга ҳаётий завқ, тасалли, осойишталик бағишлаш, ҳовлиқмаслик, оилавий ва кундалик ишларга оқилона ёндашишга ўргатади.

Бу асар ўзбек тилига бутунича таржима қилинса, китобхонлар, айниқса ёшлар улуғ халқнинг даҳосидан бохабар бўлиб, ўз тафаккурларида мантиқий камолот, бадиий завқ ҳосил қилардилар.

Муҳтарам гулистонхонлар, ушбу китобдаги ҳикматлардан намуналарни ўзбек тилига ағдариб, эътиборларингизга ҳавола қиламиз.

★ ЕШЛИКДАГИ ДОНО ҲАЁТ — ҚАРИЛИКДАГИ ҚУТЛУҒ БАХТ.

★ ЖАҲОЛАТНИ—ЮМШОҚЛИК БИЛАН, ЁМОНЛИКНИ — ЯХШИЛИК БИЛАН, ОЧКУЗЛИКНИ — САХИЙЛИК БИЛАН, ЁЛҒОННИ — ҲАҚИҚАТ БИЛАН ЕНГ.

★ ОДАМНИНГ ЗИЙНАТИ — ДОНОЛИК, ДОНОЛИКНИНГ ЗИЙНАТИ — ОСОЙИШТАЛИК, ОСОЙИШТАЛИКНИНГ ЗИЙНАТИ — ЖАСОРАТ, ЖАСОРАТНИКИ — МАЙИНЛИК.

★ ЁҚИМЛИ СУЗЛА, БИРОҚ АЛДАМА; ҚАҲРАМОН БУЛУ — МАҚТАНМА; САХИЙ БУЛ — АРЗИЙДИГАНЛАРГА; БОТИР БУЛУ — ҚУПОЛЛИКДАН ХОЛИ БУЛ.

★ МУНОСИБ ОДАМ БИЛАН НОМУНОСИБ ОДАМ УРТАСИДАГИ ФАРҚ СИГИР БИЛАН ИЛОНГА УХШАЙДИ: БИРИНЧИСИ — УТНИ СУТГА, ИККИНЧИСИ ЭСА — СУТНИ ЗАҲАРГА АЙЛАНТИРАДИ.

★ ФОЙДАЛИ СУЗДИР — ЕШ БОЛАДАН ҲАМ ОЛ; БЕМАЗАДИР — МУЙСАФИДНИКИ БУЛСА-ДА ДАРКОР ЭМАС.

★ АДОЛАТСИЗ КАЙФ-САФОДАН УЛИМ ЯХШИ. БИРОВНИНГ МОЛИ ҲИСОБИГА КУН КУРГАНДАН, ФАҚИРОНА ЯШАШ АФЗАЛРОҚ.

★ ТАРОЗУ ПАЛЛАСИ ПАСТКАШ ОДАМГА УХШАЙДИ: САҒАЛГА УЙНАБ КЕТАДИ, БИР ОЗГА ПАСТ-БАЛАНДГА ТУШАДИ.

★ ЎЗ ХУЛҚ-АТВОРИНГНИ КУЗАТИБ БОР. ҲАР КУН УЗИНГДАН СУРА: «МАРҲАМАТЛИ, ФАЗИЛАТЛИ ИНСОНГА УХШАШЛИГИМ ҚАНЧА-Ю, ҲАЙВОНДАН ФАРҚИМ НИМА?».

★ САБР — ОЖИЗНИНГ КУЧ-ҚУВВАТИ, КУЧЛИКНИНГ — ЗИЙНАТИ.

★ ЛАҚМАНИ АЛДАШ ЗУР ДОНОЛИК ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИ.

★ ОЛАМНИ ЁРИТИБ ТУРГАН НУР БУЛМАГАНДА ДУНЁМИЗ ЗУЛМАТДА ҚОЛГАН БУЛУР ЭДИ; БУНИНГ ОТИ — СУЗ (ТИЛ)ДИР.

★ ХОТИН ХУРСАНД — УЙ ИЧИ ХУРСАНД; ХОТИН ХАФА — УЙ ИЧИ — МОТАМ.

★ УЧ НАРСАДА ШОШИЛМА — СЕВГИДА, ОВҚАТЛАНИШДА, ПУЛ ОЛИШДА;

★ УЧ НАРСАНИ ПАЙСАЛГА СОЛМА — УРГАНИШНИ, ЧАҚҚОНЛИКНИ, САХИЙЛИКНИ.

★ ЭРТАГИ ТОВУСДАН БУГУНГИ КАПТАР ЯХШИ.

★ ИЛОНГА СУТ БЕРИШ — УНИНГ ЗАҲАРИНИ КУПАЙТИРАДИ: АҲМОҚҚА МАСЛАҲАТ — ЖАҲЛИНИ ОРТТИРАДИ.

★ ПОДШОГА ХИЗМАТ — ҚИЛИЧ ДАМИНИ ЯЛАШ, ШЕРНИ ҚУЧОҚЛАШ, ИЛОННИ УПИШ ДЕМАК.

★ ОЛИМГА, ҚАҲРАМОНГА, ДИЛБАРГА ҲАММА ЕРДА ЖОЙ БОР.

★ ҲАРНА ҚИЛ, ЕТТИ НАРСА ҲЕЧ ТУЙДИМ ДЕМАЙДИ — КОҲИН, УТ, УЛИМ, ПОДШО, ДЕНГИЗ, ҚОРИН, РУЗҒОР.

★ МАРД ЙИҚИЛСА — КОПТОКДАЙ, ПАСТКАШ ЙИҚИЛСА — БИР ПАРЧА ЛОЙДАЙ ТУШАДИ.

★ ИККИ ТАНДА БИР ҚАЛБ — БУ СЕВГИНИНГ МЕВАСИ; КУНГИЛ АЙРИЛГАЧ — МУРДАГА АЙЛАНАДИ.

Илмий ходим С. ЗУФАРОВ тайёрлаган.



МАР ҲАБО, ФУТ БОЛ

В. Иванов фотоси.

Темур тузуклари

Форсчадан
Алихон Соғуний
таржимаси

Ўн иккинчи кенгаш

Энди буларнинг кўнгилларини топиб, ўзимга боғлаш учун, бошлаб, юқоридаги тўрт амирни четга чақириб, буларни ўзимга давлат шериги қилдим. Булар даги қаттиқ бўлжар (ваъда) беришиб, мени ишонтирдилар. Сўнгра амирлардан кўнгли бўлуниб турганларини бирин-бирин чорлаб, ҳар қайсилари билан уваччалаб сўзлашдим. Булардан мол-дунёга қизиққан очкўзларини молашё бериб, олдадим. Мансаб-мартабага кўз тиккан амалпарастларни қўлимдаги мамлакатларга воли (ҳоким) қилиб атадим. Буларнинг ҳар қайсиларига ёсовул қилиб, бир-бирдан киши бердим. Қолган сипоҳларнинг ўзларига яраша чопон-чопқут ва бошқа нарсалар бериб, кўнгилларини овладим. Нарса етишмаганларга ваъда бериб, уларни умидлантирдим. Бутун аскаримни қўрқиш-уманиш ўртасида тутдим. Очиқ юз, тотлиқ сўз билан барининг кўнгилларини ўзимга боғладим. Бир хизмат кўрсатган кишини ўнни кўрсатгандай кўриб, кўнглини кўтардим. Ким бирни келтурса, унга ўнни бериб, кўнглини хуш қилдим. Шундай қилиб эдим, бирлик-иттифоқлиққа келиб, барларининг кўнгиллари менга боғланди. Ҳар ерда ва ҳар ишда бирлик-иттифоқлиқни қўлдан бермасгa, меним буйруғимдин чиқмасга ваъда бердилар. Мен учун мол-жонларини аямай, майдонда жонбозлик қилишқа қаттиқ аҳд қилдилар.

Бу иш бўлгондин сўнгра аскардан кўнглим тинчланиб, уруш жамалгасини қилишга киришдим. Меним хабарим ғанимга етмасдин илгари туйдурмай туриб, улар устига чопул қилмоқчи бўлдим. Бу ишим қандай бўлар экан деб, қуръондин пол очиб қарасам, шу оят чиқди: «Кам мин фиатин қаълилатин ғалабат фиатан касиратан биизнилло» (яъни: қанчалик оз аскар қанчалик кўп аскарларни олло ёрдами билан енгади). Қуръондан бундай суюнчилиқ пол чиққач, кўнглим қувватланди. Дарҳол лашкарларимни тузукка солиб, етти бўлукка ажратиб, ёсол тузадим.

Кечалаб юруб ўлтуриб, тонг ота келганида олти минг отлиқ келаётқан ҳировул тўпи — Туғлуқ султуз, Кай Хисров аскарларига учрашдим. Биринчи тўқинишдаёқ уларни енгиб, орқага чекинтирдим. Илёс Хўжа ўрда қуриб ётқан Пулисангин бўйигача ортларидан қувиб бордим.

У куни ўткач, кечаси шу келган жойимизда ётдик. Меним билишимча, бу урушни кечиктириб, майдонни совутиб қўйиш мен учун зиёнлиқ эди. Чунки Илёс Хўжанинг ўттиз мингга яқин аскари бордир. Агар буларнинг кўпчилигидан бизга бирор турлик зиён етмудек иш бўлур эрса, у чоқда шундай кунларга атаб орқада қолдиргон Амир Ҳусайннинг бизга кўмак бериши керакдир. Бироқ мен унинг кўмагига ишни етказмасдан, тадбир ишлатиб, уруш кенгаши билан ғаним аскарини синдирдим.

Ўн учинчи кенгаш

Чита лашкарини синдиришда шу тадбирни қўлландим: Амир Мусо, Учқора ботир, Амир Маид эрлот — бу уч амирни икки минг отлиқ аскар билан Пулисангин устида ўрда қуриб ётқон Илёс Хўжага қаратиб қўйдим. Мен ўзим беш минг аскар олиб, остида Илёс Хўжа аскари билан ётқон Улуғ тоғ устига чиқиб олдим. Кечаси бўлғач буюрдим. Ҳисобсиз кўп ерга ўт ёқдилар. Тоғ устида ёндирилган кўп ўтни, қаршиларида турган қалин аскарни кўргач, буларга кўрқинич тушиб, у кечани соқ бўл, бек бўл дейишиб кузатиб ўтказдилар.

Мен у кечада тоғ устига чиқиб, ожизлиқ билан оллога кўп ёлвордим. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисаломга саловот айтиб, ухламай ўлтурғон эдим, уйқу-ўйғоқ орасида «Темир, патҳи зафар сеники!» деган киши довиши эшитилди.

Тонг отиб, ёруғ тушгач, номозни жамоат билан ўқидим. Қарасам, Илёс Хўжа амирлари билан тўп-тўп бўлишиб нетаётибдилар. Меним сипоҳ-аскарларим мендин буйруқ сўраб, тоғдин тушиб, уларни қувмоқчи бўлдилар. Мен унамадим. «Бу кетишларидан уларнинг нима ўнлари бор экан, шошилмай қараб турайличи, билиниб қолар» деб қувушқа рухсат қилмадим.

Орқаларидин қарачи қўйдим эрса, тўрт тошлиқ ерга бориб қўнмиш эдилар.

Энди маълум бўлди, бу ишдин мақсадлари бизни тоғдин тушуриб, кенг ерга чиқариб олиб, уруш қилмоқчи эканлар. Бундин бир кун илгари буларнинг ҳировул тўпини синдириб эдим. Олти минг отлиқ киши менга орқа ўгириб чекингач, ҳеч жойда тўхтаб, қаршилиқ кўрсатолмасдин Илёс Хўжа ўрдасига келиб сиғинғон эдилар. У эрса булардан қаттиқ койиган эди. Шунинг ўчини олиш учун қилғон алдовларини мен билиб қолгач, қайтиб келишиб, менга ҳужум бошладилар. Мен ҳам кенг ерга тушмай, тор тоғ ерига тўғрилаб, уруш кенгашини қилдим. Аскар бўлукларини тоғ этагига тушуриб, тузукка солдим. Буни кўргач, ғаним отлиқлари ҳужумга ўтдилар. Тоғ оғзига келганда ер торлиғидин ўтишолмай тиқилишиб қолди. Шу чоғда баҳодирларга буюрдим, душман аскарини ўққа тутдилар. Булардин кўп киши ярадор бўлиб ишдин чиқди. Эрталабдин кечга довур урушиб, бир иш чиқаролмадилар. Кеч кириб қоронғу тушди эрса, ўз кучларига ишонган бўлсалар керак, бизни қамал қилиш учун тоғ этакларини айлантириб қуршаб олдилар.

Буни кўргач мен кенгаш кўрсатиб, тўрт бўлук аскар билан тўрт ёқлаб шу кеча шамхун урмоқни бўлдим. Меним бу кенгашимни амирларим ҳам тўғри топдилар. Тонг яқинлашиб келгач, ҳар томондан сурон солиб, душман устига шабхун урдик. Тоғ айланиб сочилиб ётғон Чита лашкари ўзларини йиғиб олғунларича меним баҳодир йигитларим аларни тўзутиб ташладилар. Чопқулаш уруши бошланғанда ҳар икки томондин кўп кишилар ўлдирулди. Сўнгра Чита лашкари орқа ўгуриб қочқали турдилар. Қолин аскар ичида қочиб бораётқон хон ўғли Илёс Хўжа ортидин етиб бориб, «энди йўл бўлсун!» дедим. Меним довушим унинг қулоғина етмач, қаҳр-ғазаби билан аскарга қараб, қаттиқ қичқирди эрса, лашкарлари қайрилиб, ғайратга кирдилар. Шу билан кун кўтарилгунича ўртамизда чопқулаш уруши бўлди. Лекин бизга қарши чидаб туришолмай, қоча юриб урушар эдилар.

Яроқларимиз муқоб, ўқдоларимиз бўшамиш эди. Ғаним аскарлари тўкилуб-сочилуб, тўрт тошлиқ ердаги юртларига аранггина — зўрга етиб тушдилар. Мен даги тизгин тортиб шу орага келиб тўхтадим. Чита лашкари бу урушда қаттиқ енгилиб, шах зарба еганлигидин мен билан иккинчи урушмақка ботинолмадилар. Мен бўлсам душман ўрдасини йиғоқдин ўратиб қўйиб, уларни ўзим кузатиб турдим. Бунинг устига душманнинг тинчини кетқузиш учун чорпишма урушига буюрдим тўхтовсиз уни қилиб турдилар. Охири Илёс Хўжа чорасиз қолгонлиқдин Тўрон элига «хўш» айтиб, Хўжанд дарёсидин ўтиб кетди. Мен ҳам уларни қувламасдин патҳи нусрат, шан-шавкат билан Моваруннаҳр ерига қайтдим.

Эмди салтанатни бутунлай ўз қўлимга олиш, ўз эркимча ҳукмрон бўлиш учун турлуқ тадбирлар кўрсатиб, кўп кенгашлар ўткуздим. Шу учунким, ҳар қайси амирлар ўзларини бошқалардан улуғ олиб, «ишни мен қилдим, душманни мен енгдим, давлат меники» дер эдилар. Шу амирларни ўзумга бўйин сундириш лозим эди. Илгари Моваруннаҳрда салтанат қурган Амир Қазған туруни Амир Ҳусайн мен билан бирга эди. Буни билан келишиш зарур бўлғонликдан буни ўзимга давлат шериги қилдим. Бу киши эрса сиртидан менга дўстлиқ қилғон бўлиб кўринсадаги, ички ҳасаддин чиққон яширинча душманлиғини доим ичида сақлар эди. У мендин ўзини ортиқ кўриб, Тўрон тахтига ўлтуришни хоҳлар эди. Шу учун унинг сўзиға ишончим йўқлиғидин ваъдасини чинитишқа Хўжа Шамсиддин мозорига олиб бордим. У ерда ундин дўстлик қасамини олдим. Кейин бу билан ҳам бўлмағач, қуръон кўтариб, уч қайта яна қасам ичди. Буларнинг барини бузгач, охири уни қасам уриб, ўз бошини ютди.

Иккинчи, Амир Ёбон сулдуз ўғли Амир Шайх Муҳаммад, бу эрса ўзини чўнг олиб, ҳеч кимни ўзига тенг кўрмас эди. Бунинг кўнглини топиб, етти қўшунлуқ эли билан ўзимга тобун қилдим.

Бошқа қўшун амирларининг ҳар бирига волиилиқ мансабини ёрлиқ қилдим.

Шер Баҳром бўлса мендин ажраб, ўз элиға боргонидин кейин менга эгилгиси келмай, бўйинтовлиқ қилиб юрган эди. Кўнглини овлаб уни чақириб эдим, улус бошлиқлари билан келиб, дўстлиқ билдиргач, унга волиилиқ ёрлиғини бердим.

Учинчи, Амир Ҳусайн эрди, бунинг менга туққанчилиғи бўлса ҳам кўнглида сақлаган ҳасади борлиғидин ҳар қанча яхшилиқ қилғоним билан буни ўзимга дўст қила олмадим. Балх вилоятини, Ҳисор шаҳрини мендин ажратиб, уларга эга бўлиб олди. Уйлигим қариндоши хотири учун унинг бу ишига торлиқ қилмадим. Менга қаршилиқ қилмоқда бўлғон барча амирлар бўйсуниб, итоатга келдилар эрса, Амир Ҳусайн ичган қасам, қилган аҳдларини бузуб, яширинча доим душманлиқ қилур эди. Энди бунинг бўйнини қилич билан кесиш ё эгишдан бошқа чора йўқлигини аниқ билдим.

Шу билан мен бутун Тўрон тупроғига эга бўлиб, Моваруннаҳр ўлкасидин душман қолдиқларини тозаладим. Лекин улус амирларидан ҳар бири ўз уруғ-аймоқларига суяниб, ҳалигача менга бўйсунмаганлари бор эди. Амирларимдин қайси бировлари «бу давлатга баримиз шерик бўлғонимиздин кейин уларни ҳам чақириб давлат шериги қилайли» дер эдилар. Лекин буларнинг сўзлари эрса, меним салтанат ғайратима тўғри келмас эди. Чунки мен ўйлар эдим, «оламни яратқон тангри ёлғуз, унинг шериги йўқтур. Бундай бўлғоч, оллонинг мулки—ер устига эга бўлғон кишининг ҳам шериги бўлмосқа керакдир». Мана шу

чоқда авлиёлардин деб ўйланган Бобо Али Шоҳ олдима келиб, «ҳой Темур, олло демишдир: ер-у кўкда агар икки худо бўлса олам бузилур». Ундин бу сўзни анғлашим билан дарҳол қуръонни олиб очсам, шу оят чиқди. «Инно жаалнока фил арзе халифа» (яъни: сени (Муҳаммадни ер юзида халифа қилдик, албатта). Ўзим учун бундин улуғ фол олдим. Узларини давлат шериги билиб, менга бўйсунғуси келмаган амирларни тадбир билан ўзимга тобун қилишга киришдим.

Энг аввал Амир Ҳожи барлос олдига бориб, уни ўзимга иттифоқдош қилдим. Ёбон сулдуз ўғли Амир Шайх Муҳаммад, бу эрса чоғир ичишга берилмиш киши эрди. Бир куни шароб ичаётқонида бўғзида шароб тугилган баҳона билан дунёга хўшлашди.

Учинчи, Амир Боёзит, бу ҳам ўз олдича Хўжанд вилоятига эга бўлиб олмиш эди. Унга дўстлик юзасидин насиҳат қилдим эрса уни қабул қилмади. Охири ўз эл-юрти унга қарши чиқишиб, тутиб олдимга келтирдилар. Мен унинг қилғон ёмон ишларини эскармай яна яхшилиқ қилдим. Буни кўргач узи шарманда бўлиб, чин кўнгли билан менга бўйсунди.

Тўртинчи, Сулдуз Элчи буға, бу даги Балх улкасида салтанат туғини кўтармиш эди. Амир Ҳусайн бўлса, бобоси Амир Қазған тахтини талаб қилмоқда эди. Балх тахти сенинг меросинг деб, буни унга осилтириб қўйдим. Яна Хўжаберди найман Шергонот вилоятини эгаллаб олиб, менга қаршилиқ кўрсатмоқда эди. У вилоятни бошқага бериб, уни ўзимга навкар қилиб олдим.

Бадахшон шоҳлари эрса: ҳар қайсилари ўз олдиларига бош кўтариб, қаршилиқ яловини ёймоқда эдилар. Уларнинг ҳар бирлари билан бир турлиқ келишув қилдимким, ўзаро урушиб, охири меним паноҳимга кириб омон олдилар.

Амир Кай Хисров бўлса Хатлон вилоятини, Амир Олжайтуберди Вонҳанг ўлкасини эгаллашиб олиб, менга боқинмас эдилар. Кай Хисровга ёрдам еткуздим, Олжайтуни суриб чиқариб эди, у келиб менга сиғинди.

Амир Хизир ясурий, Амир Оқшом ясурий — бу иккови иттифоқлашиб, Тошкент вилоятини эгалламиш эдилар.

Кай Хисров билан Олжайтуни яраштирдим. Буларга ёрдамчи йўсунида бир тўп киши қўшдим. У иккови боришиб, Оқшом ясурий элини чопул қилдилар эрса, Амир Хизир ожиз қолиб, меним паноҳимга кирди.

Шундай қилиб, бутун Тўрон тупроғини талон-буландин, уруш-талашдин тинчитдим. Меним қаҳрамон аскарларим тўлуқ нучга эга бўлдилар. Барлос улусининг отоғи кўтарилди. Меним улуғ ҳимматимдин Чиғатой туманлари, Чиғатой қўшинлари данқи оламға тарқади. Улка бўйинча эл-улус, қўшун-туманлар бариси устидин ҳукмрон бўлдим.

Лекин Моваройуннаҳрда қайси бир қалъалар Амир Ҳусайн қўлида бўлиб, у ерларга меним ҳукмим юрмас эди. У эрса меним салтанатим, шон-шавкатим нучайганини кўргач, ҳасад томирлари қўзғолди. Қасам бирлан қилғон аҳд-паймонларини бузиб, менга қаршилиқ қилишга киришди. Мен унинг олдина кўп бордим эрса, ул меним қошима бир йўл ҳам келиб қўймади. Бунинг устига алдамчилиқ билан Қарши қалъасини мендин олиб олди. Унга Амир Мусони етти минг киши билан бекчиликка белгилаб, қўшимча яна беш минг отлиқ юборди. Бу ишлар даги қониқмасдан мени ўлтириб йўқотиш мақсадига тушди. Уртамиз бузулиб, иш шу ҳолга етгач, меним даги салтанат ғайратим қўзғолиб, Қарши қалъасини қайтариб олиш кенгашини қилдим. Баъзи амирларим очиндин-очиқ қалъани қамал қилиб, уруш бирлан олишни кенгаш берган бўлсалар ҳам, лекин бунинг хатарлари кўплиги кўнглима тушиб, бошқача тадбирга киришдим. Шундоқки, бу ердин кўчиб, Хуросон томонига қараб жўнадим. Амуддарёсидан ўтганимдин сўнгра Хуросон томонидан Қаршига келаётган бир карвон менга йўлиқди. Мени анғлагач, карвон бошчиси бир оз совғин олиб, кўришгали келмиш эди. Ўзимни Хуросон томонига боришимни билдириб, уёқнинг амирлари, ҳукумат аҳволларидин сўроғонимдин кейин унга рухсат бердим. Яна шу карвон бирлан яширинча бир тингчини ҳам қўшиб юбордим.

Карвон аҳли Қаршига киргач, Амуддарё бўйида мен бирлан кўришганларини, Хуросон томонига кетаётқанимни, уёқнинг аҳволини сўрағонларимни Амир Мусоға сўзламиш эди. Бу хабарни эшитгач, Амир Мусо ва унинг аскар бошчилари кўнгиллари мендин тинчланиб, ўинн-кулку, айш-ишратга киришмиш эдилар. Мен бу хабарни эшитдим эрса, аскарим ичидин энг ишанимлиқ, иш кўрган баҳодир йигитлардан икки юз қирқ уч кишини танлаб чиқардим. Дарёдин ўтгач, туни бирлан илғар қилиб юриб ўлтуриб, Шеркентга етдим.

Бу ерда бир кеча-кундуз туриб тиниққандин сўнгра, яна илғар қилиб, Қарши қалъасидин бир тош (8 чақирим) жойга келиб тушдим. Шу ерга келганимда буюрдим: қалъа деворига етгудек бир неча улама шоти тайёрлашдилар.

Шу вақтда Амир Жоку ўтинч қилиб, орқада келаётқан баҳодирларнинг етиб келиши зарур эканлигини билдирди. Улар келгунларича қалъани кўздин кечириб, пайқаб олиш кўнглима тушди. Икки юз қирқ уч кишидин қирқ киши олиб жўнадим.

Йироқдин қалъа қораси кўрингач, бошқаларни шу ерда тўхтатиб қўйдим. Уз унимизда туғилиб ўсган Мубашшир, Абдулло деган икки болани бирга олиб, сув тўлдирилғон хандақ бўйига келдим. Ҳарекқа қараб кўз солсам, хандақ устида сув оқиб турғон тарновга кўзим тушди. Қалъадин чиққан сувни шу тарнов бирлан ташқариға чиқармиш эдилар. Отни ушлатиб қўйиб, ўзим тарновдин ўтиб, қалъа тубига етдим. Қалъа дарвозасиға бориб қарасам, соқчилари ухламиш, дарвоза орқаси кесак-тош бирлан тўлдирилмиш экан. Қалъа деворини айланиб қараб, шоти қўярлиқ деворини белгилаб олиб, қайтдим.

Дарров отланиб, баҳодирларга борсам, орқадагилар ҳам келишган эканлар. Баримиз қуроллангач ҳолда, шотиларни кўтаришиб, хандақдан тарнов орқали ўтдик. Мўлжалланган жойларга шотилар қўйишиб, эр ингитлардан қирқ киши чиқишиб, қалъага кирдилар. Мен ҳам алар ортидин шотига оёқ қўйдим. Қалъа устига чиқишим бирлан карнай тортиб, бурғу чолдилар.

Тангрининг ёрдами етиб, икки юз қирқ уч киши бирлан Қарши қалъасини олдим. Бу хабар Амир Ҳусайнга етгач, ҳайрон қолиб, қандай қилишини билмай, яна алдов йўлини ушлади. Марқ-ҳийла тўрини қуриб, шу орқали мақсадиға етишни ўйлади.

Мен ҳам унинг макр-фириб тузоғидин қутилиш чорасини кўрдим. Шундоқки, мени алдамоқ учун илгари менга аҳд бериб, қасам ичганида қуръон кўтармиш эди, ўшал қуръонни яна қайтадин менга юбориб, «агар мен қасамдин қайтиб, ваъдамни бузган бўлсам, шу кўтарган қуръон — худонинг китоби мени урсин» демишдир. Мен уни мусулмон билганим учун бу сўзига яна ишондим. Сўнгра орага киши қўйиб, ўртадаги аҳд-паймонларни янгилашимизни сўради.

«Ҳар икковимиз Тангичекчекка келиб кўришайли, орамиздаги ўтган совуқчиликлар шу билан кўтарилсун» деб киши юборимиш эди. Унинг мақсади эрса, мени алдов билан қўлга тушириш эди. Унинг сўзиға менда ишониш қолмаган бўлса ҳам қуръон ҳурматини сақлаб, айтқон жойи Тангичекчекка бориб, у билан кўришмакчи бўлдим. Лекин бу ишда соқлиқ йўлини тутиб, тадбир ишлатдим. Шундоқки, унинг деган ери Дарачекчек атрофига баҳодирлардин бир қанча кишини яшириб қўйдим. Амир Ҳусайн мақсадини билиш учун унинг хизматидаги дўстларимга хабар юбормиш эдим. Дўстларимдан бирови Шер Баҳром унинг бузуқ ниятн борлигини менга билдирди. Шу учун уни ўлимга буюриб, минг отлиқ киши билан менга қараб жўнамиш эди.

Мен шу гезда дара оғзига келиб тушган эдим. Хабарини эшитишим билан аскар бўлукларини тузукладим эрса, Амир Ҳусайннинг қоровуллари кўринниб қолди. Шу орада меним қоровулларим ҳам хабар келтирдиларким, булар ортидин Амир Ҳусайнниинг қалин аскари келаётирлар. Лекин Амир Ҳусайн булар билан ўзи келмай орқада қолмиш эди. Мени оз киши билан келади деб ўйлаб, мени ушлашга аскар юборган экан. Бари бўлиб меним бу ерда икки юзгина аскарим бор эди. Шундай бўлса ҳам тайёрлиқ кўриб сабр этиб турдим. Амир Ҳусайн аскари бариси жилға ичига кириб бўлғач, илгариги юборган аскарга буюрдим, дара оғзини тўсдилар. Ўзим бу томондан аскарим билан қаршиларига чиқдим. Шундай қилиб, жилға ичида икки ёқдин қамалғон аскарларнинг кўпларини қўлга туширдим. Қолганлари қочдилар. Сўнгра ўз аскарларимни йиғиб, ёсолға солиб, зафар байроғини кўтарганимча Қаршиға қайтдим.

Меним тажрибамдин ўтди: кишининг чин дўсти бўлса, ҳар жойда унинг ишига ярар экан. Шер Баҳром ўзининг дўстлигидин мен учун қурбон бўлиб кетди. Амир Ҳусайнга мен бу байт мазмунини туркча ёзиб юбордим:

Сабо бигў баон ёрки, доми макр ниҳад
Ки макр боз нагардат, магар ки макр кунад.

Яъни:

Ёрга еткур сабо ким макр қилмишдир манга.
Қилди эрса кимга макрин қайтадур бир кун анга.

Ёки:

Ким макр қилса билингким макр ўзиға қайтадур,
Кимки макр этдим деса, бу сўзни ёлғон айтадур.

Бу хатни кўргач, кўп шармандa бўлиб, хижолатлик бирлан менга узр айтқон бўлса ҳам иккинчи унинг сўзиға ишониб алданмайдигон бўлдим.

Ўн тўртинчи. Душман қолдиқларини тозалаш кенгаши

Чита лашкарини, Илёс Хўжани Моваройуннаҳрдан чиқариб, Хўжанд дарёсидин ўтқардим эрса, яна уларнинг қолдиқлари бир неча қалъалардә бор эдилар. Булар устиға аскар келтуриб қамал қилишни йўламос даги иш узатиб кетмаслиқ учун бундай кенгашни қилдим:

Илёс Хўжа тилидин қалъага қарата ерлиқ ёзиб, урушсиз топширишга буюрдим. Уни қалъада ўзларидин бўлғон бир киши орқалиқ қалъага киргиздим. Шу бирлан бирга бир тўп аскарни қалъадин кўринарли жойда чанг-тўзон қилдириб қўйдим.

Шу орада Илёс Хўжанинг ҳам чақириқ ёрлиқлари уларга етмиш эди. Бунинг устига йироқдин чанг тўздириб келаётқон қалин аскарга кўзлари тушди. Шу билан уларни ваҳима босиб, барилари бир нечада қалъани бўшатиб, қочиб кетдилар.

Мени ўлтиришга қасд қилғон бу золимларнинг оёқ изларидан Тўрон тупроғи тозаланди. Моваройуннаҳр мамлакатлари бутунлай менга қарам бўлди.

Қариндошлиқ ҳурмати учун Балх, Ҳисор, Шодмон вилоятларини Амир Ҳусайнга қолдирғон эдим, бироқ у меним бу қилғон яхшилигимнинг қадрига етмади. Мени йўқотиш учун ҳар хил макр-ҳийлалар ишлатиб кўрди. Менга бўлғон патҳ-нусратни кўролмай, ҳасад томирлари қўзғолиб, ёмон ният бирлан меним қасдима тушди. Унинг қариндоши меним уйлигим бўғлонлиқдин ўртамизда шунчалик яқинлиқ бўлса ҳам унга қарамай ҳар иккивимизни ҳам ранжитар эди. Моваройуннаҳр мамлакатини мендин олишга, мени ўлтириб тахтга эга бўлишга бел боғламиш эди. Ўртамизда неча қайта урушлар ўтган, ҳар бирида енгилган бўлса даги яна кўзи очилмади. Унинг инсофсизлиғи ҳаддидин ошиб, бирор вақтлар мени ҳам енгаёзиб қолғон чоқлар бўлди. Узининг қўрслиғи, сўзининг қўполлигидан амирлари ундан юз ўгурдилар. Бунинг сабаби эрса, Хатлон ҳокими Амир Кай Хисровнинг инисини сабабсиз ўлтирмиш эди. Оғаси Амир Кай Хисров уни ёғий бўлди. Шундай бўлса ҳам амирларининг иттифоқсизлигини билмай, яна меним қасдима тушиб, устимга аскар тортиб келмоқчи бўлмишдир.

Мен буни анғлагач, ундин ўзғинлиқ қилиб, тайёр аскарим бирлан Балх ўлкасига жўнадим. Буни эшитган амирлар ҳарёқдин келишиб менга йўлдин қўшилдилар.

Бир неча кун юргач, Балхга етиб келдим. Амир Ҳусайн эрса, қарши чиқиб мени тўсмоқчи бўлиб эди, ҳеч қандай иш қила олмай, охири қочиб қалъага кирди. Сўнгра бошига нима келган бўлса, ўз қилмишидин бўлиб, кўргулигини кўрди.

Менга ёмонлиқлар қилиб, сўнгра қўлимга тушган кишилар ўзларининг қилғон ёмонлик-

ларига қараб, мени ўлтиради деб ўйлар эдилар. Амир Ҳусайн меним қўлимга тушгондин сўнгра унинг навкарлари, улуғ амирлари «энди бизга ҳам ўлим жазоси беради» деб, жонларидин умидлари узилмиш эди.

Қилған ишларига қараганимда буларни ўлтирсам бўлур эди, лекин гуноҳларига кечирим бериб, қайтадин ўз ишларига қўйишни кенгаш кўрдим. Шунинг учунким, чорпилчор кишилари бўлғонлиқдин ўз вазифаларини ўтамиш эдилар. Унинг амирлар бошлиғи, Бадахшон ҳокими юзма-юз келиб, менга қарши қанча кўп қиличлар чопқон киши эрди.

Амир Ҳусайн ўлтирилгач, у меним сиёсатимдан қўрқиб, ўзини сақлашга киришди. Агар унинг устига аскар юборсам тўғри қилмағон бўлур эдим. Балким мажлис-марқабатларда, кўпчилик ўлтуришларда унинг баҳодирлиғини гапириб, яхши сифатларини айтиб, мақтаб қўйдим. Буни анғлаған дўстлари эрса, «амирнинг санга илтифоти бор» деб ёзмиш эканлар. Буни кўриши билан меним кишилигимга ишонганлигидин ўлим устида тургон киши тўғри келиб, мен билан кўришиб, ўтган ишларидин кечирим сўради. Мендаги уни афв қилиб, кўнглини кўтардим.

Ўн бешинчи. Хуросон пойтахти — Ҳиротни олишда қилған кенгашлар

Амир Ҳусайн жазосини топғоч, унга қарашлиқ Балх, Бадахшон, Ҳисор, Шодмон мамлакатлари менга тобун бўлиб қолди. Хуросон ҳокими Малик Ғиёсиддинга бу хабар етди эрса, қўрққанидан титроқ босиб, уруш жамалғасини қилишга киришди. Шу билан ўзини сақлаб қолмоқчи бўлди. Мен унга тадбир ишлатдим: Балхдан Самарқандга қайтдим.

Меним кетган хабарим Малик Ғиёсиддинга етгач, унинг кўнгли мендан тинчимиш эди. Шу орада пиримдин менга хат келдиким, Ғиёсиддин жаври-зулм қилмоққа киришди деб ёзмиш эди.

Мени Самарқандга қайтди деб, ҳуросонликлар ғафлатда ётқонларини англаб, дарҳол ёниб Балхга келдим. Шундаги бор аскарни олиб, илғар билан юруб ўлтурдим, туйдурмасдан Ҳиротга етиб, ғафлатда ётқон Ғиёсиддинни қўлга тушурдим. Чорасиз бўлғач, бутун мамлакатини хазиналари билан ўзи чиқиб менга топширди. Шу билан Хуросон ўлкаси менга тобун бўлиб, барча амирлари уруш-талашсиз бўйин сундилар.

Ўн олтинчи. Сийстон, Қандаҳор, Афғонистон — шу ўлкаларни олишда қилған кенгашлар

Хуросон вилояти олингандин сўнгра юқориқи ўлкаларга аскар юборайли дейишиб, амирларим менга кенгаш кўрсатдилар. Анда мен айтдим: «агар иш ўринламай қолса, у чоқда яна ўзим боришим керак бўлади. Олдимда меним ўйлаган ишларим кўпдир. Яхшиси, уларга нома юборайли» деб, шу мазмунда ёрлиқ ёздим:

«Агар менга қўшилсанглар қутиласизлар. йўқ, курашсанглар йиқиласизлар. У ҳолда нима бўлса кўрасизлар».

Меним бу қилған тадбирим тақдирга тўғри келмиш эди: Ёрлиғим етиши биланоқ барилари бўйин суниб, тортуқ-тарағайлари билан элчиларини юбормиш эдилар.

Ўн еттинчи. Ирисхонни синдириб, Дашти Қипчоқни тобун қилиш кенгаши

Дашти Қипчоқ хони Тўхтамиш Дохондаги урушда Ирисхондан енгилгач, менга сиғиниб келмиш эди. Бунинг ёрдамига ўзим борсамми ё аскар юборсамми деб, икки кўнгилли турғонимда Ирисхондин ҳам элчи келиб қолди. Буларнинг кўнгилларини овлаб, йўл-йўсин қилиб жўнатдим.

Орқасидан кетма-кет аскар юбордим. Ирисхон элчиси бир кун бурунроқ бориб, унинг кўнглини мендин тинчитиб қўймиш эди. Эртаси куни меним аскарларим туюқсиздан келиб, селдек уларни қопламиш эдилар. Ирисхон буларга қарши туриш буён турсин, ўз бошини аранг қутқара олмишдир. Шундай бўлиб, меним бу тадбирим тақдирга тўғри келиб, Дашти Қипчоқ, Ирисхон улуси бутунлай менга тобун бўлдилар.

Ўн саккизинчи. Гийлон, Журжон, Мозондарон, Озарбайжон, Ширвон, Форс, Ироқ — шу мамлакатларни олишда қилған кенгашларим

Бу ерларни дара беглари, Музаффар болалари ўз олдиларича ҳукмрон бўлиб эгалламиш эдилар. Бу ўлкаларнинг халқи ўз ҳукуматларининг жавр-зулмидан шикоят-аризалари менга еткач, улар устига юриш учун кенгаш ўтказдим.

Аскар бошлиқларим уруш жамалғаси билан боришқа кенгаш бердилар. Мен буни маслаҳат кўрмадим. Шу учунким, бу дара беглари меним хабаримни анғалағач, барчалари иттифоқлашиб, менга қарши турсалар, у чоқда ишимиз оғирлашар эди. Шунга кўра ўз қўнглимда кенгашиб, буларни бирин-бирин ўзимга бўйсундириш чорасини қилайин, яхшилиққа унамағонларни жазосини берайин деб, шунга тўхтам қилдим.

Бу ишимдаги тақдирга тўғри чиқмиш эди. Ёрлиғим етиши билан дастлаб Мозондарон ҳокими Амир Али тортиқ-соврунлари билан элчи юбориб, шу мазмунда менга арабча хат ёзмишдир: «Биз бўлсақ ҳазрати Али авлодларидин бир жамоат кишилардирмиз. Боригa қаноат қилиб, шу ўлкада ётибмиз. Интаъхузу қудратукум аъво ва интаъфу ҳия ақрабу литтақво (яъни: бу ерни олсанглар кучинглар етарлиқдир. Агар қолдирсанглар, бу иш тақвога яқинроқдир)».

Мен бундин яхши пол олиб, у ерни ўзларига қолдирдим. Ёрлиққа жавоб ёзмағон Гийлон, Журжон устига бир қўшин аскар дўндирдим. Ўзим Ироқ устига лашкар тортиб, Исфаҳон шаҳрини олдим.

Буларга ишониб, қалъани ўзларига топширдим. Шу орада Тўхтамишхон ёғилиги чиқди. Уни босиш учун Темур қопу* йўли орқалиқ Дашти Қипчоққа лашкар тортдим.

* Озарбайжондаги жой.

Ўн тўққизинчи. Форс пойтахтини олиш. Ироқ ўлкасини тозалаш кенгаши

Мен кетишим биланоқ Исфаҳон аҳли менга ёғий бўлишиб, улар устига қўйилғон доруға (воли)ни уч минг аскари билан ўлдирмиш эдилар.

Сафардан қайтиб келганимда Исфаҳон аҳлини мен ҳам ўлимга буюрдим. Шероз аҳлидағи қўзғолон кўтаришиб, бузилишғон эдилар. Шу учун янғидан қўл қураб, Ироқ мамлакатлари ёсолиға саксон минг отлиқ аскар тайёрладим. Ленин бу оғир аскар билан бир йўли Ироқ ўлкасига кирсам, у ерга сиғишмай қолишимни ўйлаб, аскарни учга бўлдим. Булардан бир бўлугини ўзимдан илгари юбордим. Бу қаҳрамон аскарлар Ироқ тупроғига оёқ босишлари билан ҳар ерда йиғилган ғаним аскарлари бўлса тарқалмиш эдилар.

Ўзим Шероз устига лашкар тортиб бордим. У ернинг ҳокими Шоҳ Мансур майдонда мен билан тўқнашиб, жазосини топди.

Йигирманчи. Дашти Қипчоқ хони тўхтамишни енгиб, уни бутунлай синдириш кенгаши

Меним аскарларим Дашти Қипчоқ ёзиғида Тўхтамиш ортидан қувиб юриб, беш ой ўтказмиш эди. Озиқ-овқат озайиб, шу учун аскар ичида очарчилиқ бошланди. Шундоқки, бир неча кунлаб аскарга овқат топилмай қолди.

Бошболмоқ ўти қозиб еймиш, ов эти, дала қуши юмурқаси билан кун кечирдилар. Аскарнинг бундай оғир ҳолда қолғонин Тўхтамиш эшитгач, фурсатдан фойдаланмоқчи бўлиб, қум-тупроқдай кўп аскари билан устимизга ёпирилиб келди. Меним аскарларим эса очлиқдин толиқмиш эдилар. Унинг аскарлари эса, тўқлиқда — роҳатда ётмиш эди. Буни кўргач, амирларим, аскар бошлиқларим урушқа кўнгилсиз бўлдилар. Лекин ўғилларим, турунларим бу оғирчилиқларга қарамай, ҳиммат-ларини қўзғолиб, олдимда тиз буқишдилар.

Бу урушда аянмасдин энг сўнгги кучлари билан майдонда жонбозлик қилишларини билдирдилар. Яна шу чоқда тангри ўнғлаб, Тўхтамишхоннинг туғ бегиси ундан юз ўгириб, менга тил берди. Мен унга шу кенгашни кўрсатдим: қачон уруш қизиб келганида бирданига туғни тескари қилмоқ бўлди.

Болаларимнинг тиз букканларини, душман туғ бегисининг тил берган хабарини амирларим эшитгач, буларнинг ҳам диллари қувват топиб, барилари урушқа кўнгил қўйдилар.

Сўнгра мен амирзода Абу Бакирни саккиз минг отлиқ аскар билан ҳировул бўлуги қилиб белгуладим.

Шу билан уруш бошланди. Саваш қизишиб, сўқиш ўти кўкка кўтарилди. Бовирчиларга буюрдим. Ошхона чодирларида ош-овқат пиширгани турдилар. Мана шу чоқда душман туғ бегиси туғни бош тўбан қилди эрса, меним аскарларим «ёғи қочди!» деб қичқирдилар. Шу билан Тўхтамишхон аскари енгилди. Жўжи улусини талонга ташлаб, орқа ўгириб, ўзи майдондан қочди.



Ижтимоий равнақ ва ислом

Али ЯТА
Марокаш Коммунистлар партиясининг саркотиби

Марксчилар ҳамиша кенг нуфузли жаҳон динларини маърифатга таъсир кўрсатувчи устқурма характеридаги буюк ҳодисалар қаторига қўшиб келдилар.

Марксизмнинг асоси атеизм эмас, балки тарихий материализмдир. Шунинг учун ҳам марксчилар — Оврупо ижтимоий фикрларини шарҳлаганларида француз буржуазиясининг язитчилик оқимини ҳам, немис буржуазиясининг атеизмини ҳам реакцион тушунча деб келдилар.

Энгельс ўзининг дин тўғрисидаги бир талай асарларида диннинг маърифатга хизмат қиладиган хусусиятлари, инқилобий томонлари борлигини ҳам кўрсатган эди.

Марксистик таълимотнинг ўз олдига қўйган мақсади — ҳукмрон синфларнинг диндан меҳнаткаш халқни эзишда қурол сифатида фойдаланишларига қарши курашдан иборатдир.

Социализм динни ижтимоий ва тарихий ҳодиса деб тушунади ва тушунтиради. Бу тузум руҳонийларга диний эътиқод эркинлиги, шунингдек ўз болаларига тушунтириш эркинлигини беради-ю, аммо диннинг золимлар, эзувчилар қўлида қурол бўлишига асло йўл қўймайди ва қўёлмайди.

Марокашдаги миллий-озодлик ҳаракати марабутларга айланган сохта халоскор бўлмиш французларга, Кеттани тарафдорлари ва бошқаларга қарши астойдил кураш олиб борди.

Социалистларга, уларнинг фалсафий мулоҳазаларига қараб эмас, балки социализм қуриш учун қандай курашаётганига қараб баҳо берилади.

Социализмнинг мақсади — миллатларни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатдан чинакам озод қилишдан иборатдир.

Инсониятни озод қилишдаги ҳозирги замоннинг аён бўлиб турган муаммоларини ҳал этишда ўн тўрт асрлик тарихга эга бўлган дин билан 120 йил мобайнида маромига етказилган сиёсий таълим ўртасида бир-бирига уйғунлик қидириш тўғри бўлавермайди: буларнинг бири — тамаъгир цивилизациянинг ибтидосида, иккинчиси эса — интиҳосида пайдо бўлган. Шунга қарамай, ҳозирги вазиятда социалистик таълимот билан ислом бир-бирига мос тушибгина қолмай, балки, бунинг устига, одамларни қулликдан ҳалос этиш борасида ғамхўрлик ҳам қилиб келмоқда.

1917 йилдаги Улуғ Октябрь инқилоби Шарқда кенг акс садо берди, аммо Ғарб мустамлака босқинчилиги оқибатида социализм қуриш муаммосини ўз олдига сўнгги 20 йил давомидагина жиддий равишда қўя бошлади.

Фикримча, Муҳаммад пайғамбар ҳам ўз йўлида Мусо ва Исо сингари буюк ижтимоий ислоҳотчи бўлган. У Маккадаги савдогарларга қарши туриб, бирмунча илғор «закот» солиқ қоидасини жорий қилди, қуллар билан камбағаллар ҳуқуқини ҳимоя қилди ҳамда хотинлар қисматини енгиллаштирадиган қоидалар чиқарди. Бу эса Муҳаммад фаолиятидаги мазмуни муросачиликдан иборат бўлган олий даражали илғор жиҳатлардир. У қуллик ғайриқонуний ҳол деган масалани олға ташламаган дейиш билан уни қулчилик тарафдори эди деб даъво қилиш — Муҳаммад фаолиятининг тарихий даврини сира ҳам билмаслик, Қуръоннинг асл моҳиятини тушунмаслик, хавфли ҳарфурўрлик бўлур эди. Исломдан ўз реакцион ғаразли мақсадларида фойдаланмоқчи бўлганларгина шундай дейишлари мумкин.

Ислом дастлаб қулларнинг дини, сўнгра феодалларнинг, кейинчалик империалистларнинг дини бўлган христианлик сингари жиддий ўзгаришларни бошидан кечирмаган.

Исломга хоҳ объектив тарзда, хоҳ субъектив тарзда, яъни ҳозирги тарихий шароитлар ва мусулмонлар онги билан қарайдиган бўлсак, у ҳолда ислом мусулмонларнинг манфаат бирлиги, бирдамлиги, уларнинг мустақиллик ва тараққиётга интилишларини ифодалайди. Худди мана шу сифатлари туфайли ислом арабларнинг фалсафий ҳамда маданий-миллий меросини сақлаб қолишда жуда катта ўрин тутган, шунингдек мустамлакачилар найрангларига инглиз ва французларнинг арабларгагина хос бўлган хусусиятларни барбод қилишига қарши курашда, ва ниҳоят, миллий-озодлик ҳаракатларида ғоят катта роль ўйнади. У бугун ҳам айрим мусулмон мамлакатларида империализмга қарши олиб борилаётган революцион ҳаракатни ривожлантиришда қатнашяпти.

Шахсан мен, исломни маърифатпарварларча тушуниш ҳеч нарсага, ҳатто, масалан, мулк ҳақидаги социалистик қарашларга ҳам зид бўлмаса керак деб ўйлайман. Ислом шахсий мулкни «ҳимоя қилади» ёки социализм уни «йўқотиб юборади» деб бўлмайди. Исломга ибтидоий коммунизмнинг ўчмас муҳри босилган, шунга кўра унда жамоа мулки шахсий мулкдан устун қўйилади (бу қоида тарихий тараққиёт жараёнида кўп марта бузилиб турган). Социализм шахсий мулкни тан олади ва уни муҳофаза қилади: бу қонун социалистик давлатларнинг конституциялари ва қонунлар мажмуаларида аниқ ёзиб қўйилган. Социализм мулкчиликнинг капиталистик типини рад этади, чунки бу хил мулк бир шахснинг иккинчи шахс меҳнати самараларини ўзиники қилиб олишга асосланган ҳамда капиталистик мулк меҳнаткашларни эксплуатация қилишга имкон туғдиради.

Социализм ишлаб чиқарувчи кучлар ғоят тараққий қилган бир пайтда вужудга келдики, бундай тараққиётни ҳижр бошланган кезларда · тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди. Агар социалистик революция содир бўлар экан, у фақат тарихий материализмгина таърифлаб бера олган ижтимоий тараққиёт қонунларига биноан, хусусан империализмнинг умумий кризиси қонуни асосида юз беради. Муайян миллат чет эл ҳукмронлигидан қутулиш учун ҳамда жуда кўп ишлаб чиқарувчи кучларни ажратиб олиш учун социалистик тузумни танлайди.

Менинг келажакдан башорат беролмаслигим турган гап. Аммо мен 2000 йилда мусулмон меҳнаткашлари, шунингдек жаҳоннинг барча халқлари эксплуатацияга, урушга, таҳқибларга барҳам бериб синфсиз жамият — социализм қуриш имкониятига эга бўла олишларини астойдил истар эдим.

(«АЗИЯ И АФРИКА СЕГОДНЯ» журналидан қисман қисқартиб олинди).



Мода қурбонлари

«Бойлик ботқоғига ботиб қолган Ғарб, кўзи қон пардалари билан қопланган даҳшатли маҳлуқ тусига кириб қолди. У фойда йўлида маданияти ва ҳатто шарму-ҳаёсини ҳам йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас.

...Энди биз Ғарбнинг башарасига тортинмай бемалол тик қарай оламиз. Унинг маданиятига тақлид қилишга келганда эса, ўйлаб кўришимиз керак».


Бу сўзларни буюк Шарқ даҳоси Рабиндранат Тагор «гуллаётган» Ғарб маданиятини ўз кўзи билан кўриб келгандан сўнг айтган. Мана, орадан қирқ йил ўтди.

Ҳақиқатан ҳам маданиятнинг «гуллаши» шу даражага бориб етдики, ҳатто у ўз либосигача ечиб ташлади. Буни ҳозирги Ғарб ёшларининг юриш-туришидан, одоб-ахлоқидан билиб олиш қийин эмас. Улар кўчаларда, тавжум майдонларда шилимшиқ резина чайнаб, беҳаёларча танца тушадилар, катталарни ҳурмат қилиш, ўзини тута билиш, ийманишни эркинликка зид нарса деб тушунадилар.

Бу ўринда янгича маданият бозори ҳисобланган Нью-Йорк кўчаларида олинган мана бу фоторасмларни диққатингизга ҳавола қиламиз.

1-расм: «муҳаббатни» (қиз кийимига «лайф»—«муҳаббат» сўзи ёзилган) тараннум этувчи янги модада юргандан сўнг, қадамни ҳам янгича босиш керак!

2-расм: қайиш ва попукли юбка қизларга мўлжалланган.



СССР
Термиз–Бухоро

ИХЧАМ ЖАДВАЛ

= 1900 – 2100 йиллар =

Қурувчи
инженер
В.И. Антонов тузган

КУН, ҲАФТА, ОЙЛАР

Кунлар	I январь-31 кун X октябрь-31кун	II февраль-28 кун II март - 31 кун XI ноябрь-30кун	III апрель-30 кун VII июль-31 кун	V май-31кун	VI июнь-30кун	VIII август-31 кун	IX сентябрь-30кун XII декабрь-31кун
Якшанба	7 14 21 28	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30
Душанба	1 8 15 22 29	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31
Сешанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25
Чоршанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	4 11 18 25	2/9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26
Пайшанба	4 11 18 25	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27
Жума	5 12 19 26	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31	7 14 21 28
Шанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29
Якшанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29
Душанба	7 14 21 28	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30
Сешанба	1 8 15 22 29	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31
Чоршанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25
Пайшанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26
Жума	4 11 18 25	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27
Шанба	5 12 19 26	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31	7 14 21 28
Якшанба	5 12 19 26	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31	7 14 21 28
Душанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29
Сешанба	7 14 21 28	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30
Чоршанба	1 8 15 22 29	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31
Пайшанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25
Жума	3 10 17 24 31	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26
Шанба	4 11 18 25	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27
Якшанба	4 11 18 25	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27
Душанба	5 12 19 26	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31	7 14 21 28
Сешанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29
Чоршанба	7 14 21 28	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30
Пайшанба	1 8 15 22 29	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31
Жума	2 9 16 23 30	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25
Шанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26
Якшанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26
Душанба	4 11 18 25	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27
Сешанба	5 12 19 26	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31	7 14 21 28
Чоршанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29
Пайшанба	7 14 21 28	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30
Жума	1 8 15 22 29	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31
Шанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25
Якшанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25
Душанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26
Сешанба	4 11 18 25	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27
Чоршанба	5 12 19 26	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31	7 14 21 28
Пайшанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29
Жума	7 14 21 28	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30
Шанба	1 8 15 22 29	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31

ЙИЛЛАР

I январь – душанба
1906.17.23.34.45.51.62
73.79.90.2001.7.18.29.
35.46.57.63.74.85.91

I январь – сешанба
1901.7.18.29.35.46.57.
63.74.85.91.2002.13.19.30.
41.47.58.69.75.86.97.2103

I январь – чоршанба
1902.13.19.30.41.47.58.69.
75.86.97.2003.14.25.31.42.
53.59.70.81.87.2098

I январь – пайшанба
1903.14.25.31.42.53.59.
70.81.87.98.2009.15.26.37.
43.54.65.71.82.93.99.2110.

I январь – жума
1909.15.26.37.43.54.65.
71.82.93.99.2010.21.27.38.
49.55.66.77.83.94.2100.

I январь – шанба
1910.21.27.38.49.55.66.
77.83.94.2005.11.22.33.39.
50.61.67.78.89.95.2106.

I январь – якшанба
1900.5.11.22.33.39.50.
61.67.78.89.95.2006.17.23.34.
45.51.62.73.79.90.2101.

КАБИСА ЙИЛЛИНИНГ КУН, ҲАФТА ОЙЛАРИ

Кунлар	III март-31 кун XI ноябрь 30кун	IV апрель-30кун VIII июль - 31 кун	V май-31кун	VI июнь-30кун	VIII август-31кун	IX сентябрь-30кун XII декабрь-31кун	X октябрь 31кун
Якшанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27
Душанба	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28
Сешанба	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29
Чоршанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30
Пайшанба	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31
Жума	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25
Шанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26
Якшанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26
Душанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27
Сешанба	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28
Чоршанба	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29
Пайшанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30
Жума	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31
Шанба	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25
Якшанба	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	4 11 18 25	6 13 20 27
Душанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24	5 12 19 26	7 14 21 28
Сешанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	6 13 20 27	1 8 15 22 29
Чоршанба	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	7 14 21 28	2 9 16 23 30
Пайшанба	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31
Жума	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	2 9 16 23 30	4 11 18 25
Шанба	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	3 10 17 24 31	5 12 19 26
Якшанба	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31
Душанба	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25
Сешанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24	7 14 21 28	5 12 19 26
Чоршанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27
Пайшанба	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28
Жума	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29
Шанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30
Якшанба	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29	5 12 19 26	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30
Душанба	7 14 21 28	4 11 18 25	2 9 16 23 30	6 13 20 27	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31
Сешанба	1 8 15 22 29	5 12 19 26	3 10 17 24 31	7 14 21 28	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25
Чоршанба	2 9 16 23 30	6 13 20 27	4 11 18 25	1 8 15 22 29	3 10 17 24	7 14 21 28	5 12 19 26
Пайшанба	3 10 17 24 31	7 14 21 28	5 12 19 26	2 9 16 23 30	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27
Жума	4 11 18 25	1 8 15 22 29	6 13 20 27	3 10 17 24	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28
Шанба	5 12 19 26	2 9 16 23 30	7 14 21 28	4 11 18 25	6 13 20 27	3 10 17 24 31	1 8 15 22 29

КАБИСА ЙИЛЛАРИ

Кабиса йилининг январь ва февраль ҳафта кунлари оддий йиллардаги ҳафта кунларга мос келади. 1912 кабиса йилининг январи 1906 кабиса йилига мос тушади ва ҳоказо.

I январь – душанба
1912.1940.1968.1996
2024.2052.2080

I январь – сешанба
1924.1952.1980.2008
2036.2064.2092.

I январь – чоршанба
1908.1936.1964.1992
2020.2048.2076

I январь – пайшанба
1920.1948.1976.2004
2032.2060.2088.

I январь – жума
1904.1932.1960.1988
2016.2044.2072.

I январь – шанба
1916.1944.1972.2000
2028.2056.2084.

I январь – якшанба
1928.1956.1984.2012.
2040.2068.2096.

200 ЙИЛГА ЯРАЙДИГАН ЖАДВАЛ

Бу ажойиб жадвал муаллифи — Владимир Иванович Антонов Аму-Бухоро канали қурилиши бошқармасининг бўлим бошлиғи. У жадвал тузишга жуда қизиқ.

Сиз, эҳтимол, ҳафтанинг қайси кунида туғилганингизни билгингиз келар?

Буни аниқлаш қийин эмас. Қайси йили қайси числода туғилганингизни билсангиз бас. Антонов жадвалига қараб туриб, масалан, Улуғ Октябрь социалистик революцияси чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси ғалаба қилганини, Ернинг биринчи сунъий йўлдоши жума куни учирилганини ва ҳоказоларни билиб олишингиз мумкин.

Инженер В. И. Антонов минг йиллик ихчам жадвал тузибди. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган бу жадвал эса 200 йилга — 1900 йилдан 2100 йилгача яралди. У икки қисмдан иборат. Тепа қисмида 365 кунлик йилларнинг ҳамма кун, ҳафта ва ойлари, пастки қисмида эса фақат кабиса (366 кунлик) йилларнинг кун, ҳафта, ойлари кўрсатилган. Кабиса ва оддий йилларнинг январь ва февраль ойи кунлари ҳар доим бир-бирларига мос тушганлиги учун уларни бир ўринда — жадвалнинг тепа қисмида жойлаштирилган.

Сиз шу 200 йилдаги истаган число ва ҳафтанинг кунини топмоқчи бўлсангиз, ўнг томондаги «Жадвал йиллари» деган устунга назар солинг. Ундан сизни қизиқтирган воқеа рўй берган йилни топинг. Майли, айтайлик, янги 1967 йил бўла қолсин. У оддий йилларнинг охирги, еттинчи катагида турибди. Топдингизми? Шу билан асосий ишни бажардингиз, бу ёғи осон: чап тарафидаги жадвал — ўша йилнинг жадвали. Энди ундан ҳар йилги жадваллардек фойдаланаверасиз.

Тургун ПУЛАТ, ҳазил

Миша — Маматвали

Солдатлик кезларим эди. Эрта баҳорда бизнинг алоқа батальонимиз чўлдаги ёзги лагерга кўчиб кетди. Бир оз бетоб бўлиб турганим учун старшинамиз мурувват қилиб: «Сен Маматвали Усмонов билан казармани пойлайсан», деб мени шаҳарда қолдирди.

Роса дориламон кунлар бошланди. «Подъём-отбой», «кечки йўқлама» деган гаплар йўқ. Хоҳлаган вақтингда ётасан, таъбинг кўтарганида турасан. Биров мушугингни «пишт» демайди. Маишат тўкис. Фақат кундуз кунлари бириминг ухлаганда, бириминг бедор турсак кифоя.

Маматвали бизнинг ротага бултурги чақиримда келувди. Ёшига қараганда семизроқ, қора магиз юзи босволди қовунинг пўстидай сипсилиқ. Бўйи паканалигидан юрганида йўғон гавдасини кўтара олмай, оғир юк тортиб келаётган аравакаш отдай икки томонга шох ташлайди. Шунисини назарга олибми ё бўлмаса, «Маматвали» дейишга тиллари келишмаганданми, ҳар қалай, ротамиздаги бошқа миллат болалари унга «Мишка» деб лақаб қўйиб олишган.

«Чарх кажрафторнинг бир шевасидан догмен» дегандек, оламнинг ишлари қизиқ экан. Бир одам бор — ҳаммани кулдириб, вақтини чоғ қилсам, деб жони ҳалак бўладию, лекин ўйлаб топган гапи ё қилиғи ҳеч кимга ёқмайди, қайтага кўзга шумшук кўриниб қолади. Бир хил одам бўлса, нуқул узлатнишинликнинг пайидан, ўзини уззукун элдан олиб қочади-ю, аммо мутлақо беғаразлик билан айтиб юборган бир калима сўзи, сира ўйламасдан қилган бирон иши ё ҳаракати атрофидаги кишиларга ҳузур бағишлаб, кўпчиликка эрмак бўлиб юради. Бизнинг Маматвали сўнгги тоифадаги одамлардан. Шунинг учун бўш қолган кезларимизда болалар дарров уни ўртага олиб, гапга солиша-

ҲАНГОМАЛАР

Ираклий Андроников ҳикоя ёзганида на қалам ишлайди, на қоғоз ишлатади. У ҳикояни ёзмайди ҳам. У ҳикояни товуш чиқариб «ўқий боради», гўё хотирасининг магнит лентасига «ёзиб боради». Унинг ҳикоялари эшитувчининг кўзи олдида яратилади.

Француз кимёгарлардан бирининг ҳисоблашича, инсоният бир йил давомида тўкиб юборадиган кулда 2400 тонна хром, 40 минг тонна маргимуш, 48 минг тонна цинк, 10 минг тонна уран, 5 минг тонна қўрғошин, 4 минг тонна рух, 2 минг тонна қалайи, 25 тонна кумуш, 3 тонна олтин ва 1 тонна оқ олтин (платина) қолар экан. Афсуски, тўла ҳақиқат бўлган бу бойликни қутқаришнинг иложи йўқ, чунки кулдан бу қимматбаҳо ашёларни ажратиб олишга сарфланадиган маблағ ўша бойликлар нархидан анча ортиб кетади.

Швециянинг Борас деган шаҳрида қизиқ бир кўргазма очилди. Унга энг машҳур рассомларнинг асарлари билан бирга тетапоя рассомларники ҳам қўйилди. Бироқ биронта сурат остига муаллифнинг номи ёзилмади. Кўргазма ташкилотчилари бу ерга қўйилган расмларнинг нархи 3 кроннан тортиб, 10 минг кронгача баҳоланган деб эълон қиладилар-да, томошабинлардан шу суратларга ўз билгичларича нарх қўйишни сўрадилар. Жуда кўп томошабинлар 5000 кроннан баҳо қўйган суратларни тўрт ёшли Лотта Мальмстрем чизганлиги маълум бўлганида бутун Швеция неча кунгача бу ажойиб холис баҳо натижасидан кулиб юрди.

XVIII асрда Англияда яшаган Артур Юнг қишлоқ хўжалиги билан шуғулланганида тўрт марта инқирозга учраган. Бироқ «Қишлоқ хўжалигини қай тартибда бошқариш керак» деган китоб ёзганидан бошлаб, унинг ишлари ривож топади ва ҳатто анча-мунча бойлик ҳам орттиради, бу китоб шу қадар шуҳрат топадики, унинг муаллифи пировардида қишлоқ хўжалик министри қилиб тайинланади.

ШОИРНИНГ ҚАЛАМ ҲАҚИ

Абдулла Тўқай 1917 йилнинг майида «Қозон» мусофирхонасида турганида унга қозонлик бир ноширдан хат келади. Хатда муаллифнинг шу пайтгача «Фикр» ва «Аласирилжадид» газеталарида босилиб чиққан шеърларини китоб қилиши ва умр бўйи нашр этиши ҳуқуқи сўралиб, ҳақига 30 сўм беражаклари айтилган бўлади. Кармонида бир тийини бўлмаган, ҳали китоб чиқазиш ва авторлик ҳуқуқларидан бехабар бўлган ёш шоир бу таклифдан хурсанд бўлиб, розилигини билдириб нома ёзади. Лекин ҳайрон бўлади: «Босилган шеърларни нимага олдилар-а? Ундан нима фойда чиқади?»

Нима фойда чиққани кейинча маълум бўлади: савдогар ношир «Абдулла Тўқаев шеърлари» номи билан иккита китоб чиқаради ва у китобларни тўрт йил мобайнида тўрт марта нашр этади. 32 минг нусхадан чиққан китобларнинг ҳар бири 12 тийиндан эди...

Абдулла ҒАНИ.



Совет Ўзбекистонимизнинг донғи, шуҳрати чет элларда ҳам ёйилган.

Мазкур фоторасмни Ҳиндистонда чиқадиган «Иллюстрайтед оф Индиа» журналидан олиб босмоқдамиз. Журнал муқовасига рангдор қилиб берилган мана бу фотога «ЎЗБЕК ҚИЗИ — ПАХТА МАЛИКАСИ» деб шоирона ном қўйилган.

БУШ ВАҚТЛАРДА

„Гулистон“ кроссворди

1. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири. 2. Ойбекнинг «Навоий» романидаги қаҳрамон. 3. «Байроқдорлар» трилогиясининг муаллифи. 4. Иброҳим Раҳим романи. 5. Ойбек поэмаси. 6. «Ҳапалак» шеърининг муаллифи. 7. «Шинелли йиллар» романининг муаллифи. 8. «Темур ва унинг командаси» қиссасининг муаллифи. 9. Қозоқ халқининг улуғ оқини. 10. Атоқли озарбайжон шоири ва драматурги. 11. Ўзбек халқининг маърифатпарвар ва демократ шоири. 12. Ҳамид Ғулом романи. 13. «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпопеясининг муаллифи. 14. Атоқли рус совет ёзувчиси ва жамоат арбоби, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 15. «Қутлуғ қон» романидаги персонаж. 16. А. Первенцевнинг гражданлар урушининг машҳур қаҳрамони ҳақидаги романи. 17. «Гамлет», «Отелло» трагедияларининг муаллифи. 18. «Кулар ва тунлар» романининг муаллифи. 19. «Уруш ва тинчлик» эпопеясининг муаллифи. 20. «Тинч Дон», «Очилган қўриқ» романларининг муаллифи.

Тузувчи: **Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**



ТУГАТИЛДИ

МУСТАМЛАКА МИНИСТРЛИГИ

Бултур 31 июль куни тун ярмида Буюк Британиянинг мустамлака министрлиги тугатилди. «Колониал оффис» деган бу олчоқ идора 197 йил иш кўрди.

«Колониал оффис» 1763 йилда тузилган эди. Британиянинг ҳамма «мустамлака ерлари» ичида энг йириги ва энг нотинчи, кейинча Америка Қўшма Штатлари деб ном олган мамлакат эди.

Эндиликда Англиянинг океан ортидаги мулки қаторига кирадиган 30 мамлакати қолган. Бу мустамлакаларда тахминан 8 миллион аҳоли яшайди. Энг катта мулки — Гонконг (Сянган)да 3 миллион 700 минг киши, энг кичиги — Тинч океандаги 80 киши истиқомат қиладиган Питкэрн оролидир. Бу оролда табиий офатлар кўп бўлиб турганига қарамай, одамлари бир қаричгина ватанини ташлаб кетишмайди. Беш квадрат километр кенгликдаги бу оролга биринчи бўлиб, 1790 йилда «Баунти» кемасида қўзголон кўтарган матroслар келиб ўрнашган эдилар.

Тутун

Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалик министрлигининг ҳисоботига қараганда, америкаликлар бултур беҳад кўп — 542 миллиард дона сигарета чекканлар. 1966 йилда Вьетнамдаги Америка ҳарбий хизматчилари кўпайтирилганлиги бунинг бош сабабларидан бири эканлиги алоҳида қайд қилинади.

«Олови бўлмаса тутуни қайда» дегани шу бўлса керак-да!

ди. Унинг чучук тилда берган жавобларини эшитиб, роса чақ-чақ қилишади. Масалан, «ефрейтор», «сержант», «помпалит», «бачёк», «Онифрейчук» деган сўзларни айтишга сира тили қовушмай, нуқул «иприйтур», «сиржон», «комполит», «бачки», «Анипирчик» деяр экан, йигитларимиз Маматвалини масхаралаб эмас, балки табиий сўтаклигидан завқланиб кулишади.

Маматвалининг бошидан кечган ҳангомалар бир китоб бўлгудек.

Қисмга янги келган кезларида отхонага навбатчи қилиб тайинланган эди. Маматвали тушмагур нима қилибди денг? Ротамизга қарашли тўртала отнинг думини тагидан бир қаричча қолдириб, шартга қирқиб ташлабди. Эртасига эрталаб бу гап командиримизга етиб борган экан, унинг жон-имони чиқаёзибди. «Ахир, бу нима қилиқ? Шўринг қурғур отлар ёзга чиқиб, пашшасини нима билан қўрийди ё ҳар қайсига биттадан Маматвалини қўриқчи қилиб қўямизми?» деб фигони кўкка кўтарилибди. Маматвалининг ўзига шу саволни берса «миқ» этмабди. Командир зарда билан унга бенавбат учта наряд берибди.

«Дум» ғалваси бости-бости бўлган

(Давоми 36-бетда).

МУРЧИНАК ● МУРЧИНАК



МАР ҲАБО, ФУТ БОЛ!

Бундан беш-олти йил бурун русча «болельщики футбола» деган иборани қандай қилиб ўзбекчага аниқ ағдариш мумкин, деган гап устида редакция ходимлари баҳслашиб қолдик. Бир газета буни «футбол ишқибозлари» деб чиқарса, бошқаси «футбол дардмандлари» деб ёзарди. Лекин ҳар иккаласи ҳам шу иборанинг мазмунини тўла-тўкис очиб бера олмасди. «Болельщик» сўзи бошда руслар орасида ҳам энг зукко одамларнинг қитиғига тегиб юрди, тилнинг софлиги учун жонини жабборга бериб курашувчи кишилар бу сўзнинг талаффузга киритилишига тиш-тирноқлари билан қарши турдилар. Аммо футболга жондили билан шайдо бўлган одамнинг ички ва ташқи ҳолатини: унинг ҳаяжонлари, ҳаракатлари, имо-ишоралари, қилиқларини аниқ ва тугал ифода эта оладиган бошқа сўз йўқлигини кўргач, улар ҳам тақдирга тан бериб қўя қолдилар.

Ҳа айтганча, редакциядаги ўша баҳсга келайлик. Узини ўткир «тилмоч» санаб юрадиган бир оғайнимиз: «футболга куйинувчилар» дейишни таклиф қилувди, унинг гапи шу заҳотиёқ рад этилди. Яна биров «жазманлар дея қолсак-чи», деди. «Жазманлар? Йўқ, буниси сира ҳам бўлмайди. Нима, футбол қиз боламидики, унга ошиқ бўлган одамларни «жазманлар» деймиз?!»— деб яксар эътироз билдирдик.

Ичимизда бир шумроқ йигит бор эди. Аввал «буларнинг баҳси қайгача бораркин?»— деб, бир чекнада илжайиб ўтираверди. Сўнг, ҳаммалари қорнида бор гапни айтиб бўлганига кўзи етгач, секин гапга аралашди:

— Биласизларми, қадимда отга, итга, беданага бениҳоя ҳирс қўйган одамлар бўларди. Шундайларни эл орасида «от жинниси», «ит жинниси», «бедана жинниси» деб юритишарди. Киссадан ҳисса шуки, ўша гаплардан қиёс олиб, «футбол жинниси» дейиш — айни муддао!

— «Футбол жинниси»?! Ҳе, эсингни едингми?— деб қизариб-бўзариб кетди сиркаси сув кўтармайдиган ўртоқларимиздан бири.— «Кеча «Пахтакор» стадионига футбол жинниларидан фалон минг киши тўпланди» деб ахборот ёзсанг, муҳаррир, аввалам бор, ўзингни жиннихонага жўнатади-я!

Баҳсимиз бир жойга тинмай, уй-уйимизга тарқалишдик...

Гап бир иборани қандай таржима қилишда эмас, албатта. Майли «ишқибоз» бўлсин, майли «жазман» бўлсин, бунинг нима аҳамияти бор? Одамнинг кўнглини тоғдек ўстираётган жойи шундаки, кейинги ўн йилнинг ўзида бизнинг Ўзбекистонимиз — буюк футбол ўлкаси бўлиб қолди!

1957 йилни эсланг. Ўшанда биргина «Пахтакор» бутун республикадан вакил бўлиб, «Б» классида қатнашарди. Ҳозир-чи? Андижондаги «Москва» колхозининг командасини бу йил «Б» группасига киритиш керакми-йўқми, деган муаммони ечолмай, неча ойдан бери СССР футбол федерацияси раҳбарларининг бошлари гаранг. «Пахтакор»имизнинг аллақачонлар халқаро майдонга дадил чиққанлигини, икки командамиз «А» классининг иккинчи группасида ўйнаётганлигини, Ўрта Осиё ва Қозоғистон зонасида «Б» класс командаларининг мусобақасини ўтказиш бизнинг федерациямиз ихтиёрига топширилганлигини айтмай қўя қолайлик. Энди республикамизнинг энг узоқ қишлоқларига борсангиз ҳам, Абдураимов, Красницкий, Пшеничников, Раҳматуллаев, Иброҳимовнинг номини билмаган ўспиринни тополмайсиз.

Сертуман Британия оролларини футбол ватани дейишади. Лекин бунга сал шубҳамиз бор. Футболнинг асл ватани — бизнинг Ўзбекистон эмасмикин? Ҳар қалай, танти табиатнинг ўзи бизнинг серқуёш юртимизни айни футболбоп қилиб яратган-ку.

Археолог оғайнилар, тарихий жойларимизни тузукроқ қавлаб кўринглар-чи, зора-мора, милоддан фалон аср илгари ҳозирги ўзбеклар днёрида футбол ўйини урф бўлганлигидан далолат берувчи нишоналарни топсангиз! Шояд бирортангиз Ўзбекистон футболи тарихидан диссертация ёқлаб қолсангиз!..

Аммо биз ҳозирча «ўзбек футболининг сарчашмаси» деганда, барибир «Пахтакор»имизни кўз олдимизга келтираверамиз. Командамиз ҳали ҳатто бронза медалига илинмаган бўлса, бунинг асло ўкинчли ери йўқ. Медаль— меҳнат ва маҳорат билан қўлга киритиладиган нарса. Йигитларимиз эса, меҳнатдан қочадиганлардан эмас. Маҳоратга келганда, бу ҳам аста-секин «Пахтакор» билан иноқлашиб боряпти. Чунки командамизнинг устозлардан бахти келган. Александр Келлер уни Иттифоқ ва жаҳонга танитди, Гаврилов Качалин унга техника «сир»ларини ўргатган бўлса, «айёр Михей»— Михаил Якушин унга тактика ва стратегиядан ажойиб сабоқлар берди. Мана энди йигитларимиз футбол оламининг соҳиби илми, жаҳондийда Борис Аркадьевдан таълим олиб, маҳоратларини ниҳоясига етказажаклар.

Оҳ, футбол!.. Қандай сеҳрли нарса экансан ўзинг! Ёш-наринни ўзингга баб-баравар мафтун қилиб қўясан-а! Сен бор жойда уйқу ҳам унутилади, ошлар лаганда қолиб кетади, етти ухлаб, бир-бирини тушида кўрмаган, мижози бир-бирига мутлақо тўғри келмаган одамларнинг гапи дарров қовушиб қўя қолади...

Оҳ, футбол!.. Одамни нима кўйга солмайсан-а! «Тўп билан Красницкий... Меҳмонларнинг ўйинчиси тўп билан майдон ташқарисига чиқиб кетди... Бурчакдан урилган тўпни Иноятов бошн билан уриб қайтарди... Репортажимизнинг давомини энди рус тилида давом эттирамиз» деган жумлаларни радиода эшитиб қолса, тепа сочи тикка бўлиб кетадиган тилчи олим ҳам шу сўзларни телевизордан эшитганида, қулоғига пахта тиқиб олган одамдай жим ўтираверади.

Футбол!.. Яна дилларимизга ҳаяжон ва ғулғула, шодлик ва қувонч, ғурур ва ифтихор солмоқ учун юртимизга ташриф буюрдинг. Марҳабо!— деймиз сенга.— Қадамларингга ҳасанот!

Футбол «жинниси».



ОДОЕВСКИЙ— пазанда

Одоевскийнинг ёзувчи, музиканавислигини ҳамма билади. Бироқ у зотнинг кимёгар, пазандалигини замондошларидан ҳам камдан-ками воқиф бўлган.

Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида чиққан «Литературная газета»да Владимир Фёдорович Одоевскийнинг ҳикоя, эртак, повестлари билан бир қаторда «Пазандалик маҳорати» туркумидаги мақолалари ҳам босилиб турарди. Ўша мақолаларига асл номини қўймасдан, балки «Ошхонашунослик билан бирга яна бирмунча илмларнинг доктори, профессор, жаноби Пуфф» деб имзо чекарди.

Владимир Федорович ҳар томонлама камолотга етган киши эди, шу сабабли ёзувчи билан ёзувчидай, машшоқ билан машшоқдай, муаллим билан муаллимдай, кимёгар билан кимёгардай суҳбатлаша олган. Дўстлари ҳазил-мутойиба устида гоҳо: «Сиз устаси фарангда ҳамма нарса топилади» дейишаркан.

Одоевский бўш вақтларида уйидаги кимё ускуналарини ишга солиб тажрибалар ўтказган, хулосасини пазандаликка татбиқ қилган. У таом тайёрлашнинг хилма-хил усулини билган. Буни «Пазандалик маҳорати» туркумидаги мақолаларидан билса бўлади. Уларда гўшт, тухум, ошқўкиларни қандай сақлаш, сабзавот-у мевалардан консервалар тайёрлаш қоидалари тўғрисида маслаҳатлар берилган. Одоевский бу хил маслаҳатларини кўпинча ҳажв йўлида баён қилган. «Қаҳратон қишда янги замбуруғ, янги ошнўк истеъмол қилганингизни кўрган бирон хоним — Рубиками, Полинами, Виордами, барибир,— кўзи куйиб, ҳасад қилса сиз унга: «Э, тентакча, ҳали сен профессор Пуфф жанобларининг асарларини ўқимаганмидинг?» Вақтида шиша, қопқоқ ҳозирлаб, арзон сабзавотлардан ғамламаганмидинг?» денг. Ҳамма билиб қўйсинки, қопқоғи маҳкам ёпилган шишада таомни узоқ вақт сақлаш, уни ҳатто узоқ элларга элтиш мумкин. Чунончи, консерваланган мол гўштини Камчаткага ҳам элтса бўлади. Жанубдаги ҳўкизни шишага солиб келтирадиган вақтлар ҳам бўлади. Ана ўшанда савдогар Милютин дўконида нуқул француз мевалариигина эмас, балки Москва ананаслари ҳам бўлади»,— деб ёзади муаллиф.

«Барча фанлар доктори, профессор Пуффнинг филологик тадқиқотлари» туркумидаги мақолаларида Одоевский рус миллий таомлари унутилиб кетилаётганлигини айтади. «Кулчалардан фақатгина кулоб* қолди, ота-боболаримиз еб келишган ватрушкалар, пироглар қани? Булар ер юзида йўқ, осмонда бўлса, билмадим. Пишлоқ солинган пирог, буюртма қуймоқ, юмшоққина оқ булка, гўштлик пирожки, сорочин сўкоши каби серлаззат, енгил таомларни яқин ўртада еган, ёнинки булар ўзи қанақа нарсалигини уқтириб бера оладиган бирон кимса топиладими?», деб ёзади у. Ёзувчи бир қарашда бу мақоласида унутилиб кетаётган миллий таомларни қайта тиклашга ғамхўрлик қилаётгандек кўринса-да, аслида ғилофда турган ўткир ҳажв тиғи билан чоризм ҳукмронлиги давридаги очарчиликни пичоқлайди.

«Литературная газета»да таом тайёрлаш тўғрисида қизиқарли мунозарани бошлаб қўйган доктор Пуфф бирдан ғойиб бўп қолади. Газетхонларнинг таомларни қандай тайёрлаш кераклиги тўғрисидаги саволлари ҳам узоқ вақт жавобсиз қолади. Бу, атайин ўйланган танқидий усул эди. Маълум бўлишича, ўша саволларнинг ҳам Одоевскийнинг ўзи ёзаркан. Масалан, «бузоқча буйрагини қандай қовуриш керак!» деган савол жўрттага берилади. Чунки оддий халқ бузоқча буйраги у ёнда турсин, бир қадоқ картошкага ҳам зор эдида у пайтда.

Бировлар тилидан ёзилган бу хил саволларга турибтуриб Одоевскийнинг ўзи жавоб қиларди. Бироқ, энди у доктор Пуфф тахаллуси билан эмас, ўша профессорнинг шогирди — аспирант Скарамушев бўлиб оларди. У бундай ёзади:

«Доктор Пуфф йўқолиб қолди, ҳурматли домламнинг одати шунақа: масаллиқлар қимматлашди дегунча қаёққадир ғойиб бўлади. Пазандалик маҳорати осмонида йилтираб турган юлдузим қай томонга учди экан, ўзим ҳам роса қидиряпман.

Олинган маълумотларга кўра, доктор Пуфф таомшунослик илмини тарк этганмиш. Бузоқ гўштидан русча таом тайёрлашни ўргатадиган одам бўлмаса, неаполитанчасини биладиган мана биз турибмиз-ку!». Шундай дегач, мол гўштидан неаполитанча таомни қандай тайёрлаш кераклигини айтади.

Йўқ ердаги лаззатли, камёб таомларни аҳолининг эсига солиш билан ўша даврдаги тузумга нафрат қўзғата олган ёзувчининг маҳоратига қойил бўлиш керак.

Доктор Пуффнинг ўқувчиларига берган маслаҳатларидан муаллиф пазандалик санъатини чуқур эгаллаганни кўриниб турибди. Русча таомлар ҳаддан ташқари дндсизлик билан тайёрланаётганини бу тариқа уқтиради: «Янги йил дастурхони атрофида ҳар бир нарсани ўз номи билан аташингизни истардим. Ошхоналарда, умуман ҳамма жойда содир бўлаётган бемаъниларчиликларнинг сабаби шундаки, ликопга қовурилган болтани қўйиб, бу — бифштекс дейишади, жингаги чиқиб қовжираган нонннинг куйигини — бисквиту, япасқи хўрда-бурдани илвосин гўштидан тайёрланган тамаддиқ деб мақташади. Чунки одатда, порахўрни — коргина у ёки бу ёқдан ўзини оқлаш учун «Ёлғончини — нияти холис, риёкор ё мунофиқни — ахлоқли одам дейишади-да...»



Профессор Пуфф жаноблариннинг пазандалик эътиқодларига қарши бир «душман» пайдо бўлади. Бу аллақандай магистр Кнуф деган шахс бўлиб, доктор Пуффга газета орқали ушбу хатни ёзиб юборади. «Сиз, жаноб, замондошларингизнинг қорнини тўйғазишни ўз зиммангизга олган экансиз, у ҳолда марҳамат қилингда, ҳадеб қийма бийрону, лаққа балиқлардан сўз очиб одамларни қийнагандан кўра, парча нонга зор бечоралар шу топда нима ейишлари кераклигинн гапирсангизчи! Жаноби Пуфф, Сизнинг илмингиз қашшоқларга ҳам мурувват қиладими ўзи? Чунончи Сиз, «соф ҳаво ишганн нарнай қилади» деган масалани исботлаб ўтирибсиз, ҳа, ундан кўра, инсон билан ҳайвон бир кулбада яшаяпти, мана шунинг сабабини тушунтирсангизчи!»

Бу ҳам улуғ ёзувчининг ҳажвий усулларидан бири эди. Доктор Пуфф ҳам, магистр Кнуф ҳам Одоевскийнинг ўзгинаси! Кнуфни Пуффга қарши қўйишдан кўзлаган мақсади ҳаммангизга аён, албатта.

Ҳажвий асарларида ошпазлик қоидаларидан фойдаланиш учун Одоевский пазандалнкни миридан-сиригача ўрганиб чиқади. Буни жазлаш тўғрисидаги мулоҳазаларидан ҳам билсак бўлади. «Жазлаш — масаллиқлар сиртидаги намликни қуритиш демакдир. Шўрвага деб майда тўғралган сабзавотлар аввал ёғда жазлаб олинса кейин қозонда қаттиқ қайнатса ҳам эзилиб кетмайди».

Шундай қилиб, атоқли ёзувчи Владимир Федорович Одоевскийнинг моҳир пазанда бўлганлигини ҳаммамиз билиб олдик-а?

Карим МАҲМУДОВ,
машҳур пазанда, фалсафа фанлари кандидати.

* Куляб — татарчадан кирган кулча сўзи.

дан кейин Маматвалининг ўзидан «нега шундай қилдинг?» деб секин сўриштирсак, мана бу жавобни берди: «Ёшлигимда бир марта от ўйинига тушгандим. Отларнинг думи калта қирқилгани учун кўзимга жуда чиройли кўринувди. Буларниям ўша отларга ўхшатиб қўяй дедим-да».

Яна бир куни старшинамиз Маматвалини ғарамдан беда олиб келишга юборибди. «Икки марта қатнаб юрамизми?» деб шофер билан икковлари машинага бедани ўлардек босишибди. Қайтишда, Маматвали нима хаёлга борибдию, кабинага ўтирмай, беданинг устига чиқиб олибди.

Отхонага етгандан кейин шофер кабинадан тушиб, тепага қараса... Маматвали йўқ эмиш. «Оббо, қизи талоқ, юмшоқ жойни топгач, пинакка кетибди-да», деб шофер гоҳ «Машка!», гоҳ «Маматвали!» деб чақираверибди. Лекин ҳеч садо чиқмабди. «Бир кори хол бўлганга ўхшайди» деб ёнига уч-тўрт кишини олиб, зудлик билан изига қайтиб борса, бизнинг Маматвали йўл бўйида чалқанча тушиб ётган эмиш. Яхшиям худога айтгани бор экан, лазаретда бир-икки ҳафта ётиб, тузалиб чиқди.

Энди мана шу Маматвали билан икковимиз ҳамхона бўлиб қолдик. Кунларимиз бир маромда ўтади. Эрталаб турамиз, ювингач, ошхонадан нонушталикни олиб келамиз. Кейин биримиз ухласак, биримиз сергак турамиз. Пешинликдан кейин ҳам аҳвол шу. Хуллас, подшолар кўрмаган айшфароғатдамиз. Ҳар куни кечқурун почтачи ротамизга келган хатларни ташлаб кетади. Шуниси қизиқки, мен ҳафтада битта ё икки хат олсам, Маматвалига хат келмаган куни йўқ. Тағин баъзида беш-олтиталаб хат олади. Кўпининг ичида расмлари ҳам бўлади. «Хўп серуруғ, серқариндош, бахтли йигит экан-да» деб қўяман ичимда унга ҳавасим келиб.

Мен уйқудан бўшасам, кўпинча китоб ўқийман. Маматвали бўлса, Ленин хонасига кириб олиб, пайдар-пай жавоб ёзишга тушади.

Бир куни кечга яқин Ленин хонасига кирсам, Маматвали навбатдаги хатини тугатиб, конвертнинг устига адрес ёзаётган экан. Шунда бир нарса менга ғалати туюлди. Маматвали столнинг устига газета подшивкасини ёзиб қўйиб, адресни ўшандан кўчириб оляпти. Яқинроқ бориб қарасам, бир гўзал қиз газета саҳифасидан жилмайиб боқиб турибди.

— Ҳа, қариндошингизнинг адресини йўқотиб қўйибмидингиз, газетадан ахтариб қолибсиз? — дедим мен ҳеч бир ғаразсиз.

Шунда Маматвали худди жиноят устида қўлга тушган одамдай гоҳ бор, гоҳ йўқ бўлиб қолди. Қўли даг-даг қалтирайди. Гапирай дейдию гўдан боладай тамшанади. Нима гаплигини тушунмай, ўзим ҳам хижолатда қолдим. Бир чеккаси, худди уни пойлаб киргандай ҳам бўлдим. Маматвали ўзини босиб олгунча анча вақт ўтди. Ниҳоят, ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб, энтика-энтика гапира бошлади:

— Ҳалиги... Маҳмуд ака... Бу, жудаям жўн иш... Сизга ҳам ўргатиб қўяман... Мусофирчилик билинмайдиган бўлади...

— Нимани ўргатиб қўясиз? Мусофирчиликнинг бунга нима дахли бор? — дедим кулгим қистаб.

— Мени хат ёзадиган қариндошуруғим... ошна-оғайним йўқ... Газетада расми босилган қизларга хат ёзиб тураман... Баъзиларидан жавоб келади, баъзиларидан йўқ.

— Ҳе шунақами? Ўлманг, Маматвали! Гойибдан қайлиқ қидиряпман денг? Қойил!

— Йўқ, йўқ, ундай эмас! Жон ака, ҳеч кимга айтманг. Хўпми, жон ака?!

Шу-шу Маматвали билан сирдош бўлиб қолдик. У менга ёшлигида етим қолганини, уруш вақтида колхоз идорасида майда-чуйда юмушларни бажариб, саройда катта бўлганини, идора қоровуллигидан ҳарбий хизматга чақирилганини гапириб берди.

Шу орада биринчи апрель келиб қолди. Эски шўхлигим тутиб, «Маматвалини бир алдамайманми?» деган хаёлга бордим. Лекин қандоқ қилиб? Роса ўйладим. Ахири топдим!

— Маматвали, — дедим нонуштадан кейин. Сиз бунақа қилиб, газетадан келин ахтаришни ташланг. Фойдаси йўқ. Сизга мен бир жононнинг тайинини айтай. Ўзи магазинда ишлайди. Ҳусни ҳам кетворган. Шунга хат ёзинг.

— Бажонидил, ака! — деб севиниб кетди Маматвали.

Унга шаҳримиздаги бир ўрта яшар жувоннинг номини айтдим.

— Хатни қаерга ёзаман?

— Горпищчеторггa ёзаверинг. Етиб боради!

Маматвали мен айтган жувонга хат ёздими-йўқми, билмайман. Тез орада мен тузалиб лагерга чиқиб кетдим, у ердан қайтгач, муддатим тугаб, уйимга жўнадим. Штабдан ҳужжатларимни олгани тушган куним казармага кириб, Маматвалини тополмадим: уни бир ёққа ишга юборишган экан. Шунинг учун ошнам билан хайр-маъзур насия бўлди...

Орадан икки йил ўтди. Бир куни ишдан қайтаётиб, шаҳар ЗАГСининг олдига етганимда ичкаридан чиқиб келаётган Маматвалига «ялт» этиб кўзим тушди. Ёнида... ўша мен тайинлаган магазинчи жувон бор эди. Шартта тўхтаб, орқамга қарамай қочаман деб, турувдим, Маматвалининг ўзи:

— Маҳмуд ака! Ҳой, Маҳмуд ака! — деб чақириб қолди.

Нимаям қилардим? Тўхташдан бўлак иложим йўқ. То мен ўгирилгунча Маматвали олдимга етиб келди. Уст-боши башанг: эгнида қора костюм, ичидан оқ кўйлак кийиб, қора галстук тақиб олибди. Сал этини йўқотганиданми, бўйи ҳам чўзилганроқ кўринади. Ҳаммадан чеҳрасини айтмайсизми, кино операторларининг машъалидай шундай ёғду сочиб турибдики, кўзни қамаштиради.

— Маҳмуд ака, қаранг, ният холис экан-а. Сизни қандай топаман, деб қаранг эдим. Хайри опамга айтсам, сизни сира таниб ололмадилар, — деди ёнидаги жувонга ишора қилиб.

Қани энди мендан бирон садо чиқса? Томоғимга бир нарса тиқилгандай, оғзим қуруқшаб қолган эди.

— Жон ака, эртага кечқурун бизнинг тўйга марҳамат қиласиз. Адресимиз: Қурилиш кўча, 16-уй. Агар бўш бўлсангиз, ҳозироқ кета қолайлик.

— Йўқ, йўқ, Маматвали. Эртага. Келинойингиз билан борамиз.

— Ҳа, ўлманг. Албатта, у кишиниям олиб боринг. Хўпми, ака? — Шу пайт унинг кўзига тин боқишга журъат қилдим. Мен бу кўзлардан лаънат ўқимоқчи эдим, лекин аллақандай миннатдорчилик аломатларини яққол кўрдим.

Шундай қилиб, эртасига тўй ҳам бўлиб ўтди. Бизнинг Маматвали тўрда куёвлардек виқор тўкиб ўтирди. Лекин унинг ёнидаги келин — Хайри опа эмас эди. Маматвали Хайри опанинг қизи Саврихонга уйланди. Нега шундай бўлганини мен ҳали-ҳали билмайман. Маматвалидан бир суриштириб кўрай, дейман-у аммо ўзимдан ўтгани ўзимга аён бўлгани учун юрагим дов бермайди.

ГЎРКОВ ШИКОЯТИ

Қабристон,
Идора.
Бормоқда мажлис.
Директор куйиниб сўзлайди.
(Райондан вакил бор, этмоқ керак ҳис)
Ёнгани,
Ўзининг тинчин кўзлайди:
— Эсингни йиғиб ол, ука, вақтида,
Одам ҳам бўларми шунчалар сўтак.
(Мажлисда кўпирди, тери оқди-да)
Ёпсан,
Гур-гур ёнсанг бўлмасми ўтдек.
План бажармайсан,
Ишинг унмайди
Йилдан-йил кетмоқда ишинг орқага.
Одамлар сен-биз деб тинмайди,
Оқ билан қоранинг боргин фарқига.
— Директор планни билади фақат,
«Маҳсул бер жонингни қўйсанг-да гаров.
Ўзингни иш билан,
Иш билан кўрсат,
Йўқса сенинг номинг эмасдир гўрков!
План бажарилмас,
Чиранмоқ бекор.
План бажармайман,
Ёришар кўнглим.
Директор сўзини этмайман инкор,
На қилай камайиб кетмоқда ўлим!

САЙЁР.

3-СОНДАГИ «ГУЛИСТОН» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА:

3. Ғайдар. 6. Гулнор. 7. Достон. 8. Мухтор. 9. «Гамлет». 10. Мажнун. 12. Гончар. 14. «Ҳикоят». 15. «Ишонма». 16. «Қадрим». 18. «Келади». 20. Комила. 23. Шуҳрат. 24. Онегин. 25. Ковпак. 26. Тошматов.

БЎЙИГА

1. Марра. 2. Саида. 4. «Гулхан». 5. Роллан. 11. Адиба. 13. Аҳмад. 17. Роман. 19. «Ларза». 21. Рашидов. 22. «Ашхобод».

Бош муҳаррир: ИБРОҲИМ РАҲИМ. Таҳрир ҳайъати: ИКРОМ АКБАРОВ, ЙЎЛДОШ ШАМШАРОВ, МИРТЕМИР, ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, РАҲИМ АҲМЕДОВ, РУСТАМ РАҲМОН, САЙЁР, СИРОЖИДДИН КАМОЛИДДИНОВ, СУЛТОН АКБАРИЙ (саркотиб), ҲАМИД НУРИЙ (бош муҳаррир ўринбосари).

Бўёқли расмларни Бирлашган нашриётнинг суратқаш усталари С. Йўлдошев, А. В. Швейц, И. А. Швец, Т. Зоҳидов, Д. И. Лисенко, Е. Полихрониду, К. Худойқулов, Н. Ўмаровлар тайёрлаган.

Адресимиз: Тошкент 47,
Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари: Бош муҳаррир — В33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В33590. Саркотиб — В 33659. Ижтимоий-сиёсий бўлим — В 33590. Адабий-бадиий бўлим — В 33602. Қабулхона — В 33519.

«Гулистон» — Общественно-политический и литературно-художественный, иллюстрированный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Теришга топширилди 9/III-67 й. Босишга имзоат берилди 15/IV-67 й. Қоғози 70×108 1/8. Ҳажми 5,5 босма тобоқ. Р 08359. Буюртма № 3467. Нусхаси 50 960. Баҳоси 30 т.

ТЎЛҚИНДАН ТЎЛҚИНЛАР

ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ

Бундан роппа-роса қирқ йил бурун — 1927 йилнинг 11 февралида «Тошкентдан сўзлаймиз!» деган овоз осмон бўшлиғига таралди. Бу — Ўрта Осиёда биринчи радиостанция садоси эди.

Ўша пайтларда ҳаётимизга эндигина кириб келаётган радиога одамларнинг «мўъжиза» деб қарашлари табиий бир ҳол эди. Бу хусусда анча-мунча қизиқ ҳангомалар бўлгани маълум.

Ўттизинчи йилларда Тошкент радио эшиттириш марказига мана бу мазмундаги бир хат келган:

«Радиочи ўртоқлар! Бизнинг қишлоқда овозли граммофонга ўхшаган бир карнай бор. Бу карнай ҳар куни кечқурун сўйлайдир. Куни кеча бизнинг қишлоқда бўлган колхоз қурилишининг авжи тўғрисида ҳам бир талай гапирди. Иннайкейин, яна бир қанча сўзлаб, «Бизга хабар ёзинглар, адресимиз: Тошкент, радиомарказ» дейдилар. Қизиқ, яна «Биз Тошкентдан сўзлаймиз», деб ҳам қўядир.

Нега шундай? Сизларда сўзловчилар кимлар? Биз қандай эшитамиз? Карнай сўзламай, сизлар сўзлайсизларми? Ёки



Тошкент радиоси шу бинода туғилган эди...

марказни ичида шундай ҳар нарсаларни билатурган «шайтон» борми?

Агар чиндан ҳам Тошкентдан сўзласангиз шу хатни олганингизни ҳам айтингиз. Хайр».

Тошкент радиосининг «Пахта учун кураш» радиогазетаси жавоб хатида бундай тушунтиради:

Кўл қишлоқлик ўртоқлар! Эшитингиз!

Эшитингиз!

Кўл қишлоқ меҳнаткашларини чақирамиз! Тинглангиз!

Ўртоқлар, Сизларнинг ёзган хатингиз келиб тегди. Қишлоғингиздаги граммофонга ўхшаган нарса радио карнайидир. У карнай билан бирга радио аппарати ҳам бўлса керак. У карнай ҳаво тўлқинлари орқали бизнинг Тошкентдан гапирган сўзимизни сизларга эшиттиради. Бунда ҳеч қандай «шайтон» деган нарса йўқдир.

Бизнинг сўзимизни осмонга чиқарадиган қизиқ аппаратларимиз ва сўзлайдиган махсус жойларимиз бор. Истасангиз ишдан бўш вақтингизда бизнинг адресни сўраб келингиз, биз сизни янада тўлароқ таништирамиз».

Ўша даврда Ўзбекистон радиосида ишлаган ўртоқларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, бу хат эшиттирилгандан сўнг, республикамизнинг турли жойларидан кўпгина қишлоқ меҳнаткашлари Тошкент радиосини келиб кўришган, унинг мураккаб аппаратлари билан қизиқиб танишган.

— Бир куни,— дейди ўз хотирасида «Пахта учун кураш» радиогазетасида ишлаган ўртоқ Қаландаров.— Бир қанча колхозчилар шаҳарга қизил карвон бўлишиб келдилар. Лекин улар биз жавоб ёзган колхозчилар эмас эдилар. Улар Юқори Чирчиқ районидан келишган экан. Радио марказининг ишлари билан танишишни истадилар. Биз улар билан суҳбатлашдик. Сўнгра пахта тайёрлашнинг бориши ҳамда колхоздаги умумий ишларнинг аҳволи ҳақида икки колхозчини микрофон олдида сўзлатдик. «Сизнинг Кўл қишлоқликларга берган жавобингизни эшитиб, йўлимиз тушганда бир кирайлик деб ўйлаб эдик, бизнинг тўсатдан сўзлашимиз кўп ғалати» деб, колхозчилар тортингансимон кўринчар эдилар. «Тавба, шу нарса сўзимизни тортиб кетадими?» деди колхозчи микрофонни кўрсатиб. Бу пайтда микрофон ишга қўйиб юборилган эди.

Ўзбекистон радиоси иш бошлаган кезларда ўзбекча эшиттиришларни олиб борган Х. Авазхўжаев бир қизиқ воқеани эслайди.

Чимкент шаҳридан Баҳром Мусаев деган йигит бир неча ўртоқлари билан радиомарказга келишди. Уларни ҳамшаҳарлари «Ҳақиқатан ҳам Тошкентдан сўзлашадими, ёки йўқми?» шуни билиб келиш учун юборишган экан.

Баҳром Мусаевни микрофон олдига таклиф этдик. У ҳамшаҳарларига мурожаат қилиб:

— Мен Баҳром Мусаевман! Тошкентдан гапиряпман. Менинг сўзимни эшитяпсизларми? Ёнимда Ҳайдар Собиров ҳам ўтирибди,— деди...

Биринчи аёл дикторлардан бўлган Фотима Юнусова ўшанда фарғоналик колхозчилар ҳам қизиқсиниб келганларини эслайди.

Халқимиз орасида радио билан баслашиб енгилган муаззин ҳақидаги қизиқ бир ривоят оғиздан-оғизга ҳамон кўчиб юради.

Бир қишлоқда мачитнинг ёнгинасига радио карнайи ўрнатишган экан. Муаззин азон бошлаганида карнай тилга кираркан, мулла овозини қанчалар баландлатмасин, карнайдан таралаётган ҳушовозга бас келолмас экан.

Муаззин аламидан бўғиларкан. Ғазабга қул бўлиб, аъзои-бадани титраб, карнайга қараб мушт ўқталаркан, куракда тургусиз сўзларни ёғдираркан. Бироқ карнай сира парво қилмаскан. Гапириб, ашула айтиб, чолғу чалиб чарчамаскан. Муллаларнинг фиғони фалакка чиқибди. «Токайгача сендан азият чекаман, бир адабингни бермасамми, сен нобакорни» деб, репродукторни роса дўппослабди.

Лекин мулланинг қувончи узоққа бормади. Карнай атиги бир кун «жим» қолди, холос. Эртаси куни аввалгидек баланд овоз билан яна тилга кирди. Азон айтишга шайланиб турган мулланинг жони-пони чиқиб кетди. «Тушиммми ё ўнгим?»


Ўшандан кейин муаззин қишлоқдан ғойиб бўлади.

Ўзбекистон радиосининг илк қадамини меҳнаткашлар ана шундай кутиб олишган эдилар. Мана бугун радио республикамиз ҳаётининг томир-томирига сингиб кетганини кўрамиз. Эндиликда радиони билмаган, уни қадрламаган, ё эшитмаган бирон кишини учратиш қийин.

Баҳром РИХСИЕВ.

Тошкент радиоси ҳозир шу бинода ишлаяпти.

С. Нуриддинов фотоси.





ИХТИРОЛАР КАШФИЁТЛАР— ТАХМИНЛАР

Бир гуруҳ тадқиқотчилар зилзила, қурғоқчилик, айрим касалликларнинг кўпайиши каби жуда кўп фожиалар рўй беришини Қуёшдаги активликнинг ўзгаришига алоқадор демоқдалар. Айни пайтда Ердаги ҳаёт оқимига Ой ҳам ҳазилакам таъсир этмайди деб тахмин қилаётганлар ҳам бор. Шу нуқтаи назарда турганлардан бири совет олими Н. Комковдир. У Ер қаърида юз берадиган тўлқинлар ва уларга боғлиқ бўлган зилзилалардагина эмас, ҳатто Ердаги об-ҳавонинг ўзгаришида ҳам Ойнинг таъсири бор деб ҳисоблайди.

Бурноғи йилда Ойнинг ўз орбитасидаги олдиндан белгиланган ҳолатига қараб, Комков 1966 йилнинг апрелидан сентябрь ойигача бўлган давр орасида об-ҳавонинг кескин ўзгариши муддатларини аниқ айтиб берган эди. Шуниси қизиқки, олим айтган муддат Тошкент зилзиласи даврларига тўғри келди. Ўша маҳалларда Ернинг магнит майдонида ҳам ўзгаришлар содир бўлди.

Бу кузатишларнинг ҳаммаси келгусида илмий текшириш ҳамда асослашни талаб қилади.





Тожикистон археологлари Ажинатепадан топган Будданинг баҳайбат лой ҳайкали ўн икки асрдан кўпроқ ер остида ётган. Ўн бир метрли бу ҳайкал ўрта Осиёда маълум бўлган ҳайкаллар ичида энг каттасидир. У VII—VIII асрда тикланган меъморлик иншоотларининг бир бўлагидир. Ҳайкални ҳозирги тожикларнинг аждодлари бўлган маҳаллий усталар йўнган. Будданинг ўлик ҳолати тасвирланган бўлиб, ўнг ёнига ётқизилган. Ҳайкал қоришмаси вақт ўтаборган сари емирилган: баҳайбат ёдгорликнинг калласи билан ўнг қўли топилмади. Бироқ археологлар синиқларидан бир бўлагини топдилар, энди емирилган қисмини ўша синиқлардан тиклашга умид қилмоқдалар.

МУҲАББАТ МУШОИРАСИ

Севги таърифи қадим-қадимдан шоирлар лутфидан тушмай келади. «Гулистон» ҳам янги йил арафасида «Муҳаббат мушоираси»ни ўтказиб, севгининг бийрон-бийрон мадҳини тинглади.

Шоирлар юрак ҳовурларини тўккан бу анжуманда шеър янгради, дил яйради.

Жуманиёз Жабборов, Толиб Йўлдош, Эркин Воҳидов, Юсуф Шомансур, Охунжон Ҳаким, Эътибор Охунова, Абдулла Орипов, Омон Мухторов, Рауф Парфи, Анвар Ҳожи ва қўлига эндигина қалам тутган **Донохон Ашурова, Саодат Иброҳимова, Насиба Юнусова** шеър баҳсини қизитишди.

Пок ва озод севгимиз мадҳини баланд торларда, чуқур туйғу билан ифода этган шеърлар журналнинг март сонидаги «Таъзим» деб аталган саҳифасида босилади. Бу — аёлларимизга «Гулистон»нинг шеърий гулдастасидир.



„ГУЛИСТОН" КОНКУРСИ

«ГУЛИСТОН» шонли инқилобимизнинг 50 йиллиги шарафига

ДИЛБАР ШЕЪР
АЖОЙИБ ҲИКОЯ
ШИРИН ЭРТАК
ҲАЯЖОНЛИ ОЧЕРК
ИЖОБИЙ ФЕЛЬЕТОН

асарлари учун очиқ конкурс эълон қилади.

Конкурс ғолибларини «Гулистон» тақдирлайди. Қимматбаҳо совғалар топшириди, «Гулистон»нинг бир йиллик сонини бепул тақдим этади, жонажон Ватанимиз ва чет эл сафарларига саёҳат йўлланмалари билан мукофотлайди.

«ГУЛИСТОН».

ДУСТЛИК ЙЎЛЛАРИ



Маннон Жалолов.

Маннон Жалолов бошлиқ бригаданинг дала шийпони узоқданоқ кўзингизга оқариб кўринади. Дарахтлар ёш бўлса ҳам соясида ўтириб суҳбат қуришингиз мумкин. Ариқда ўйноқлаб оқаётган сувнинг шалдираши эшитилиб туради.

Маннон Жалолов билан ўтириб кўнчой ичяпмиз. Мен шийпонга саҳарлаб келган эдим. Шунинг учун унинг қўли бўш экан. Нега десангиз ҳали қуёш чиққанича, унинг алангали тили ғўза барглардаги шабнамларни ялаб олганича йўқ. «Зангори кема» ҳам чавандозини кутаётган аргимоқдек бир ерда тўхтаб турибди.

Маннопжон шамоллаганидан бўлса керак, овози сал бўғиқроқ чиқади. У рус тилида ҳам бемалол сўзлай олади. Қаердан ўргангансиз десам, Ленин шаҳридаги трактор устахонасида рус йигитлари билан бирга ишлаганман дейди. Ёшликда берган кўнгил қолмайди деганларидек ёшликдан бирга қалинлашган жўралари Горчаков, Дружининков ва Коршуновларни асло унутмайди. Улар ҳам тажрибали механизаторлар.

— Русчани ўша дўстларим ўргатган менга,— дейди Бўз лочини.— Улар менга тилнигина ўргатиб қолмай техникага, ўз касбкоримга ихлос билан қарашни ҳам ўргатишди. Устахона яхшигина мактаб бўлди. Ўша мактабда олган сабоқларимни нейинчалик пиштдим. Бу Бўзга келганимда жуда кор келди. Бўзнинг ери қанақалигини биласиз. Аммо ер хазинасининг очқичи ўз қўлимизда. Меҳнатни аямай барака топдик. Илгари бу ерда гектаридан бор-йўғи олти центнердан пахта олишса, ишимиз чакки бўлмади дейишаркан. Биз биринчи йили — 1961 йилда 16,5 центнердан ҳосил олдик. 1966 йилда 30 центнердан ортиб кетди! Илгаригига қараганда беш баробар ортиқ.

Азамат йигит бошлиқ ўнта механизатор шунчалик катта хирмон кўтаришди. Одатда пахтачилик бригадаларида ҳар ким ўз аравасини тортади. Трактрочининг сувчи билан, сувчининг эса трактрочи билан иши йўқ. Маннон

Жалолов бригадаси бошқачароқ иш тутди. Механизаторлар ғайрат қилиб, қувурлар орқали сув тарашни ўрганишгач, чинакам сувчи бўлиб қолишди. Меҳнатни ташкил қилишнинг бундай усули ўз самарасини кўрсатди.

Носиржон Зуннунов, Қодиржон Абдураҳимов, Нуъмон Ҳошимов, Аҳмаджон Мамажонов сингари йигитларни ҳар қанча мақтасангиз арзийди. Улар машинада ер текислашди, чигит экишди, қатор ораларини ишлашди. Ғўзанинг томир-томирига сингиб борадиган ҳаёт сувини тараган кишилар ҳам шулар. Ҳар бир эгатни, ҳар бир марзани ёдлаб олган азаматлар машина теримини ҳам қойил қилишди.

Офтоб заррин нурларини нисор қила бошлади. Кеч кузак бўлишига қарамай кун қизиди.

— Энди бизга ижозат!— деди қисқача қилиб Маннопжон коржомасини кияркан. У эпчиллик билан машинага минди. Механик-ҳайдовчининг тўрт қаторли агрегати анча баҳайбат. У бу янги машинани синаб кўраётир. Тошкентлик қишлоқ хўжалик машинасозлари атоқли механизаторга бу ажойиб комбайнни туҳфа қилишди.

диумининг мажлисида танишганмиз.

Мен Манноп Жалоловга Зоя Пухова билан танишлигимни айтган эдим, у албатта бу қизга ўзбек пахтакорларининг саломини топшириб, бригадамизнинг ишлари ҳақида ҳам сўзлаб берасиз деб илтимос қилди.

— Кейинги сафар мен уни СССР Олий Советининг Президиуми мажлисида учратолмадим. Отпускада экан.

... Мана, мен Ивановода, Балашов номли йигирув-тўқув фабрикасидаман. Бу ерга келишим биланоқ Андижон областидаги «Партия XX съезди» колхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи Манноп Жалословнинг саломини Зоя Павловна Пуховага топширдим.

— Ўзбекларда қиёмат қарз дейдилар,— деб ҳазиллашдим рус қизига.— Хайрият вақтида учратиб қолдим. Салом дейишди Сизга.

— Ўзбек пахтакорлари қалин дўстимиз, азаматлар қойил қилишяпти,— деди қувонч билан Зоя Павловна.— Биз янги йилдан сал илгарироқ Тошкентга бир қанча тўқувчилар номидан табрик юбордик. Улар бултур мисли кўрилмаган ҳосил кўтаришди. Тўрт

Уларнинг бири шаҳарлик ишчи, иккинчиси қишлоқ механизатори бўлса ҳам тақдирлари, қилаётган ишлари бир-бириникига ўхшаб кетади. Мен коммунист Жалолов янги ер очиш билангина кифояланиб қолмай, янги агрегатни ҳам такомиллаштираётганини айтиб ўтдим. Зоя Павловна Пухова ишлаётган цехда бўлганимда Чехословакия «Ково» фирмаси туҳфа қилган мокисиз пневматик янги дастгоҳларни кўрдим. Икки йил муқаддам Пухова бошқа механик дастгоҳларда ишлаб унга ўрганиб қолган эди, топшириқларни бўлса мунтазам равишда ошириб бажарарди. Лекин Зоя Павловна қийинроқ ишни танлаб, янги техниканы биз ўзлаштирмасак ким ўзлаштиради деди. Лекин бу осон бўлмади. Лойиҳага кўра моки бир дақиқада тўрт юз марта ўтиб туради. Унинг тезлиги тўқув автоматларникидан анча ортиқ.

Характерли бир нарса шуки, пахта терадиган машина ҳам, тўқиш дастгоҳи ҳам пневматика асосида ишлайди. Терим машинасида чаноқдаги пахтани ҳаво тортиб олса, тўқиш дастгоҳидан мокининг ўрнини ҳаво босиб, арқоқни улаб туради.

Зоя Пухова бултур йил бошида тўқувчиларга мурожаат қилиб: «Янги техникадан баракалироқ фойдаланайлик!» деди. Унинг дугоналари тўқувчи Нина Елистратова, Анастасия Орурцова, Руфа Леонова, София Ксенафонтовна Дмитрова, Валентина Кузнецова янги дастгоҳларни яхши ўзлаштириб олиб, бултур ноябрнинг ўрталаридаёқ йиллик планни Зоя Пухова билан баббаравар бажардилар. Йил охиригача улар қанчадан-қанча қўшимча газлама тўқишди.

Манноп Жалолов ҳам ўз дўстларига, шерикларига худди шундоқ кўмак бермадими? Мен ўзбек механизаторлари, пахтакорлар янги техникадан мукаммал, баракали фойдаланиб, пахтани машинада териш усулини такомиллаштираётганликларини, эндиликда ўзбек механизаторлари мамлакатга нуқул тоза, сифатли пахта етказиб бериш учун ҳам астойдил курашаётганликларини тўқувчиларга сўзлаб бердим.

Ҳозир Россияда қаҳратон қиш. Кўз олдимга жануб қуёши, мўл-кўл нур сочган майдонлар келяпти. Ғўзапоя аллақачон йиғиштириб олинган. Манноп Жалолов колхоз раиси, агроном Собирахон Йўлдошева, бригада аъзолари билан бу йил — Улуғ Октябрь инқилобининг ғалаба қилганига 50 йил тўладиган йилда гектаридан камида 40 центнердан ҳосил кўтариш ғамида юрибди.

Зоя Пухова пахтакорлар йилдан-йилга кўпроқ «оқ олтин» етказиб бераётганликлари туфайли аҳолига нафис газламаларни ҳам борган сари кўпроқ инъом қилиш мумкин эканлигини билади. Пухова тўқувчилик цехининг бошлиғи Феликс Николаевич Голубев, мастер Борис Михайлович Сосин билан имкониятларни чўтга соляпти. Улар бултур саккизта дастгоҳдан яхши фойдаланиб, планга қўшимча равишда 16700 метр газлама ишлаб чиқаришди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига қадар 1967 йил плани бажарилади.

Оддий ўзбек пахтакори, оддий рус тўқувчиси ғайрат билан меҳнат қиляпти. Лекин ҳаёт нуқул меҳнатдангина иборатми? Масалан, Пухова техникумда ўқияпти, депутатлик бурчини, оиладаги бурчини, оналик бурчини эл қатори — ҳамма билан баббаравар ўтаяпти. Зоя Павловна ҳам худди Манноп Жалоловга ўхшаш ҳамма нарсага вақт топади, ҳамма ишга улгуради, ваъда берган жойига ўша дақиқада етиб боради.

Зоя Павловна мен билан суҳбатлашгани ҳам вақт топди. Биз у билан икки марта — цехда ва техникумда учрашдик. Мен Манноп Жалолов ўзининг депутатлик бурчини қандай самарали бажараётганлигини, ҳамкишлоқлари ўртасида қилаётган ишларини, Жалолов хотини Ҳидоятхон билан биргалиқда уч ўғил, уч қизнинг отаси эканлигини, фарзандларини яхши тарбия қилаётганлигини айтиб бердим.

Андижон Ивановодан олисда, лекин бу ҳар икки шаҳарни, ҳар икки кишини кўзга кўринмас ҳаётбахш дўстлик иплари, дўстлик ришталари, Зоя Пухова, Манноп Жалолов орқали пахтакорларни тўқимачилар билан чамбарчас боғлаб, юракларни пайванд қилиб турибди.

АНДИЖОН — ИВАНОВО.

Мабодо йўлингиз Москвага тушиб, «Советская Россия» газета редакциясига кириб қолсангиз, Рафаэль Иванович Мясковни албатта кўриб ўтинг.

Хоналардан бирида ўтирган кўк кўз, малла соч бу одам Ўзбекистондан келганингизни билса дарҳол:

— Ассалому алайкум,— деб қарши олади.

Рафаэль Ивановични яхши билган кишилар ҳазил-мутойиба қилиб: «Наманганлик Москвич» дейишади.

Дарҳақиқат, Мясков Наманган шаҳрида туғилиб, журналистика даргоҳига шу ерда қадам қўйган. Улуғ Ватан уруши даврида Наманганда ўзбек тилида чиқадиган «Сталин ҳақиқати» газетасининг муҳаррири ҳам бўлган. Кейинча «Комсомольская правда» газетасининг Ўзбекистон ССРдаги мухбири бўлиб ишлаган. Ҳозир у «Советская Россия» газетасининг махсус мухбири.

Ўзбек адабий тилини мукаммал биладиган Рафаэль Иванович Мясков бултур кузакда Фаргона водийсида бўлган эди. Мазкур мақолани у журналимизга атаб эҳтиром билан ёзиб юборибди.

Пахта далаларида янги агрегатлар тобора кўпроқ жавлон урмоқда. Манноп Жалоловга, Мамажон Дадажоновга ўхшаш механизаторлар мавсумда юзлаб теримчиларнинг ишини қилмоқдалар, шу билан бирга машинани такомиллаштириш йўлларини машинасозларга айтиб бермоқдалар.

Манноп Жалолов 1965 йилда ҳам ишни қойил қилди. «Ўзбекистон» агрегатида 350 тоннадан кўпроқ пахта терди. Бу рақамнинг мағзини бир чақиб кўринг: бир тонна пахта толасидан ўн минг метр газлама тўқилади. Қани ана шу 10 минг метрни 350 рақамига зарб қилиб, кўпайтириб кўринг-чи.

— Мабодо сиз Ивановода бўлганмисиз?— деб сўраб қолди мендан Манноп Жалолов.

— Нега менинг Ивановода бўлганим билан қизиқиб қолдингиз?— деб саволга савол билан жавоб қайтардим.

— Бир танишим бор эди, салом айтмоқчи эдим...

— Ким экан у, билсам бўладими?

— Эҳтимол, унинг номини эшитгандирсиз, Зоя Пухова, ивановолик тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Қаердан биласиз дейсизми? Биз бу қиз билан Москвада, СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида танишганмиз.

миллион тонна пахтани ғарам қилиш айтишга осон, холос.

— Телеграммамизда,— деди у,— биз уларга кўпдан-кўп раҳмат айтдик. Ўзбек пахтакорларининг бултурги ғалабаси биз тўқувчиларга ўз зиммамизга олган мажбуриятларни Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги шарафига муддатидан илгари бажариш имконини беради.

Ўзбекистоннинг серфайз, қуёшли далаларидан кўзга кўринмас, лекин юрак ҳамиша сезиб турадиган дўстлик ришталари мана шу тўқувчилар ўлкасига, минг-минг километр масофани босиб чўзилиб келган, ҳар бир чаноқдан бу ердаги ҳар бир урчуққа йўл бор. Ана шу нафис оппоқ, узун толалар қанча кўп бўлса, бу дўстлик ришталари шунча мустаҳкамланади, демак, халқимиз миллион-миллион метрлаб нафис, тоза газлама олади.

Икки киши: ўзбек пахтакори билан рус тўқувчиси кўз олдимда намоён бўлиб турибди. Уларнинг ҳар бири ўз жойида донг таратдилар. Халқ уларнинг ҳар икковини ҳам Совет давлатининг олий органига сайлаб, буюк ишонч билдирди. Олий Совет сессиясида уларни СССР Олий Совети Президиумига аъзо қилиб сайлашди.



Зоя Пухова.

Р. Мясков фотоси.

ҚАРО КЎЗИМ, КЕЛ ЭЙ...

Ҳамид СУЛАЙМОН
филология фанлари доктори

«Қора кўзим, келу мардумлиқ эмди фан қилғил» ғазалини ким севмайди. «Кеча келгумдур дебон ул сарв гулру келмади» шеърдан эримаган қалб топилармикин, ёки «Не наво соз айлагай, булбул гулистондин жудо» таронасидан сеҳрланмаган, симоб бўлиб эримаган одамни тасаввур қилолмайман. Бу шоҳ байтларни куйга солган бастакор, ижро этувчи хонанда, созандалар, тингловчи шинавандаларнинг хотирасига бу ғазалларни Навоий қачон, неча ёшида ёзган экан деган савол келган бўлса ҳам, ўз сўроқларига жавоб топа олмаганлар.

Ё бўлмаса, «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» ва «Зоҳид, сенга ҳуру, менга жонона керак» мисралари билан бошланувчи рубоийларни шоир қай даврда ва қандай муносабат билан ёзган экан, деган савол кимнинг бошини қотирмайди?

Навоий қўлёзма меросини ўрганиш соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар бу сўроқларга жавоб топди. Мисол тариқасида келтирилган мазкур ғазал ва рубоийлар Навоийнинг 25 ёшгача бўлган ўспиринлик даврида ижод этган 434 та шеърларидан намунагина, холос.

Алишер Навоий яратиб қолдирган улкан адабий мерос бизнинг давримизгача қўлёзма китоблар шаклида етиб келган. Навоий асарларининг минглаб қўлёзма нусхалари, жаҳон кутубхоналари, университетлари ва музейларида сақланади. Бироқ шоир асарларининг энг қадимий ва шоир меросини ўрганиш учун фавқулодда аҳамиятга эга бўлган бир қанча мўътабар нусхалари Совет Иттифоқи кутубхоналарида тўпланган.

Навоийнинг ўзи ҳаёт чоғида унинг ташаббуси билан Ҳиротда китобат қилинган бу қўлёзмаларнинг бир қисмини шоирнинг ўз кутубхонасида сақлангани шубҳасиздир. Мана шундай, Хуросоннинг ипак қоғозига кўчирилган зебо қўлёзмалардан бири шоирнинг дастлабки шеърларидан тузилган тўплами — илк девон қўлёзмасидир.

Шартли равишда илк девон номи билан аталган бу қўлёзма ҳижрий ҳисоби билан 870, милодий ҳисоби билан эса 1466 йилда ёзилган. Мазкур девон кўчирилган йили Навоий 25 ёшда бўлган. Деман, ўз-ўзидан ойдинки, бу девонга кирган шеърларни шоир фақат 25 ёшгача бўлган давр ичида ёзгандир. Бутун жаҳон қўлёзма фондларида сақланаётган минглаб Навоий асарлари қўлёзмалари орасида, ҳатто шоирнинг ўзи ҳаётлигида кўчирилган ўндан ортиқ Ҳирот нусхалари ичида ҳам яккаю ягона ва энг қадимий ҳисобланган бу қўлёзманинг кўчирилганига 1966 йилда роса 500 йил тўлди. Адабий меросимиз хазинасининг нодир дурдоналаридан бири бўлган Навоий илк девонининг 500 йиллиги улкан адабиётимиз тарихида зўр байрам ва ўзбек халқининг маданий ҳаётида катта воқеадир.

Ҳозирги вақтда Ленинградда — Салтиков-Шчедрин номидаги давлат халқ кутубхонасининг қўлёзмалар фондида 564 ҳужжат рақами билан сақланаётган мазкур қўлёзма йирик настаълик хатида ипак қоғозга кўчирилган. Қўлёзманинг барча варағи, ҳошиялари бошқа қоғоздан ясалиб ёпиштирилган. Қўлёзманинг ҳамма саҳифалари ложувард, яшил, пушти, қирмизи, новвот ранг, пўкак рангларга бўялган. Китоб ҳошиялари гуллар ва афсонавий қушлар тасвири билан зийнатланган. Ҳар саҳифадаги шеър олтин суви билан жадвалланган. Қўлёзманинг бошидаги тўрт бети тилла суви ва ложувард бўёқли нақшлар билан безатилган.

Мен 1956—1961 йиллар ўртасида Навоий лирик мероси ва қўлёзмалари устида олиб борган текстологик тадқиқотларим жараёнида мазкур қўлёзма Навоийнинг илк девони экани бу асар Навоийнинг шахсий кутубхонасида сақланиб, ундаги шеърлар, кейинчалик шоирнинг ҳаёти охирида тузилган «Хазоин-ул-маоний» девонларига («Ғаройиб ус-сиғар» девонига 115 ғазал, 41 рубоий, «Бадоеъ ул-васат» девонига 130 ғазал, 1 мустазод ва 1 мухаммас ва «Фавоийд ул-кибар» девонига 146 ғазал) киритилганини бирма-бир кўрсатиб, бу мўътабар нусханинг барча фазилат ва текстуал нуқсонларини изоҳлаб ўтган эдим. Девон ўз ичига Навоийнинг 391 ғазали, бир мустазод, бир мухаммас ва 41 рубоийсини олган. Қўлёзманинг бўйи 34, эни 23 сантиметр, 143 варақдан иборат, нуқсонсиз, яхши сақланган.

Ҳирот бадиий қўлёзмасининг классик намуналаридан бўлган бу китоб Навоий замонасининг буюк санъаткор хаттоти, «хаттотлар султони» деб шуҳрат қозонган Султон Али ибн Муҳаммад Машҳадий (1433—1520) қаламида кўчирилган.

Султон Али Машҳадийнинг хаттотлик маҳорати, китобат бобидаги санъати ҳақида шарқ қўлёзма манбаларида форс-тожик, рус ва Европа тилларида жуда кўп илмий адабиётлар бор. Афсуски, Ўрта Осиё халқларининг йирик маданият арбобларидан бўлган, бутун умри Алишер Навоий билан ҳамкорлик қилган бу улуғ зот ҳақида ўзбек тилида ҳозиргача деярли ҳеч нарса ёзилмаган. Шу муносабат билан мен Султон Али Машҳадий ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Султон Али Машҳадий тожиклардан бўлиб, Машҳадда дунёга келган. Деярли бутун умри Ҳиротда яшаб, Абу Саид ва Султон Ҳусайн саройларида 60 йилдан ортиқ хаттотлик қилади. XVI аср бошида Ҳирот ўзбеклар қўлига ўтгач (1507) Султон Али Шайбонийхон учун ҳам китоблар кўчиради. Султон Али Машҳадий, XIV аср охирида ўтган, ҳусни хатда настаълик услубини яратган хаттот Мир Али Табризийдан сўнг шу услубни яна тараққий эттириб, олий камолот босқичига кўтарган, настаълик услубига асос солувчи, Ҳирот хаттотлик мактабини яратган устод санъаткор хаттот эди.

Султон Али мактабида Муҳаммад бин Нур, Дарвиш Муҳаммад Тоқий, Султон Муҳаммад Хандон, Имод, Абдул Жамил, Ҳижрон сингари Ҳирот хаттотлари етишиб чиққан, уларни бутун жаҳон таниди. Султон Али Навоий вафотидан сўнг кўп вақт ўтмай Ҳиротдан туғилиб ўсган ватани, Машҳадга кўчади, қарилик чоқларини шу ерда ўтказиб, умрининг охиригача китоб кўчириш ва ҳусни хат назарияси билан шуғулланади. У Навоийдан 19 йил кейин 1520 йили 87 ёшда вафот этган. Қабри Машҳаддадир.

Камида 70 йилдан ортиқ хаттотлик қилиб, нодир бадиий қўлёзмалар яратган Машҳадийга Навоий, Хондамир, Давлатшоҳ ва Мирзо Бобир каби улуғ шахсларнинг Султон Алига берган ғоят юксак баҳоларидан фақат Навоийдан бир парча келтириш билан чекланамиз. Шоир ўз дўсти Султон Али санъатига шундай баҳо беради:

Бир матла

Шоир Мақсуд Шайхзода таърифлаганидек, ғазал мулкининг султони Амир Алишер Навоийнинг йигитлик даврига тааллуқли бир кичик ҳикояни айтиб бермоқчиман. Буни мен Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси академик Мирза Абдулла Боний дан эшитганман.

Алишер Самарқандда таҳсил кўраётган йилларда бир матлаънинг асири, мафтуни бўлди:

«Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокроқ».

Алишерни ўзига асиру мафтун этган байт шу бўлиб, унинг соҳиби сир гадо эди. Самарқанд бозорида кечгача баланд, ширали овози билан шу байтни такрорларди, байтни гадодан қайта-қайта эшитиб, завқланувчи, унга садақа инъом қилувчи аҳли дард, аҳли фазл кимсалар оз эмас эди.

Навоий гадонинг ёқимли ижросида матлаъни қайта-қайта тингларди. ёдлаб олинган матлаъни йўл-йўлакай замзама қилар, ҳужрага қайтганда ҳам қулоғида шу матлаъ жаранглаб, ҳатто бу матлаъ кечалари унга уйқи бермас эди.

«— Харидор бўлиб, шу байтингизни менга сотинг десам, сотармикин?.. Балки сотар, балки сотмас!.. Қани энди менга сотса эди». Бу истак Навоийни тинч қўймади, гадо орқасидан эргашиб, харобасига боришга, қўлидан тутиб, илтимос қилишга аҳд қилди:

«Отахон! Шу байтингизни менга сотинг! Аҳчам кифоя қилмаса, тўнимни ҳам сотиб берай. Йўқ деманг!»

Навоийнинг илтимосини эшитган кекса гадо қаҳқаҳ уриб кулиб юборди, кейин бошини чайқаб, илтимосни рад қилди:

— Кўринишингиздан қашшоқ муллаваччага ўхшайсиз! Шундоғми?

— Шундоғ.

— Шундоғ бўлса, байтни сотиб олиш ниятидан кечинг, текинга олинг, ёдлаб ўқиб юраберинг! Бунинг учун менинг томонимдан қандай монелик бўлиши мумкин?..

— Шунинг учун сотиб олишим керакки, у чоғда сиз бу матлаъни куйлаб, тиланишдан маҳрум бўлурсиз.

Навоийдан бу даъвони эшитган гадо мийиғида кулиб, тамасхўрона бош чайқади:

— Балки кучингиз етмас, балки буни шоҳликка алишмасман. Зероки, бу байт менга отамдан мерос қолган, мен уни қирқ йилдан бери такрорлайман, бу билан қорнимни тўйғизаман, бола-чақа боқаман!..

— Отангиз шоирмидилар?..

— Шоир эмас эдилар, боғбон эдилар, бу байтни баланд овозда куйлаб боғни парвариш қилар эдилар.

— Фақат бир байтнинг ўзимиди ёки тўла, мукаммал ғазал эдию, сиз шу бир байтни ёдда қолдирганмисиз?..

— Йўқ! Отам ҳам шу бир байтни такрорлар эдилар.

— Қайси зотнинг асарлари эканини ҳам билмассиз?..

— Афсус ному таҳаллусларини билмайман. Отам ҳам бундан хабарсиз бўлган бўлсалар керак!..

Навоий ғамгин, сукутга чўмди, гадо сўзини давом эттирди:

— Сиз ёд олиб, ўқиб юришингиз учун менинг ризо бўлишим кифоя қилмайдими?..

— Мен сизнинг ризолигингизсиз ҳам ёд олиб, замзама қилиб юрибман. Лекин мен учун бу кифоя эмас.

Шундай қилиб, Навоийнинг умиди узилди, бўшашиб ҳужрага қайтиб келди.

Қиблат ул-куттобким дерлар ани Султон Али,
Ким қазо қилки масаллиқ хомаси ёзмас ғалат.

Қайси қитъамники ёзди, борди андин шеърлик,
Эл солурлар жузвидонға, уйлаким бир қитъа хат.

500 йил давомида шеърият мухлислари орасида қўлдан-қўлга ўтиб, кишилар қалбига ўт ёққан, шоҳ кутубхоналарининг зийнати, бебаҳо хазинаси ҳисобланиб келган бу зарварақ девон, бир томондан, бизгача етиб келган Алишер Навоий қўлёзма меросининг, тарихи кўрсатилган, энг қадимий нусхаси бўлса, иккинчидан, худди шу қўлёзма Мавлоно Султон Али Машҳадийнинг ҳам бизгача сақланган китобларининг энг эскисидир. Шунинг учун бу мўътабар қўлёзма ёдгорликнинг 500 йиллиги тўйи бир Навоийгагина эмас, айни замонда Султон Али Машҳадийга ҳам тааллуқлидир. XV аср адабий меросимизнинг нодир қўлёзмаларидан бири бўлган бу девон қардош тожик халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги асрий дўстлик ва ҳамкорликнинг энг гўзал тимсолларидан биридир.

Навоийнинг кутубхонасида сақланган ва шоирнинг ўзи шахсан мутолаа қилган бу илк девондаги 391 ғазал ёш Навоий дунёқараши, фалсафий тушунчалари, ижтимоий, сиёсий тузумга бўлган муносабатлари, халқчиллиги ва санъаткорлик маҳоратини ўрганиш, шоир, ижодининг шаклларини ва эволюциясини аниқлашда бебаҳо манбадир.

Лутфий, Атоий ва Санконийлар билан бирга ёш Навоий лирикасига Саъдий, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомийларнинг ҳам жўр ижобий таъсири бор эканлиги қўлёзмадаги ҳар бир ғазалда, ҳар бир байтда яққол намоёндир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш зарурки, илк девон шеърларида ёш Алишер ўз асридаги ўзбек шеъриятининг ҳар жиҳатдан етук ижодкори сифатида гавдаланади. Деярли ҳар бир ғазал ва рубоийда илғор фалсафий қарашлари, риндона исёнкорлик табиати, дунёвий ҳаётга бўлган муҳаббати ва порлоқ гуманизми ўз аксини топган. Ҳар мисрада чин муҳаббат, дўстлик ва садоқат юксак ғоялар тарона қилинган. Бадиий тафаккур маҳсули бўлган юксак ғоялар, ҳис ва туйғулар ёш Алишер Навоий ақли идроки ва отаким қалбининг мужассами бўлган лирик қаҳрамонда ифодаланади.

Адолатсиз шоҳ, риёкор шайх ва зоҳид, инсонга озор берувчи мансаб эгалари ёш шоир ғазалиётининг салбий образларини ташкил қилганки, биз буларни Навоий лирикасининг ҳамма даврида учратамиз.

Ёш Навоийнинг инсон қалбини, унинг руҳий дунёсини нақадар чуқур билгани ва инсон руҳий кечирмаларини қанчалик усталик билан акс эттира олганини сўз билан ифодалаш имкондан узоқ. Навоий поэзиясининг жозиба кучи, ҳусн-латофати, мангу нафосатини шоир мисраларини қайта-қайта ўқигандагина тушуниш мумкин. Муҳтарам журналхонда илк девон қўлёзмаси мазмуни ҳақида оз бўлса ҳам тасаввур ҳосил қилиш учун баъзи бир ғазал матлаъларини намуна тариқасида келтирдик:

Ҳар гадоким, буриёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга.

Кимса ҳаргиз кўрмади чун навъи инсондин вафо,
Улки даврон офатидур, не тамаъ андин вафо.

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Оҳким, ул ошно бегона бўлди оқибат.
Ҳажридин беҳудлиғим эфсона бўлди оқибат.

Дўстлар, мен телба аҳволиға йиғланг зор-зор.
Ким соладур гаҳ-гаҳ ўт кўнглумга тушган хор-хор.

Не ажаб, ҳарён мени Мажнун бошида ёралар,
Баски, ёғди устига атфол элидин ҳоралар.

Латофатда юзунг ҳам гул эмиш, ҳам гулистон эрмиш,
Ҳаловатда лабинг ҳам жону, ҳам ороми жон эрмиш.

То мени меҳнат туниға мубтало қилди фироқ,
Рўзғоримни саводидин қаро қилди фироқ.

Қаро кўзум, келу мардумлиқ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум каби ватан қилғил.

Боғ мендек сорғориб, булбул менингдек бўлди лол,
Гўйиё мундоқ бўлур бир гулдин айрилғонга ҳол.

Эй кўнгул, мен тарки ишқ эттим, вале фош этмагил,
Мен сенга сиррим дедим, сен элни сирдош этмагил.

Оразингни боғ аро чун кўрди ҳайрон бўлди гул,
Баргсиз қолди, нединким, бас паришон бўлди гул.

Ёғлиғинг илкимда ашкимни равона айларам,
Кўзга суртуб ашк аритмоғни баҳона айларам.

Не тонг узорим агар сорғориб қизорди ёшим,
Ки юз қаролиғу исён билан оқарди бошим.

Тун оқшом бўлдию келмас менинг шамъи шабистоним,
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулру келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Бир кун мени ул қотиле мажнун шиор ўлтурғуси,
Усрук чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтурғуси.

Чун илик бермаски, ўпсам ул ситамгар илгини,
Бир киши илгин ўпайким, ўпгай ул ёр илгини.

Боғдин келди насиму гул исин келтирмади,
Не тиканларким бу ғам кўнглум аро синдурмади.

РУБОИЙЛАРДАН:

Қўрқутма мени томуғдин, эй зоҳиди ях!
Жаннат манга бўлғуси дебон урма занах.
Ким дўзах анинг ёди била жаннат эрур,
Жаннат ёди сенинг била дурур дўзахи ях.

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

Зоҳид сену ҳуру менга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса, тўла ёна керак.

Намуна сифатида келтирилган бу байтлар ўзининг ғоявий мазмуни, юксак санъати билан бир қаторда тилининг ғоятда соддалиги ва услубининг равонлиги жиҳатидан ҳам шоирнинг кейинги давр шеърларидан катта фарқ қилади. Бу шеърлар юқорги табақа адабий муҳити учун эмас, балки халқ учун, шу халқ тушунадиган содда тил ва услубда яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, ўтмиш адабиётимизнинг олтин саҳифаларидан бири ҳисобланган Навоий илк девони қўлёзмасининг 500 йиллиги, бир томондан, ёш Алишер шеърият даҳосининг байрами бўлса, айни замонда бу шоҳ байтларни китобат қилиш билан асрлар оша мангу яшашига хизмат қилган устод Султон Али Машҳадий санъатининг ҳам намойишидир. 500 йил юзини кўрган зарварақ девон ҳам ўзбек, ҳам тожик халқининг маънавий бойлиги, асрий ҳамкорлигининг гўзал мисоли, мангу дўстликнинг ёрқин тимсолидир.

Ғазал тарихи

Собир Абдулла

Орадан бир неча йил ўтди. Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан Навоий Ҳиротга жўнаб кетди; Султон Ҳусайннинг салтанатида бош вазирлик лавозими, маликушшуаро мартабасини эгаллади. Султон Ҳусайн Бойқаро давлат, салтанат султони мақомида бўлса, Алишер Навоий Шарққа «ғазал мулкининг султони» бўлиб танилди.

Орадан ўн йилдан кўпроқ ўтгандан кейин Навоий давлат иши билан Самарқандга йўли тушиб, қадрдонларга меҳмон бўлди, бир суҳбатда Навоий ўзини асиру мафтун қилган ўша байт билан унинг соҳиби — гадони эслади. Ҳамсуҳбатлар Навоийга ўша гадонинг аҳволатда кексайиб қолганлиги, энди бозорма-бозор, растама-раста кезиб юролмай қолганлиги, байтни ўшандоғ баланд, ширалик овозда эмас, бир ерда мукчайиб ўтирганича пичирлаб айтиб, тиланаётганидан дарак бердилар. Навоий эртаси кун гадони каппон бўсағасидан топиб, зиёрат қилди, сўнг ўзини танитди:

— Ёдингизда борми? Байтга харидор бўлган эдим, сиз рад қилган эдингиз...

— Ёдимга тушди! Ҳали ҳам ўша даъводан қайтганингиз йўқми?

— Йўқ, ота! Ҳамон ўша ғазалнинг асири, мафтуниман, ҳамон жазман харидориман!..

Чол кулди:

— Сотамен!.. Бироқ, сотиб олишга қурбингиз етса кошки эди.


— Балким, қурбим етиб қолар, балким етмас...

— Жуда кексайиб қолдим, энди уни баланд овозда ўқишдан ожизман! Ҳақ сўзни айтганда гадолик ҳам меъдага тегди! Қурбингиз етса, яхши ҳовли-жойга, шу ҳовли-жой яқинидан бир тегирмон ва бир эшакка эга қилингу байт сизники бўлсин, мен ўлгунимча ҳақингизга дуо қилиб, қолган умримни тегирмончилик билан кечирай.

Навоий мамнуният билан хўп деди; чолнинг айтгани бўлди: чолга данғиллама ҳовли-жой, тегирмон ва бир эшак сотиб олиб берилди. Соҳиби номаълум, узоқ йиллар гадо бўлган шоҳ байт Навоийнинг зар харид мулки бўлиб қолди ва шундан кейин Навоий унга дадил даст уриб, уни мукаммал ғазал ҳолига келтирди:

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокроқ.
Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдим сени,
Истарам ҳар дамки ўлғай хотирим ғамнокроқ.
Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида роҳат ғамин —
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин бокроқ.
Уйла мижгон ханжарига ёпишибдур дард аниңг —
Ким, магар андин тиним йўқдур вале бебокроқ.
Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур сенга,
Жон берурда бир қулунг йўқ бандадин чолокроқ.
Одамийлиқ тупроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли фанодин хокроқ.
Неча ўқлонса Навойи кўнгли захмин чоқ бўлур,
Кўрмадиқ, захмини тикқан сори бўлғай чокроқ.

Навоийнинг бошқа нодир ғазаллари қатори бу рок радифли ғазали ҳам ўз вақтида мухлисларига етди, ҳофизлар уни куйга солиб куйладилар, бу машҳур, ўлмас куйнинг номи ҳам «рок» деб аталди, бу куй Навоийнинг ғазали билан асрлар оша бизнинг давримизга етиб келди, уни тўй-тантаналаримизда отоқли ҳофизларимиз томонидан завқ-шавқ билан куйланиб, кишиларимизга руҳи ғизо бахш этмоқда.



Шода-шода марварид... *А. Зоболоцкий фотоэтюди.*

Икром АКБАРОВ музикаси
Саида ЗУННУНОВА шеърн



Қор ёғар

ҚОР ЁҒАР, ҚОР ЁҒАР, БИРАМ ХУШ ҲАВО,
ҚОР ЁҒАР, ҚОР ЁҒАР, АЙНИ МУДДАО.
КЕЛИНГЛАР, ЖУРАЛАР, БИР ДАМ КЕЗАЙЛИК,
КИМКИ НОХУШ БЎЛСА ТОПГУСИ ДАВО.

ДАРАХТЛАР ШОХИДА, БЎҒОТЛАРДА ҚОР,
ТАРНОВЛАР ТИШЛАГАН НОВВОТЛАРДА ҚОР.
ЮЗИГА БИЛЛУРДАН НАФИС ТЎР ТУТИБ,
ҚОР ҚЎЙНИДА ЖИМЖИТ ОҚАДИ АНҲОР.

ҚОР ЁҒАР, ҚОР ЁҒАР ПОЁНДОЗ БЎЛИБ,
ҚОР ЁҒАР, ҚОР ЁҒАР БИРАМ СОЗ БЎЛИБ
ҚАРАНГЛАР, ЖУРАЛАР, ҚИЗЛАР ЮЗИГА
ЛАЪЛ СУРИБ УТИБДИ ҚОР ПАРДОЗ БЎЛИБ.

ошини ошаганлар ёшини яшаганлар

● *Бир юз йигирма бешга кириб қазо қилган инглиз Томас Паррнинг қабр тошига мана бундай деб ўйиб ёзилган: «У ўнта қирол: Эдуард IV, Эдуард V, Эдуард VI, Ричард III, Генрих VII, Генрих VIII, малика Мария, малика Елизавета, қирол Иаков ва Карл ҳукмронлиги даврида яшаб ўтди».*

● *Норвегияда 1772 йили 146 ёшли Христиан Якобсон Дахенберг вафот этди. У ўн уч ёшидан то 91 га киргунча Кироллик ҳарбий флотида матрос бўлиб ишлади. Фридерик III, Христиан V, Фридерик IV подшоли-ги давридаги урушларда қатнашди. Дахенберг Жазойирда асирга тушиб, 16 йил маҳбусликда умр кечирди. Бир юз ўн бир ёшида уйланди.*

● *Филадельфияда 1781 йили эр-хотин Коттрел дафн этилди. Эри 120 ёшида, 115 ёшли хотини эса эридан уч кун кейин вафот қилди. Улар 98 йил бир ёстиққа бош қўйиб яшадилар.*

● *Асримизнинг бошида ер юзида яшаган энг кекса киши Шимолий Каролина фуқароси негр Нао Роба эди. У 1901 йили 178 ёшда эди.*

● *Албанияда 1902 йилда Исмоил Гадзе деган киши яшаган. 160 ёшга кирган бу мўйсафиднинг уруғ-аймоғи икки юз киши эди.*

● *Ирландияда бир кунда эр-хотин Шарплар вафот қилишди. Икковлари ҳам 111 ёшда эдилар. Икковлари ҳам бир кунда — 1673 йил 1 апрелда туғилиб, 1693 йил 1 апрелда турмуш қурганлар. Уларнинг биринчи фарзанди 1694 йил 1 апрелда, иккинчиси 1695 йил 1 апрелда, учинчиси 1696 йил 2 апрелда ва тўртинчиси 27 йилдан кейин, 1723 йил 1 апрелда туғилган.*

● *Испанияда Андрей Визель де Ногронрес деган одам 124 ёшида ўлган. У умри давомида 35 фарзанд (шундан 30 таси ўғил, 5 таси қиз) кўрди, 52 невара ва 26 чевараии овутди. Оиладагиларнинг ҳаммаси 188 киши бўлиб, улардан 149 таси 1773 йилда қари бобоси билан бир қозондан овқат еб юрарди.*

● *Машҳур кимёгар олим Натаниэль Уэлс 170 ёшида қазо қилди. У умри давомида 25 марта дунё сайёҳатига чиқди.*

● *Озарбайжонлик Шерали Муслимов янги 1967 йилни 162-марта кутди. У ҳар куни одатда кеч соат 9 да уйқуга ётарди. Янги йил оқшомида тарки одат қилиб, Кремль соатларининг ўн икки зарбини эшитаман деб, байрам дастурхони ёнида ўтирди.*

Шерали бобонинг давлат қуриб берган қўш қаватли уйи тўпланган 200 дан ортиқ жигаргўшаларига тўрлик қилиб қолди.



— Битта майиз қирқ кишига етганда, иккита тиш икковимизга камлик қилардими?..

Семен Безносов фотоэтюди.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

«Қаловини топса қор ҳам ёнади» деганларидай эвини қилсангиз ташлаб юбориладиган нарсалар ҳам рўзғорга керак бўлиб қоларкан. Масалан...

... пишлоқ (сир)нинг қовуғини ташлаб юбориш ўрнига яхшилаб қириб, қайнаб турган шўрвага солсангиз таомингиз мазали бўлади.

... озроқ сабзи баргини пет-рушка ўрнида ишлатса бўлади.

... чой шамасини оқ докага тугиб, гиламингизни тозаласангиз ярқирайди.

... селдири баргларини қайнатиб, шундайича еса бўлаверади.

... кофенинг қолдиги сирли идишларга ўрнаб қолган ёқимсиз ҳидни кетказибгина қўймай, идиш-товоқларни тозалашга ҳам ярайди.



СИЁСИЙ ХОТИНБОЗ

Бир вақтлар гуноҳсиз йигит эдим. Уйдагилар мени уйлантиришга қарор қилишди.

Онам менга қаллиқ ахтариб Истамбул кўчаларида уйма-уй, эшикма-эшик санқиб юрди. Кунлардан бирида кечқурун уйга қайтаркан, у худди Архимеддай қичқириб юборди:

— Топдим!— онам ўпкасини босолмай тахтага йиқилди.

У ўзига келгач, бўлажак келинини мақтай бошлади:

— Қандай гўзал-а! Ҳақиқий сеҳргар! Тикишни ҳам, ўқишни ҳам, лаззатли таомлар тайёрлашни ҳам билади. Ишчан қиз. Уйи бирам озодаки!.. Ёғ тўкилса ялагудек...

Шундай қилиб, мен Маҳмурага уйландим. Никоҳнинг эртасига кучли тарақ-туруқдан уйғониб кетдим. Бошимни кўтариб қарасам, ёнимда Маҳмура йўқ. Гулдирашдан ҳатто деворлар ҳам қалтирарди. Ташқари ҳали қоронғи. Урнимдан турганимда, менинг Маҳмурам тикув машинаси ёнида ўтириб (машина унинг сепи эди), ўзича қилдиратяпти.

«Чиндан ҳам мен бахтли эканман,— ўйладим ўзимча.— Хотиним меҳнатсевар!»

— Нима тикяпсан, Маҳмура?— сўрадим.

— Сизга пижама.

Мен ёстиққа бош қўйдим-у, аммо ухлай олмадим. Миям худди бошимни ёриб чиқиб кетаётгандай туюларди. Туришга тўғри келди. Ювинмоқчи бўлиб энди қадам босган эдимки, қулоғим остида худди бомба портлагандек овоз эшитилди:

— Босманг!

Мен орқага ташланиб полга қарадим. Илон бордир, деб ўйлаган эдим. Қўрқувдан ўтакам ёрилаёзди. Маҳмура бўлса:

— Қаёққа қадам қўяпсиз? Ҳозиргина полни қайноқ сувда сода билан ювдим. Буни босиб бўладими?— деди.

Ниҳоят, Маҳмура ўз ишини йиғиштириб, нонушта учун дастурхон ёзди. Эҳ, бу жуда ажойиб эди! Бундай бежиримлик ва гўзалликни умримда ҳеч қачон кўрмаганман. Стакан, қошиқ ва пичоқларнинг ялтирашидан кўзинг қамашади, дастурхон эса оппоқ қордек жилваланади. Биз бир-биримизга юзма-юз ўтирдик. Мен бир тўғрам иситилган нон олиб ёғ суркай бошладим.

Бирданига яна нидо чиқди:

— Эҳ, тушириб юбордингиз, туширдингиз!..

Мен дастурхонга нон ушоғини тушириб юборган эканман.

Менинг ҳар бир ҳаракатимдан кейин чинқириқ бошланарди. Шу сабабли доимо чўчиб турар эдим.

Ҳар куни ички кўйлагимни алмаштириб, крахмалланган кўйлак киярдим. Аммо барибир кечқурун:

— Кимга ўхшайсиз? Кўчада аганадингизми? Гўлоқ! Тфу, шўрлаб келибсиз!..

Охири иситиргимга ўзим ҳам иқрор бўлдим. Шу тариқа мен руҳий касалликка учрадим. Ҳатто ишда ҳам столга қўлимни қўрқа-писа қўяман. Уйда-чи, стаканга қўлим тегдими:

— Панжангизнинг изи қопти!..— деган сўзни эшитардим.

Агар сув ичиш менга насиб бўлса, Маҳмура бақирарди:

— Стаканда лабингизнинг изи!..

Маҳмурага ёқиш учун қанчалик уринмайин, барибир у ўша норозилигича қолаверарди.

Ниҳоят, сабри-тоқатим тугади. Ақлимдан озгунча ичдим. Оёқда туролмайдиган ҳолда, уйга кириб келдим.

— Ҳай, оёғингизни ечинг!..— бақирди у.

— Йўқол!— унинг сўзини бўлдим.

Бечора қотиб қолди. Топ-тоза полда из қолдириб, хонани бир айланиб чиқдим. Хотинимдан бугун ҳаммаси учун қасос олмоқчи бўлдим. Диванга оппоқ гулдор чойшаб ёпилган эди. Унга ўзимни ташладим. Маҳмуранинг жазаваси тутиб қолди...

Эрталаб хонада ёлғиз ўзим қолибман. «Тез ёрдам» машинасида Маҳмурани касалхонага олиб кетишибди.

Касалхонада қирқ кун ётди. У даврда мен дам олдим. Қирқ биринчи куни Маҳмура ота-онасиникига кетипти.

— Мен у билан яшай олмайман!— дебди у ота-онасига.— У ифлос нусха. Жирканч ҳайвон, тўнғиз!..

Анча вақтгача уйланмадим. Барча хотинлар худди Маҳмурадек кўринарди.

Шундай қилиб, сўққа бош бўлиб қолдим. Мана шулардан кейин ақлим кириши керак эди. Йўқ бундай бўлмади, яна ошиқи беқарор бўлдим. Ҳа, ақлимдан озгунча севдим. У шундай гўзал эдики! «Мана — дедим ўз-ўзимга,— бу сенинг бахтинг. Қисқаси биз Лили билан турмуш қурдик. (Унинг ҳақиқий исми Лайло эди).

Биз эндигина никоҳ қайд қилувчи хонадан чиққан эдикки, Лили:

— Бугун мен ўз дўстларимни уйга таклиф қилдим,— деди.

Бу менга бир оз ғалати туюлди. Бу қанақа аҳвол... Ҳали бир кун ҳам бирга яшамай туриб, шунча ўзбошимчалик. Мен билан бир оғиз маслаҳатлашмай-а!

Бу сафар мен жанжаллашиб ўтирмадим. Уйга келдик. Э, худо! Хона американча кийинган бир тўда олифталар билан тўлган эди. Астағфируллоҳ.. Ҳали эс-ҳушимни йиғиб олгунча Лили иккинчи бир сўлоқмоннинг бўйнига чирмашди. Бир дақиқа ўтмай учинчи олифтанинг қучоғида кўрдим. Агар менинг ўрнимда бошқа бирор киши бўлганида, тўппончани қинидан суғуриб: «Бах!.. Бах!.. Бах!..» билан тамомларди бу томошани. Аммо мен ундай қилмадим.

— Лили!— деб қичқирдим мен.— Бу қанақа аҳмоқлик! Бу нусхалар кимлар? Мен ҳеч бирини танимайман.

Лили менга жавобан:

— Жоним, сен осмондан тушдингми? Менимча, сен ҳеч қачон тузукроқ одамлар орасида бўлмаганга ўхшайсан,— деди.

— Лили, жонгинам!— дедим мен.— Ахир иккимиз бирор марта танца тушмаганмиз-ку! Бунинг устига буларни танимайман ҳам.

Лили мени барча ўртоқлари билан таништириб чиқди. Бировлар қош чимирар, бошқалар менга бутунлай назар ташлашни истамас, учинчи бировлари жирканиб ғудирлашарди.

Кечқурунлари Лилини ё битта, ё бир неча эркаклар давраси топар эдим. Бировлари мантабдоши, бировлари бирга чўмилишган, бирови жияни, яна бирови қўшниси. Қисқаси, улар орасида «бегона»сини топиш қийин эди.

Шундай кунлар ҳам бўлар эдики, Лилини уйдан топиш ҳам амримаҳол эди.

— Сартарошхонага кетишди,— дейишарди менга.

Лили тиниб-тинчимас аёл экан.

Бир куни кечқурун менга сартарошхонадан 85 лир 74 курушга счёт келтиришди: соч ўриш учун шунча, тирноқ қизартиришга шунча, оёқни бўягани учун шунча... У чўнтагимни тамоман қоқлади.

«Эҳ, Лили! Эҳ, сатанг!»

Эртасига менга бирданига тўртта счет келтиришди: биттаси тикувчидан, бири кирчидан, бири гулчидан, яна бири қандолатфурушдан.

Оқибатда хонавайрон бўлдим. Мен икки йилгача судма-суд судралдим. Лилидан кейин неча марта уйланганимнинг ҳисобини ҳам билмайман...

Турмуш мени чақиб қўйди. Иқтисодий тушкунликдан ташқари, қалбим ҳам тилка-пора бўлган эди. Қаҳвахонада мудраб, чой ва тешик кулча билан тирикчилик қилардим.

Кунлардан бирида қаҳвахонага эски қадрдоним кириб келди.

— Э, мунча ўзгариб кетибсан!— ваҳима қилди у.

— Ҳаммаси хотинлар дастидан бўлди,— дедим мен ва дўстимга сўнгги хотиним тўғрисида қисқача ҳикоя қилиб бердим.

— Бу ҳолни фақат янги никоҳ билан ўзгартириш мумкин,— маслаҳат берди суҳбатдошим.

— Мумкин эмас! Уйланадиган ҳолим қолмади... Ҳатто сигарета олишга ҳам бир лира чақам йўқ!

— Айни муддао! Шу сабабдан ҳам уйланишинг керак! Коммунал хўжалигининг бош директорини танийсанми?

— Йўқ, танимайман.

— Ҳеч нарсага арзимаган одам эди! Тушундингми?.. Мен уни уйлантирдим, мана ҳозир бош директор. Саноат банкининг директорини биласанми? Уни ҳам мен одам қилдим. Қип-қизил саёқ эди!.. Ташқи ишлар министрлигининг бош маслаҳатчисини эшитгандирсан?

— Я-ў-қ...

— Илгари эшакдан фарқ қилмасди! Мен уни уйлантиргач, худди Крез сингари бойиб кетди. Дафн этиш бошқармасининг директорини биласанми?

— Газетада суратини кўрганман.

— Уни ҳам мен уйлантириб одам қилдим. Ута кетган аҳмоқ эди. Профессор Мужмалбоезни танирсан, эҳтимол?

— Бир оз...

— Турган-битгани овсар эди. Энди кўр-чи, профессор бўлди!—дўстим менга қўл силтади.— Жим, тур! Кўряпсанми, қанча аҳмоқ, нодон ва овсарларни одам қилдим? Сенинг улардан ниманг кам?..

— Йўқ, йўқ, мен бундай қилолмайман!

— Сенга ҳеч нарса қилишнинг ҳожати йўқ. Мен қиламан!

— Бўлмаса, ўзинг нимага уйланмайсан?

— Устоз полвон ёки боксчидан жаҳон чемпионини етиштириб чиқара олади, аммо унинг ўзи мусобақаларда қатнашмайди. Мен ҳам шундай... Мен устозман!— суҳбатдошим яна қанчадан-қанча нодонларни бош директор, катта амалдор ва бой қилганини гапириб берди...— Сизлар аҳмоқсизлар!— деди у.— Уйланишни билмайсизлар. Сенга ўхшаган ялан-

---

Қисқартиб босилди.



ғочлар қайнотанинг ёрдами билан раҳбарлик мартабаларини эгаллашингиз, сиёсий хотинбоз бўлишга интилишингиз ва кейин бизни сафингизга тортишингиз керак... Шу вақтга қадар сен ишқибозликка уйланган эдинг, энди сени ихтисослашган куёвга айлантираман.

Мен иккиланиб ўтирмай таклифга кўндим.

— Диққат билан тингла!— деди устозим.— Эртага сени катта бир амалдорникига олиб бораман. Унинг ўтириб қолган қизи бор. Бечораниng қадди-қомати унча эмас, лекин сен тез орада одам бўлиб қоласан.

Менинг биринчи сиёсий хотинбозлигим муваффақиятли бўлди. Бир ойдан сўнг газеталарда қуйидаги эълон чиқди:

«Шаҳримизнинг машҳур шахсларидан бири жаноб фалончининг қизи пистончи хонимнинг жаноб фалончи билан бош қўшиш тўй маросимида фалончи-писмадончи жаноблар қатнашди!»

Қисқаси, мен яна оилавий турмушга бош тиқдим.

Аммо устозим бошқа мақсадда экан. Кунларнинг бирида у:

— Бўлди! Энди сен ажралишинг керак,— деди.

— Кераги йўқ... Менга раҳминг келсин!— ялина бошладим.— Яхши яшаяпмиз, худога шукур, бахтлиман.

Бироқ устозим гапга кирмасди.

— Мен сендаги қобилиятни сезяпман,— деди у,— Сен йирик давлат арбоби бўла оласан.

Натижада ажралишимиз судда кўрилди. Хотинимнинг ярамас хатти-ҳаракатини сабаб қилиб кўрсатдим.

Лекин хотиндан ажралган билан унинг отаонаси туфайли қўлга киритган амалдан ажралмадим.

Бир ҳафта ўтмаёқ устозим яна уйлантирди.

Иккинчи сиёсий никоҳим туфайли мансабим яна икки поғона юқорига кўтарилди. Иккинчи хотиним билан ярим йил яшаш ҳам насиб этмади.

— Сен кўп йиллардан буён ахтариб юрган одамим экансан,— деди устозим.— Чиниқавер!

Учинчи сиёсий тўйдан кейин экспресс комиссиясининг бошлиғи сифатида мени Европага юборишди. Қайтишда қайнотамнинг ёрдамисиз ўзим билан ўн саккизта мўйна пўстин, тўртта холодильник ва бешта автомашина олиб келдим.

Уша кундан бери мен ҳар йили неча бор уйланиб, яна ажралишдим. Ҳозир ҳам шундай қиляпман.

Радио орқали нутқлар сўзлайман, оммавий лекциялар ўқийман, мамлакатнинг гуллаб яшнаши планларини тузаман ва ўзимча ўйланаман: «Илгари аҳмоқ эканман! Уз қобилиятимни кейинчалик англадим! Ақли паст хотинларим билан қанча умримни зое кетказдим!..»

Шундай қилиб сиёсий хотинбоз бўлиб қолдим. Бойлигим борган сари ортмоқда. Кун сайин сиёсий зинадан тобора баландроқ кўтарилмоқдаман.

Кутинг! Бундай тезлик билан кетсам, яқинда мен сизларнинг тақдирингизни ҳал қилувчи бўлиб қоламан.

Машъал ҲАКИМОВ ва
Болтабой ЮСУПОВ таржимаси.

ҚИЗИҚ

Қоқ қуруқ орол

Орол денгизи ўрталигида Борса — келмас ороли бор. Гарчи денгиз устига серёғин булут ёпирилиб, ёмғир чунонам қаттиқ қуйса ҳам Борса — келмас оролига бир томчи тушмайди, орол осмони мусаффо тураверади. Маълум бўлишича, орол тупроғи қаттиқ қизиганидан иссиқ ҳаво булутларни яқин йўлатмас экан.

Қорақурт кушандаси

Ўрта Осиёда кўп учрайдиган қора қуртнинг ургочисини «қора бева» дейишади. Чунки у эркак қора қуртни еб, унга нисбатан беш юз марта кўп заҳар йиғади. Тошкент вакцина ва эмлаш институтида қора қурт чаққан кишини эмлайдиган дорини ўшандан олишади. Офатли ўргимчакни тиббий қисқич ва гугурт қутиси билан овлайдилар. Тошкент давлат университетининг студенти Сергей Шепилов қора қуртнинг моҳир овчиси ҳисобланади: у бир кунда институтга 500 тагача ўргимчак топширади.

Урандан тўқилган гиламлар

Археологлар Ўрта Осиё тоғларида қадимда уран хом ашёси қазиб олинган кўҳна конни аниқладилар. Сариқ, кўк-тиниқ рангдаги уранни қадимги усталар атом магзини чақиб кучлантириш учун эмас, гиламларни, сопол идишларни ва бошқа уй жиҳозларини бўяшдагина ишлатганлар. Агар ўша аждодларимизда радиация даражасини белгилайдиган Гейгер счетчиги бўлганида борми?!

„Қурбақа ейдиган“ пашша

Баъзан кўк пашша қурбақанинг жиғига тегиб жаҳлини чиқаради, шунда қурбақа бир ҳамла қилиб, уни ютиб юбсради. Пашшанинг муддаоси ҳам фақат шу! Чунки у уруғ қўйиш оворасида юрарди. Қаерга дейсиз, худди бақанинг ошқозонида. Пашша ўзи ўлиб кетади, лекин унгача бақанинг бурун тешикчасида пашша қўйган уруғлар етила боради. Бақа бундан ҳалоқ бўлади, ўлиги пашшаларга озуқага қолади. Шунинг учун ҳам энтомологлар уни «қурбақа ейдиган» пашша дейишади.

ФАСОНЛАР

Кийим - кечакларнинг қисқа-кенглигига ҳамма вақт ҳам пайт сабаб бўлавермаган. Масалан, Австрия маликаси Аннанинг яратиқли, гўзал билаклари узун енг ичида туриши унга маъқул кўринмаганидан енги калта кўйлак кийишни расм қилган. Қирол Генрих II нинг қизи эса, аксинча, узун, жимжимадор енгли кўйлак кийишни ёқтирган. Бунақа енглар ҳаддан ташқари озғин, ингичка қўлларини яшириб турарди. Шунингдек, унинг бўйни ҳам ёқимсиз бўлганидан томогигача тўсиб турадиган тўқима кўйлак кийган. Бу фасон ҳозиргача урф бўлиб келяпти.

Товони баланд кафшлар кийилишининг ҳам ўз тарихи бор. Уни де Помпадур хоним бўйини тикроқ кўрсатиш мақсадида киярди.

Номхамхусен

ЖУРНАЛИМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ, БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ВА БОШҚА МУАССАСАЛАРГА ЯРАШИҚЛИ ИСМЛАР ҚЎЙИШНИ ТАКЛИФ ЭТИБ, АНЧАГИНА НОМЛАР РЎЙХАТИНИ БЕРГАН ЭДИК.

БУ САФАР ҲАМ ШУ РЎЙХАТНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ.

БОЛАЛАР БОҚЧАЛАРИГА

Аланга. Арслон. Байроқ. Бахт-иқбол. Башар. Баҳористон. Бойчечак. Болажонлар. Гулхан. Гулшан. Гулғунча. Даврон. Дастёр. Дилбанд. Дулдул. Елқин. Жажжи. Жилға. Зарбулмасал. Йўлбарс. Кабутар. Кичкинтой. Кўзмунчоқ. Момақаймоқ. Моҳир. Навбаҳор. Набира. Наъматак. Оймомо. Посбон. Семурғ. Сочпопук. Тойчоқ. Тулпар. Тўлқин. Шаршарак. Шод-хуррам. Ўғлон. Қалқон. Қулун.

МАГАЗИНЛАРГА

Арафа. Барно. Билакузук. Биллур. Бунёд. Бўсағa. Гардиш. Гулдаста. Денгиз. Дилрабо. Давон. Дунё. Ёдгор. Ёр-ёр. Жаҳонгир. Зарпечак. Зиёда. Зиёрат. Зилол. Истиқбол. Ифтихор. Ихлос. Карнайгул. Каштачи. Қаҳрабо. Коинот. Куёв. Кулол. Кунгура. Кўза. Кўркам. Кўрмана. Лаҳҳа. Либос. Лола. Лиммо-лим. Мамнун. Манзара. Машъал. Меҳмоннавоз. Муборакбод. Мўмиё. Мумтоз. Муҳайё.

КУТУБХОНАЛАРГА

Достон. Дастхат. Даҳрий. Алқисса. Калима. Алкимё. Котиб. Латифа. Мавлоно. Миррих. Муаллиф. Назира. Нафис. Нотиқ. Сархат. Тавсиф. Таржимон. Таҳрир. Қаламкаш. Қасида. Қомус. Ғазал...

ГАСТРОНОМЛАРГА

Айём. Анжир. Анҳор. Бахмал. Патинжон. Бошоқ. Гулбарра. Дарё. Девзира. Деҳқон. Ёнғоқ. Жийда. Зиғир. Кашнич. Кунжут. Луччак. Луқмон. Майиз. Масаллиқ. Мурч. Новвот. Норин. Паррак. Седана. Сумалак. Тилак. Тугал. Фасл. Хумча. Хурмо. Шолғом. Ҳандалак...

КАФЕЛАРГА

Анжуман. Асрдош. Афсона. Аҳдпаймон. Баҳридил. Вафодор. Дарға. Дақиқа. Дийдор. Дилдор. Ёқут. Изҳор. Ихтиёр. Иқбол. Канизак. Кечакундуз. Кокила. Кулдиргич. Лаббай. Мавж. Мажнунтол. Марҳамат. Маҳлиё. Муштоқ. Муҳаббат. Оромгоҳ.

ДОРИХОНАЛАРГА

Бахайр. Дардкаш. Мадад. Покдил. Сиҳат-саломат. Тўтиё. Соғлом. Хушнуд. Эътиқод. Ҳамдард. Ҳамшира. Ҳозиқ. Дармондори.

КИЧИК ДЎКОНЧАЛАРГА

Арғувон. Атиргул. Бодомқовоқ. Болдоқ. Бўтакўз. Гулгун. Гулкоса. Гулсафсар. Гулхайри. Чеҳра. Дийда. Дилкушод. Дилхуш. Дурра. Дўндиқ. Ёмби. Ёғду. Жилва. Завқ. Зарҳал. Зийнат. Ибо. Иффат. Капалак. Лаҳча. Малак. Маржон. Мафтун. Маҳваш. Маҳлиқо. Мижжа. Муаттар.

САРТАРОШХОНАЛАРГА

Антиқа. Бажонидил. Баракалла. Бўз йигит. Гултож. Диловор. Дилтортар. Жамалак. Жилвагар. Жингалак. Жозиба. Заркокил. Исирға. Устара. Киройи. Кокил. Лобар. Лутф. Малак сиймо. Малоҳат. Моҳитобон. Моҳрўй. Мунтазир. Ойпарча. Олмос.

Қодир МАҲСУМОВ

Бир парча ер

Мен уни ҳар куни эрталаб янги гулзор пайдо бўлаётган ерда, ғиштлар уюми устида иягини ҳассасига тираганча бир нуқтага тикилиб ўлтирган ҳолда кўраман. Кечга яқин ҳассасига тираниб тураді-да, бир қўлини белига қўйганча автобус тўхташ жойи томон кетади.

Бу кампирнинг шу ерда қутичадек ҳовлиси бўларди. Келин бўлиб тушган эди шу ерга. Бир ўғил, бир қиз кўрган эди шу ерда. Ёлғиз ўғлини шу ердан фронтга жўнатган эди. Шеваччаси ортидан тишларини ғижирлатганча чоли ҳам кетди... Қизи ҳам агрономлик дипломини олиб, шу уйдан колхозга учирма бўлган. Кампир бормади қизи билан. Оқ йўл тилаб қолди.

Ҳеч қаерга жилгиси келмасди унинг бу ердан. Унинг учун азиз эди шу кафтдек ер. Унинг бутун ҳаёти ўз тарихи билан шу бир парча ерда ётарди.

Зилзиланинг биргина беомон зарби билан тутдек тўкилди-қўйди.

Мана неча кундирки, у шу ерга келади... Иягини ҳассасига тираганича ўтирады. Кечга яқин ҳассасига тираниб тураді-да, бир қўлини белига қўйганча автобус тўхташ жойига кетади.

Тўртлигим

Толиб Йўлдош

Ёшлар, кулманг ҳеч кексалардан,
Шундай бўлар қаригач киши.
Қариликни эслатди менга
Ёшлигимнинг тушга кириши.

Тўртлигим тўрт кунли дўппи
гулидай,
Назардан қолмаса оҳори кетиб.
Қарилик етганда кўрган фарзанддай,
Яшарсам, умримнинг баҳори етиб.

Ердан изла йўқотганингни,
Кўкка боқиб қачон етасан?
Тик ёғочга тирмашар бўлсанг,
Кўйлагингни бекор йиртасан.

Бир дамлар гердайиб ундов бўлсам
мен,
Бошқалар кўзимга сўроқ туюлди.
Қозиқдек бўгзимдан ерга ботганда,
Эгилган сўроқлар зўрроқ туюлди...

Оёқ қимирласа киши одимлар,
Оғзинг қимирласа, зарра жилмайсан.
Оғзингга ишонсанг эл-юрт олдида,
Оёқдан қолганинг ўзинг билмайсан.

Ёшликни гул десан, севги — болари,
Ёшликда бенуқсон бўларкан бари.
Қарилик етишгач, сендан ҳаммаси
Узрсиз узоқлаб кетаркан нари.

На бунча юзингга қараб тўймайман,
Ёшлигим ўтдику, қариб тўймайман.
Сунбул сочларингни тун бўйи ўрсам,
Кундуз кипригим-ла, тараб тўймайман.

Гўзал ўзин гўзал демайди,
Дейишга ҳам бермайди ақли.
Чин гўзаллик шундай, истаса —
Ойдан хирож олишга ҳақли.

Кеча бола эдик, бугун отамиз,
Эртага шубҳасиз қария дерлар.
Ҳаётда бирор из қолдириб кетсак,
Кўрганда эслашиб:— қара-я, дерлар.

Нафас бу тириклик нишонасидир,
Юраклар уриши нафас туфайли.
Нафас қайтмасин деймиз, шу сабаб,
Умримиз нафасга қайитса майли.



ТИШКАВЛАГИЧ

Инсон қадим замонлардан буён тишкавлагичдан фойдаланиб келганини осори атиқа қазилмалар исбот этмоқда. Аждодларимиз суяк ҳирапчаси, балиқ қилтиғидан тишкавлагич қилганлари маълум.

Ўрта асрларда, айниқса XV—XVII асрларда Европада тишкавлагич жуда урф эди. Ҳатто тишкавлагич олиб юрган кишини одобли деб билишарди. Арбоблар, сарой аҳллари олтин, кумуш, фил суягидан ясалган тишкавлагичларни бўйинларига тақиб юрардилар. Уни моҳир заргарлар тайёрлар, тилла занжирларга боғлаб олинар ёки қулоққа қистириб юриларди.

Тишкавлагичдан ўтмишда ҳамма фойдаланиб келган.

Ўзбеклар ҳам суякдан, парранда патларидан, райҳонжамбилнинг қуритилган шохларидан, арча ёғочининг пайраҳасидан тишкавлагич ясаб олардилар. Айниқса, суяк ёки ёғочдан қилинганларига нозик заргарий дид билан зеб бериб, уни пичоқ ё ачадон қинлари сиртига махсус тикиладиган жажжи ғилофчаларда сақлаб юришиб, фойдаланардилар.

«Ҳар нарсага бир нарса» деганларидек, қанча-қанча князь, герцог, подшо, амалдорлар шу тишкавлагич «касофатидан путур топганлар. Европада бир маҳаллар сарой зиёфатлари пайтида қасд қилинган меҳмонга заррин тишкавлагичлар учига заҳар теккизиб узатилган. Таъсирчан заҳар милкка теккани ҳамон ўша одам нариги дунёга кетаверган.

Бу хил ўлимнинг сири узоқ вақтгача яширин қолган. Фақат тасодиф бу сирни ошкор этган. Ўша қора ниятли шахслар нима бўладию жанжаллашиб қолишади. Аччиқ устида бири айтиб қўяди. Ўшандан бошлаб тиш кавлаш маданиятсизлик деган гап тарқалади.

Хўш, шу мулоҳаза ҳозир ҳам ўз кучида қолаверадими? Йўқ. Эрталаб тишларни ювиш нечоғлик зарурат экан, тиш ораларида ўрнашган қолдикни олиб ташлаш ҳам шунчалик мажбуриятдир.

Тишларни чиришдан асраш, оғизни озода сақлаш — соғлигимиз гарови эканлигини унутмасак яхши бўларди. Лекин тиш кавлашнинг ҳам ўзига яраша одоб-қоидаси бор: тиш кавлаганда ўнг-буйнга туфлаб, бошқаларнинг таъбини хира қилмаслик керак; тишни гугурт чўпи, тўғнағич ё бошқа шу хил нарсаларда кавлаш саломатликка зарар. Чунончи, гугурт қўлдан-қўлга ўтиб ифлосланган бўлиши мумкин, янгисига эса парафин суртилган. Маълумки, парафин ҳаром ҳайвонларнинг ёғидан тайёрланади. Шундай бўлса ҳам баъзилар «бир марта кавлаганга нима қиларди» дейишади. Бу — кони зарардир.

Тишга дорихоналарда сотиладиган пат кавлагичлар ишлатган маъқул. Энг яхшиси — арча кавлагичдир. У тишни бузмайди, мулойим-қайишқоқлигидан тиш кавагида синиб қолмайди.

Хуллас тишкавлагичнинг ҳуқуқи ҳам тикланса деймиз. Шу қилтириқдай нарса ҳам одамга керак буюм!

ПАЗАНДА.

АРАБ ФОЛЬКЛОРИДАН

Ўзим

Султон Жуҳодан сўради:
— Нечта боланг бор?
— Саккизта,— жавоб қилди Жуҳо.
Султон мамнун бўлиб, унга саккиз минг дирҳам бериб юборишни буюрди. Жуҳо пулни олиб, қуллуқ қилганча чиқиб кетди, аммо эшикка етганда, бир нарса эсига тушгандай, султонга қараб:
— Мен битта боламни эсдан чиқарибман,— деди.
— Кимни?
— Ўзимни,— деди Жуҳо.
Султон кулиб, унинг ўзига ҳам инъомлар бериб жўнатди.

Оғир аҳвол

Жуҳо уйга келса, хотини йиғлаб ўтирибди. Сабабини сўраган эди, хотини:
— Мени яхши кўрмайсан,— деди.
— Сени яхши кўрмай? Нима ёмонлик қилдимки, шундай деяпсан,— Жуҳонинг жаҳли чиқди.
— Мен бугун чўмилаётган эдим, қўёш ботиб кетди, бу бахти қароликнинг нишонаси,— деди хотини.
— Бунинг муҳаббатимга қандай даҳли бор?
— Эшитмаганмисан, ким хотинини яхши кўрса, у хотиннинг бошида қўёш чарақлаб турармиш.
Жуҳо худога ёлворди: ё парвардигор, қуёшни чиқар, хотинимни севишимга гувоҳлик берсин.
Дуо тамом бўлиши биланоқ ёмғир-дўл ёға бошлади. Жуҳонинг жаҳли чиқиб қичқирди:
— Е раббим, ахир, мен сенга «хотинимни яхши кўраман», дедим-ку, «ёмон кўраман», деганим йўқ-ку!

Марҳум товуқ

Жуҳонинг семиз товуғи бор эди. Бир неча жўжа очди-да, ўлиб қолди. Жуҳо жўжаларнинг ҳар биттасига бир парчадан латта боғлаб қўйди. Буни кўрган ўртоғи:
— Жуҳо, бу нима қилганинг?— деб сўраган эди, жавоб берди:
— Бу бечораларнинг оналари оламдан ўтди, шунинг учун мотам тутиб юришибди.

Оллоҳдан паноҳ тилаймиз

Чингизхон ниҳоятда золим эди. Бир куни Жуҳо унинг суҳбатида ўтириб эди, Чингизхон сўради:
— Ибн Аббос авлодларидан бўлган халифаларнинг ҳаммасида ўзига хос лақаби бўлган, масалан, ал-Муваффақ биллоҳ, ал-Мутаваккил алаллоҳ, ал-Муътасим биллоҳ. Магар мен ҳам ўшалардай халиф бўлсам, менга қандай лақаб қўярдинг?
— Эй мавлойим,— деди Жуҳо,— турган гап, сизга «наузу биллоҳ» (оллоҳдан паноҳ тилаймиз) лақабини қўйган бўлардим.

Арабчадан И. Абдуллаев таржимаси.

---

* Насриддин афанди арабларда Жуҳо номи билан машҳур.

Фарҳод МУСАЖОНОВ

Икки эртак

Қадим замонда икки дўст бўлган экан. Уларнинг бири кўр, иккинчиси соқов экан.

Аммо ўша пайтда ҳам иғвогарлар бўлган экан. Ушанақа иғвогарлардан биттаси соқов билан кўрнинг дўстлигини сира кўролмас, туну кун бошини чангаллаб, кўр билан соқовни уриштириб қўйишни ўйларкан.

Бир кун кечқурун соқов билан кўр ўз кулбаларида имо-ишоралар билан шириң суҳбат қуриб ўтирганларида, эшикни тақиллатиб иғвогар бориб қолипти.

— Дўстим, кимдир бизни йўқлаб келди, чиқиб қаранг,— депти.

Соқов ташқарига чиқипти. Иғвогар ичкарида қолган кўр эшитадиган даражада баланд овоз билан:

— Сизларга совға опкелдим. Буни иккалангиз қоқ ўртасидан баробар бўлиб олинглар,— депти ва соқовнинг у чаккасига, ҳам бу чаккасига боплаб иккита тарсаки туширипти.

Бу хўрликдан бутун вужуди қалтираб, жигар-бағри эзилиб кетган соқов бошини ҳам қилиб кулбасига қайтиб кирипти.

Кўр, йўловчи ташлаб кетган совғани соқовнинг ўзи берар деб, бир оз кутипти. Аммо соқовдан нидо чиқмапти. Шунда кўр сўрашга мажбур бўлипти. Имо-ишора билан:

— Дўстим, келган одам бирон нарса ташлаб кетмадими?— депти.

Соқов, қўйинг шу гапни, дегандай гулдиллапти.

Кўр хафа бўлиб:

— Биз ҳеч қачон бир-биримиздан сир яширмаган, нимаки топган бўлсак, ўртада баҳам кўрган эдик. Энди шу одатимизни бузмасак,— депти.

Соқов бу ҳақда сўз очмасликни яна илтимос қилипти.

Кўр ўзиникида туриб олипти. Соқов қараса, дўсти билан юз кўрмас бўлиб кетадиган. Шунда «совға»нинг ярмисини беришга мажбур бўлипти: Кўрнинг чаккасига бир тарсаки туширипти.

Кўр: «Мен ўз улушимни сўраганимга, ҳақиқатни билмоқчи бўлганимга соқов мени урди», деб ўйлаб, кулбани тарк этиб кетиб қолипти.

Соқов ва кўр шундан кейин бир-бири билан юз кўрмас бўлиб кетишипти.

*

Қадимда ҳовлиқмароқ бир шоҳ ўтган экан. У нуқул ўз мамлакатини мақтагани-мақтаган экан.

Ўша пайтларда ўзга мамлакатлардан бирида машҳур сатранж сурувчи пайдо бўлиб, ҳаммани ютаверипти. Унинг довруғи шуҳратпараст шоҳнинг иззат-нафсига тегипти. У дарҳол ўз мамлакатидаги энг моҳир сатранж устаси Уста Комилни чақириб, унга ўша машҳур сатранж сурувчини ютишни буюрипти. Ўша одам таклиф қилинипти.

Ўйин бошланипти. Шоҳнинг ўзи уларнинг тепасида, ўйинни кузатиб турипти. Кураш айни қалтис пайтида ҳовлиқма шоҳ: «Уни юр, буни юр», деб Уста Комилга халақит бераверипти. Сабр косаси тўлган Уста Комил:

— Жаноб олийлари, сатранж ҳам санъат, ундан камина бир оз хабардор,— депти.

Уста Комилнинг гапларидан золим шоҳ тутақиб кетипти ва айтганида туриб олипти. Уста Комил шоҳ айтган йўлни юришга мажбур бўлиб, ўйинни ютқазипти.



Бастакор ва пахтакор



БИР МУАССАСА ХОДИМЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ СУРАТИ

(Белги қўйилганлари директорнинг уруғларига кирмайди).



— Хотинжон, хафа бўлма, атиги бир шиша ичдик.

ҲАЖВИЁТЧИ ТАБАССУМИ

Ҳажвий санъат шинавандалари Михаил Воробейчиковни сиртдан яхши биладилар. Унинг киноялари тасвирларини кўриб қаҳ-қаҳа урмаганлар камдан-кам топилса керак.

«Совет Ўзбекистони» газетаси ва «Муштум» саҳифаларида бот-бот учрашиб турган рассомимиз билан бу гал «Гулистон»нинг «Мўйчинак» саҳифасида кўришамиз. У ўзининг эндигина қолипдан чиққан ана шу ҳажвиётларини бизга лутфан тақдим этди.



Шаклан миллий... пардоз.



ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

— Оғайни, кундузи ҳам пижамада юрасан-а!



Бир зарб —15 сутка.

НАЖОТ БОРМИ?

Ижобий фельетон.

Кеча маҳаллий касаба союз комитетининг раиси Хушвақтов: «Эртадан эътиборан сизларнинг бўлимингиз ҳафтада икки кун дам олишга ўтади», деб эълон қилиб қолса бўладими! Ана шунда ходимларимизнинг севинганини кўрсангиз эди! Умрида эркак зотига тишининг оқини кўрсатмайдиган чизмакаш Ибохон ҳаммани бир бошдан «чўп-чўп» ўпиб чиқди, нуқул бир бурчакда одамлардан беркитиб овқат ейдиган Индамасхонов уйидан олиб келган қовоқ сомсаларни ўртага қўйиб, бутун бўлимни меҳмон қилди, узоқ-кун вужудидан атир ҳиди анқиб турадиган Кайфиддинов аллақаёққа йўқолиб, бирпасда шолғомдай қизариб келди... Икки дам олиш кунини ким қандай ўтказади, деган мавзу устида роса уч соат тортишув кетганини айтсак, чошгоҳдан кейин бўлимда иш бўлмади ҳисоб...

Менинг дили-жоним уйқу. Агар уй ўзимга холи қолса, кечгача ёстиқдан бошимни кўтармасам ҳам уйқуга тўймайман. Одамлар қимматли умрнинг олтин дамларини кино, театр, музей, ажойибхона деган бемаза жойларда бекор ўтказишади. Жонларининг роҳатини билишмайди-да улар. Ундан кўра уйнинг эшигини беркитиб олиб, маза қилиб ухлашса, ҳам жонлари ором олади, ҳам анча-мунча пуллари ёнларига қолади. Ухлаётганда шундай ажойиб тушлар кўриш мумкинки, ҳар қанақа маманан, деган томоша бунинг олдида ўтаверсин!

Хуллас калом, биринчи дам олиш куни эрталаб хотин билан шундай келишдик: нонуштадан кейин у болаларни олиб, ҳайвонот боғини айлантириб келадиган бўлди, мен эсам, уйда қолиб... Уйда холи қолгандан кейин нима қилишимни энди ўзингиз ҳам биласиз.

Ваннадан йигдай бўлиб чиқиб, энди каравотга чўзилган эдимки, эшик қўнғироғи уст-устига жиринглаб қолди. «Оббо, фалокатэй, нима бўла қолди?»— деб зўрба-зўр ўрнимдан қўзғолдим. Эшикни очсам, ташқарида ўн саккиз-йигирма ёшлар чамасидаги бир хурлиқо турибди, денг. Хон атлас кўйлагининг устидан оқ халат кийиб олибди. Иккала шаҳло кўзига кўзим тушгач замони юрагим «шиғ» этиб кетди. Тилим калимага келмай қолди. Безгак тутган кишидай даг-даг титраб бошладим. Нотаниш хурлиқо авзойимни кўриб, қаҳ-қаҳ уриб юборди.

— Кечирасиз,— деди у сўнгра кулгисини зўрға босиб, жаранглдор овоз билан.— Ширмой нон керак эмасми?

— Ширмой нон? («Ие, бу қиз менга ҳазилкашлик қиляпти-ку?» деб қўйдим ичимда).

— Ҳа, шундай. Нега ҳайрон бўласиз. Биз райпишчеторгдан келдик. Уйма-уй ширмой нон сотиб юрибмиз. Керак бўлса, бештами-ўнтами, пастдан опчиқиб бераман.

Шундай нозанининг сазосини сиидиргандан кўра, ўзимнинг бўйним узилгани яхши эмасми! Дарров қўлига уч сўм тутқаздим. Гизиллаганича тушиб, бирпасда ўзининг юзига ўхшаш ўнта лўмбиллаган ширмой олиб чиқди.

Ҳурлиқони кузатиб яна каравотга ағдадим. Бир яхши тушга арзийдиган бу тасодифий учрашувнинг лаззатига ҳали қонмаган ҳам эдимки, эшик гурс-гурс тақиллай қолди. Бориб очсам бир барзанги йигит. Икки елкасига иккитадан тўртта телефон аппарати осиб олган. Аппаратлар бирам чиройликки, кўриб кўзингиз ўйнайди.

— Салом. Телефон ўрнатиш керакмасми?

— Йўқ, керакмас. Уйда телефонимиз бор.

— Шунақами... Аттанг...— Монтёр йигит хомуш тортиб, орқасига ўгирилди-да, зинадан бир-икки погона пастга тушди. Энди эшикни ёпай, десам, яна шартта юзини менга ўгириб:

— Ҳой, мулла ака, шошманг. Бу — оддий аппаратлардан эмасда. Кейин пушаймон бўлиб юрманг,— деди.

— Хўп бўлмаса, қанақа каромати бор?

— Ҳе, жуда зўр. Манови орқасидаги шнурни кўряпсизми? Шуни магнитофонга улаб қўйсангиз, уйда ҳеч ким йўқлигида телефон қилган кишининг гапини ёзиб олади.

«Бўлар иш бўлди: уйқудан қолишга қолдинг. Ке, шу аппаратни ҳам ўрнаттириб қўяқол»— дедим ўз-ўзимга.

Монтёрни жўнатиб, уйга кирмасимданоқ «жиринг-жиринг» овоз эшитилди.

Қойил, заб иш бўлди-да, янги аппаратнинг кароматини мана ҳозироқ синаб кўрадиган бўлдим.— деб телефоннинг олдига югурдим. Аммо... жиринглаётган эшикнинг қўнғироғи экан!

— Кайфларига барака,— деб бетаналлуф қўл узатди икки дунъки ош ҳамир зуваласидай кўпчиб чиққан бир гирдигум одам.— «Пахтакор»нинг ишқибозларидан бўладилар, деб эшитамиз!

— Қайси «Пахтакор»нинг?

— Қайси бўларди? Оламда битта «Пахтакор» бор-да.— Хи-хи-хи!

— Мен ҳеч қанақа «пахтакор— махтакор»ни билмайман!

— Ана холос! Ўзларини қўғирчоқ театри олдидаги хиёбонда кўп учратар эдик, шекилли, а, лаббай?

Бемаҳалда таъриф буюрган бу нохуш «меҳмон»нинг қовушмаган ҳазиллари энсамни қотирди.

— Хўш, хизмат?— дедим у билан гапни калта қилиш учун.

— Мана буниси бошқа гап. Ўзларига марказий секторнинг қоқ ўртасидан бир нафаргина абонемент дафтарчаси олиб келган эдик, Чақасини тўлаб, олиб қолсалар, иш тамом-вассалом!

— Бекор овора бўлибсиз. Мен абонементни аллақачон олиб қўйганман.

— Йўғ-эй. Ҳазиллашмасинлар. Абонементни фақат шу бугундан тарқатяпмиз-ку.

— Мен Киевдаги «Динамо» стадионига абонемент олганман.

— Ие, Киевга кўчиб кетяптиларми? Табриклаймиз, бўлмаса!

— Йўқ. Киевга кўчаётганим йўқ. Ҳафтасига икки кун дам олишга ўтяпмиз. Эрталаб самолётга ўтирсам, Киевга омон-эсон бориб, кечқурун севимли командамнинг ўйинини маза қилиб кўраман-да, эртасига яна Тошкентга бўламан. Қимматга тушсаям, юрагим тинч бўлади! Ҳар йили бир ой-бир ой касалхонада ётишдан қутуламан!

— Ана холос! Бевафолик қилибдилар-да?!

— Кимга?

— «Пахтакор»га.

— Бир ҳафта бу шохда юрса, бир ҳафта нариги шохда юрадиган командага бўлишмай, «бевафо» деган от чиқарсам — чиқарибман!

— Сотқин!..

Кони аччиғим чиққанидан гирдигумни даст кўтариб, пастга итқитаман, деб хезланган эдим, унинг ўзи пилдироқ аравадай, зинапоядан пастга думалаб тушиб кетди. Йўл-йўлакай:

— Бевафо! Сотқин! Бевафо! Сотқин!— деб ўшқирар эди...

Уфф... Уйқунинг тагига ҳам сув кетди. Шу куни эшик билан каравотнинг ўртасида мокидай қатнаш билан умрим ўтди. Ҳали бири «сут-қаймоқ оласизми?»— деб келса, бири «Энага керакмасми?» деб келади, унисини жўнатсанг, буниси «телевизорингизни тузатиб берайликми?» деб ҳол-жонингга қўймайди, хуллас, бунақа дам олгандан кўра, далага чиқиб кетмон чопган минг марта аълo! Лоақал бошинг ғалвадан холи бўлади-ку!

Хотиним билан болаларим ҳайвонот боғидан қайтиб келишганда, Хушвақтовнинг номига қуйидаги аризани битиб ўтирган эдим:

«Идора касаба союз комитетининг раиси

Ўртоқ Хушвақтовга

Ҳафтада икки марта сурункасига берилган дам олиш куни мижозимга тўғри келмагани учун бир кунлик идора фойдасига олмоғингизни ўтиниб-ўтиниб сўрайман. Яъни шуни айтмоқчиманки, бир кунлик дам олиш баҳридан кечиб, шу куни ўз жонажон идорамизга ҳақ олмасдан ишлаб беришга тайёрман».

Турғун ПУЛАТ

ГУЛИСТОНХОНЛАР ЭЪТИБОРИГА

„Гулистон" журналига обуна чекланмаган. „Союзпечать"нинг ҳамма алоқа бўлимлари бажонидил қабул қилади.

Ҳар эҳтимолга қарши, обуна қилишда бирор ишкаллик чиқса „Гулистон"га маълум қилгайсизлар.

„Гулистон" адреси: Тошкент, 47, Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

мўйчинак

мўйчинак

мўйчинак

мўйчинак

мўйчинак

Бош муҳаррир ИБРОҲИМ РАҲИМ. Таҳрир ҳайъати: ИКРОМ АКБАРОВ, ЙЎЛДОШ ШАМШАРОВ, МИРТЕМИР, ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, РАҲИМ АҲМЕДОВ, РУСТАМ РАҲМОН, САЙЁР, СИРОЖИДДИН КАМОЛИТДИНОВ, СУЛТОН АКБАРИЙ (саркотиб), ҲАМИД НУРИЙ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

Бўёқли расмларни Бирлашган нашриётнинг сураткаш усталари С. Йўлдошев, А. В. Швец, И. А. Швец, Т. Зоҳидов, Д. И. Лисенко, Е. Полихропиду, К. Худойқулов, Н. Умаров тайёрлаган.

Зарварақларни В. Я. Азиков қўл остидаги устакорлардан И. Виданов, П. Сосник, Л. Блинова, Я. Гаврилов чоп қилганлар.

«Гулистон»—Общественно-политический и литературно-художественный, иллюстрированный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

«Гулистон» телефонлари: Бош муҳаррир — В 33 520. Бош муҳаррир ўринбосари — В 33590. Саркотиб — В 33659. Ижтимоий-сиёсий бўлим — В 33602. Адабий-бадиий бўлим — В 33590. Қабулхона — В 33519.

Теришга топширилди 11/I 67. Босишга ижозат берилди 3/II-67. Қоғози 70×108 1/16. Ҳажми 5,5 босма тобоқ. Р07056. Буюртма № 2907. Нусхаси 50.000. Баҳоси 30 т.